15200

«KAMOLOT» KUTUBXONASI

Рэй Брэдбери

# Марсга ҳужум



«KAMOLOT» KUTUBXONASI

Рэй Брэдбери

# Марсга ҳужум



ТОШКЕНТ
2016

**УЎК: 821.512.133-3**
**КБК: 84(7Амер)**
**Б – 91** 817
**Брэдбери, Рэй**

Марсга ҳужум: роман. Рэй Брэдбери / Русчадан Амир Файзулла таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 304 б.

ISBN 978-9943-27-612-3

Американинг машҳур фантаст ёзувчиси Рэй Брэдберининг номи ва асарлари ўзбек ўқувчилар[illegible] ҳам яхши таниш. Энди адибнинг шоҳ асари «Марсга ҳужум»ни сиз азиз фантастика ихлосмандларига ҳавола этмоқдамиз. Олтмиш ёшида илк марта учоққа чиққан, уйида эски ёзув машинкасидан бошқа бирорта [illegible]си бўлмаган Рэй Брэдбери фав[illegible] олис-олис галактикаларга худди [illegible]ади ва мўъжизавий таассуротларини жаҳон аҳли [illegible] баҳам кўради.

Муаллифнинг фантастика воситасида бундай ғаройиб «саёҳат»лари замирида улкан мажозий маъно ётади – у Ердаги ҳаёт, хусусан, она табиатга муносабат аллақачон издан чиққанлигини алам, ўкинч ва заҳархандалик билан ифода этади. Ҳатто биз шаффоф марсликлар истиқомат қилади деб тасаввур [illegible] Марс сайёрасининг ҳам мана шу одамлар алла[illegible] бойлигига етиб бўлганини алоқида уқтиради. Бу эса Ерда[illegible] бир одамни чуқурроқ ўйлашга, ҳушёр бўлишга даъв[illegible].

**УЎК: 821.512.133-3**
**КБК: 84(7Амер)**

Русчадан
**[illegible] ФАЙЗУЛЛА**
таржимаси

ISBN 978-9943-27-612-3
© Рэй Брэдбери, «Марсга ҳужум». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

# МАРСГА ҲУЖУМ

*Роман*

> *«Ҳайратга тушиш қобилияти буюк чидир, – деди файласуф. – Космик парвозлар бизларнинг яна болаларга айлантириб қўйди».*

## ЯНВАРЬ 1999 РАКЕТА ЁЗИ

Ҳозиргина Огайо қишки хуморон эди; эшик ва деразалар тақа-тақ ёпилган, ойналарни қалин қиров босган; томларнинг қирраларидан найзасимон сумалаклар осилиб турар, болалар тепаликлардан чанғиларда ўқдек учар, қора айиқ мўйнасидан тикилган пўстинли аёллар сирпанчиқ кўчаларда кезинар эдилар.

Тўсатдан иссиқ ҳаво тўлқини шаҳар бўйлаб ёйилди, худди тасодифан очиқ қолган новвойхона эшигидан чиққан ҳовур сингари ҳамма ёқни иссиқ ҳаво қоплади. Уйлардан шовуллаб сувлар оқди. Буталар ва болаларнинг эгнилари ҳўл бўлди. Томлардан сумалаклар узилиб тушар, ерга тушиб майда-майда бўлар ва эриб кетар эди. Эшиклар ланг очилди. Осмонда булутнинг чоки сўкилди. Болалар эгниларидан свитерларини ечиб отдилар. Онажонлар ҳам айиқ мўйна пўстинларини

SAMARQAND ... INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 3 51488

елкаларидан ташладилар. Қор эриб, ўтлоқзорда бултурги майсалар мунғайиб кўринди.

Ракета ёзи. Оғиздан-оғизга, уйдан-уйга шу икки сўз кўчиб юрар эди: Ракета ёзи. Худди чўл нафасидек қайноқ ҳаво деразалардаги муз нақшларни эритиб юборди, улар ўрнида нафис кашталар сузилиб кўринди. Чанғи ва конькилар бирдан керак бўлмай қолди. Аёзли осмондан тепалик устига қўнаётган қор ергача келмай, ҳаводаёқ қайноқ ёмғирга айланмоқда эди.

Ракета ёзи. Одамлар ёмғир томчилари питрадай тўкилаётган айвондан бошларини чиқариб, қизара бошлаган осмонга қарар эдилар.

Пуштиранг олов ва чўғдек ҳовур уфуриб турган космодромда ракета қаддини ғоз тутиб турар эди. Аёзли қиш тонгида ракета ўзининг қудратли оташ нафаси билан атрофни ёз қилиб юбораётганди. Ракета об-ҳаво яратмоқда ва бир неча лаҳзадан буён чор атрофда ёз ҳукм сурмоқда эди...

## ФЕВРАЛЬ 1999 ЙИЛ

Улар Марс сайёрасида, биллур устунли уйда қуриб қолган денгиз соҳилида яшар эдилар ва ҳар куни эрта билан миссис К.нинг биллур деворлардан етилиб чиққан олтин меваларни еяётганини ёки қайноқ шамол ахлатлар билан биргаликда учириб келган оҳанрабо чангини ҳовучлаб сочганча ўша ерларни тозалаётганини кўриш мумкин эди. Кечга яқин қадимий денгиз ҳаракатсиз ва қайноқ ҳолга келган бир пайтда ҳовлидаги анжир дарахтлари қилт этмай қолар эди ва кўҳна Марс шаҳарчаси ён-ёлғиз сўппайиб турар эди, ҳеч ким кўчага чиқмас, мистер К.ни эса ўз хонасида бўртиқ иероглифларни арфа торлари

каби бармоқлари билан черткилаганча маъдан китобни ўқиётганини кўриш мумкин эди. Унинг қўли остида китоб қўшиқ куйлардики, куйловчи қадимий товуш денгиз ўзанининг қирмизи тумани билан соҳилларни қоплаб олган ва қадимий одамлар маъдан найзалар ва электр тўрлари билан қуролланиб, жангга кетаёт-ган одамлар ҳақида ривоят қиларди.

Мистер ва миссис К. йигирма йил ўлик денгиз соҳилида яшашди, уларнинг оталари ва боболари ҳам, мана, ўн асрдирки, гулга ўхшаб қуёш томонга юз буриб айланиб турган мана шу уйда истиқомат қилиб келган эдилар.

Мистер ва миссис К. ҳали унчалик кекса эмас эдилар. Уларнинг юзлари ойнакамдек марварид-лардек тоза, қорачадан келган эди. Кўзлари олтин тангалардек сап-сариқ, овозлари майин ва ёқимли. Илгари улар кимёвий олов билан суратлар чизишни хуш кўрар эдилар, шароб дарахтла-ри лим-лим тўлиб оқадиган ариқларда сузишни ёқтиришарди, кейин эса тонгга қадар [illegible] хонада мовий нур таратиб турган портретлар та-гида суҳбат қурар эдилар.

Энди улар унчалик бахтли эмас эдилар.

Ўша куни эрталаб миссис К. худди сариқ мум-дан чаплаб ясалгандек, қизиган қумликларнинг узоқ-узоқларга таралаётган жимирлаган ҳовурига қулоқ тутганча устунлар ўртасида тин турар эди.

Нимадир содир бўлиши керак эди.

Аёл кутар эди.

У ана-мана қум устига чақновчи мўъжизани келтириб босмоқчи, сиқмоқчи ва эзиб янчмоқчи бўлган мовий Марс осмонидан кўз узмай қараб турарди.

Аммо ҳамма нарса ўша-ўша эди.

Кутавериш жонига теккач, аёл туманли устун-лар оралиғида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Бўғотдаги тарновлардан ёмғир жилваланиб оқарди, бундан тандирдек қизиган ҳаво бир оз салқин торттандек, унинг баданини силагандек бўларди. Жазирама кунларда бу дарёга тушиб чўмилиш билан баравар эди. Салқин жилвалар ерни хўл қилди. Эрининг китобни тинмай чалаётгани қулоғига чалиниб турарди; қадимги оҳанглар унинг бармоқларига заррача таъсир қилмаётгандек эди.

Аёл ҳаяжонсиз ўйларди: қачонлардир худди анави ўзининг кичи ақли етмас китобларига мўъжаз арфага ёпишгандек маҳкам ёпишиб олган, худди илгари бўлганидек, вақт-соати келиб эри уни ҳам бағрига босишига, юз-кўзларини силаб эркалашга вақт топа олишига имони комил эди.

Афсус! Аёл бошини чайқади, ҳафсаласи пир бўлгандек билинар-билинмас елкаларини учириб қўйди, олтиндранг киприкли кўзларини аста беркитди. Никоҳ ҳаттоки илгаридан таниш бўлган ёш йигит-қизларни ҳам кекса қилиб қўяди...

Аёл ўриндиққа чўкди, ўриндиқ бамисоли унинг бутун вужудини бағрига олди. У асабий қошларини чимирди ва кўзларини юмди. Аёл туш кўра бошлади. Қорача бармоқлари титраб кетди, беихтиёр ҳавода ўйнай бошлади. Лаҳза ўтиб, аёл ўриндиқда чўчиб қаддини ростлади ва оғир-оғир нафас ола бошлади.

У худди бировни кўрмоқчи бўлгандек шоша-пиша хонага разм солиб чиқди. Таажжуб: устунлар оралиғи бўм-бўш эди.

Учбурчак эшикда эри кўринди.

– Сен мени чақирдингми? – ғижиниб сўради эри.

– Йўқ! – деярли қичқириб жавоб берди аёл.

– Менга худди қичқиргандек бўлиб туюлдинг.

– Ростданми? Мен мизғиб туш кўраётган эдим.

– Кундузи-я? Сенда илгари ҳеч бунақа бўлмасди-ку.

Аёлнинг кўзларидан унинг ўзи ҳам туш кўрганидан таажжублангани шундоқ кўриниб турарди.

– Қизиқ, жудаям қизиқ, – ғудранди аёл. – Бу туш...

– Хўш? – эри китобга қайтиб боришга тоқатсизланаётган эди.

– Тушимга бир эркак кирибдики...

– Эркак?

– Баланд бир эркак. Бўйи олти фут бир дюйм[1] келади.

– Бу қанақаси: бутун бошли бир дев, алвастику!

– Нимагадир, – аёл дона-дона қилиб сўзлай бошлади, – у алвастига ўхшамасди. Тўғри, бўйи жуда баланд эди. Унинг – эҳ, биламан, бу гаплар сенга алаҳсирашга ўхшайди – унинг кўзлари кўм-кўк эди!

– Кўзлари кўм-кўк эди, – такрорлади мистер К. – Эй худойим, кейинги гал қанақа туш кўрар экансан-а?! Ҳали қоп-қора сочли одам ҳам кўрдим дерсан.

– Буни қандай билдинг? – деди аёл.

– Шунчаки тўғри келган рангни айтдим-қўйдим-да, – қуруққина жавоб берди эр.

– Ҳа, сочлари қоп-қора! – қичқириб деди аёл. – Бадани эса оппоқ. Жудаям ғалати одам! Эгнидаги кийимлари ҳам ғалати, у осмондан иниб тушди-да, мен билан мулойим гаплаша кетди.

Аёл жилмайди.

– Осмондан эмиш. Шу ҳам гап бўлди-ю.

– У қуёшда чарақлаб турган маъдан машинада учиб келди, – эслай бошлади миссис К. У кўрганларини кўз олдига келтириш учун кўзларини юмди. – Тушимга осмон кирди. Шунда бир нарса

---

[1] Дюйм – ўлчов бирлиги, 1 дюйм 25,5 мм га тенг.

ялт этди. Худди ҳавога отилган тангадек. Кейин у катталаша бошлади. Катталашиб-катталашиб ерга равон тушиб келди, – бу узун кумушранг думалоқ кема, бегона кема эди. Сўнг биқиндаги эшик очилди-да, ундан баланд бўйли бир эркак чиқиб келди.

– Кўпроқ ишлаганингда бундай аҳмоқона тушлар кўрмас эдинг.

– Менга эса бу жуда ёқди, – жавоб берди аёл ўриндиққа ўзини ташлаб. – Шундай нарсаларни тасаввур қиламан деб ҳеч хаёлимга келмаганди. Қоп-қора сочлар, кўм-кўк кўзлар, оппоқ бадан! Қандай ажойиб эркак, бунинг устига, жуда чиройли ҳам.

– Сенга шунақа туюлган.

– Вой ичи қора-ей. Мен шундай бўлишини хоҳлаганмидим, пинакка кетганимда у ўзи пайдо бўлиб қолди. Ҳатто бу тушга ҳам ўхшамайди. Бирдан кутилмаганда, ғайриоддий бир тарзда... У менга қаради-да: шундай деди: «Мен бу кемада учинчи сайёрадан учиб келдим. Менинг исмим Натаниел Йорк».

– Бемаъни исм, – эътироз билдирди эри. – Бунақа бўлиши мумкин эмас.

– Албатта, бемаъни-да, ахир бу туш эди-ку, – итоаткорона кўшилди аёл. – У яна: «Бу коинот орқали биринчи парвозимиз. Кемада биз икки киши эдик, мен ва дўстим Берг», деди.

– Буниси ундан ҳам бемаънироқ исм экан.

– У шундай деди: «Биз ердаги шаҳардан келдик, сайёрамизнинг номи шунақа», – давом этди миссис К. – Бу унинг сўзлари. Ҳа, шундай деди – Ер. Кейин у бизнинг тилимизда гапирмади. Лекин мен бир амаллаб уни тушундим. Зеҳним-да. Бу телепатия, албатта.

Мистер К. орқасига ўгирилиб, кета бошлади. Бироқ хотинининг овозидан у яна тўхтади.

– Илл! – аста чақирди аёл. – Сен ҳеч учинчи сайёрада одам бор-йўқлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисан?

– Учинчи сайёрада ҳаёт бўлиши мумкин эмас. – Босиқлик билан тушунтира бошлади эри. – Олимларимиз шуни аниқлаганларки, у ерда ҳавода кислород ҳаддан ташқари кўп. У ерда одамлар яшаганида қандай зўр бўлар эди-я! Қанақадир ғалати кемаларда коинотда саёҳат қила олишганда нур устига нур бўларди.

– Менга қара, Илл, ўзинг яхши биласан, мен бунақа сафсаталарни жинимдан ёмон кўраман. Ундан кўра ишдан гапир.

Аёл ёмғир томчилиб турган устунлар оралиғида одимлаб юрганида кеч кириб қолган эди. Ўша-ўша куй, ўша-ўша оҳанг.

– Шу ҳам қўшиқ бўлди-ю, – чидаёлмай тўнғиллади эри, олов столга борар экан.

– Билмадим.

Аёл беихтиёр гўшт бўлакларини қайнаб турган оловга ташлади.

– Билмайман. – Иккинчи лаҳзада гўшт пишиб тайёр бўлган эди. Аёл уни олов ичидан олди-да, ликопчага солиб эрига тутди. – Эҳ, балки бу кўнглимга ўз-ўзидан келиб қолган сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмасдир, нимагалигини ўзим ҳам билмайман.

Эри бошқа ҳеч нима демади. Хотинининг гўштни виҷиллаб турган олов ҳалқоби ичига қандай ташлаётганини томоша қилиб турарди. Қуёш уфқ ортига яширинди.

Хонага аста-секин тун кириб кела бошлади, у устун ва эр-хотинни ямлаганча ўзининг тундек

қора шароби билан хона шифтигача лиммо-лим тўлди. Фақат кумушранг олов уларнинг юзларини ғира-шира ёритиб турарди.

Аёл яна ғалати қўшиқни куйлай бошлади.

Эр ўрнидан сапчиб турди-да, ғазаб билан эшик томон йўналди.

Бир оздан сўнг эр кечлик овқатни ўзи тановул қилди.

Столдан турди-да, керишди, хотинига қаради ва эснаб туриб таклиф киритди:

– Олов қушларга миниб шаҳарда бир чигилёзди қилиб келмаймизми?

– Жиддий айтаяпсанми? – сўради хотин, – иситманг йўқми?

– Бунинг нимасига ажабланасан?

– Аҳир биз ярим йилдан бери ҳеч қаёққа борганимиз йўқ-ку?

– Бу ҳам чакки фикр эмас.

Ўзидан ҳайрон бўлганича аёл эрига қаради. Энсаси қотиб, қўлини оғзига олиб борди. Қуёш ботмоқда эди. Атрофни қоронғилик қоплаган сайин худди улкан гул каби уй ёпилиб борар эди. Устунлар оралиғида шабада эсди, олов столда бир миттигина кумушранг олов кўлчаси қайнар эди. Шамол миссис К.нинг қизғиш сочларини тараганча, унинг қулоғига нималарнидир шивирлар эди. Олтинранг хира нигоҳини уфққа, денгизнинг оқиш-сарғиш юзига тикканча у жимгина турар эди. Шунда хотирасида қандайдир қўшиқ сатрлари жонланди:

– Нигоҳимда қадаҳ сузарман, ишқингга шул эрур жавобим, – дея аёл паст ва майин овозда хиргойи қила бошлади. – Лабларимдан май симир, жоним, ўзга майдан гапирма зинҳор.

Миссис К. такрор хиргойи қилди. Бироқ энди сўзларсиз, кўзларини юмиб куйлади, қўллари эса

бамисоли ҳавода рақс тушар эди. Охири у жим бўлиб қолди.

Куй чиндан ҳам ажойиб эди.

– Бу қўшиқни энди эшитяпман. Сен ўзинг тўқидингми? – жиддий оҳангда сўради эри ундан, синовчан боқиб.

– Йўқ... Ҳа... Тўғриси, билмайман! – аёл саросимада эди. – Мен сўзларини ҳам билмайман, аллақандай бегона тилдаги қўшиқ эди.

– Қанақа тилда?

– Бугун қуёш қаёқдан чиқди?

– Кел энди, – қўл силтаб деди эр. – Борасанми-йўқми, шуни айт.

Аёл оқиштоб чўлга разм солди. Икки ошиқ ой уфқ ортидан кўтарилиб чиқди. Муздек сув оёқ панжаларини силар эди. Унинг баданини енгил жимирлаб кетди. Ҳаммадан ҳам аёл шу ерда қолишни, чурқ этмай бир жойда жим ўтиришни хоҳлар эди, у куни билан ўйлаган нарсасининг, содир бўлиши лозим ва содир бўлиши мумкин бўлган нарсанинг амалга ошишини кутмоқда эди... Қўшиқнинг нафис оҳангидан юраги ҳаприқиб кетди.

– Мен...

– Сенга яхши бўлади, – деди эри. – Қани, кетдик.

– Мен чарчадим, – жавоб берди хотини, – бошқа сафар борамиз.

– Мана бу шарфинг, – эр унга шиша идишчани тутди. – Неча ойдирки, иккаламиз ҳеч ерга чиққанимиз йўқ.

– Сенинг ҳафтасига икки мартадан Кси-Ситига қилган сафарларингни ҳисобга олмаганда, – деди у эрига, ундан кўзини олиб қочганча.

– Иш бор, – деди эри.

– Иш бор, – шивирлади аёл.

Шиша идишчадан суюқлик отилиб чиқди. Мовий зулматга айланди-да, аёлнинг бўйни атрофидан вишиллаб айланиб доира ясади.

Теп-текис, муздек қум узра, худди лахча чўғдек чарақлаб, олов қушлар мунтазир эди. Қушларга кўплаб яшил тасмалар билан боғлаб қўйилган оппоқ чодир тунги шимол эпкинидан қаппайиб ҳилпирарди.

Илла чодир остида ётарди, эрининг буйруғи билан олов уфурган қушлар тим қора осмонга кўтарилди. Тасмалар таранглашди, чодир ҳавода сузиб борарди. Қумлар шувуллаганча пастга тўкилди. Мовий тепаликлар уларнинг уйини, емирилган устунларини, қафасдаги гулларини, куйловчи китобларини, ердаги унсиз ирмоқларини орқада қолдирганча шундоқ ёнгиналаридан бир-бир ўтиб борар эди. Аёл эрига қарамасди. Эрининг қушларга қараб қичқиришларини эшитиб турарди. Қушлар эса тобора кўтарилиб борар, шу парвозда улар бамисоли лахча чўғлардек қип-қизил мушакларга ўхшаб кўринар эди.

Аёл пастда милтираб кўриниб турган қадимги ўлик шаҳарларга, худди суякдан ясалган шатранж доналари каби уйларга қарамасди, бўшлиқ ва эрмакларга лиммо-лим қадимги анҳорлар ҳам унинг учун бир хил эди. Бамисоли ой нуридай порлоқ машъал каби улар қуриб қолган дарёлар ва сувсиз кўллар устидан учиб ўтмоқда эдилар.

Аёл фақат осмонга қарар эди.

Эр нимадир деди.

Аёлнинг кўзи осмонда.

– Нима деганимни эшитдингми?

– Нимани?

Эр қаттиқ хўрсинди.

– Сал хушингни йиғсанг бўлармиди...

– Уйга чўмиб қолибман.

– Табиатга бунчалик шайдолигингни билмас эканман. Бугун кўзингни осмондан сира ололмаяпсан.

– Осмон жуда ҳам чиройли.

– Биласанми, мен нима ҳақда ўйладим, – аста давом этди эр, – бугун Халлага телефон қилмаймизми? Бир ҳафтага келяпмиз деб айтамиз. Ундан кўп эмас. Тўғри сизларникига, мовий тоғларга боряпмиз, деймиз. Қалай, зўр фикрми?

– Мовий тоғларга! – аёл бир қўли билан чодир чеккасидан тутди-да, эри томон кескин ўгирилди.

– Бу таклиф, холос.

– Хўш, қачон бормоқчисан? – асабий сўради аёл.

– Йўқ демасанг, эртага эрталабоқ жўнаймиз, – шошиб жавоб берди эр. – Ўзинг биласан, қанча тез бошласанг, шунча...

– Ахир биз ҳеч қачон бундай эрта чиқиб кетмагандик-ку?

– Бу йил шу истисно бўлади, – эр жилмайди. – Ҳолатни ўзгартириб турганга нима етсин. Осуда, тинч яшаш қандай яхши. Хуллас, ўзингдан бошқа гап йўқ. Янглишмасам бошқа режаларинг йўқдир, а ? Қалай, борамизми?

Аёл хўрсинди, чайналди, сўнг деди:

– Йўқ.

– Нима?! – эрнинг овозидан қушлар чўчиб тушди, чодир бир силкинди.

– Йўқ, – қатъий деди аёл, – мен бормайман.

Эр аёлга қаради. Масала ҳал бўлган эди. Аёл орқага ўгирилди. Қушлар учишда давом этди. Шамол қувган ўн минг бурчак тезлигида. Тонгда қуёш биллур устунлар орасидан ўз нурларини сочганча ухлаб ётган Илла устидаги туманни ҳай-

даб юборди. Тун бўйи аёл юмшоқ булут тўшаги узра сузгандек ерда парвоз қилиб чиқди. Туман эса Илла ёстиққа бош қўйган заҳоти деворлардан оқиб тушган эди. Тун бўйи аёл мана шу ҳаракатсиз дарё узра донг қотиб ухлади. Энди булут ғойиб бўлмоқда ва ниҳоят дарё Иллани бедорлик соҳилида қолдирганча уйқуни урарди.

Аёл кўзини очди.

Унинг бошида эри турарди. Эри бу ерда бир неча соатдан бери тургандек бўлиб кўринмоқда эди. Нимагадир Илла эрининг кўзига қарашга ботинолмаётганди.

– Яна шу тушни кўрдингми? – деди у. – Тинмай уйқингда гапираверив, мени мижжа қоқтирмадинг. Врачга кўринмасанг бўлмайди.

– Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ.

– Уйқингда роса алаҳсираганинг-чи.

– Шунақами? – Аёл шошиб туриб ўтирди.

Хона ичи совуқ эди. Тонгги ғира-шира ёруғликда Илланинг қомати намоён бўлди.

– Нима туш кўрдинг?

Аёл эслашга ҳаракат қилиб сукут сақлади.

– Кема. У яна осмондан тушди, ундан баланд бўйли одам чиқиб келди ва мен билан гаплаша бошлади. У бир гапириб ўн кулар, бу эса менга ёқарди.

Мистер К. қўли билан устунни туртди. Ҳовур қоплаган илиқ сув жилғалари хонадаги совуқни ҳайдаб чиқармоқда эди. Мистер К.нинг чеҳраси маъносиз эди.

– Кейин эса, – давом этди аёл, – Натаниел Йорк исмли бу ғалати эркак, сиз гўзалсиз, деди ва мени ўпиб олди.

– Ҳаҳ! – қичқирди эр ва орқага ўгирилди.

– Бу бор-йўғи туш-ку, – деди аёл ўзича хурсанд бўлиб.

– Аҳмоқона аёлча тушларни сўзлашни қачон бас қиласан?

– Худди болага ўхшайсан-а! – у сўнгги бир парча кимёвий туманга ўзини ташлади. Зум ўтмай аёл аста кулиб қўйди.

– Мен яна ниманидир эслай бошладим, – иқрор бўлди аёл.

– Хўш, хўш, нима экан? – қичқирди эр.

– Илл, шунақанги инжиқсанки...

– Бўл, гапир, – талаб қилди эр. – Сен мендан ҳеч нарсани сир тутишинг мумкин эмас.

Эр аёлнинг боши узра ўзининг совуқ, тунд чеҳраси билан унга қараб турарди.

– Мен сени ҳеч қачон бундай ҳолда кўрмагандим, – жавоб берди Илла, уни ҳам қўрқинч, ҳам завқ туйғуси қамраб олганди. – Ҳеч бунақаси бўлмаганди, ўша Натаниел Йорк айтдики... Хуллас, у менга айтдики, мени ўзининг сайёрасига олиб борар экан. Албатта, бу бўлмағур гап.

– Ҳамма гап шунда-да, бўлмаған гап, – дағал овози борича қичқириб деди эр. – Ўзингни сал наридан туриб бир эшитиб кўрганингда эди: у билан бирга ўйнаганингни, у билан гаплашганингни, у билан қўшиқ айтганингни, тун бўйи шундай қилганингни, эй худойим, бир ўзингга разм солиб қараганингда борми?

– Илл!

– У қачон қўнади? Лаънати кемасида қачон пастга тушиб келади?

– Илл, овозингни кўтармасанг-чи.

– Падарига лаънат бу овозинг! – эр ғазаб ичида аёл узра энгашди. – Манови сенинг тушингда... – у аёлнинг панжасини сиқди, – кема яшил водийга қўнгандир-а? Жавоб бер!

– Ҳа, водийга...

– Бугун кечга яқин кўнгандир-да? – тиниб-тинчимаётганди эр.

– Ҳа, ҳа, шунақа бўлса керак. Лекин бу фақат туш эди, холос.

– Бўпти, – эр жаҳл билан унинг қўлини силтади. – Яхшиямки алдамайсан, тушингда айтган ҳамма гапларингни эшитдим. Ҳар бир сўзигача, водийни ҳам, вақтни ҳам ўзинг айтдинг.

Оғир-оғир нафас олганча эр чақмоқдан кўзи қамашгандек устунлар оралаб юриб кетди. Аста-секин унинг нафас олиши равонлашди. Аёл эридан кўз узмас эди – ишқилиб жинни-пинни бўлиб қолмадимикан? Охири аёл ўрнидан турди-да, унинг олдига борди.

– Илл, – пичирлади аёл.

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ...

– Сен касалсан.

– Йўқ, – эр ҳорғин, зўр-базўр жилмайди. – Боладикдан бошқа ҳеч нарса эмас. Мени кечир, азизам. – У аёлни кўполгина силаб қўйди. – Ўзимдан ўтди, кечир. Бўпти, мен бориб ётай...

– Жуда ўзингни уринтириб қўйдинг.

– Энди ҳаммаси жойида. Ўтиб кетди. – Эр уҳ тортиб қўйди. – Кел, буларни унутайлик. Ҳа, мен кеча Уэлл ҳақида бир латифа эшитгандим. Шуни сенга айтиб бермоқчи эдим. Сен нонушта тайёрлайвер, мен сенга латифани айтиб бераман, мана бу ҳақда эса бошқа гаплашмаймиз.

– Бу бор-йўғи туш эди, холос.

– Бўлмаса-чи, – эр беихтиёр унинг юзидан ўпди. – Бор-йўғи туш эди, холос.

Тушга келиб офтоб баттар куйдира бошлади, тоғлар бамисоли унинг ҳовурида сузмоқда эди.

– Шаҳарга бормайсанми? – сўради Илла.

– Шаҳарга? – эр қошини хиёл кўтарди.

– Сен ҳар доим шу куни кетасан, – аёл таглик устидаги гулларни тўғрилади. Гуллар ҳаракатга келиб, катта-катта сариқ ошизларини очди.

Эр китобни ёпди.

– Йўқ, ҳаддан ташқари иссиқ. Бунинг устига, кеч бўлди.

– Шунақа де, – аёл ишни тугатди-да, эшик томонга борди, – мен дарров қайтаман.

– Тўхта, қаёққа?

Аёл эшикка етиб бўлган эди.

– Паонинг олдига. У мени таклиф қилган эди.

– Бугунми?

– Уни кўрмаганимга юз йил бўлди.

– Узоқ эмас-ку. Яшил водийда, агар янглишмасам, шундайми?

– Ҳа, қўл узатса етади. Шундай бир... – Аёл тоқатсиз эди.

– Мени кечир, – деди эр унинг ортидан жуда ташвишли қараганча, – бутунлай эсимдан чиқибди: мен бугун доктор Нллени таклиф қилган эдим-ку.

– Доктор Нллени? – аёл эшик томон йўналди.

Эр уни тирсагидан тутди-да, шаҳд билан хонага қайтариб олиб кирди.

– Ҳа.

– Пао нима бўлади?

– Пао кўчиб кетмайди. Биз Нллени кутиб олишимиз керак.

– Бораману, қайтаман.

Эр йўқ дегандек бошини чайқади.

– Ҳа, йўқ. Бунинг устига, уларнинг уйигача анча юриш керак бўлади. Бутун яшил водийдан ўтиб, катта анҳор ортида-я. Сўнг яна пастга қараб кетилади... Ҳавонниям кўрмайсанми, ёйдираман дейди. Доктор Нлле сени кўриб роса хурсанд бўларди. Эшитдингми?

SAMARQAND ... VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 51488

Аёл ҳеч нима деб жавоб бермади. У фақат бир бало қилиб чиқиб кетса-ю, бу ердан қочиб қолса – шуни ўйларди. Овозининг борича қичқиришни истарди. Лекин у тузоққа тушгандек ўриндиқда ўтирар, аста-аста қимирлатаётган бармоқларидан кўзларини узмасди.

– Илла, – тўнғиллади эр. – Ҳеч қаерга кетмайсан, шундайми?

– Ҳа, – деди аёл узоқ сукунатдан сўнг. – Кетмайман.

– Кун бўйи уйда бўласанми?

Аёл бўғиқ овозда жавоб берди:

– Ҳа, кун бўйи.

Бир неча соат ўтса ҳамки, доктор Нлледан дом-дарак йўқ эди. Афтидан, Илланинг эри бундан у қадар таажжубга тушмаётганди. Кечга яқин у ғудранганча шкаф олдига борди-да, ундан мудҳиш қуролни – бурма чармли ва учида тепкиси бўлган узун сарғиш найчани олди. У бу томонга юзланди – унинг юзида кумуш маъдандан ясалган ниқоб ифодаси йўқ эди. Ҳолбуки, у ўз туйғуларини яшириш учун шу ниқобни кийиб оларди. Бу ниқоб унинг озғин юзи, ияги, манглайидаги барча ўйдим-чуқурларга жудаям мос келарди. Ниқобни кийиб олиб, у ўзининг даҳшатли қуролини қўлида ушлаганча айлантириб томоша қиларди. Қурол тўхтовсиз ғўнғилларди. Гўё у бир дафъада бутун бир олтин асалариларни сочишга қодир эди. Бу асаларилар ўзининг даҳшатли нишлари билан чақар, заҳарларини солиб ўлдирар, сўнг гўё қум устига тушган уруғлардек чала ўлик ҳолда ерга қулар эди.

– Йўл бўлсин? – сўради хотин.

– Нима? – мистер К. чармларга, даҳшатли ғўнғиллашга қулоқ тутди. – Доктор Нлле шунча-

лик хаяллаяптики, уни кутгани ортиқ тоқатим қолмади. Ов овлаб келаман. Дарров қайтаман. Сен эса шу ерда бўлгин, ҳеч қаерга кетма. Хўпми? – кумушранг ниқоб чарақлаб кетди.

– Ҳа.

– Доктор Нллега айтиб қўй, мен дарров қайтаман. Бор-йўғи ов қилгим келиб қолди.

Учбурчак эшик ёпилди. Қияликдан унинг узоқлаётган одимлари товуши эшитилиб турди.

Эри қуёш томон кетиб борар экан, то у кўздан ғойиб бўлгунча аёл унинг ортидан қараб турди. Сўнг ўз юмушларига уннаб кетди: оҳанрабо чангларини тозалаш, биллур деворлардан янги меваларни узиш керак эди. У тиришқоқлик ва шошқалоқлик билан ишлар, бироқ вақти-вақти билан уни қандайдир жазава тутарар эди. Шунда у ўзининг мана бу ғалати, сира шуурини тарк этмаётган қўшиқни куйлаётган ҳолда кўрар, кўзлари эса биллур устунлар ортидан туриб осмонга разм солаётган бўларди.

Аёл нафасини ичига ютганча жим кутар эди.

– Ана, келиб қолишди...

– Ҳозир бошланади.

Шундай кунлар бўладики, момақалдироқ яқинлашиб келаяпти, чор атрофда эса чуқур сукунат ҳукмрон. Шу тоб босим сезилар-сезилмас ўзгаради – бу сайёра узра учиб бораётган ёмон об-ҳавонинг нафаси, унинг сояси, шамоли, пардаси. Ҳаво қулоқларига босим беради, сен эса яқинлашиб келаётган бўронни кутганча тордек таранг тортиласан. Вужудингни титроқ қоплайди. Осмон рангин, булутлар қуюқлашади, тоғлар чўян рангига киради. Катак-катак гуллар огоҳлантирган кўйи аста хўрсинадилар. Бошдаги сочлар хиёл қимирлайди. Уйининг аллақаерида-

ги соат тинимсиз бонг уради: «Вақт, вақт, вақт, вақт...» Соат овози шу қадар майин эшитиладики, гўё бахмал устига тушган сув томчисидек.

Тўсатдан, момоқалдироқ! Электр ялт-юлт қилади ва осмон узра қора тўлқин ва момақалдироқли булутнинг ҳамма нарсани ямлаб юборувчи мавжлари устма-уст ёпирилиб туша бошлайди.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Гарчи осмон очиқ бўлса-да, бўрон яқинлашиб келарди. Гарчи булут бўлмаса-да, чақмоқ чақиши аниқ эди.

Илла сукунат ҳукмрон ёзги хонадон хоналари бўйлаб кезинарди. Ҳар дақиқа осмондан чақмоқ келиб тушиши, ҳавони гумбурлаган овоз билан ларзага солиши, тўп-тўп булутлар босиши мумкин эди. Жимжитлик, йўлакдаги одимлар, биллур эшикнинг қоқилиши – барчаси уни таъқиб этарди ва у ўқдай отилганча уларга пешвоз чиқарди...

«Жинни Илла! – хаёлан кинояли жилмайиб қўйди аёл, – сенинг бу тентак хаёлингга нималар келмайди.

Шу тоб ўша нарса юз берди. Жазирама иссиқ ҳаво худди улкан аланга сингари ёнидан учиб ўтди. Шиддатли товуш қулоқни тешди. Осмон ёришиб, маъданлар чақнади.

Илла беихтиёр қичқириб юборди.

У устунлар орасидан югуриб ўтди-да, эшикни ланг очиб юборди. Аёл тоғларга тикилди. Лекин у ерда ҳеч нарса йўқ эди...

Қиялиқдан пастга отилмоқчи бўлди, бироқ ваъдаси эсига тушиб қолди. У шу ерда бўлиши, ҳеч қаёққа кетмаслиги керак. Доктор ҳар дақиқада келиб қолиши керак, агар у бу ердан кетиб қолса, эрининг жаҳли чиқади.

У тез-тез нафас олганча ва бир қўлини олдинга чўзганча эшик олдида тўхтаб қолди.

Яшил водий ястанган жойда нимаанидир кўринишга ҳаракат қилди, лекин ҳеч нарсани кўрмади.

«Жинни! – у хонага қайтиб келди, – булар ҳаммаси бўлмағур хаёллар, ҳеч нарса бўлмаган. Фақат шунчаки қуш варақ, шамол ёки анҳордаги балиқ. Ўтиргин-да, ўзингга келиб ол.»

Аёл ўтирди.

Ўқ товуши янгради.

Аниқ, баланд аянчли овоз.

Аёл титраб кетди.

Ўқ овози узоқдан келган эди. Бир мартагина отилди. Тезучар асаларилар узоқдан келаётган ғувиллашига ўхшаган биргина ўқ овози. Ундан кейин эса янада аниқроқ, совуқроқ, узоқроқдан келган иккинчи ўқ овози янгради.

Аёл яна титраб кетди ва нимагадир қичқирганча ва бу қичқириқнинг бўғиқлигидан ҳайрат қилганча сапраб ўрнидан турди. Хонадан ташқарига ўқдай учиб, эшикка яқинлашди ва уни ланг очиб юборди.

Ўқ овозининг акс-садоси тобора узоқлашиб борарди.

Охири тинди ҳам.

Аёл бир неча лаҳза бўздай оқарганича ҳовлида туриб қолди.

Ниҳоят, битта-битта босганча бошини солинтириб, у атрофини устунлар ўраб олган хобгоҳлар аро юриб кетди. Бирма-бир ўтиб борар экан, унинг қўллари беихтиёр тарзда нарсаларга тегар, лаблари титрар эди. Зулмат қуюқлашиб бораётган шаробхонада у бир ўзи ўтиргиси келди. У кутар эди. Кейин ёқут қадаҳни олди-да, уни шарфининг учи билан ишқалай бошлади.

Бир вақт узоқдан қадамлар товуши, оёқлар остида эзилган майда қамишларнинг чирс-чирс синганн қулоғига чалинди.

Аёл ўрнидан турди. Жимжит хонанинг ўртасига бориб туриб олди. Қўлидаги қадаҳ ерга тушиб чил-чил бўлди.

Қадамлар уй олдида журъатсиз секинлаша бошлади.

Гапирсинми? «Кир, кира қолсанг-чи», десинми?

Аёл олдинга қараб юрди.

Одимлар энди даҳлиздан эшитилди. Қўл лўкидонни сурди.

Аёл эшикка жилмайди.

Эшик очилди. Аёлнинг юзидаги табассум йўқолиб бўлди.

Бу унинг эри эди. Кумушранг ниқоб хира ярақларди.

Эри ичкарига кирди-да, хотинига бирровгина назар ташлаб қўйди. Кескин ҳаракат билан ғилофни очди, иккита ўлик асаларини силтаб ташлади. Уларнинг ерга тўп-тўп тушганини эшитиб, оёғи билан босиб эзғилади ва ўқдан бўшаган қуролни хона бурчагига қўйиб қўйди. Илла энгашганча синган қадаҳ парчаларини тўплашга беҳуда уринарди.

– Нима қилдинг? – сўради аёл.

– Ҳеч нарса, – жавоб берди эр унга орқа ўгириб тураркан. У юзидан ниқобни олди.

– Милтиқни... қандай отганингни эшитдим. Икки марта.

– Ов овладим. Бўлди, шу. Гоҳ-гоҳ ҳумор қилиб туради. Доктор Нлле келмадими?

– Йўқ.

– Шошма, шошмай тур. – У нафрат билан бармоғини қирсиллатиб қўйди. – Э-ҳа, энди эсимга

келди, биз у билан эртага келишиб қўйгандик-ку. Сира эсимда йўғ-а.

Улар столга ўтиришди. Аёл ўз ликопчасига қараб турарди, бироқ овқатга қўл урай демасди.

– Нима гап? – сўради у кўзини кўтармасдан, гўшт бўлакларини гуриллаган оловга ташларкан.

– Билмадим. Иштаҳам йўқ, – жавоб берди аёл.

– Нимага?

– Билмасам. Шунчаки иштаҳам йўқ.

Шамол булутларни ҳайдай бошлади; қуёш ботиб бўлганди. Хона бирданига тор, муздек бўлиб қолди.

– Мен эслашга ҳаракат қилаяпман, – деди аёл хонадаги жимликни бузиб ва эрининг совуқ чеҳраси, олтин кўзларига қараб қўйди.

– Нимани эсламоқчи бўлдинг? – у шароб хўплади.

– Қўшиқни. Ҳалиги чиройли, ажойиб қўшиқни. – Аёл кўзларини юмди ва қўшиқ айта бошлади, бироқ қўшиқ яхши чиқмади. – Унутибман. Лекин мен нимагадир уни унуттим келмайди. Уни умрбод эсда сақлаб қолсам дейман. – Гўё ҳаракатлар мароми унга ёрдам бериши мумкин бўлгандек, қўлларини равон ҳавода ўйнатиб қўйди. Сўнг ўриндиққа ўзини ташлади. – Йўқ, эслолмаяпман.

Аёл йиғлаб юборди.

– Нега йиғлаяпсан? – сўради эр.

– Билмайман, билмайман. Ҳеч ўзимни қўлга ололмаяпман. Юрагим ғаш. Негалигини ўзим ҳам билмайман, йиғлайман-у, негалигини билмайман, лекин йиғлайвераман.

У кафтлари билан бошини ғижимлади, елкалари титради.

– Эртагача ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасан, – деди эр.

У эрига қарамади. Унинг нигоҳлари фақат яйдоқ чўлга ва тим қора осмонга сочилган ёрқин юлдузларга қадалганди, узоқдан эса совуқ шамол ва узун анҳорлардаги муздек сувнинг шалоплашлари қулоққа чалинарди. Аёл бутун вужуди қалт-қалт титраганча кўзларини юмди.

– Ҳа, – такрорлади у, – эртагача ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетаман.

## АВГУСТ 1999 ЁЗ ТУНИ

Одамлар тош айвонларда тўда-тўда бўлиб турар эдилар, мовий тепаликлар орасидан уларни илғаш ҳам қийин эди. Мармар амфитеатр ортида қоп-қора зулмат ичидан ястанган шаҳарча ва муҳташам уйларнинг кўланкалари кўзга чалинарди, сокин кўллар кумушранг бериб жимирлар, уфқдан уфққача чўзилган анҳорлар ялт-юлт қилар эди. Беғамлик ва сокинлик ҳукмрон Марс сайёрасида ёз оқшоми. Анҳорларнинг ям-яшил сатҳи бўйлаб бамисоли нафис бринч гуллардек қайиқлар у ёқдан бу ёққа қараб сузади. Ёнбағир бўйлаб илонг-биланг саф тортган уйлардаги салқин тун тўшакларида ётганча ошиқ-маъшуқлар эринчоқлик билан бир-бирига шивирлашар эди. Хиёбонлардаги машъалалар тагида қўлларида олтин ўргимчак тўрларини тутган ёш болалар у ёқдан бу ёққа чопиб ўйнашарди. Унда-бунда кумушранг олов биқирлаб қайнаган столларда кечки овқат тайёрланмоқда. Марснинг тунги қисмидаги юзлаб шаҳарларнинг амфитеатрида офтобда қорайган марсликлар тилларанг кўзларини чақнатганча эстрада атрофидаги гўшаларда тўпланган, у ёқдан машшоқларнинг моҳир қўлларига итоаткорона бўйсунган созлар

бамисоли гулларнинг атри каби сокин ҳавода равон куй таратар эди.

Саҳналардан бирида бир аёл қўшиқ айтмоқда.

Тингловчилар сафи бўйлаб шивирлар тўлқини сузиб ўтади.

Қўшиқ узилди. Хонанда аёл қўлини томоғига олиб борди. Сўнг машшоқларга қараб им қоқди, улар куйни янгидан бошлаб чала кетди.

Машшоқлар завқ билан куй чалар, аёл илҳом билан қўшиқ айтарди, бу сафар томошабинлар оҳ деб юборди, ўзларини олдинга ташлашди, кимдир оёққа турди – амфитеатр узра бамисоли қиш қирови қўнгандек бўлди. Чунки аёл куйлаётган қўшиқ ғалати, қўрқинчли, ғайриоддий эди. У куйлашдан тўхташга қанчалик уринмасин, бари бир сўзлар унинг лабларидан беихтиёр учиб чиқмоқда эди:

*Юлдузлар чақнаган тунги осмонда,*
*Порлайди оламни нурга кўмиб ой.*
*Нур билан зулматнинг кураши аро*
*Янада кўрк очар самовий чирой.*

Қўшиқчи аёлнинг қўллари оғзини ёпди. У бутунлай карахт ва саросима ичида қолган эди.

– Бу қанақа сўзлар бўлди? – ҳайрон бўлди машшоқлар.

– Шу ҳам қўшиқми?

– Кимнинг тилида айтиляпти?

Улар ўзларининг олтин трубаларига яна пуфлай кетдилар, яна шу ғаройиб мусиқа янграй бошлади ва аста-секин энди овозларини баралла қўйиб гаплашаётган ва оёққа турган томошабинлар узра сузиб кетди.

– Сенга нима бўлди? – сўрар эди бир-бирларидан машшоқлар.

– Қанақа куй чалган эдинг ўзи?

– Ўзинг қанақа куй чалган эдинг?

Аёл йиғлаб юборди ва саҳнадан чопиб тушиб кетди. Томошабинлар амфитеатрни тарк этдилар. Жунбушга келган барча Марс шаҳарчаларида худди мана шу ҳол содир бўлган эди. Осмонда оппоқ қор ёққан каби ҳамма совуқ домига гирифтор бўлган эди. Зим-зиё хиёбонлардаги машъалалар тагида болалар қўшиқ айтар эдилар:

*Келиб қарасам жавоним бўм-бўш,*
*Ўтирибди ёлгиз кўппагим ночор.*

– Болалар! – овозлар янгради. – Бу қанақа қўшиқ бўлди? Қаердан ўргандингиз уни?

– Улар миямизга ўзидан-ўзи келиб қолди. Ҳатто сўзларини ўзимиз ҳам тушунмаймиз!

Эшиклар ёпилди. Кўча хувиллаб қолди. Мовий қирлар узра яшил юлдуз кўринди.

Марснинг бутун тунги томонида эркаклар зулмат қўйнида ёнларида ётган маъшуқаларининг қўшиқ куйлашларидан уйғониб кетишди.

– Бу қанақа куй бўлди?

Қоқ тунда минглаб уйлардаги аёллар кўзларидан дув-дув ёш тўкканча уйғониб кетдилар ва эрлари уларга тасалли бера бошладилар.

– Тинчлан, тинчлансанг-чи, ухла. Нима бўлди ўзи сенга? Ёмон туш кўрдингми?

– Эртага бир ёмон воқеа содир бўлади.

– Ҳеч нарса бўлмайди, ишимиз жойида-ку!

Аёл титраб-қақшаб йиғлайди.

– Юрагим сезиб турибди. Ўша бало тобора яқин келаяпти, яқин, яқин, яқин!..

– Бизга ҳеч нарса бўлмайди, бас қил, ухла, ухла.

Марсда сокин тонг отмоқда. Худди қоп-қоронғи ва муздек қудуқдагидек сокин тонг. Анҳор сувлари сатҳида юлдузларнинг акси жимирлайди, ҳар бир хонада муштумида олтин ўргимчак уясини чангаллаганча ётган болаларнинг маъсум нафаслари эшитилади, кўлларини бир-бирига чалиштирганча ошиқ-маъшуқлар ухламоқда, ойлар ботган, машъалалар ўчирилган, тош амфитеатрларда зоғ учмайди.

Тонг олдида якка-ю ягона товуш қулоққа чалинади: хувиллаган кўчанинг хув охирида ёлғиз тунги қоровул ҳеч кимга таниш бўлмаган ғалати қўшиқни хиргойи қилганча қоронғилик қўйнида кезинади...

## АВГУСТ 1999 ЕРЛИКЛАР

– Жуда ёпишиб олишди-ку, тақиллатишгани-тақиллатишган-а!

Миссис Ттт жаҳл билан эшикни очди.

– Хўш, нима гап?

– Инглизча гапираяпсизми? – остонада турган одам ҳайрон бўлди.

– Қўлдан келганча, – жавоб берди аёл.

– Соф инглиз тилида-я!

Келган одам қандайдир махсус либосда эди. Унинг ортида яна уч киши турарди; уларнинг барчаси хиёл ҳаяжонда эди – юзлари ял-ял ёнар, бошидан-оёғигача мой юқи.

– Сизларга нима керак ўзи? – кескин оҳангда сўради миссис Ттт.

– Сиз марсликсиз! – келган киши кулди, – бу сўз сизга, албатта, нотаниш. Бизда, ерликларда, шунақа дейишади. – У ҳамроҳларига боши билан имлаб, ишора қилди. – Биз Ердан келдик.

Мен капитан Уильямс. Биз бир соаттина олдин Марсга келиб қўндик. Биз келиб қўнган иккинчи экспедициямиз! Бизгача Биринчи экспедиция келган эди, аммо уларнинг тақдири бизга аён эмас. Нима бўлганда ҳам биз етиб келдик. Сиз эса биз учратган биринчи марслик бўласиз.

– Марслик? – аёлнинг қошлари керилди.

– Сизга Қуёшдан тўртинчи Сайёрада яшаётганингизни айтмоқчиман! Шу аниқми?

– Оддий ҳақиқат, – уларга разм солганча бурнини жийириб деди аёл.

– Биз эса, – киши ўзининг дўмбоқ қизғиш қўлини кўксига босди, – Ердан келдик. Тўғрими, йигитлар?

– Худди шундай, капитан, – бараварига жавоб берди ҳамроҳлар.

– Бу Тирр сайёраси бўлади, – деди аёл, – агар унинг ҳақиқий номини билмоқчи бўлсангиз.

– Тирр, Тирр, – капитан ҳоргин кулиб қўйди. – Ғалати ном экан! Аммо, айтинг-чи, муҳтарама хоним, Сизнинг инглиз тилида бундай бурро гапиришингизни қандай тушунса бўлади?

– Мен гапирмаяпман, – жавоб берди аёл, – мен ўйлаяпман. Телепатия. Яхши боринглар! – шундай дея у эшикни қарсиллатиб ёпди.

Ҳаял ўтмай, бу қўрқинчли одам яна эшикни тақиллата бошлади.

Аёл эшикни очди.

– Тағин нима керак? – сўради у.

Киши ўша жойда турар ва [illegible] ҳаракат қиларди, аммо ундаги аввалги дадиллик кўринмасди. У аёлга қўлини узатди.

– Назаримда, сиз мени яхши тушунмадингиз...

– Нимани? – шартта деди аёл.

Эркак ҳайратдан кўзларини катта-катта очди.

– Биз Ердан учиб келдик!

– Вақтим йўқ, – деди аёл, – ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди – тушлик, уйни йиғиштириш, тикиш, минг хил майда-чуйда ишлар... Сизга, эҳтимол, мистер Ттт керакдир. У тепада ўзининг хонасида ўтирибди.

– Ҳа, ҳа, – бир нарсани англагандек кўзларини пирпиратиб деди Ердан келган одам. – Худо ҳақи, мистер Тттни чақиринг.

– У band. – Шундай деб аёл яна эшикни қарсиллатиб ёпди...

Бу гал меҳмон эшикни одатдагидан кўпроқ тарақа тақиллата бошлади.

– Биласизми нима? – қичқириб деди меҳмон эшик очилар-очилмас. У гўё мезбонни ҳанг-манг қилиб қўймоқчидек даҳлизга бостириб кирди. – Меҳмон деганни бундай кутмайдилар-да!

– Полни ёғ тушса ялагудек қилиб қўйганман! – қовоғини уйиб деди аёл. – Афт-ангорингизни қаранг, ҳамма ёғингиз ифлос, йўқолинглар кўзимдан! Агар уйимга кирмоқчи бўлсангиз, аввал оёғингизни тозалаб келинг!

Меҳмон ваҳима билан ўзининг ифлос оёқ кийимига қараб қўйди.

– Ҳозир ади-бади айтишиб ўтирадиган пайт эмас, – қатъий оҳангда деди киши. – Вазият шунақа. Буни нишонлашимиз керак!

Уларнинг кўнгилларидагини сўзсиз англаш учун меҳмон аёлга қаттиқ тикилиб қаради.

– Агар менинг биллур кулчаларим куйиб кетган бўлса, – деди қичқириб аёл, – сизларни калтак билан!..

Шундай дея аёл вишиллаб турган мўъжазгина печка томон югурди. Сўнг терга ботган, бўғриққан ҳолда қайтиб келди. Унинг кўзлари сап-сариқ, бадани қорача, ўзи озғин ва чаққон,

худди ҳашарот дейсиз... Овози чиннидек жаранглarди.

– Шу ерда кутиб туринглар. Мен бориб қарай-чи, балки бирон дақиқадан кейин мистер Тттнинг ҳузурига киришингиз мумкин бўлар, – унда нима ишингиз бор эди ўзи?

– Унга айтинг, биз Ердан биринчи марта бу ерга учиб келдик!

– Нима биринчи марта? – аёл офтобда куйган қўлини баландга кўтарди. – Бўпти, буниси муҳим эмас, мен ҳозир келаман.

Тош уйниг йўлакларидан унинг қадам товушлари қулоққа чалиниб турди.

Тепада эса ҳаддан ташқари кўк, жазирама марс осмони – худди чуқур иссиқ денгиз қотиб қолгандек. Бамисоли улкан қайноқ қозон устида тургандек Марс чўли узра парда ёйилиб кела бошлади. Сал наридаги тепанинг чўққисида учини осмонга қадаганча унча катта бўлмаган самовий кема турарди. Ундан тош уй эшиги томонга йирик-йирик оёқ излари тизилиб келган эди.

Тепадаги иккинчи қаватда бақириқ-чақириқ овозлари эшитиларди. Эшик тагидаги одамлар бир-бирига қарар, оғирликларини гоҳ у оёқларига гоҳ бу оёқларига солар, камарларини тўғрилар эдилар. Тепада қандайдир эркак овозининг ўшқиргани эшитилди. Унга аёл овози жавоб айтди: чорак соатдан кейин ерликлар нима қилишларини билмай, ошхонада у ёқдан бу ёққа бориб кела бошладилар.

– Чекамизми? – деди улардан бири.

Иккинчиси сигарета олди – улар чека бошлашди. Барчалари шошмайгина оппоқ тутунни ичга тортар эдилар. Курткаларининг ғижимларини ёйишди, ёқаларини тўғрилашди, тепадаги овоз-

лар ҳамон гувиллар, шанғиллар эди. Командир соатига қаради.

– Йигирма беш дақиқа, – деди у. – У ёқда нима бўлаётган экан-а?

У деразa олдига келди-да, ташқарига қаради.

– Кун ёнаяпти, – деди фазогирлардан бири.

– Гапирманг, – эринчоқлик билан қўлини сўрди, тушки офтобдан ҳолсизланган иккинчиси.

Тепадагиларнинг овозлари бўғиқ ғулдирашга айланди, сўнг бутунлай тинчиб қолди. Бутун уйда тиқ этган товуш эшитилмайди. Ҳар ким фақат ўзининг нафасинигина эшитади, холос.

Шу алпозда бир соат ўтди.

– Биз туфайли бирор кор-ҳол рўй бермадимикан? – деди командир меҳмонхона эшиги ёнига яқинлашаркан ва ўша томонга қаради.

Миссис Ттт гулларига сув қуйиб хона ўртасида турарди.

– Мен бўлсам бунақасини унутиб юборганман деб юрибман... – деди аёл капитанни кўриб. У ошхонага чиқди. – Кечирасиз, – аёл унга бир парча қоғозни узатди. – Мистер Ттт жуда band. – У ўзининг идиш-товоқларига ўгирилди. – Бари бир сизга у эмас, балки Мистер Ааа керакдир. Мана бу қоғозни олиб, мовий анҳор ёнидаги қўшни қўрғонга боринг, у ерда мистер Ааа сиз билмоқчи бўлган ҳамма нарсани айтиб беради.

– Биз ҳеч нарсани билишимиз керак эмас, – эътироз билдирди командир дўрдоқ лабларини шишириб. – Бусиз ҳам биз ҳамма нарсани биламиз.

– Қоғозни олдингиз, сизга тағин нима керак? – кескин оҳангда сўради аёл. Улар аёлдан шундан бошқа нарса ола олмас эдилар.

– Бўпти, – деди командир. Унинг ҳамон кетгиси йўқ эди. У гўё бир нарсани кутаётгандек жо-

йидан қимир этмасди. Худди янги йил арчасини томоша қилаётган гўдакдек анграйиб қараб турарди. – Бўпти, – такрорлади у. – Қани, кетдик йигитлар.

Шундай қилиб тўртовлон ерлик уйдан чиқишди-да, диққинафас жимжит ёз куни қўйнига шўнғиб кетишди.

Ярим соатдан кейин ўзининг кутубхонасида савлат тўкиб ўтирган мистер Ааа темир пиёласидан электр алангасини ҳўплаганча тош терилган йўлакдан овозлар келаётганини эшитди. У гавдасини деразадан чиқариб, бир хил кийинган тўрттала одамга кўзларини қисиб қарай бошлади.

– Мистер Ааа сизмисиз? – сўрашди улар.

– Мен.

– Бизни сизга мистер Ттт юборди, – қичқирди командир.

– Нима сабабдан? – сўради Ааа.

– У банд экан!

– Ҳм, биласизми, бу... – ғижиниб деди мистер Ааа. – Аллақаердаги бекорчихўжаларнинг кўнгилларини олишдан менинг бошқа ташвишим йўқ деб ўйладимикан?

– Ҳозир бунинг аҳамияти йўқ, сэр! – қичқирди командир.

– Менга эса аҳамияти бор. Бир дунё китоб йиғилиб қолган, уларни ўқиб чиқишим керак. Мистер Ттт ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўйган. У менга биринчи марта бундай сурбетларча муомала қилаётгани йўқ. Илтимос, қўлингизни силкитманг, жаноб! Мени тинч қўйинг! Сиз буларни эътиборга олмасангиз бўлмайди. Мен гапираётганимда одамлар қулоқ солишига ўрганиб қолганман. Илтимос, гапимни охиригача эшитинг! Акс ҳолда мен сиз билан умуман гаплашмайман.

Тўрттала киши пастда оғизларини очганча саросима ичида депсинар эдилар. Капитаннинг пешонасидаги томирлар бўртиб чиқди. Ҳатто кўзларида ёш йилтиллади.

– Ана шунақа, – насиҳат қилишда давом этди мистер Ааа. – Хўш, ўйлаб қаранг-а, мистер Тттнинг мени шундай писанд қилмаслиги яхши ишми?

Тўрттала келгинди жазирама куннинг ҳовури орасидан унга ҳайрат билан қараб турарди. Капитаннинг тоқати тоқ бўлди:

– Биз Ердан учиб келдик!

– Менимча, у жуда ҳам одобсизликни ҳаддидан ошириб юборди, – минғирлади мистер Ааа.

– Самовий кема. Биз ракетада учиб келдик. Ана у!

– Кошки у биринчи марта менга нисбатан шундай нописандлик қилаётган бўлса?

– Тушунаяпсизми – Ердан!

– У мендан кўради ҳали, мен унга қўнғироқ қиламан-да, боплаб тузлайман, ҳа, ҳа!

– Биз тўрттамиз – мен ва мана бу учаласи. Кемам экипажи.

– Мана ҳозир трубкани оламан-у, қўнғироқ қиламан.

– Ер. Ракета. Одамлар. Парвоз. Само.

– Қўнғироқ қиламан-да, боплаб таъзирини бераман, – қичқирди мистер Ааа ва худди театрдаги қўғирчоқдек деразадан ғойиб бўлди.

Қандайдир номаълум аппаратда икки кишининг қаттиқ айтишаётгани баралла эшитилиб турарди. Капитан ва унинг командаси ўзларининг нафис сарвқомат ва жонажон ракеталарига мунгли қараганча ҳовлида тик туришарди.

Мистер Ааа деразадан гавдасини чиқариб, тантанавор эълон қилди:

– Мен уни дуэлга чақирдим. Виждоним ҳақи. Эшитдингизми, дуэлга.

– Мистер Ааа, – босиқлик билан гап бошлади капитан.

– Шартта отиб ташлайман, мана мени айтди дерсиз!

– Мистер Ааа, илтимос, гапимга қулоқ солинг. Биз олтмиш миллион миллик йўлни босиб келаяпмиз.

Мистер Ааа биринчи марта капитанга эътибор қилди.

– Шошманг, нима дедингиз? Ие, қаердан келдик дедингиз?

Капитан оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди. У ўзича шивирлади:

– Ҳайрият-ей, энди ўзига келди! – сўнг баланд овозда деди: – Олтмиш миллион миллик наридаги Ер сайёрасидан келдик!

Мистер Ааа эснади. У қўлига қандайдир даҳшатли қуролни олди.

– Бўпти, мен кетдим. Мана бу аҳмоқона хатингизни олинг. Билмадим, бу хат сизга нима каромат кўрсатади, кейин анови тепаликдан шаҳарчага ўтиб боринг. У Иопр деб аталади. У ерда дардингизни мистер Иипга айтасиз. У айнан сизга керак одам. Сизга анови мистер Тттнинг кераги йўқ эди. Томи кетган, уни нариги дунёга, албатта, жўнатмай қўймайман. Лекин буни мен қилмайман. Бу менинг вазифамга кирмайди.

– Вазифа, вазифа! – эрмак қилиб деди командир. – Ердан келган одамларни қабул қилиш керак бўлганда аллақандай вазифага бало борми?

– Бунақа бемаъни гапларингизни қўйинг! Буни ҳамма билади. – Мистер Ааа зинадан пастга қараб чопди. – Яхши қолинг!

Шундай дея у ит қувлаган соқовдек пилдираб кетди.

Фазогирлар мутлақо ҳанг-манг бўлиб қолишди. Охири капитан деди:

– Йўқ, бари бир, гапимизга қулоқ соладиган одамни топмай қўймаймиз.

– Ҳозирча кетиб, кейин қайтиб келсак-чи? – мунгли ҳолда деди ўртоқларидан бири. – Учиб кетиб яна қўнсак, учиб кетиб яна қўнсак. Бунгача уларнинг ақли кириб, бизларни кутиб олишга тараддуд кўришармиди.

– Ҳа, шундай қилмаса бўлмайдиганга ўхшайди, – тўнғиллаб деди ғамгин капитан.

Шаҳарча жиз-биз эди. Марсликлар уйларига гоҳ кириб, гоҳ чиқар, бир-бири билан саломлашардилар, улар юзларига ёқимли хилма-хиллик учун олтин, мовий, қизил рангдаги ниқоблар кийиб олган эдилар, бундан ташқари, кумуш лабли ва бринч қошли, кулиб турган ва тумшайган ниқоблар ҳам бор эди. Хуллас, ҳар бир ниқоб ўз эгасининг ахлоқини намойиш этиб турарди. Узоқ йўл босиб, қора терга ботган ерликлар тўхтадилар ва ёшгина қизалоқдан мистер Иттнинг қаерда яшашини сўрадилар.

– Ҳов, ана у ерда, – боши билан имлаб кўрсатди қизалоқ.

Капитан тоқатсизлик билан, эҳтиёткорона бир тиззасига чўкди-да, қизалоқнинг маъсумгина чеҳрасига қаради.

– Ҳой қизалоқ, биласанми, сенга бир нарса айтмоқчиман.

У қизалоқни тиззасига ўтқазди-да, кенг кафтлари билан унинг қорача қўлчаларини сиқди, гўё тун бўйи унга эртак сўзламоқчидек, гўё бир-бириданқизиқ воқеа ва тафсилотларни шошмасдан

қизалоқнинг ёш шуурига эринмай жойламоқчи бўлгандек.

– Биласанми, жажжигинам, ярим йил муқаддам Марсга бошқа бир ракета учиб келар эди. Унда Йорк исмли бир одам ўз ёрдамчиси билан бўларди. Биз унга нима бўлганини билмаймиз. Балки улар ҳалокатга учрагандир, улар ракетада учиб келар эдилар, биз ҳам ракетада учиб келдик. Ишонмасанг, ана, бир кўриб қўй-а, қара, қандай катта ракета! Шунинг учун биз иккинчи экспедициямиз, биздан олдин эса биринчи бўлган эди. Биз Ернинг ўзидан узоқ учиб келдик...

Қизалоқ беихтиёр бир қўлини бўшатди-да, юзига лоқайдликни ифода этувчи олтин ниқобни тушириб олди. Сўнг ўйинчоқ олтин ўргимчак уясини олиб, уни ерга тушириб юборди, капитан эса ҳамон унга уқтирарди. Ўйинчоқ ўргимчак итоаткорона қизалоқнинг тиззасига ўрмалаб чиқди, қизалоқ эса лоқайд бир тарзда ҳалиги ниқобининг тирқишчасидан уни кузатиб турарди: капитан беозоргина ўргимчакни итқитиб юборди-да, ўз саргузаштларини ҳикоя қилишда давом этди.

– Биз – ерликлармиз, деди у. – Гапимга ишонасанми?

– Ҳа, – қизалоқ оёқларининг бармоқлари қумда нималар чизаётганига кўзининг қири билан қараб турарди.

– Жуда ақлли қизалоқ экансан, – командир уни ўзига қаратиш учун қизалоқнинг қўлини ярим ҳазил-ярим чин билан чимчилаб қўйди. – Биз ўзимизга ракета қуриб олдик, бунга ишонасанми?

Қизалоқ бармоғини бурнига тиқди.

– А-ҳа.

– Ва... йўқ, йўқ, дўногинам. Бармоғингни бурнингдан ол... Ва мен самовий кема командири ва...

– Бундай ракетада тарихда ҳали ҳеч ким ҳеч қачон коинотга чиққан эмас, – дона-дона қилиб деди кўзларини қисганча қизалоқ.

– Қойил! Буни қандай биласан?

– Телепатия, – у бармоғини наридан-бери тиззасига суртди.

– Хўш? Наҳотки, бу сени озгина бўлса-да қизиқтирмаса? – деярли қичқириб деди командир. – Наҳотки, бундан хурсанд эмассан?

– Ундан кўра сиз мистер Иийнинг олдига борсангиз яхши бўларди, – қизалоқ уйинчоқни ерга тушириб юборди. – У сизлар билан жон-жон деб гаплашади.

Шундай дея қизалоқ изма-из ўзи билан югуриб кетаётган ўйинчоқ-ўргимчак ҳамроҳлигида қочиб кетди.

Командир қизга қўлини узатганча ва орқасидан қараганча жойида ўтириб қолаверди. У кўзларига ёш қалқиб чиққанини ҳис қилди. Ночор аҳволда оғзини очиб, бўм-бўш қўлларига қараб қўйди. Ўз сояларидан кўз узмай, ўртоқлари унинг ёнида турарди. Улар йўлдаги тошларга тикилишди...

Мистер Иийнинг ўзи эшикни очди. У маъруzaга шошарди, бироқ агар тезроқ ичкарига кириб муддаога кўчиб қолишса, улар учун бир неча дақиқа вақтини ажратишга тайёр эди.

– Кўп вақтингизни олмаймиз, – деди капитан шишган қовоқларини ҳоргин кўтариб. – Биз Ердан келганмиз, анави ерда ракетамиз турибди, биз тўрттамиз – уч фазогир ва командир. Биз бутунлай ҳолдан тойганмиз, қорнимиз оч. Ухлашга қулай жой қидиряпмиз. Кимдир бизга шаҳарча калитини топширса ёки шунга ўхшаган бирор

ёрдам берса яхши бўларди, қўлларимизни қисиб, урра деб қичқиришса, «табриклаймиз, чол бобо-лар!» дейишса бошимиз кўкка етар эди. Бор-йўқ илтимосимиз шу!

Мистер Иии дароз гавдали, қалин кўк шиша-ли кўзойнак ортига яширинган сарғиш кўзли одам эди. Ёзув столи узра энгашиб, у қандайдир қоғозларни ўйчан варақларди, ора-чора синчков нигоҳлари билан меҳмонларга қараб қўярди.

– Бу иш қоғозлари қайси гўрга кетди экан-а.
– У столнинг барча тортмаларини титиб чиқди.
– Қаерга қўйдим-а? – у қовоғини уйди. – Қаерда-дир, мана бу ердамиди-ей... Эй, ҳа, мана улар! Марҳамат! – у шиддат билан капитанга қоғозни узатди. – Сиз буларга имзо чекишингиз керак.

– Мана бу даҳмазаларни ўқиб чиқишимиз ке-ракми? – сўради командир.

Кўзойнакнинг қалин шишалари капитанга қа-далди.

– Ахир ўзингиз айтмадингизми, Ердан келдик деб? Шундай экан, бунга имзо чекинг, вассалом.

Капитан имзо чекди.

– Команда ҳам имзо чекиши керакми?

Мистер Иии унга қаради, қолган учаласига ҳам қаради ва масхараомуз қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Улар ҳам имзо чекиши керакми?! Ваҳ-ҳаҳ-ҳа! Эй, қойил-эй! Улар... улар... – унинг кўзлари-дан ёш оқа кетди. У тиззасига шап этиб урди-да, кулгидан икки букилиб қолди. У оғзини каррак-дек очиб кулар эди. У столга ёпишиб олди. – Улар ҳам имзо чексин эмиш!..

Фазогирлар хўмрайишди.

– Бунинг нима куладиган жойи бор экан?

– Улар ҳам имзо чексин эмиш! – азбаройи кўп кулганидан чарчаб, уҳ тортиб деди мистер Иии.

– Тағин кулгили эмасмиш! Мен буларни албатта мистер Цццга айтаман! – у кулгидан ўзини тўхтатолмай, имзо чекилган иш қоғозларига кўз югуртирди. – Ҳаммаси жойидагa ўхшайди. – У бош ирғаб қўйди. – Ахир оқир-оқибатда зарур бўлиб қолса, ҳатто эвтаназияга ҳам рози улар. – У яна узоқ ҳиңгирлаб кулди.

– Нимага рози!

– Бўпти, қўяверинг, менинг сизга асраган бир нарсам бор. Мана. Манави калитни олинг.

Капитаннинг юзи кундай ёришиб кетди.

– О, бу қандай буюк шараф!

– Бу шаҳар калити эмас, тўнка! – тўнғиллади мистер Иии. – Уйнинг калити. Йўлакдан тўғри боринглар-да, катта эшикни очинг, ичкарига киринг-да, уни зичлаб ёпиб қўйинг. Ўша ерда тунашингиз мумкин. Эрталаб эса мен ҳузурингизга мистер Цццни юбораман.

Капитан журъатсизгина калитни олди. У бошини хам қилиб турарди. Ўртоқлари жойидан қилт этмасди. Гўё баданларидаги ҳамма қон сўриб олингандек, улар тамоман ҳолдан тойган эдилар.

– Хўш, тағин нима? Нима гап ўзи? – сўради мистер Иии. – Нимани кутаяпсиз? Нима хоҳлайсиз? – У капитанга яқинроқ борди-да, бошини эгиб пастдан унинг юзига қаради. – Гапиринг, ахир!

– Сиз ҳатто... – деб гап бошлади капитан. – Яна айтмоқчиманки... ўйлашга ҳам... – у чайналди. – Биз қаттиқ меҳнат қилдик, узоқ йўл босиб келдик, балки, ҳалиги, нима эди, қўлимизни сиқарсиз ва... ҳеч бўлмаганда «баракалла!» дерсиз... – У жим бўлиб қолди.

Мистер Иии истамайгина унга қўлини тутди.

– Табриклайман! – унинг лабларида совуқ табассум жилваланди. – Табриклайман. – У орқа

ўгирди. – Энди мен борай. Калитни эсингиздан чиқарманг.

Шундай дея у гўё меҳмонлар ҳавода эриб кетгандек, уларга ортиқ эътибор ҳам қилмай, хона бўйлаб юрар экан, мистер Иии ихчамгина портфелига қандайдир қоғозларни тиқди. Бу нари борса беш дақиқача давом этди ва бу вақт ичида у бирор марта ҳам ковоғини уйиб турган тўрттала меҳмонга чурқ этиб оғиз очмади. Меҳмонлар эса бошларини эгганча ҳоргин кўзларини ерга тикиб, бурунларидан тортса йиқилгудек бир ҳолда зўрға оёқда туришарди.

Чиқиб кета туриб, мистер Иии тирноқларига синчковлик билан разм солди.

Кечқурунги ғира-ширaликда йўлак бўйлаб кетиб боришарди. Улар катта ялтиллаган кумушранг эшик олдида тўхташди ва кумуш калит билан уни очишди. Ичкарига кириб эшикни зичлаб ёпишди-да, атрофга разм солиб қарашди.

Улар кенг, чароғон залда туришарди. Эркаклар ва аёллар столларда ўтиришар, тўп-тўп бўлиб туришар, суҳбатлашишар эди. Қулфнинг шиқирлаганини эшитиб, улар қайрилиб қарашди ва махсус либос кийган тўрттала одамга тикилиб қолишди.

Марсликлардан биттаси улар олдига бориб таъзим қилди.

– Мен мистер Ууман, – таништирди у ўзини.

– Мен эса Нью-Йоркдан, Ердан келган капитан Жонатан Уильямсман, – жавоб берди капитан пинагини ҳам бузмай.

Бирдан залда гулдурос қарсаклар янгради.

Қийқириқ ва ҳайқириқлардан шифт ларзага келди. Қўлларини силкиттан, ҳайқириб қичқирган, столларни агдар-тўнтар қилган, бир-бирини

турттанча марсликлар залнинг барча томонидан ўзларини ерликлар томон отишди, уларни маҳкам қучоқлаб тўртталасини ҳам қўлларига кўтариб олишди. Олти марта улар меҳмонларни елкаларида кўтариб бутун зални айланиб чиқишди. Олти марта югуриб фахрий доира ясашди, улар тўхтовсиз сакрар, ирғишлар, рақс тушар, баланд овозда қўшиқ айтар эдилар. Ерликлар шу қадар ҳанг-манг бўлиб қолишдики, бутун бир дақиқа давомида уларни кўтариб турган елкалар узра миниб юришди, шундан кейингина ўзларига келиб, кула бошлашди ва бир-бирларига қараб:

– Ана, холос, мана бу бошқа гап! – дея қичқира бошлашди.

– Зўр! Аллақачон шундай қилиш керак эди! Э-ҳа, у-ҳа-ҳа, воҳ-воҳ!

Улар тантанали суратда бир-бирларига им қоқар, кафтларини бир-бирларига уриб қаттиқ-қаттиқ чапак чалар эдилар.

– Э-ҳе!!!

– Ўр-ра! – ҳайқирарди оломон. Марсликлар ерликни стол устига қўйишди. Қийқириқлар тинди, капитан сал бўлмаса ҳўнграб юбораёзди.

– Раҳмат сизларга, катта, раҳмат. Бу иш зўр бўлди...

– Ўзингиз ҳақингизда сўзлаб беринг, – таклиф қилди мистер Ууу.

Халойиқ ҳаяжон ичида оҳ ва уҳ деб хўрсинар эди. Капитан ўз ўртоқларини бир-бир таништириб чиқди. Уларнинг ҳар бири қисқа-қисқа нутқ ирод қилди, ҳар бирининг нутқи гулдирос қарсаклар ва ҳайқириқлар билан бўлиниб турди.

Мистер Ууу капитаннинг елкасига шапатилаб қўйди.

– Ҳамюртингни бу ерда учратишдан зўр нарса бор эканми! Ахир мен ҳам Ердан келганман-да.

– Ие, қандай қилиб?

– Шундай қилиб. Биз Ердан келганлар анчагинамиз.

– Сиз-а? Ердан келганмисиз? – капитан кўзларини чақчайтирди. – Бундай бўлиши мумкин эмас! Сизлар ҳам ракетада келганмисизлар? Фазовий парвозлар қайси асрдан бошланган эди? – унинг овозида тушкунлик сезилиб турарди. – Дарвоқе, қаердансизлар, қайси мамлакатдансизлар?

– Туиэреолдан. Мен бу ерга руҳ кучи билан кўп йиллар илгари келганман.

– Туиэреол... – аста такрорлади капитан. – Бундай мамлакатни билмайман. Руҳ кучи нима дегани ўзи?..

– Мана миссис Ррр, у ҳам Ердан келган, тўғрими, мистер Ррр?

Мистер Ррр бош ирғади ва ғалати жилмайиб қўйди.

– Мистер Юю ҳам, мистер Шшш ҳам, мистер Ввв ҳам!

– Мен эса Юпитердан келганман, – ўзини таништирди бир эркак ғўдайиб.

– Мен эса Сатурндан келганман, – унинг гапини илиб кетди кўзларини айёрона йилтиллатиб бошқа бири.

– Юпитер, Сатурн... – бидирлади капитан кўзларини пирпиратиб.

Зим-зиё қоронғилик тушган эди. Марсликлар фазогирлар атрофида ивирсир, столларда ўтирардилар, бироқ столлар бўм-бўш бўлиб, зиёфатдан ном-нишон йўқ эди. Сариқ кўзлар чақнар, ёноқларининг тагида чуқур-чуқур соялар ўйнарди, шунда капитан залда деразалар йўқлигини, ёруғ тўғри деворлар орасидан ўтиб келаётгани-

ни пайқаб қолди. Эшик ҳам бор-йўғи биттагина эди. Капитан лунжини осилтирди.

– Бир тийинга қиммат нарсалар! Туиэреол дегани қаерда экан-а? Америкадан узоқми?

– Америка нима дегани?

– Америка ҳақида эшитмаганмисиз?! Ўзингиз Ерданман деб айтасиз-у, тағин Американи билмайсиз-а?

Мистер Ууу жаҳл билан бошини силтади.

– Ер бошдан-оёқ денгиз, денгиздан бошқа ҳеч нарса йўқ. У ерда ҳеч қандай қуруқлик йўқ. Ўзим ўша ерданман, мен билмай, ким билсин.

– Шошманг, – капитан орқага бир одим тисарилди, – сиз ғирт марслик экансиз! Кўзларингиз сап-сариқ, баданингиз қорача...

– Ер нуқул жунгалилар билан қопланган, – мағрур гап қўшди мистер Ррр. – Мен Оррдан-ман, қумуш маданияти мамлакатиданман!

Капитан нигоҳини бир чеҳрадан бошқа чеҳрага, мистер Ууудан мистер Ююга, мистер Ююдан мистер Зззга, мистер Зззддан мистер Ннга, мистер Хххдан мистер Бббга олди. У марсликларнинг кўзлари бир қорайиб, бир кенгаяётганини, бир чақчайиб, бир хиралашганини кўриб турарди. Унинг вужудини титроқ босди. Ниҳоят, у ўз ҳамроҳлари томон ўгирилди-да, маъюс деди:

– Бунинг нима эканини тушундиларингми?

– Нимани, капитан?

– Бу ҳеч ҳам тантанали учрашув эмас, – ҳорғин деди у, – шошилинч қабул ҳам эмас. Зиёфат ҳам эмас. Биз бу ерда ҳурматли меҳмонлар ҳам эмасмиз. Улар эса Марс ҳукуматининг вакиллари ҳам эмас. Уларнинг кўзларига бир қаранг-а, нутқларига яхшилаб қулоқ солиб кўринг-а!

Фазогирлар нафасларини ичларига ютишди. Кўзларини ола-кула қилганча улар аста-секин ғалати залга нигоҳ югуртира бошлашди.

– Энди билдим, – капитаннинг овози гўё узоқдан келаётгандек эди. – Билдим, улар бекорга бизга янги манзилларини беришмабди ва биз то мистер Иииия учратгунча бошқа бировнинг олдига жўнатишмабди... Улар бекорга бизга аниқ манзил билан калитни бериб, эшикни очиб кириб, ичкаридан қаттиқ ёпиб олишимизни тайинлашмаган экан. Биз қўлга тушдик...

– Қўлга тушдик дейсизми, командир? Кимнинг қўлига?

Капитан шалвираб қолди.

– Жиннихонага тушибмиз.

Тун чўкди. Шаффоф деворларнинг орасига яширилган чироқлардан таралаётган хира-шира нурга тўлган кенг табобий уйда сукунат ҳукмрон эди. Тўрттала ерлик ёғоч стол атрофида ўтирганча бошларини хам қилиб, шивирлашар эдилар. Ерда айқаш-уйқаш бўлиб эркак ва аёллар ухлар эдилар. Қоп-қоронғи бурчакларда нималардир ғимирлар, якка-дукка кўланкалар қўлларини ғалати-ғалати силкир эдилар. Ҳар ярим соатда фазогирлардан бирон кишини кумуш эшик олдига борарди-да, стол олдига қайтиб келарди.

– Фойдаси йўқ, капитан. Биз бу ердан энди чиқиб кетолмаймиз.

– Капитан, наҳотки бизни жинни деб ўйлашган бўлса?!

– Бўлмаса-чи?! Акс ҳолда нега бизнинг келишимизни тантанали кутиб олишмади? Биз улар учун шунчаки руҳий касаллармиз, биздақалар бу ерда тўлиб-тошиб ётибди. – У ухлаб ётган одамларга ишора қилди. – Булар ахир паранондлар-

ку, биттаси ҳам соғ эмас! Лекин улар бизни қандай кутиб олишди! Менга ҳатто, – унинг кўзларида учқун сачради ва ўша заҳоти ўчди, – охири тантанали учрашув устидан чиққандек туюлди. Мана бу ҳайқириқлар, қўшиқлар, нутқлар... Ахир бари зўр бўлган эди-ку...

– Бизни бу ерда қанча ушлаб туришар экан, а?

– Биз ўзимизнинг жинни эмаслигимизни исботлагунимизча.

– Ҳа, бу қийин эмас экан-ку.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман...

– Сиз, афтидан, нимадандир чўчияпсиз, шекилли, капитан?

– Ҳм... Ҳов анови бурчакка бир қаранг.

Қоронғида бир эркак чўнқайиб ўтирарди. Унинг оғзидан миттигина ялашроч аёл шаклидаги мовий олов отилиб турарди. Аёл ҳавода кўкимтоб тутун ичида майин учарди ва нималардир шивирлаб хўрсинар эди.

Капитан боши билан бошқа томонни кўрсатди. У ерда бир аёл турар, турган жойида ҳайратомуз шаклларга кирар эди. Аввалига у биллур устунлар ичида тутқун ҳолида кўринди, сўнг олтин ҳайкалга айланди, сўнг кедр косаси шаклини олди ва ниҳоят яна ўзининг аввалги қиёфасига қайтди.

Ҳамма жойда эркаклар ва аёллар бинафшаранг оловнинг ингичка тилларини ўйнар, тинимсиз бир шаклдан бошқасига кирар эдилар, веро тун ғам-андуҳ ва саргузаштлар палласи ҳисобланади.

– Афсунгарлик, қора жодугар, – шивирлади ерликлардан бири.

– Йўқ, алаҳсирашлар бу. Улар бизга алаҳсирашларини намойиш этишаяпти, биз кўриб тур-

ган бу нарсалар уларнинг алаҳсирашларидир. Телепатия. Ўз-ўзини ишонтириш ва телепатия.

– Сиз шундан ташвишдамидингиз, капитан?

– Ҳа. Агар алаҳсирашлар бизга, нафақат, нафақат, бизларга шундай аниқ бўлиб кўринар экан, модомики алаҳсирашлар шундай ишончли ва ростдек бўлиб туюлар экан, улар бизни жинни деб ўйлашлари ҳеч гап эмас-да. Анови эркак мовий оловдан митти аёллар ясай олади, анови аёл эса ҳайкалга айланишга қодир; марсликларнинг ракета кемаси бемор хаёлотимиз самараси деб ўйлашлари учун бемалол кифоя қилади.

Қоронғилик ичидан кимнингдир аянчли хўрсингани эшитилди.

Чор атрофда гоҳ чақнаб, гоҳ ўчиб, мовий оловлар рақс тушар эди. Ухлаб ётган эркакларнинг олдидан қизил қумдан ясалган шайтонваччалар учиб чиқар эди. Аёллар лорсиллаган илонларга айланар эдилар. Турли ҳайвон ва йиртқичларнинг ҳиди анқирди.

Тонг отгач, ҳамма рисоладагидек, қувноқ ва соғлом кўринар эди. Ҳалиги алаҳсирашлар-у, ғалати оловлардан ном-нишон йўқ эди. Капитан ўз жамоадошлари билан ҳали-вери очилиб қолар деган умидда кумуш эшик олдида турар эди.

Мистер Иии роса тўрт соатдан кейин пайдо бўлди. Улар унинг эшик ортидан ичкарига киришидан аввал битта-битта чақириб, ўзининг мўъжазгина хонасига олиб кириш учун роса уч соат эшик ортида турганига шак-шубҳа қилмас эдилар.

Агар унинг ниқобига ишонадиган бўлсак, бу очиқкўнгил, юзидан табассум аримайдиган бир эркак эди, унинг ниқобида бир эмас, учта кулиб турган қиёфа тасвирланган эди. Дарвоқе, ниқоб

остидан чиқаётган товуш табассумли психиатрга унчалик ярашмаётган эди.

– Хўш, сизни нима безовта қилаяпти?

– Сиз бизни жинни деб ўйлаяпсиз, лекин бу тўғри эмас, – деди капитан.

– Аксинча, мен сизларни барчаларингизни жинни деяётганим йўқ, – психиатр кичиккина кўрсаткич таёғини капитанга ниқтади. – Фақат сизни, ҳурматли жаноб. Барча қолганлар – иккиламчи жинни.

Капитан тиззасига шап этиб уриб қўйди.

– Ҳа, гап бу ёқда денг! Ўртоқларимнинг ҳам иш қоғозига имзо чекишлари шартми, деб сўраганимда мистер Иииннинг қаҳ-қаҳ уриб кулиши шундан экан-да!

– Ҳа, мистер Иии менга ҳаммасини айтиб берди. – Психиатр ниқобидаги оғзини қийшайтириб, хохолаб кулди. – Зўр ҳазил бўлди-да. Хўш, мен нима деяётган эдим? Ҳа, иккиламчи жиннилар. Менинг олдимга қулоқларидан илонлар чиқиб турадиган аёллар келишади. Менинг муолажамдан кейин илонлар ғойиб бўлади.

– Биз жон-жон деб даволанишга тайёрмиз. Бошланг муолажангизни.

Мистер Иии саросималаниб қолди.

– Во ажаб, ҳеч ким муолажага рози бўлмайди. Бу муолажа жуда ҳам бошқача бўлса керак-да.

– Ҳечқиси йўқ. Муолажани бошланг дедикми, бошланг. Бизнинг соғ эканимизга кейин амин бўласиз.

– Илтимос, аввал қоғозларингизни бир кўриб чиқсам. Муолажа учун ҳаммаси тўғри расмийлаштирилганми? – у папкани варақлаб кетди. – Хўш... Қаранг-а, сизга ўхшаган беморларга алоҳида услублар керак экан. Сиз кўрган жин-

нихонадаги беморлар муолажаси анча жўнроқ экан... Аммо сизникига ўхшаган бирламчи, иккиламчи, эшитув, ҳидлов ва таъм билув жинниларини қўшиб ҳисоблаганда сезув ва кўрув сезгилари билан биргаликда, мен сизга айтсам, иш ниҳоятда ёмон. Биз эвтаназияни қўллашга мажбур бўламиз.

Капитан ҳайқирганча оёққа турди.

– Нималар деяпсиз ўзи, бошимизни қотирманг! Қани, бошланг! Бизни текширинг, тиззамизга болғача билан уринг. Юрагимизни эшитинг, ўтириб-туришга мажбур қилинг, саволлар беринг!

– Бош устига.

Капитан бир соатча жўшиб, қайнаб гапирди, психиатр жим қулоқ солиб турди.

– Ҳеч ишониб бўлмайди, – ўйчан ғудраниб деди у. – Ҳаётимда бунақа ақл бовар қилмас алаҳсирашни эшитмаган эдим.

– Жин урсин! Биз кўрсатамиз сизга ҳали самовий кемамизни! – бўкирди капитан.

– Жон деб кўраман. Сиз уни шу ерда хонада кўрсата оласизми?

– Албатта, у сизнинг картотекангизда турибди. «К» ҳарфида.

Мистер Иии диққат билан картотекани қараб чиқди, ҳафсаласи пир бўлгандек тилини чақиллатиб қўйди-да, шошмайгина тортмани ичкарига суриб қўйди.

– Мени аҳмоқ қилишингизга нима ҳожат бор эди, бу ерда ҳеч қандай самовий кема йўқ-ку.

– Қаёқдан ҳам бўлсин, жиннивой! Мен ҳазиллашган эдим. Энди айт-чи, жиннилар ҳаддидан ошаяптими?

– Баъзан жуда қизиқ-қизиқ гаплар бўлиб туради. Бўпти, мени ракетангиз олдига олиб боринг. Мен уни кўрмоқчиман.

Улар ракета олдига келишганида, жазирама туш пайти бўлиб қолган эди.

– Хўш, – психиатр кемага яқин борди-да, унинг қорнига чертди. Чертки овози майин, гувуллаган эди. – Ичкарига кирсак майлими? – сўради у муғамбирона.

– Киринг.

Мистер Цищ кема ичига кирди-да, тахта бўлиб қолди:

– Осий умримда кўп нарсалар бўлган эди, аммо бунақаси...

Капитан сигарани чайнаганча кутарди:

– Ҳаммадан ҳам мен уйга учиб, бу Марс деганини елкамнинг чуқури кўрсин, дейишни жуда-жуда хоҳлаб кетаяпман. Шу ҳам сайёра бўлди-ю!..

– Менинг назаримда, бу ердаги ҳар иккитасининг биттаси жинни. Одам деганинг ҳам шунчалик бемаъни бўладими?

– Нима бўлганда ҳам менинг жиннилигимни чиқариб юборишди.

Ярим соатча психиатр нималарнидир титкилади, пайпаслади, чертиб кўрди, кулоқ солди, ҳидлаб кўрди, тилини теккизиб кўрди, охири кема ичидан чиқиб келди.

– Хўш, энди амин бўлгандирсиз? – қичқирди капитан кулоқлари ҳеч нарсани эшитмагандай.

Психиатр кўзларини юмди-да, бурнини қашиди.

– Бу илгари мен ҳеч қачон учратмаган оддий алаҳсираш ва хаёлпарастликнинг ёрқин намунаси экан-ку! Мен сизнинг «Ракета» деган нарсангизни кўриб чиқдим. – У ракетага бармоғи билан чертиб қўйди. – Эшитиб турибман. Саробий товуш. – У ҳавони бурни билан ҳидлаб кўрди. – Мен уни ҳидидан биляпман. Туйғуларнинг

телепатик узатишларидан ҳосил бўлган ҳидлаш галлюцинацияси. – У ракета чокини ўпиб қўйди. – Мен унинг таъмини ҳис қилаяпман. Таъм билув иллюзияси!

У капитаннинг қўлини сиқиб қўйди.

– Сизни табриклашимга рухсат беринг! Сиз руҳшунослик даҳоси экансиз! Бу ҳар қандай баркамолликдан олийдир! Сизнинг ўз руҳий хаёлотингизни идрок этиш кучи тўла сақлангани ҳолда бошқа субъектларни англашга телепатик йўл билан солиштириш қобилиятингиз бароят ажойиб ва таҳсинга сазовордир. Бизнинг бошқа беморларимиз, одатда, кўрув галлюцинацияларига мўлжалланадилар. Жуда нари борганда, эшитув галлюцинацияси билан қўшилиб кетадилар. Сиз бўлсангиз барчаси билан баб-баравар муомала қилсангиз! Сизнинг жиннилигингиз ҳайратомуз даражада мукаммалдир!

– Менинг жиннилигим... – капитаннинг ранги бўздек оқарди.

– Ҳа, ҳа, ажойиб жиннилик! Маъдан, резина, гравиаторлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, ёнилғи, қурол-яроқ, зиналар, гайкалар, больтлар, қошиқлар – мен кўплаб нарсаларни текшириб кўрдим. Умримда бунақа мураккаб манзарани сира кўрмаганман. Ҳаттоки каравотим тагидаги шарпалар ҳам қолмаган! Ирода дегани ҳам шунчалик бўлади-да! Бўлди, мен қанчалик текширмай, яна уларни истаганча пайпаслаб, ҳидлаб, тинглаб, тил теккизиб таъмини билиб олишингиз мумкин! Сизни қучишимга рухсат беринг!

Ниҳоят, у капитандан ўзини четга олди.

– Мен бу ҳақда рисола ёзаман. У илмий ишларим ичидаги энг яхшиси бўлади! Келаси ойда Марс Фанлар академиясида маъруза ўқийман!

Биргина ташқи кўринишингизнинг ўзи ниҳоятда қиммат туради. Сиз ҳатто кўзингиз рангини алмаштирмоқчи ҳам бўлдингиз – сариқ ўрнига кўкни, баданингиз қорачадан келган эмас, балки қизғиш! Мана бу костюмингизни қаранг, қўлингизда эса, олтита ўрнига бешта бармоқ бор! Нима ҳам дердик, руҳиятдаги оғишлар таъсири остида мутлақо биологик метаморфозадан бошқа ҳеч нарса эмас! Бунинг устига, анави учта ошнангизни айтмайсизми...

У мўъжазгина тўппончасини олди.

– Сизни, албатта, даволаб бўлмайди. Бахтиқаросиз, ғаройиб одамсиз! Сизни фақат ўлим қутқаради. Битта-яримта айтадиган сўнгги сўзингиз борми?

– Шошманг, худо ҳақи, отманг!

– Шўрлик! Сизни бундай ва мана бунақа учала одамни тасаввур этишга мажбур этган азоблардан қутқармоқчиман. Сизни олдинда гўзал келажак кутиб турибди: мен сизни ўлдираман-у, кўз очиб-юмгунча дўстларингиз ҳам, ракетангиз ҳам гумдон бўлади. Эҳ, бугунги кузатишларим бўйича шундай бир мақола ёзаманки – «Неротик» саробларининг тарқалиши»!

– Мен Ердан келганман! Менинг исмим Жонатан Уильямс. Мана булар эса...

– Биламан, биламан, – қувноқ оҳангда деди мистер Ццц ва ўқ узди.

Капитан юрагида ўқ билан қулаб тушди. Унинг дўстлари қичқириб юборишди.

Мистер Цццнинг кўзлари косасидан чиқиб кетди.

– Сиз ҳалиям яшаяпсизми? Ҳечам бўлмаган гап! Замон ва макондаги персистенсиялли, – у тўппончасини уларга ўқталди. – Ҳечқиси йўқ, мен сизларни ғойиб бўлишга мажбур этаман.

– Йўқ, – қичқиришди фазогирлар.

– Ҳаттоки беморнинг ўлимидан кейинги эшитув иллюзияси, – ишчан бир оҳангда деди мистер Цциц ҳалиги учаласини биттама-битта ўлдирар экан.

Улар ҳеч қанча ўзгармаган ҳолда қум устида қимир этмай ётар эдилар.

У ётганларни оёғи билан туртди, сўнг ракета қорнига дукиллатиб урди.

– Ракетага жин ҳам урмаган! Булар ҳали ҳам ғойиб бўлгани йўқ! – У яна ва яна жонсиз жасадларга қарата ўқ узди. Кейин бир қадам орқага тисарилди. Тиржайган қиёфадаги ниқоб унинг оёғи остига қулаб тушди.

Психиатрнинг юз ифодаси аста-секин ўзгара бошлади. Пастки жағи осилиб қолди. Ҳолсиз қўлидан тўппонча тушиб кетди. Нигоҳи бўм-бўш, бефарқ боқарди. У қўлларини юқорига кўтариб силтади ва худди кўр одамдек жойида бир айланди. У дам-бадам сўлагини ютганча ўлик жисмларни пайпаслар эди.

– Ғаллюцинациялар, – жазава ичида ғудранарди у. – Таъм. Кўланкалар. Ҳид. Товуш. Сезги.

У кўзларининг пахтасини чиқариб, қўлларини силтар эди. Лабларида кўпик пайдо бўлди.

– Чиринглар! – бўкирди мистер Цциц, ўликларга мурожаат қилганча. – Чири! – қичқирди у ракетага.

У ўзининг титроқ қўлларига қаради.

– Менга юқди, – шивирлади у ғазаб ичида. – Энди менга ўтди. Телепатия, гипноз. Энди мен жиннимиан. Жиннимарнинг барча аломатлари менда. – Бир сония у тош қотиб қолди, сўнг карахт бармоқлари билан тўппончани қидира бошлади. – Биргина восита қолди. Уларни чириб, йўқ бўлиб кетишига биргина усул кор қилади, холос.

Ўқ овози янгради. Мистер Цщц қулаб тушди.

Қуёш нурлари остида тўртта жасад ётарди. Уларнинг ёнгинасида мистер Цщц ҳам ётарди.

Қуёш нурларига чўмган тепалик устида тумшуғини осмонга қадаганча ҳеч қаёққа кетиб бўлмай, ракета қаддини тик тутиб турарди. Шаҳарликлар уфқдаги ракетани учратиб, бунинг нима эканлигига ақллари етмай, роса бошлари қотди. Унинг нима эканлигини ҳеч ким билолмади. Ракетани эскичига сотиб юборишди, у уни олиб кетди-да, майдалаб пуллаб юборди.

Тун бўйи шамол тинмади. Эртасига осмон чарақлаган ва ҳаво илиқ эди.

## МАРТ 2000 СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ

У ракетада Марсга учиб кетмоқчи эди. Эрта билан у космодромга келди-да, тиконли сим девор ортида туриб, «Мен Марсга учмоқчиман» деб мундирли одамларга қарата қичқира бошлади. У солиқни бекато тўлаб келади, фамилияси Причард ва у Марсга учиш учун тўла ҳақли. Ахир у шу ерда, Огайода туғилмаганмиди? Наҳотки, у ёмон фуқаро бўлса?! Унда ўзи нима гап, нима учун Марсга учиши мумкин эмас экан? Муштумларини дўлайтириб, уларга қараб бу ерда ортиқ қолишни истамайман, мияси бор одам Ердан қорасини ўчириш орзусида юради, дея тинмай қичқирар эди. Кўпи билан икки йилдан кейин ерда жаҳон атом уруши бошланади. Лекин у бу мудҳиш паллани кутиб ўтирадиган аҳмоқ эмас. У ва мияси бор ҳар қандай минглаб одамлар Марсга учиб кетишни истаяпти. Ишонмасангиз, уларнинг ўзларидан сўранглар! Урушлар ва цензурадан, тўрачилик ва ҳарбий тобеликдан, ҳукумат-

дан нари бўлган минг марта афзал, булар махсус рухсатномасиз бир қадам ҳам қимирлагани қўймайди, булар фанни ҳам, санъатни ҳам оёқлари остида янчиб ташлашди! Агар хоҳласангиз ерда қолаверишингиз мумкин. У ўнг қўлини, бошини, юрагини қурбон қилишга тайёр-у, фақат Марсга учиб кетса бўлгани! Ракетага тушиш учун нима қилиш керак, қаерга имзо чекиш керак, ким билан таниш-билиш орттириш керак?

Тиконли сим ортидан жавоб ўрнига мундирли одамлар кулиб қўйдилар, холос. Унинг Марсга ҳечам учиб кеттиси йўқ, дер эди улар. Ахир у Биринчи ва Иккинчи экспедициялар йўқ бўлиб кетишганини, йўқлик қаърига маҳв бўлганларини, уларнинг барча иштирокчилари, очиғини айтганда, ўлиб кетганларини наҳотки у билмаса?!

– Лекин буни исботлаш керак, буни ҳали ҳеч ким аниқ билмайди-ку, – деб қичқирарди у тиконли симга ёпишганча. – Балки у ерда сут дарёси оқиб, шарбат денгизи мавж уриб тургандир, балки капитан Йорк ва Уильямс қайтиб келишни ўзлари хоҳлашмагандир. Хуллас, гап шу – дарвозани очинглар-да, яхшиликча мени Учинчи экспедицияга – ракетага қўйиб юборинглар ёки мен ўзим куч билан кириб олайми?

Нарёқдагилар унга оғзини ёпишни маслаҳат бердилар.

У фазогирларнинг ракета томон бораётганларини кўрди.

– Мени кутиб туринглар! Мени бу даҳшатли дунёда қолдирманглар, мен бу ердан учиб кетишни истайман, тез орада атом уруши бошланади! Мени ерда қолдирманглар!

Улар куч билан девордан нарига судраб кетишди. Улар полиция машинаси эшигини қар-

силлатиб ёпдилар-да, мана шу тонгги соатда уни олиб кетишди, у бўлса, орқа дарчага маҳкам ёпишиб олди-да, машина ваҳимали чинқирганча тепаликдан ошиб ўтишидан бир лаҳза олдин қип-қизил алангани кўрди ва қудратли гувиллашни эшитди, миясига қаттиқ зарба келиб тушгандек бўлди – бу уни мана шу файзсиз тонгда ҳеч нарса билан мафтун этолмайдиган Ер сайёрасида қолдириб, осмонга кўтарилган кумушранг ракетанинг тўлқини эди.

## АПРЕЛЬ 2000 УЧИНЧИ ЭКСПЕДИЦИЯ

Кема коинотдан келди. Юлдузлар, ақл бовар қилмас тезликлар, чарақлаган ҳаракат ва соқов самовий тубсизлик ортда қолди. Кема янги эди; унинг вужуди ўт бўлиб ёнарди, унинг темир уячаларида одамлар ўтирарди; олов уфурган, қайноқ нафас олганча у мутлақо овозсиз парвоз қиларди. Унинг бўлмаларида командир билан қўшиб ҳисоблаганда ўн еттита одам бор эди.

Огайо космодромидаги халойиқ қичқирар, қўлларини силтар эди, ракета тагидан улкан япроқли қип-қизил олов гул каби очилди-ю, у фазога отилди – Марс сари Учинчи экспедиция бошланди!

Энди кема темир аниқлиги билан Марс ҳавосининг юқори қатламларида ҳаракатни секинлаштирди. У ҳамон гўзаллик ва қудрат тажассуми эди. Коинотнинг тим қора қўйнини ёриб, у бамисоли тиниқ денгиз даррандаси сингари сузиб борар эди; у Оймомо ёнида шитоб билан ўтди-да, бирин-кетин бўшлиқлар бағрини тилганча олға интилди. Унинг қорнидаги одамлар ўзларини ҳар томонга ташлар, ўмбалоқ ошар, дўмалар эдилар,

бири олиб, бири қўйиб жар урардилар. Улардан бири ўлди, бироқ қолган ўн олтитаси иллюминаторнинг қалин шишасига ёпишиб олиб, тагларида Марс сайёрасининг қанчалик шиддат билан айланаётганини ва катталашиб бораётганини кўзлари косасидан чиққудек бўлиб қараб турар эдилар.

– Марс! – қичқирди штурман Люстиг.

– Чол бобо Марс! – деди қадимшунос Сэмюэль Хинкстон.

– Зўр! – деди капитан Жон Блэк.

Ракета ям-яшил далага келиб қўнди. Сал нарида худди шундай далада чўян буғу ўйилган оҳу турарди. Ундан ҳам нарида офтобшувоқда Викториан услубидаги, саноқсиз ва ранг-баранг шокилали ойналари мовий, пушти, сариқ, яшил деразали баланд бўйли уй қад кўтариб турарди. Айвонда гаҳмоқ ёронгул ўсиб турар, илмоқларда енгил шабададан эски арғимчоқлар гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга чайқалар эди. Уйнинг учли томони узра ромбсимон биллур шишали минора чарақлаб кўринарди. Биринчи қаватдаги кенг деразадан «Ажойиб Огайо» сарлавҳали ноталар ёзилган мусиқа китобчасини кўриш мумкин эди.

Ракета атрофидан Марс баҳоридан чирой очган кўм-кўк ва ҳаракатсиз шаҳарча ҳар томонга қараб ёйилиб кетган. Оқ ва қизил ғиштдан қурилган уйлар саф тортган, баланд дублар шамолдан эгилиб-эгилиб чайқалар, қудратли қайрағочлар ва каштан дарахтлари ҳам тинимсиз шовулларди. Унсиз олтин қўнғироқли қўнғироқхоналар савлат тўкиб турарди.

Буларнинг барчасини фазогирлар иллюминатордан кўриб турар эдилар. Кейин улар бир-бирларига қарашди. Сўнг яна иллюминаторга юзланишди. Кейин гўё бирданига нафас олиш қийин-

лашгандек ҳар ким ёнидаги қўшнисининг тирсагига ёпишди. Уларнинг юзлари бўздек оқариб кетди.

– Жин урсин мени, – шивирлади Люстиг, юзини увишиб қолган бармоқлари билан артаркан. – Мени нима жин урди ўзи!

– Ҳеч ҳам бунақа бўлиши мумкин эмас, – деди Сэмюэль Хинкстон.

– Ё алҳазар! – деди командир Жон Блэк.

Кимёгар ўзининг хонасидан туриб ахборот берди:

– Капитан, ҳаво кам, лекин кислород етарли, ҳеч қандай хатар йўқ.

– Демак, чиқамиз, шундайми? – сўради Люстиг.

– Шошманглар, – деди капитан Жон Блэк. – Бунинг нима эканини аввал аниқлаб билиб олиш керак.

– Буми? Кичкина шаҳарча, капитан, ҳаво кам бўлса-да, лекин нафас олса бўлади.

– Ердаги шаҳарларга ўхшаган мўъжазгина шаҳарча, – қўшиб қўйди қадимшунос Хинкстон. – Ғоятда ғаройиб. Ҳеч ҳам бундай бўлиши мумкин эмас, аммо начора, ана у, олдимизда турибди...

Капитан Жон Блэк паришон ҳолда унга қараб қўйди.

– Хўш, Хинкстон, сизнингча, тамаддун икки турли сайёрада бир хил суръатда ва битта йўналишда тараққий қилиши мумкинми?

– Менимча, унчаликмасдир-ов!

Капитан Блэк иллюминатор ёнида турарди.

– Ҳов анови ёронгулларга қаранг-а. Мутлақо янги тури. У ерга бор-йўғи эллик йилгина аввал олиб чиқилган эди. Энди-чи, ўзингиз ўйлаб кўринг, у ёки бу турдаги ўсимлик эволюция-

си учун неча минг йиллар талаб этилмайдими?! Кези келганда шуни айтинг-чи менга, марсликларда, биринчидан, айнан шундай дераза ромлари, иккинчидан минорачалар, учинчидан, айвончадаги арғимчоқлар, тўртинчидан пианинога ўхшаган чолғу асбоби, бешинчидан, телескопга диққат билан қаранг-а, мана шундай бўлиши мантиққа тўғри келармикан? Марслик бастакор ўз асарини келиб-келиб айнан «Ажойиб Огайо» деб аташи ҳам мантиққа тўғри келармикан? Ахир бу бир нарсанигина англатиши мумкин: Марсда ҳам Огайо дарёси бор экан!

– Капитан Уильямс, бўлмаса-чи, – қичқириб юборди Хинкстон.

– Нима?

– Капитан Уильямс ва унинг уч ҳамроҳи! Ёки Натаниел Йорк ўз жуфтлиги билан булар ҳаммасини айтиб турибди!

– Бу ҳеч нарсани айтиб тургани йўқ. Бизнинг аниқлашимизга қараганда, Йоркнинг ракетаси Марсга қўнар-қўнмас портлаб кетган ва ҳар иккала фазогир ҳалок бўлган. Уильямс ва унинг учала ҳамроҳига келсак, уларнинг кемаси етиб келгандан кейин иккинчи куни портлаб кетган. Нима бўлганда ҳам айни шу вақтда узаткичлар ишдан тўхтаб қолган. Улар тирик бўлганида биз билан алоқа боғлашга уринган бўлар эдилар. Йорк экспедицияси вақтидан буён атиги бир йил ўтганини, капитан Уильямс экипажи эса бу ерга августда учиб келганини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Фараз қилайлик-чи, улар тирик ҳамдирлар – гарчанд энг моҳир марсликлар ёрдамида шундай қисқа вақт бутун бир шаҳарни қуриш ва унинг шарти кетиб, парти қолган бир ҳолга келиши ақлга сиғадиган ишми? Сиз яхшилаб

қаранг, ахир бу шаҳар ҳам деганда етмиш йил олдин қурилган. Эшик олдидаги панжараларни қаранг, дарахтларга қаранг – юз ёшли дублар-ку! Йўқ, Йорк ҳам, Уильямс ҳам бу ерда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бу ерда бутунлай бошқа гап бор. Менга унчалик ёқмаяпти. Токи гап нимадалигини билмагунимча кема ичидан чиқмайман.

– Бунинг устига, – қўшимча қилди Люстиг, – Уильямс ва одамлари, Йорк ҳам Марснинг нариги томонига қўнганлар. Биз эса бу томонни атайлаб танладик.

– Худди шундай! Агар Йорк ва Уильямсни марслик қабилалар қасддан ўлдирган бўлсалар, демак, бизга иккинчи ярим шарда қўнишга атайлаб буйруқ берилган бўлиб чиқади. Ҳалокат такрорланмаслигининг олдини олган бўлишса керак. Демак, биз шундай бир пўчмоқда турибмизки, уни, бизга маълум бўлишича, на Уильямс, на Йорк кўзлари билан кўришган.

– Жин урсин, – деди Хинкстон, – бари бир мен сизнинг рухсатингиз билан бу шаҳарга бораман, капитан. Ахир Қуёш тизимимиздаги барча сайёраларда тафаккур ва тамаддун бир-бирига ўхшаш йўллар билан тараққий этган бўлиши мумкин-ку. Ким билсин, эҳтимол, биз давримизнинг энг буюк психологик ва фалсафий кашфиёти бўсағасида тургандирмиз!

– Мен бир оз кутиб туришни маъқул деб биламан, – деди капитан Жон Блэк.

– Командир, балки рўпарангизда худонинг борлигини биринчи марта исбот қилган ҳодиса тургандир!

– Бундай исботларсиз ҳам диндорларни кудо уриб ётибди, мистер Хинкстон...

– Ҳа, мен ҳам ўшаларнинг сирасига кираман, капитан. Аммо бир нарса кундек равшан. – Бун-

дай шаҳар илоҳий қудратнинг аралашувисиз пайдо бўлиши мумкин эмас. Мана бу майда-чуйда нарсалар, қисмлар... Вужудимда шундай қарама-қарши туйғулар кураши кетаяптики, кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмайман.

– Унда биз нимага дуч келганимизни аниқлагунимизча унисидан ҳам, бунисидан ҳам тийилиб туринг.

– Нимага дуч келибмиз? – гап қўшди Люстиг. – Ҳеч нарсага дуч келганимиз йўқ-ку. Оддий, жим-жит, кўркам, ям-яшил шаҳарча, худди мен туғилган ўша даққиюнусдан қолган пучмоқнинг ўзгинаси. У менга ҳам ёқаяпти.

– Қачон туғилгансиз, Люстиг?

–1950 йилда, сэр.

– Сиз-чи, Хинкстон?

– 1955 йилда, капитан. Гриннела, Айова штати. Бундоқ қарасам, гўё ўз жонажон ватанимга қайтиб келгандекман.

– Хинкстон, Люстиг, мен сизга ота бўлишим мумкин, мен роса саксондаман. 1920 йилда Иллинойсда туғилганман. Бироқ худонинг марҳамати ва сўнгги эллик йилда баъзи чолларни йигитга айлантириб қўйган фан шарофати билан Марсга учиб келдим. Сиздан ҳам чарчаган эмасман, аммо мана бу ишонмаслик дарди тузалмагур сизлардан бир неча баробар кучлироқ менда. Бу шундай тинч, шундай жозибадор шаҳарча эканки, ўхшашини кўриб, ҳатто қўрқиб кетаяпман. У Грин-Блаффга ҳаддан ташқари қаттиқ ўхшайди. – Командир радистга ўгирилди. – Менинг Ер билан уланг. Қўнганимизни айтинг. Ортиқ ҳеч нима деманг. Қолган барча гапларни эртага юборамиз, деб айтинг.

– Хўп бўлади, капитан.

Капитан Блэк иллюминаторга қаради. Унинг башарасига қараб ҳеч ким саксон яшар демасди. Нари борса, қирқ ёшга кирган, дерди.

– Энди қулоқ солинг, Люстиг. Сиз, мен, Хинкстон борамиз-да, шаҳарни айланиб чиқамиз. Қолганлар ракетада кутиб ўтиришади. Бир нима бўлиб қолгудек бўлса, улар жон сақлаб қола оладилар. Бутун кема ҳалокатга учрашидан кўра, уч кишини йўқотиш дурустроқдир. Мусибат содир бўлгудек бўлса, экипажимиз бошқа ракетага хабар беришга улгуради. У ракетани, янглишмасам, декабрнинг охирида капитан Уайлдер бошқаради. Агар Марсда қандайдир душман кучлари бўлса, янги экспедиция яхшилаб қуролланган бўлиши керак.

– Аммо биз ҳам қуролланганмиз. Тиш-тирноғимиз билан қуролланганмиз.

– Бугги, одамларга хабар қилинг. Қуролларни шай ҳолатта келтириб қўйишсин. Кетдик, Люстиг, кетдик, Хинкстон.

Учала фазогир кема бўлмаси орқали пастга тушишди.

Ажойиб баҳор куни эди. Қийғос гуллаган олма шохида читтак тинимсиз сайрайди. Шамол ямяшил шохларни силкитганда оппоқ гуллар булутдек ерга тўкилади. Чор атрофни гулларнинг муаттар ҳиди тутган. Шаҳарчада кимдир пианино чалар эди ва мусиқа товуши бир кўтарилиб, бир пасайиб нафис, аллалагандек ҳавода сузарди. «Ажойиб хаёлпараст» куйини ижро этишаётган эдилар. Бошқа томонда эса граммофондан Гарри Лодер ижросидаги «Шомдаги сайр» куйи ҳирқироқ, бўғиқ оҳангда таралдарди. Учала фазогир ракета тагида туришарди. Улар сийрак ҳавони ошиқлари билан ютоқиб ютинар эдилар. Сўнг кучларини авайлаганча аста юриб кетишди.

Энди бошқа пластинка айланарди.

Ёз оқшоми бўлса бас менга, ойдин тунда етишсам сенга...

Люстигнинг тиззалари қалтираб кетди, Сэмюэль Хинкстонда ҳам худди шундай бўлди.

Осмон тип-тиниқ ва тинч эди, аллақаерда, жарлик тубида, кўм-кўк шохларнинг салқин соясида дарё жилдирарди. От туёқлари дупирлар, арава ғилдираклари дўқирларди.

– Капитан, – деди Сэмюэль Хинкстон. – Истайсизми-истамайсизми, аммо ҳеч ҳам ўхшамайди, акс ҳолда бундай бўлиши мумкин эмас-ку, – Марсга парвозлар биринчи жаҳон урушигача бошланган бўлар эди.

– Йўқ.

– Аммо мана бу уйларни, мана бу чўян оҳуни, пианино мусиқасини қандай изоҳлайсиз? – Хинкстон зўр бериб капитаннинг тирсагини қисди, унинг юзига қаради. – Фараз қилингки, дейлик 1905 йилда урушни ёмон кўрган одамлар бор эди. Улар олимлар билан зимдан тил бириктиришган-да, ракета ясашганлар ва бу ерга, Марсга келишган...

– Бу мумкин эмас, Хинкстон.

– Нима учун? 1905 йилда дунё бутунлай бошқача эди. У пайтларда буни махфий сақлаш анча осон эди.

– Аммо мана бу ракетага ўхшаган мураккаб нарсани эмас-да! Йўқ, йўқ...

– Улар бу ерга бутунлай кўчиб келишган, табиийки, худди Ердагидек уйлар қуришган, ахир ўзлари билан ердаги маданиятни ҳам олиб келишган-да.

– Шунча йиллар шу ерда яшаган деб ўйлайсизми? – деб сўради командир.

– Худди шундай, тинч ва аҳил яшашган. Эҳтимол, улар ерга бир неча марта бориб ҳам келганлар. Керагича одамларни олиб ҳам келганлар, дейлик мана бунақа шаҳарчаларга жойлаштириш учун, кейин эса уларни билиб қолмасликлари учун парвозларни тўхтатишган. Шаҳарнинг эски услубдалигининг сири шунда. Шахсан мен ҳозирча 1972 йилдан кейин ясалган биронта буюмни ҳали кўрганим йўқ. Хўш, сиз-чи, капитан? Дарвоқе, самовий саёҳатлар, умуман, биз ўйлагандан ҳам олдинроқ бўлиши мумкин. Ернинг қайсидир узоқ бурчагида, юз йиллар муқаддам. Одамлар Марсга аллақачонлар келиб олганлар-у, бу ҳақда ҳеч ким билмаган бўлса, не ажаб? Уларнинг ўзлари эса аҳён-аҳёнда ерга бориб-келиб туришган.

– Шундай гапираяпсизки, худди ҳақиқатга ўхшайди.

– Ҳақиқат бўлганда қандоқ! Исботи кўз олдимизда турибди-ку! Энди одамларни топсак бас, тахминимиз тасдиғини топади-қўяди.

Қалин кўм-кўк ўтлар уларнинг қадам товушларини ютиб юбормоқда эди. Янги ўрилган пичан ҳиди димоққа урарди. Капитан Жон Блэк уларнинг иродасига қарши ўлароқ, вужудларини сокин бир фароғат чулғаб олганини ҳис этди. У мана бу мўъжаз шаҳарчада сўнгги марта бўлганига ҳам оз эмас, кўп эмас, роса ўттиз йил бўлибди; баҳорги асаларилларнинг ғўнғиллашлари унинг руҳига таскин берар ва аллалар эди, уйғониб келаётган табиат тароватн қалбига ором бағишлар эди.

Улар тўр тортилган эшик томон йўналганча айвонга чиқдилар ва полга урилган одимлари бўғиқ акс садо берар эди. Тўр орасидан улар йўлакни

тўсиб турган жимжимадор пардани, биллур қандилни ва девордаги Марксфил Парриш қаламига мансубувратни кўрдилар. Уйда эски буюмлар, чортоқ ва яна нимадир ҳиди димоққа ёқимли урилар эди. Лимонадли кўзага музнинг майин урилиб тушган овози қулоққа чалинди. Уйнинг нариги бурчагидаги ошхонада жазирама кун муносабати билан кимдир яхна тушлик тайёрлар эди. Баланд аёл овози қайсидир куйни босиқ ва ёқимли хиргойи қиларди.

Капитан Жон Блэк қўнғироқ дастачасини тортди.

Йўлак бўйлаб енгил қадамлар шип-шип қилди, тўрнинг нариёғидан қирқ ёшлардаги, хушрўйгина аёл кўринди, эгнидаги кийим эҳтимол 1909 йилдаги либослардан эди.

– Буюрсинлар, не хизмат? – сўради у.

– Кечиринг, – журъатсизгина гап бошлади капитан Блэк, – бизлар биласизми... яъни, эҳтимол, сиз...

У дудуқланиб қолди. Аёл унга тим қора кўзлари билан ҳайрон қараб турарди.

– Бирон нарса сотмоқчи бўлсаларингиз... – гап бошлади аёл.

– Йўқ, йўқ; шошманг! – қичқирди капитан. – Бу қайси шаҳар?

Аёл унга синчков назар солди.

– Нима демоқчисиз бу билан: қайси шаҳар дейсизми? Шаҳарнинг ўзида бўла туриб, унинг номини билмаслик мумкинми?

Капитаннинг юзидан унинг тезроқ бирон олма дарахти тагига бориб ўтирса-ю, соясида ором олса – шуни англаш мумкин эди.

– Бизлар бу ерлик эмасмиз. Қайси шаҳарга келиб қолганимизни ва қандай келиб қолганимизни билишимиз керак эди.

– Сизлар аҳолини рўйхатга олиш бюросиданмисизлар?

– Йўқ.

– Барчага маълумки, – давом этди аёл, – шаҳар 1868 йилда қурилган. Шошманг-шошманг, тағин мени лақиллатаётган бўлманглар.

– Йўғ-е, нима деяпсиз! – шошиб деди капитан, – биз Ерданмиз.

– Ернинг тагидан демоқчимисиз? – ҳайрон бўлди аёл.

– Ҳе, йўқ, биз Учинчи сайёра – Ердан учиб келганмиз. Самовий кемада. Биз бу ерга – Тўртинчи сайёра – Марсга учиб келганмиз...

– Биласизми, қаердасизлар? – худди болага гапирган оҳангда тушунтира кетди аёл, – Гринблавдасиз. Иллинойс штати, Америка деб аталадиган иккита океан, Атлантика ва Тинч океанлари ювиб турадиган қитъадасизлар, бу ҳам Ер деб аталадиган дунёдасизлар. Энди туёғингизни шиқиллатиб қолинг, хайр.

Аёл йўл-йўлакай маржонли пардани сура-сура йўлакдан майда одимлаб кетди.

Учала ўртоқ бир-бирига қаради.

– Уй қуриб оламиз, – таклиф қилди Люстиг.

– Мумкин эмас. Хусусий мулкчилик. Эй худойим-а.

Улар зинадан пастга тушишди-да, пастки пиллапояга ўтириб олишди.

– Бизлар йўлдан адашиб, юра-юра орқага, Ерга адашиб қайтиб келиб қолмадикмикан, деб ҳеч хаёлингизга келдими, Хинкстон?

– Қандай қилиб?

– Билмадим, билмадим. Ё тавба, илтимос, фикрларимни тўплаб олай.

– Ахир биз ҳар бир миллик йўлни назорат қилиб келган эдик-ку, – давом этди Хинкстон. –

Хронометрларимиз қанча йўл босиб ўтганимизни аниқ ҳисоблаб беришди. Биз ойнинг ёнидан ўтдик, Катта коинотга чиқдик ва бу ерга учиб келдик. Марсда эканимизга мен заррача шубҳа қилмайман.

Гапга Люстиг аралашди.

– Балки маконга, замонга бир нима бўлгандир? Биласизларми, биз тўртинчи ўлчамда адашиб қолганмиз ва ерга 30 ёки 40 йил олдин қайтиб келганмиз.

– Қўйсангиз-чи, Люстиг!

– Люстиг эшик ёнига келди-да, қўнғироқни тортди ва муздек, қоп-қоронғи хонага қараб қичқирди:

– Ҳозир қайси йил?

– 1926 йил, қайси йил бўларди, – жавоб берди аёл арғимчоқда ўтирган ва лимонаддан симирган кўйи.

– Ана, эшитдингизми? – Люстиг шиддат билан орқага ўгирилди. – 1926 йил! Биз ўтмишга учиб келганмиз! Бу – Ер!

Люстиг ўтирди. Энди у ҳамманинг хаёлини банд этган ҳайратомуз ва даҳшатли хаёлларга қаршилик кўрсатмасди. Тиззаларида ётган қўллари асабий учар эди.

– Мен шунинг учун парвоз қилганмидим? – гап сотди капитан. – Мен даҳшатга тушиб кетяпман, даҳшатга! Наҳотки шундай бўлиши мумкин? Эйнштейнни чақириш керак бу ерга...

– Бу шаҳарда бизга ким ишонарди? – нидо солди Хинкстон. – Уф, ўт билан ўйнашаяпмиз! – ахир бу вақт, тўртинчи ўлчам, яхшиси, ракетага қайтиб бориб, уйга учмаймизми-а?

– Йўқ, ҳеч бўлмаганда яна битта уйга қараб олайлик.

Улар учта уйнинг ёнидан ўтишди ва кудратли дарахт тагида турган мўъжазгина оппок коттеж олдида тўхташди.

– Мен ҳар доим ҳар бир гапнинг тагига етиб ўрганганман, – деди командир. – Ҳозирча биз ҳали гапнинг мағзини яхшилаб чақмаган кўринамиз. Фараз қилайлик, Хинкстон, самовий саёҳатимиз жуда қадим пайтда бошланган деган тахминингиз тўғри. Кўп йиллар олдин бу ерга учиб келган ерликлар Ерни сорина бошлашган. Аввалига бу соринч бир оз ғижинишдан нарига ўтмаган, кейин чинакамига асабийлашиш бошланган, жинни бўлиш даражасигача бориб етган.

Психиатр сифатида сиз шундай ҳолда нимани тавсия этган бўлардингиз?

Хинкстон ўйланиб қолди.

– Нима қилардим, эҳтимол, Марс тамаддунини ҳар куни Ердагига тобора ўхшаб бориши учун оз-оздан қайта тиклар эдим. Агар Ердаги ўсимликларни, йўлларни, кўлларни, ҳаттоки океанни қайта тиклаш усули бўлса, мен, албатта, шундай қилган бўлардим. Кейин оммавий гипноз воситалари билан мана шундай шаҳарнинг барча аҳолисига, бу ер ҳеч қандай Марс эмас, бу ер чинакам Ер сайёрасидир, дея миясига қуйган бўлардим.

– Аъло, Хинкстон. Назаримда, биз тўғри кетяпмиз, анови уйда биз кўрган аёл ўзини Ерда яшаяпман, деб ўйлаяпти, вассалом. Шу унинг хаёлини ушлаб турибди. Бу аёл ва бу шаҳарчанинг бошқа яшовчилари келажакда сизларга дуч келиши мумкин бўлган энг буюк кўчув ва авраш тажрибаларининг манбалари бўлиб хизмат қилади.

– Жуда нишонга урдингиз, капитан! – овозини кўтариб деди Люстиг.

– Аниқ урдингиз! – қўшиб қўйди Хинкстон.

– Яхши, – капитан хўрсиниб қўйди. – Ишлар сал жўнашгандек бўлди, кўнгил ҳам хотиржамроқ. Қандайдир мантиқ борга ўхшаяпти. Бўлмаса саёҳатлар ҳақида замондаги олдинга ва орқага қараб қилинган мана бу барча сафсаталардан миям ачиб кетганди. Агар менинг таклифим тўғри бўлса... – у жилмайди. – Нима ҳам дердим, унда маҳаллий аҳоли орасида озмунча шовшув кутилмаётибди!

– Ишончингиз комилми? – деди Люстиг. – Нима бўлганда ҳам бу одамлар ўзларига яраша зиёратчилардир. – Улар Ерни билиб туриб ташлаб келишган. Балки улар бизнинг келганимиздан ҳеч ҳам хурсанд эмасдирлар. Балки улар бизни қувиб юборишга, ҳатто ўлдиришга ҳам тайёрдирлар.

– Бизнинг қуролимиз дурустроқ. Қани, кейинги уйга кирайлик-чи.

Аммо улар майсазордан ўтишга ҳам улгурмаган эдиларки, Люстиг турган жойида қотиб қолди. Икки кўзи сокин, мудроқ кўчанинг нариги учида эди.

– Капитан, – деди у.

– Нима гап, Люстиг?

– Капитан... Йўқ, сиз анови... Нималарни кўраяпман-а!

Люстигнинг ёноқларидан ёшлар думалай кетди. Кўтарилган қўлларининг қабарган бармоқлари титрар, юзида ҳайрат, қувонч, шубҳа акс этарди. Яна бир оз ўтгач, севинчдан ўзини йўқотиши тайин эди. Йўша нуқтага қараб турар экан, у тўсатдан чопиб кетди. Қоқилиб тушди-да, ерга йиқилди. Оёққа туриб, яна чопиб кетар экан:

– Ҳой, менга қаранглар! – дея қичқирди.

– Тўхтатинг уни! – капитан унинг орқасидан югурди.

Люстиг кучининг борича чопар, қичқирар эди. Соядор кўчанинг ўртасига етгач, у бир ҳовлига қараб бурилди-да, бир сакраб томида темир хўроз турган катта яшил уйнинг айвончасида пайдо бўлди. Хинкстон ва капитан Люстигга етиб олганларида, у қаттиқ қичқирганча эшикни муштлар эди. Учалалари ҳам Марснинг оғир ҳавосидан силлалари қуриб, оғир-оғир нафас олар, томоқлари ҳуштак чалар эди.

– Буви, бобо! – чақирди Люстиг.

Остонада иккита қария пайдо бўлди.

– Дэвид! – қариялар бараварига қичқиришди. Улар ўзларини бир-бирларининг бағриларига отиб, кучоқлаша кетдилар, елкаларини силар эдилар. – Дэвид, оҳ Дэвид, қанча йиллар ўтиб кетди-я!.. Ёш болагина эдинг. Девдек одам бўлибсан. Дэвид, болагинам, аҳволларинг қалай?

– Буви! Бобо! – пиқ-пиқ йиғлар эди Дэвид.

– Сизлар шундай ажойиб кўринасизларки!

У қарияларни ўзидан нари суриб, айлантириб разм солар, ўпар, кучоқлар, йиғлар ва яна разм солларди, кўзларидан оқаётган ёшни сидириб ташларди. Осмонда қуёш чарақлаб турарди, шамол эсиб ўтларни тебратар, эшик эса ланг очиқ эди.

– Қани, ичкарига кир, болагинам. Сенга янгагина чой мунтазир турибди. Ичиб бир ҳузур қил!

– Менинг дўстларим бор, – Люстиг орқасига ўгирилди-да, кулганча шоша-пиша капитан ва Хинкстонни қўли билан имлаб чақирди. – Капитан, бу ёққа келинглар.

– Ассалому алайкум, – қарши олди уларни қариялар. – Марҳамат, марҳамат, ичкарига марҳамат. Дэвиднинг дўстлари бизнинг дўстимиз. Тортинманглар!

Кўҳна уйнинг меҳмонхонаси муздек эди, бир бурчакда тилларанг, баланд, акмисоқдан қолган

соат бир маромда чиқ-чиқ қиларди. Кенг кушеткаларда парқу ёстиқлар, девор бўйлаб китоблар терилган, шапалоқ гулли гилам ерга тўшалган, қариялар қўлларида муздан терлаган яхна чойли стаканларини тутиб туришар, бундай чойнинг бир култумиёқ одамга жон киритиб юбориши аниқ эди.

– Ичинг, жонингиз киради, – бувининг стакани унинг чинни тишларига тегиб, ёқимли жингирлаб кетди.

– Бу ерда анчадан бери турибсизми, буви? – сўради Люстиг.

– Ўлганимиздан бери, – киноя билан жавоб берди аёл.

– Қачондан... бери? – капитан Блэк стаканини столга қўйди.

– Ҳа-да, – бош ирғади Люстиг. – Уларнинг ўлганига ўттиз йил бўлди, ахир.

– Сизлар эса, ҳеч нарса бўлмагандек, беғам ўтирибсизлар! – деди капитан.

– Бўлди, тақсир! – кампир муғамбирона кўз қисиб қўйди. – Бунақа ишларнинг мағзини чақишга сиз ким бўлибсиз? Бизлар эса шу ернинг одамимиз. Бу аҳволда дунёга келдинг нима-ю, келмадинг нима? Мана бу «Нима учун» ва «Нега?» деган саволлар кимга керак? Биз яна тирикмиз, тамом. Биз фақат шуни биламиз, ортиқча савол кимга керак? Мен сизга айтсам, бу иккинчи уриниш. – Кампир судрала-судрала капитаннинг олдига борди-да, ўзининг ингичка қоқшол қўлини чўзди. – Ушлаб кўринг.

Капитан аста туртиб кўрди.

– Хўш, ҳақиқий қўлмикан?

Капитан бош ирғади.

– Сизга тағин нима керак? – тантанавор сўради кампир. – Ортиқча саволга не ҳожат?

– Биласизми, – жавоб берди капитан, – биз Марсда шунақа нарсага дуч келиб қоламиз деб ўйламаган эдик.

– Демак, дуч келибсиз. Мен сизга айтсам, ҳар бир сайёрада тангрининг тазарру йўллари нечоғли кўп эканлиги хаёлингизга ҳам келмайди.

– Ие, унда бу ер арши аъломи? – сўради Хинкстон.

– Бўлмағур гап, бу ерда ҳам ўша дунё, фақат бизга иккинчи уриниш насиб этган. Нима учун? Бу ҳақда бизга бир оғиз гап айтилмаган. Ахир Ерда ҳам бу ерда нима учун пайдо бўлиб қолишимизни ҳеч ким тушунтириб бермаганди-ку! Ҳўв, ўша Ерда. Биз учиб келган Ерда. Унгача яна битта Ер борлигини биз туш кўриб ўтирибмизми?

– Яхши савол, – деди капитан.

Люстигнинг чеҳрасида ҳамон шодиёна табассум жилва қилиб турарди.

– Жин урсин, сизларни кўриб шунчалик суюниб кетаяпманки, асти қўяверинг!

Капитан стулдан турди-да, бенихтиёр сонига шапатилади.

– Хўш, энди борайлик. Меҳмондорчилик учун раҳмат.

– Сизлар яна келасизлар-ку! – тараддудланишди қариялар. – Биз сизларни кечки овқатта кутаяпмиз.

– Катта раҳмат, келишга ҳаракат қиламиз. Ишимиз жуда ҳам кўп. Одамларим мени ракетада кутиб туришибди... – ва у очиқ эшикка саросимали қараганча жим бўлиб қолди.

Узоқ-узоқлардан қуёш нурлари борлиқни тўлдириб турган кенгликдан турли овозлар, қичқириқлар, дўстона хитоблар қулоққа чалинарди.

– Бу нима? – сўради Хинкстон.

– Ҳозир биламиз-да. – Шундай дея капитан Жон Блэк эшик ортига шамолдай учиб ўтди-да, ям-яшил майсазордан Марс шаҳарчаси кўчаси томонга югуриб кетди.

У ракетага қараганча таққа тўхтаб қолди. Барча люклар очиқ ва қўлларини қувноқ силкитганча шошa-пиша экипаж ерга тушмоқда эди. Атрофда тумонат одам йиғилган, фазогирлар улар орасига қўшилиб, суҳбатлашган, кулган, қўл қисишганча одамлар орасини ёриб борар эдилар. Оломон севинчдан рақсга тушар, Ерликлар атрофида тобора зичлашиб борар эдилар. Ракета ҳамманинг эсидан чиққанча бир четда мунғайиб турар эди.

Чароғон қуёш нурлари остида оркестр янгради, ҳавони чолғуларнинг юракни ларзага солувчи тантанавор садоси тутди. Ноғоралар гумбурлар, найлар юракни тешгудек чийиллар эди. Заркокил қизалоқлар севинчдан сакрар эдилар. Болакайлар «Ура-а!» деб қичқирар эдилар. Қориндор кишилар таниш ва нотаниш меҳмонларни ўн центлик сигара билан сийлар эдилар. Шаҳар мэри нутқ сўзлади. Сўнгра экипажнинг барча аъзоларини бирин-кетин қўлтиқларидан тутишди-да, бир томондан – онаси, бошқа томондан – отаси ёки синглиси – кўчадан мўъжазгина коттежларга ва данғиллама уйларга етаклаб кетишди.

– Тўхта! – қичқирди капитан Блэк. Бирин-кетин эшиклар гуп-гуп этиб ёпилди.

Қуёшнинг жазирама ҳарорати баҳор осмони бўйлаб юқорига ўрлар эди, шаҳарча узра сукунат чўкди. Карнай ва ноғоралар бурчак ортида ғойиб бўлди. Ташландиқ ракета битта ўзи чарақлаб турар, қуёш нурлари билан ўйинашмачоқ ўйнаётгандек эди.

– Кучоқлар! – бақирди командир. – Улар кемани шундоқ қолдириб кетишибди! Ҳали мендан кўради улар! Уларга буйруқ берилган эди!..

– Капитан, – деди Люстиг, – бунчалик қаттиқ кетманг. Қариндош-уруғларингиз билан кўришганча...

– Бу баҳона бўлолмайди!

– Ахир кема олдида таниш чеҳраларини кўрганларида улар ўзларини қандай ҳис қилишларини кўз олдингизга келтирсангиз-чи!

– Уларга буйруқ берилган эди, жин урсин!

– Сиз нима қилган бўлардингиз, капитан?

– Мен буйруқни бажарган бўлардим... – Шундай дея у оғзини очганча қотиб қолди. Тротуардан Марс қуёши нурлари остида 26 ёшлардаги, кўзлари ҳаддан ташқари мовий, новча бир йигит жилмайганча улар томон яқинлашиб келарди.

– Жон! – қичқирди у ва улар томон отилди.

– Нима? – деди капитан Блэк шошиб.

– Жон, кекса каззоб!

Югуриб келиб, ҳалиги эркак капитаннинг қўлини қисди-да, елкасидан қоқиб қўйди.

– Сенмисан?.. – довдираб қолди Блэк.

– Бўлмасам-чи, мендан бошқа ким бўларди!

– Эдвард! – капитан Люстиг ва Хинкстон томонга ўгирилди, – нотаниш кишининг қўлини ҳамон қўйиб юбормаётган эди. – Бу менинг акам Эдвард. Эд, менинг дўстларим билан таниш: Люстиг, Хинкстон! Менинг акам!

Улар бир-бирларининг қўлларини сиқишди-да, сўнг кучоқлашишди.

– Эд!

– Жон, дангаса!

– Кўринишинг чакки эмас, Эд! Шошма-шошма, бу қанақаси? Шунча йиллар ўтиб сира ўзгар-

мабсан-ку? Ахир ўлганингда... ўлганингда сен ҳам 26 ёшда, мен эса 19 да эдим. Эй, худойим-эй, шунча йиллар ўтиб, шунча сувлар оқибдики, тўсатдан бу ерда кўришиб қолганимизни-ей! Буни қандай тушунса бўлади?

– Ойим кутиб турибдилар, – деди Эдвард Блэк жилмайганча.

– Ойим?!

– Отам ҳам.

– Отам?!

Капитан қаттиқ зарба егандек бир чайқалиб тушди ва итоатсиз оёқлари билан бир-икки қадам олға ташлади. – Отанг ва онанг тирикларми? Қаерда улар?

– Эски уйимизда, Дуб кўчасида.

– Эски уйимизда... – капитаннинг кўзлари ҳаяжон ва ҳайратдан чақнаб кетди. – Эшитдингизми, Люстиг, Хинкстон?

Бироқ Хинкстон уларнинг ёнида йўқ эди. Кўчанинг нариги учида ўзининг уйига кўзи тушиб, ўша томонга кетиб қолган эди. Люстиг кулиб юборди.

– Одамларимизга нима бўлганини энди тушунгандирсиз, капитан? Уларни ҳеч нарсада айблаб бўлмайди.

– Ҳа, ҳа... – капитан кўзларини қисди. – Ҳозир кўзларимни очаман-да, сен ҳам йўқ бўласан. – У киприк қоқди. – Сен шу ердасан! Ёпирай, Эд, кўринишинг шунақанги зўрки!

– Кетдик, тушлик қиламиз. Мен ойимга айтиб қўйган эдим.

– Капитан, – деди Люстиг, – агар керак бўлиб қолсам мен қарияларимнинг ҳузурида бўламан.

– Нима? Ҳа, бўлмасам-чи, Люстиг. Бора қол.

Эдвард акасининг қўлидан тутди-да, етаклаб кетди.

– Мена, бизнинг уйимиз. Эсингдами?

– Бўлмасам-чи! Ишонмасанг, мен эшиккача биринчи бўлиб етиб бораман!

Улар шу заҳоти югуриб кетишди. Капитан Блэкнинг боши узра дарахтлар шовуллар, оёқлари остидаги ер гувуллар эди. Бу ғаройиб тушида у Эдвард Блэкнинг уни қувиб ўтаётганини, қадрдон уйи шиддат билан унга яқинлашаётганини ва эшикни ланг очаётганини кўриб турарди.

– Мен биринчи бўлиб келдим! – қичқирди Эдвард.

– Бўлмасам-чи, – ҳансираб деди капитан, – мен чолман, сен бўлсанг навқирон йигитсан. Сен ўзи ҳар доим тутқич бермас эдинг! Ё мени эсидан чиқарган деб ўйлаяпсанми?

Остонада тўладан келган, юзлари қип-қизил, кўзлари чақнаган онаси турарди. Унинг ортида сочларига оқ оралаган, қўлида трубкасини тутганча отаси турарди.

– Ойи, дада!

У бола сингари зиналардан юқорига отилди.

Ажойиб ва узун ёз куни. Тушликдан кейин улар меҳмонхона бўлмасига ўтишди. У қарияларга ўзининг ракетаси ҳақида сўзлаб берди, улар эса бош ирғар ва жилмаяр эдилар, онаси худди аввал қандай бўлса, шундай кўринарди, отаси сигара учини тишлаганча ўйчан ичига тортар эди – худди ўша вақтлардагидек. Кечликка қулинг ўргилсин курка гўшти пиширилган эди, вақт ҳам сезилмай ўтиб борарди. Ликопчалар обдан тозаланган курка суяклари уюмига тўлгач, капитан ўзини стул суянчиғига ташлади ва чуқур қаноат ҳосил қилганини билдириб, пишиллаб нафасини чиқарди. Кеч тушиб, дарахт япроқлари қилт этмай қолди. Осмонни шафақ ёғдуси чулғади,

шинам кўхна уйдаги чироқлар қизғиш нур таратиб турарди. Кўчадаги бошқа барча уйлардан мусиқа, пианино овозларининг гуриллаб очилиб-ёпилишлари эшитилиб турарди.

Онаси пластинкани қўйди-да, капитан Жон Блэк билан гир айланиб рақс туша кетди. Ундан ўша атир иси анқир эди, отаси ва онаси поезд ҳалокатида ўлганларида ҳам улардан худди шундай атир анқиб турарди. Ҳозир бўлса улар бир текис рақс тушар, унинг қўллари ҳақиқий, жонли онасини қучиб турарди...

– Одамга иккинчи уриниш ҳар доим ҳам насиб этавермайди, – деди онаси.

– Эртага эрталаб уйғонаман, – деди капитан, – ва менинг ўз ракетамда, коинотда эканлигимдан ном-нишон ҳам қолмайди.

– Бунақа гаплар кимга керак! – деди онаси мулойимлик билан. – Ўзингни уринтирма. Худо ўзи меҳрибон. Худо ўзи ярлақайди.

– Узр, ойижон.

Қўшиқ тугаб, пластинка вишиллаганча бир чизиқда айланар эди.

– Чарчадинг, болам, – отаси трубка учи билан ишора қилди. – Кириб ётишинг мумкин. Одатдагидек, эски жез зўлдирли каравотинг сенга мунтазир.

– Лекин мен одамларимни тўплашим керак.

– Нега?

– Нега? Ҳм... билмадим, дарвоқе, нега тўплар эканман-а? Ҳеч нарсага, албатта. Уйқар овқатланаётган ёки ухлаётган бўлсалар керак. Майли, уйқуга тўйиб олсинлар, дам олиш уларга зарар қилмайди.

– Яхши ётиб тур, ўғлим, – онаси унинг юзидан ўпиб қўйди. – Қандай яхши. Сен яна уйдасан.

– Ҳа, уйда бўлганингга нима етсин.

Сигара тутунига тўлган уйни, руҳларни, китобларни, майин нурни тарк этиб, у зинапоядан юқори кўтарилди ва Эдвард билан тўхтовсиз гаплашар эди. Эдвард эшикни итарди ва Жон Блэк ўзининг сариқ жез караватини, коллежнинг таниш байроқчаларини ва роса униққан олакузан пўстинсини кўрди, пўстинни у алоҳида меҳр билан силаб қўйди.

– Ҳаммасини бирданига кўтара оламиканман? – деди капитан. – Чарчоқдан жоним чиққудек бўлиб турибди. Бир кунда шунча воқеа! Худди жала остида соябонсиз ва ёмғирпўшсиз икки кеча-кундуз тургандек силлам қуриган. Таассуротларим суяк-суягимгача сингиб кетган...

Эдвард қўлларини ҳар томонга кенг ёйганча катта ва оппоқ чойшабни тўшади ва ўраб ширирди. Сўнг деразани очди. Хонага ёсуманнинг тунги хушбўй ҳиди оқиб кирди. Ой пирпираб турарди, узоқ-узоқлардан рақс мусиқалари ва босиқ овозлар қулоққа чалинарди.

– Мана, кўрдингми, Марс қанақа! – деди капитан ечинар экан.

– Ҳа, шунақа. – Эдвард секин ечинди, кўйлагини бошидан шошмайгина тортиб олди, офтобда қизарган кенг елкалари, мушаклор бўйни кўринди. Чироқ ўчирилди. Ана, улар 30 йиллик, 40 йилликдек олдингидек яна караватда ёнма-ён ётишибди. Капитан ёсуман ҳиди тутган ҳавони ҳузур қилиб ичига торттанча, тирсагига суяниб туриб ўтирди. Дарахтлар орасидаги майсазорда кимдир патефон қўйди. Ундан «Ҳар доим» деган куй янграй бошлади.

Блэк Мэрлинни эслади.

– Мэрлин ҳам шу ердами?

Акаси деразадан тушиб турган тўртбурчак ой нурида чалқанча тушиб ётар эди. У ҳадеганда жавоб бермади.

– Ҳа, – бир оз тараддудланиб қўшиб қўйди. – Ҳозир шаҳарда эмас, у эртага эрталаб бўлади.

Капитан кўзларини юмди.

– Мен Мэрлинни жуда ҳам кўргим келаяпти.

Жимжит хонада уларнинг нафасларигина эшитилиб турарди.

– Яхши ётиб тур, Эд.

Жимлик.

– Яхши ётиб тур, Жон.

Капитан фикрларига эрк бериб ҳузур қилиб ястанди. Шундагина бугунги зўриқиш унинг вужудидан ситилиб чиқиб кетди ва у ниҳоят одамлардек мушоҳада қилиш имконига эга бўлди. Қаёққа қарамасин, асабийлашган одамлар. Қулоқни қоматга келтирган оркестр овози. Қариндош-уруғларнинг таниш башаралари... Аммо энди...

«Қандай қилиб? – ажабланарди у. – Буларнинг бари қандай қилиб бўлди экан? Нима учун? Ким учун? Бу нима? Илоҳий рўёнинг сўз билан ифодалаб бўлмас фароғатими? Наҳотки худо ростдан ҳам ўз бандалари деб шунчалар куйиб-пишса? Қандай қилиб, нима учун, ким учун?»

Хинкстон ва Люстиг кундузи, дастлабки таассуротлар таъсири остида унга таклиф қилган назарияларни тарозига солиб кўрди. Сўнг эринчоқлик билан турли янги тахминларни ўзининг теран фаросати қаърига тошчалар каби бир-бир ташлаганча, обдан фикр элагидан ўтказди, шунда унинг шуурида аллақандай ёрқин тушунчалар милтиллаб кўзга чалина бошлади. Ойиси. Отаси. Эдвард. Марс. Ер. Марс. Марсликлар.

Қизиқ, минг йил олдин Марсда ким яшаган экан? Марсликлармиёки ҳар доим бугунгидек бўлганми?..

Марсликлар. У паст овозда ўзича шу сўзни бир неча бор такрорлади.

Тўсатдан у қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбораёзди. Кутилмаганда миясига ўтакеттан бемаъни фикр келиб қолди. Баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Ҳе йўқ, бу бўлмағур нарса, албатта. Ҳеч ҳам бўлиши мумкин эмас. Пуч гап. Миянгдан чиқариб ташла бу гапларни, жирт кулгили.

Бари бир ҳам... Агар тахмин қилсанг! Ҳа, Марсда фақат марсликлар яшашини тахмин қилсагина. Уларнинг кемамиз яқинлашиб келаётганини, унинг ичида бизнинг ўтирганимизни кўриштанини тасаввур қилса... Яна дейлик – шунчаки қизиқ учун – чақирилган меҳмонларни босқинчилар сифатида йўқ қилиб юборишга аҳд қилишганини, буни ҳам жуда устамонлик билан, чаққонлик билан, бизнинг хушёрлигимизни бир пулга чиқариб, уддалашларини тасаввур қилса. Кўрдингизми, атом қуроли билан қуролланган ерликларга қарши марсликлар қанақа воситаларни ишга солишмайди.

Унинг жавоби саволидан ҳам қизиқ эди. Телепатия, гипноз, эсдаликлар, тасаввурлар.

Фараз қилайлик, бу уйлар ҳеч ҳам ҳақиқий эмас, каравот ҳам ҳақиқий эмас, булар барчаси менинг ўз тасаввурларим маҳсуллари, Марс телепатияси ва гипнози ёрдамида моддийлаштирилган тасаввурлар, – хаёл суришда давом этди капитан Жон Блэк, – аслида уйда ҳамма нарса бошқача, марсликлар дидига қараб тузилган, бироқ менинг орзуларим ва хоҳишларимга қараб иш тутган марсликлар шундай найранг ишлатиш-

ганки, гўё мен ўз жонажон шаҳримни, ўз уйимни кўриб тургандекман. Агар одамнинг кўнглига шубҳа уруғини сепиб, уни тузоққа илинтирмоқчи бўлсанг, унинг ўз отаси ва онасидан ҳам яхшироқ илмоқни топиб бўлар эканми?

Ҳали менинг экипажимдан биронтаси ҳам дунёга келмаган 1926 йилдаги эски кўҳна бир шаҳарча! Мен 6 ёшда эканлигимда, дарҳақиқат Гарри Лодер қўшиқлари ёзилган пластинкалар урф бўлган эди, уйларда Максфил Парриш суратлари осилиб турарди, мунчоқли пардалар бўларди, «Ажойиб Огайо» қўшиғи айтиларди ва XX аср бошлари меъморчилик бинолари қад кўтариб турарди. Борди-ю, марсликлар шаҳар ҳақидаги барча тасаввурларни менинг шууримдан суғуриб олган бўлсалар-чи? Ахир айтадилар-ку, болалик тасаввурлар ҳеч қачон эскирмайди, деб. Менинг тасаввурларим билан шаҳар қуриб, улар бу шаҳарни ракета экипажининг барча аъзолари хотирасида яшовчи қариндош-уруғлари ва яқинлари билан тўлдириб қўйишган!

Фараз қилайлик, қўшни хонада ухлаб ётган икки одам ҳеч ҳам менинг отам ва онам эмаслар, марсликлар эса шунчалик зеҳндор бўлишадики, мени гипноз ортида ҳар доим тутиб туришга уларнинг тоб-тоқатлари чидамайди, ахир...

Мана бу духовой оркестр-чи! Қандай ғаройиб, ҳайратомуз режа! Аввал Люстигнинг, орқасидан Хинкстоннинг бошини қотириб, кейин халойиқни ҳайдаб келиш; фазогирлар ўн, йигирма йил аввал ўлган оталарини, оналарини, холаларини, қайлиқларини кўрганларида уларнинг дунёдаги ҳамма нарсани унутиб юборишлари, буйруқни унутиб юборишлари, кемадан отилиб чиқиб,

уни ташлаб кетишлари ажабланарли эмасми? Бу ерда нима табиийроқ бўлиши мумкин? Бу ерда қандай шубҳалар бўлиши мумкин? Барчаси жуда оддий: кимки кавлаштира бошласа, қаршисида тирилган онасини кўриб, саволлар бера бошласа, ахир бахтдан лол, карахт бўлиб қолиши ҳеч гап эмас-да. Мана сизга натижаси: ҳаммамиз турли уйларга тарқаб кетдик, караватларда ётибмиз, қуролларимиз йўқ, ҳеч нарса билан ўзимизни ҳимоя қилолмаймиз, ракета ҳам ойдинда ташландиқ ҳолда турибди. Агар бизларни бир-биримиздан ажратиб битта қўймай қириб ташлашни ўйлаган бўлсалар, марсликларнинг бу риёкорона режаларини тасаввурга келтиришнинг ўзиёқ одамни ҳар нарса қилиб қўймасмикан? Балки қоқ ярим тунда мен билан ёнма-ён ётган мана бу акам бирдан ўзгариб қолса, қиёфаси бутун борлиги бошқача шаклга кирса ва адоватли, қўрқинчли ёввойи бир махлуққа айланиб қолса, бу унинг марслик бўлиб қолганини билдирадими, ахир бундан баттарроқ нарса бўлиши мумкинми? Ётган жойида мен томон бурилиб, қоқ юрагимга пичоқ санчиш унинг учун гап бўлибдими? Қолган бошқа барча уйлардаги ўн-ўн бешта ака-ука ва оталар ҳам ана шундай ўзгариб, қўлларига пичоқ олиб ҳеч нарсадан тап тортмай ухлаб ётган ерликларни ана шундай сўйиб ташлашса...

Жон Блэкнинг қўллари адёл остида титраб кетди. Унинг эти жунжикди. Тўсатдан бу ҳақиқатта айланди-ю, унинг вужудини даҳшатли қўрқув қамради.

У туриб ўтирди-да, қулоқ сола бошлади. Атрофда тиқ этган товуш йўқ. Мусиқа тинган. Шамол тинди. Ёнида акаси донг қотиб ухлаб ётибди.

У оҳиста адёлни устидан олди. Сирғалиб пастга тушди ва товуш чиқармайгина эшик томон юрди. Шу пайт акасининг овози қулоғига чалинди:

– Қаёққа?

– Нима?

Акасининг овози баданни тешиб ўтгудек бўлди.

– Бирон узоқроқ ёққа бормоқчимисан?

– Сувга.

– Сувсаганинг йўқ.

– Сувсадим, нега сувсамас эканман.

– Йўқ, сувсаганинг йўқ.

Катта Жон Блэк шиддат билан югуриб кетди. У қичқирди. У икки марта қичқирди.

У эшиккача етолмади.

Каллаи саҳарда оркестр мунгли мотам куйини чалар эди. Кўчадаги ҳар бир уйдан мўъжазгина тобутчаларни кўтариб, одамлар чиқар эдилар; чиқиб тош йўл устида ўтирардилар-да, кўз ёшларини артар эдилар. Хотинлар, оналар, опа-сингиллар, ака-укалар, амаки-тоғалар, оталар. Улар янги қабр кавлаб қўйилган ва янгигина қабр тошлари кутиб турган қабристонга йўл оладилар. Ўн олтита қабр, ўн олтита қабр тош.

Мэр қисқагина мотам нутқи сўзлади. Унинг юзи ўзгариб кетганидан бу мэрми ё бошқа бир одамми, билиб бўлмас эди.

Жон Блэкнинг отаси ва онаси қабристонга келди, акаси Эдвард ҳам келди. Улар йиғлар, оҳ-воҳ қилар эдилар, чеҳралари эса аввалги таниш аломатларини йўқотиб, аста-секин ўзгариб борар эди.

Люстигнинг бобо, бувиси ҳам ўша ерда эди ва ҳўнграб йиғлашар эди, уларнинг ҳам юзлари мумдай эриб, чўзилиб борар, худди жазирама кунга бардош бермаётгандек туюлмоқда эди.

Тобутларни қабрга туширишди. Кимдир «Бир туннинг ўзида ўн олтита одамни ажал тўсатдан ва бевақт олиб кетгани» хусусида ўзича ғудраварди.

Кесаклар қабр қопқоғи устига дўпирлаб туша бошлади.

Оркестр «Океан дурдонаси Колумбия» куйини чалганча гулдураган мис карнайлар оҳангига монанд равишда шаҳар томон йўл олди. Шу куни ҳамма дам олди.

## ИЮНЬ 2001 ОЙ АВВАЛГИДЕК КУМУШ НУРЛАРИНИ СОЧАДИ

Улар ракетада тун қўйнида чиқиб келишганида ҳаво шунчалар совуқ эдики, Спендер дарҳол гулхан учун Марс шох-шаббаларини теришга тутинди. Марсга учиб келганларини нишонлаш борасида у чурқ этиб оғиз очмади, шох-шаббаларни териб келди-да, олов ёқиб юборди ва унинг қандай ёнишини томоша қилди.

Кейин қуриб қолган Марс денгизи узра қонталаш тонг ҳавосига елкаси оша уларни – капитан Уайлдер, Черок, Хетэуэй, Сэм Паркхилл ва унинг ўзини унсиз қоп-қоронғи юлдузли кенгликлар орқали олиб ўтган ва ҳаётсиз бепам оламга олиб келиб қўйган ракетага қараб қўйди.

Жефф Спендер қий-чув бошланишини кутиб турарди. У дўстларига қарар экан, ҳозир уларнинг сакрашларини, қичқиришларини кутарди... Фақат Марсда улар «биринчи» одамлар эканини ҳақидаги ҳаяжонли фикрдан ўзларига келиб олишини кутиш керак. Ҳеч ким бу ҳақда овоз чиқариб бир нарса демасди, лекин юракларида кўплаб, афтидан, уларнинг ўтмишдошлари маррагача етиб кела олмаганига ва биринчилик

байроғи бўларга, «Тўртинчи» экспедицияга насиб этишига умид қилар эдилар. Йўқ, улар ҳеч кимга ёмонлик тиламасдилар, шунчаки улар биринчи бўлишни хоҳлар эдилар ва ўпкалари оғир ҳавога кўниккунча шон-шуҳрат ҳақида орзу қилар эдилар. Дарҳақиқат, озгина кескинроқ ҳаракат қилинса, худди Марс одамидек бошлари айланиб кетар эди.

Гиббс гуриллаб ёнаётган гулхан олдига келди-да, сўради:

– Шох-шабба нега керак, ахир ракетада кимёвий ёнилғи бор-ку?

– Ҳечқиси йўқ, – жавоб берди Спендер бошини кўтармай.

Биринчи тундаёқ Марсда шовқин-сурон кўтариш ва ракета ичидан бу ерга тўғри келмайдиган кўпол буюмни – кўз олгудек чарақловчи печкани кўтариб тушиш ақлга тўғри келмайдиган, тўғриси, номаъқул гап эди. Бу маҳаллий шароитта ҳақорат ҳам бўлади-ку. Ҳали қулоллатирилган сутли банкаларни мағрур Марс каналларига улоқтиришга улгуришади, ўшандай вақт албатта келади, Марс денгизларининг оппоқ яйдоқ тубида «Нью-Йорк Таймс»нинг шалдираган саҳифалари эринибгина сирғаладиган, думалайдиган пайтлар, албатта, келади, қадимги Марс шаҳарларининг нафис шаклли харобалари орасида банан пўстлоқлари ва ёғ юқи қоғозлар тўлиб-тошган пайт ҳам узоқ эмас. Ҳаммаси олдинда кутиб турибди, ҳаммаси бўлади. Бу фикрдан у ҳатто сесканиб кетди.

Спендер гўё ўлик паҳлавонга қурбонлик келтираётгандек олов оғзига пайдар-пай шохлар ташлар эди. Улар келиб қўнган сайёра улкан қабристон экан. Бу ерда бутун бир тамаддун ҳало-

катта учраган. Оддийгина иззат-икром у ерда лоақал биринчи кунда ўзини одобли тутишни талаб этар эди.

— Йўқ, бунақаси кетмайди! Келиб қўнганимизни нишонламасак бўлмайди! — Гиббс капитан Уайлдерга юзланди. — Хўжайин, бир нечта жин банкаси ва гўшт консервасини очиб, озгина тамадди қилиб олсак ёмон бўлмасди.

Капитан Уайлдер улардан бир миля нарида ястаниб ётган ўлик шаҳарга қаради.

— Ҳаммамиз чарчаганмиз, — деди у паришонхотир, гўё шаҳарнинг ўлимтик қиёфасига чўмиб, ўз одамлари ҳақида бутунлай унутиб юборгандек. — Яхшиси, эртага кечқурун нишонлаймиз. Бугунча мана бу лаънати кенгликдан бу ергача етиб келганимиз ва ҳаммамизнинг тўрт мучамиз соғлиги, ракета баданида эса метеоритдан бирорта ҳам тешик тушмаганлиги ўзи етарли.

Фазогирлар гулхан атрофида депсинар эдилар. Улар ўн иккита эдилар, кийим ўрогичининг ҳар қайсисига қўлини қўйиб турар, жим қамалиб чўкардилар эди. Спендер уларни жим кузатиб турарди. Улар норози эдилар, улар буюк ишга ҳаётларини гаров қўйган эдилар. Энди улар бўкиб ичишни, вадавала қўшиқ айтишни, ўзларининг қанчалик абжир йигитлар эканини — космосни тешиб ўтиб, ракетани Марсга ҳайдаб келганларини билдириб қўйиш учун дунёни бошларига кўтариб шовқин солишни истар эдилар. Марсга-я!

Лекин ҳозирча ҳамма сукут сақларди.

Капитан паст овозда буйруқ берди. Фазогирлардан бири югуриб бориб, ракетадан консервалар олиб келди ва уларни очиб, ортиқча шовқин-суронсиз тарқатишди. Аста-секин одамлар гапга кириша бошлади. Капитан ўтирди ва

парвоз ҳақида қисқача тушунтириш берди. Улар ҳамма нарсани билар эдилар, аммо ҳаммаси орқада қолганини, иш муваффақиятли ниҳоясига етганини эшитиш ва идрок этиш ёқимли эди. Қайтиб кетиш йўли ҳақида ҳеч ким гапиришни истамасди. Кимдир бу ҳақда оғиз очмоқчи ҳам бўлди, аммо ўша заҳоти унинг унини ўчиришди. Ойдинда қошиқлар ялт-юлт қиларди; таом ғоят мазали туюларди, мусаллас эса ундан ҳам мазалироқ эди. Осмонда аланга йилт этди ва зум ўтмай уларнинг кўналғасидан сал нарига ёрдамчи ракета келиб қўнди. Спендер кичиккина люк очилганини ва ундан Хетэуэй, врач ва геолог тушганини кўрди; ракетадаги жойни тежаш мақсадида экспедициянинг ҳар бир иштирокчиси иккитадан мутахассисликка эга эди. Хетэуэй шошмасдангина капитаннинг олдига келди.

– Хўш, у ерда нима гаплар? – сўради капитан Уайлдер.

Хетэуэй юлдузлар ёғдусида милтиллаётган узоқдаги шаҳарларга қаради. Сўнг томоғига келиб тиқилган нарсани ютди-да, Уайлдерга нигоҳини олди:

– Ҳов анови шаҳар ўлик, капитан, неча минг йиллардан бери ўлик. Тоғлардаги учта шаҳар каби. Лекин бу ердан икки юз мил наридаги бешинчи шаҳар...

– Хўш?

– Ўтган ҳафтада у ерда одамлар яшар эди.

Спендер ўрнидан турди.

– Марсликлар, – қўшиб қўйди Хетэуэй.

– Ҳозир улар қаерда?

– Ўлган, – деди Хетэуэй. – Мен бир уйга кирган эдим. Бу ҳам шаҳардаги бошқа уйлар каби кўп асрлар муқаддам ташлаб қўйилган деб ўйладим.

Осмоний кучлар, у ердаги мурдаларнинг кўплиги! Худди кузги япроқлардек тахланиб ётибди! Худди қуруқ пояллардек ва ёнган қоғоз бўлакларидек. Улардан фақат шуларгина қолган, холос. Улар яқин-яқиндагина, узори билан ўн кун аввал ўлганлар.

– Бошқа шаҳарларда-чи? Битта-яримта тирик жонни кўргандирсиз, ахир?

– Битта ҳам кўрганим йўқ. Шундан кейин мен яна бир нечтасини текшириб кўрдим.

Бештадан тўртта шаҳар кўп минг йиллар аввал ташлаб қўйилган. Уларнинг аҳолиси қаерга кетганини ҳеч тасаввур қилолмайман. Ҳар беш шаҳардан биттасида аҳвол шу. Жасадлар. Минглаб жасадлар.

– Нимадан ўлган булар? – Спендер яқинроқ келди.

– Айтсам, ишонмайсиз.

– Айтинг-чи, нима экан?

– Сувчечак, – қисқагина жавоб берди Хетэуэй.

– Бўлиши мумкин эмас!

– Худди шундай. Мен текширдим. Сувчечак экан. Унинг таъсири марсликларга ерликлардан бутунлай бошқача экан. Ҳамма гап моддалар алмашинувида экан. Улар куйган гўладек қорайиб қуриб кетган, мўрт лахтакларга айланган. Аммо бу сувчечак, бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бундан шу нарса келиб чиқадики, Йорк ҳам, капитан Уильямс ва капитан Блэк ҳам – ҳар учала сайёҳ Марсгача етиб боришган. Кейин уларга нима бўлгани ёлғиз худога маълум. Лекин биз шу нарсани аниқ биламизки, улар марсликларни шу кўйга солишган.

– Ҳеч жойда ҳаёт аломати йўқми?

– Эҳтимол, бир қанча марсликлар вақтида бир нарсани англаб олганлар ва тоққа чиқиб кеттан-

лар. Аммо шундай бўлган тақдирда ҳам қасам ичиб айтаманки, марсликлардан қўрқмаса ҳам бўлади, улар ҳаддан ташқари оз. Марсликларнинг кўпини айтиб бўлинган.

Спендер қайрилди-да, яна гулхан олдига ўтириб, оловга тикилди. Сувчечак эмиш, ё тавба, сувчечакка бало борми! Сайёра аҳолиси миллион йиллар давомида ривожланади, ўз маданиятини такомиллаштиради, мана бунақа шаҳарлар қуради, гўзаллик ҳақида орзу ва тасаввурларини ҳар қандай йўллар билан маъқуллатишга уринади ва охирида ҳалок бўлади. Бир қисми эрамизгача ўлиб – уларнинг муддати тугаган ва улар жимгина жон беришган – ўлимни шараф билан кутиб олишган. Аммо бошқалар-чи! Эҳтимол, қолган марсликлар даҳшатли бирон-бир касалликдан қирилиб кетишгандир! Ҳечам бунақа эмас. Уларнинг бошига сувчечак етган, болалар касаллиги. Бу касаллик Ерда ҳатто болаларни ҳам ўлдиролмайди! Бу тўғри эмас, адолатдан эмас. Бу қадимги юнонлар буқоқдан ўлиб кетган, мағрур римликларга эса ажойиб тепаликларда сўтал қирғин келтирган деган чўпчакларга ишониш билан баравардир!

Биз асли марсликларга дафн маросимларини тайёрлаб олишларига, керакли қиёфага кириб олишларига ва ўлим учун бирон-бир сабаб ўйлаб топишларига вақт ва имкон берсак бўлар экан. Бундай эмас-да, аллақаердаги шарти кетиб, парти қолган, аҳмоқона сувчечак эмиш! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Бу улар меъморчилигининг улуғворлигига, уларнинг бутун оламига асло мос келмайдиган гап!

– Бўпти, Хетэуэй, энди тамадди қилиб олинг.

– Раҳмат, капитан.

Бўлди! Ҳаммаси эсдан чиқди. Энди бутунлай бошқа нарса ҳақида гаплашишяпти.

Хаёл суришда давом этганча Спендер ҳамроҳларини кузатарди. Тиззасидаги ликопчада турган овқатга қўл ҳам урмади. Ҳаво янада совуқроқ бўлган эди. Юлдузлар яқинроқ келиб, ёрқинроқ чарақлай бошлаган эди. Агар кимдир овозини ҳаддан ташқари баланд кўтариб гапира бошласа, капитан босиққина жавоб берарди, улар ҳам беихтиёр капитанга тақлидан овозларини пасайтирар эдилар.

Бу ерда ҳаво шу қадар тозаки! Спендер узоқ ўтирди, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Вужудига турфа бўйлар оқиб кирди, у ҳатто булар қандай бўй эканлигини ҳам аниқлай олмай қолди: гулми, кимёвий моддами, чангми, шамолми...

– Ёки бўлмаса, анови Нью-Йоркдаги воқеани олайлик, мен малласоч қиз билан, ҳа, оти нима эди-я, эсимдан чиқибди... Ҳа, Гинни! Ўшани илаштиргандим! – бўкирди Гиббс. – Қизалоқни қиз эди-да ўзиям!

Спендер ғужанак бўлиб олди. Унинг қўллари титрарди. Ингичка юпқа қовоқлари тагидаги кўзлари бесаранжом ўйнарди.

– Ана шу Гинни менга айтадики... – давом этди Гиббс.

Дўстона қаҳ-қаҳ кўтарилди.

– Мен ҳам уни бопладим! – қичқирди Гиббс шишани қўлидан қўйиб юбормай.

Спендер ликопчасини бир четга олиб қўйди. Салқин шамол эпкинига қулоқ тутди. Оппоқ Марс уйларини завқланиб томоша қила бошлади. Суви қуриб қолган денгиздаги муз товларининг ўзгинаси...

– Зўр қизалоқ эди-да, қиёмат! – Гиббс шишани кенг даҳанига тўнкарди. – Қанчасини кўрдим –

биттаси ҳам унақа эмасди! – ҳавони Гиббснинг баданидан таралаётган тернинг қўланса ҳиди тутди. Спендер гулхан ўчгунча бошқа шох-шабба ташламади.

– Ҳой, Спендер, ухлаб қолдингми, нима бало, ўтиндан ташласанг-чи! – қичқирди Гиббс ва яна шишани сўра бошлади. – Ана шунақа, бир куни тунда биз Гинни билан...

– Космонавтлардан Шенке исмли бири аккордеонини олиб келди-да, қорнини уриб қоққан эди, бир дунё чанг кўтарилди.

– Э-э, эҳ! – ўкирди у. – Ўйнаб-кулганинг қолади!

– Оҳ-ҳоҳ-ҳо! – бўшаган ликопчаларини итқитиб қолганлар унга жўр бўлди.

Учаласи бир қатор бўлиб олди-да, бурлеск қизларига ўхшаб, лапар айтиб қичқирганча оёқларини ўйната кетишди. Яна бирор нарса ўйнаб беришни талаб қилиб, бошқалар чапак чалишди. Чероки кўйлагини ечиб ташлади-да, тер қоплаган баданини ялтиратганча чир айлана бошлади. Ойдиннинг кумуш нурларидан унинг калта олинган сочи ялтирар, арчилган тухумдек силлиқ юзлари ялт-ялт қиларди.

Шамол қуриб қолган денгиз тубидаги енгил туманни ҳайдар эди, тоғлардан улкан қоялар кумушранг ракетага ва мўъжазгина гулханга кўз узмай қараб турарди.

Шовқин-сурон тобора авж олмоқда, раққослар сони кўпаймоқда эди, кимдир зўр бериб сибизга чалар, яна бири папирос қоғозига ўралган найга пуфлар эди. Яна йигирматача шиша очилиб, ичилиб кетди. Гиббс атрофда чайқалиб айланар ва қўлларини силкитиб, ўйинга дирижёрлик қилишга уринарди.

– Командир, даврага! – қичқирди Чероки капитанга ва кўшиқни ола кетди.

Капитаннинг рақс тушишидан бошқа иложи қолмади. У истамайгина рақс тушa бошлади.

Унинг сира чеҳраси ёришмаётганди. Спендер унга қараб ўйларди: «Шўрлик! Бу қандай тун бўлди? Нима қилишаётганини ҳам билишмайди-я. Парвоздан олдин уларга бир йўл-йўриқ бериб қўймаса, ўзининг лоақал дастлабки кунларида Марсда рисоладагидек тутишни тушунтириб қўймаса бўлмайди».

– Бас, – капитан даврадан чиқди-да, чарчаганини баҳона қилиб ўтириб олди.

Спендер капитаннинг кўксига қаради. Чарчаган одамнинг кўкраги кўтарилиб тушмас эдими?! Юзида ҳам тердан асар йўқ.

Аккордеон, гармон, мусаллас, қийқириқлар, рақс, ҳайқириқлар, ғала-ғовур, идишларнинг жангир-жунгири, қаҳ-қаҳ уриб кулишлар.

Гиббс чайқала-чайқала Марс канали соҳилига борди. У ўзи билан олтита бўшаган шишани олиб олган эди ва биттама-битта уларни чуқур моовий сувга ирғита бошлади. Чўкиб кетаётиб, шишалар қулқ-қулқ қилган овоз чиқарар эди.

– Мен сени лаънатлайман, лаънатлайман, лаънатлайман... – чулдираб деди Гиббс. – Гиббс, Гиббс номи билан лаънатлайман, эй Гиббс канали...

Кимдир қимирлашга улгуришдан аввал Спендер шартта оёққа турди-да, гулхан устидан сакраб ўтиб, Гиббс томонга чопиб етди. У аввал Гиббснинг оғзига, кейин эса қулоғига зарба туширди. Гиббс чайқалиб кетди-да, тўғри бориб сувга қулади. Сув шалоплаб кетди. Гиббснинг тирмашиб қайтиб чиқишини кутганча Спендер жим қараб турди. Бироқ бу пайтда бошқалар ҳам етиб келиб, Гиббснинг қўлидан тортиб чиқара бошлашган эди.

– Ҳой Спендер, сенга нима бўлди ўзи? Нега ундай қиласан? – гапнинг тагига етмоқчи бўлар эди улар.

Гиббс қирғоққа чиқиб олди-да, оёққа турди, сув эгнидан шилдираб оқиб, тош плита устига тушa бошлади. У Спендерни ушлаб турганларини дарҳол пайқади.

– Хўш, – деди у ва олдинга бир қадам ташлади.

– Бас қил! – ўшқирди капитан Уайлдер.

Спендерни қўйиб юборишди. Гиббс капитанга қараганча қимир этмай турарди.

– Бўпти, Гиббс. Кийимларингни алмаштириб ол. Сизлар эса, йигитлар, ўйин-кулгини давом эттиришларинг мумкин! Спендер, юр мен билан!

Хурсандчилик яна бошланиб кетди. Уайлдер бир четга ўтди-да, Спендерга бурилди.

– Гап нимадалигини балки сиз тушунтириб берарсиз? – деди у.

Спендер каналга қаради.

– Билмадим. Виждоним чидамади. Гиббсни деб. Барчамизни деб, мана бу ғала-ғовурни деб. Эй худо, бу қандай бедодлик!

– Саёҳат чўзилиб кетди. Улар бир дилларини ёзиб олмаса бўлмасди.

– Лекин уларнинг ҳурмати қани, командир? Одоб туйғуси қани?

– Сиз чарчабсиз, Спендер, эндн нарсаларга сал бошқача қарайдиган бўлиб қолибсиз. Эллик доллар жарима тўлаб қўйинг.

– Хўп бўлади, командир. Аммо биз аҳмоқларни қилиб тайлаётганимизни улар кўриб турганини ўйласам, ўзимни тутолмай қоламан.

– Улар деганингиз кимлар?

– Марсликлар, ҳо тирик, ҳо ўлик бўлсин, бари бир эмасми?

– Шубҳасиз, ўликлар, – жавоб берди капитан. – Бизнинг бу ердалигимизни улар билишади деб ўйлайсизми?

– Янгининг пайдо бўлиши ҳақида эски ҳар доим ҳеч нарса билмайди дейсизми?

– Қайдам? Сиз руҳларга ишонасиз, чамаси?

– Мен меҳнат билан қилинган нарсаларга ишонаман. Чор атрофда эса бу ерда қанча нарса қилингани яққол кўриниб турибди. Бу ерда кўчалар бор, уйлар ҳам бор, китоблар ҳам бор, эҳтимол, кенг каналлар, соатли миноралар, гарчи отлар учун бўлмаса-да, суғлоқлар ҳам бордир, улар, қандайдир уй ҳайвонлари, дейлик, ўн икки оёқли бир жонзот бўладими, биз қаёқдан билиб ўтирибмиз, ўшалар учун. Қаёққа қараманг, ҳамма жойда фойдаланилган нарсалар ва иншоотлар. Уларга тегинишган, уларни кўп асрлар давомида истеъмол қилишган. Мендан сўранг-а, фойдаланган одамлар уларнинг ичига қўйган буюмлар қалбига мен ишонаманми, ё йўқми? Мен «ҳа» деб жавоб берган бўлардим. Улар бўлса, атрофимизда – ҳар қайсисининг ўз вазифаси бўлган нарсалар. Ўз номлари бўлган тоғлар. Бу нарсалардан фойдаланиб биз ўзимизни, албатта, ноқулай сезамиз. Тоғларнинг номлари ҳам бизга қанақадир ғалати эшитилади – биз уларни ҳисобдан ўчириб ташлаймиз, қадимги номларга бўлса, жин ҳам урмаган, аллақаерда макон ва замонда мавжуд улар, ким учундир тоғлар, улар ҳақидаги тасаввурлар айнан ўша номлар билан боғлиқ бўлган. Каналларга, шаҳарларга, чўққиларга биз берган номлар улардан ғоз силкингандаги сувдек тўзиб кетади. Биз Марс билан ҳар қанча яқинлик қилмайлик, бари бир ҳақиқий муносабат ҳеч қачон қарор топиши мумкин эмас. Охир-оқибат,

ни чертар эди, чанг алмисоқдан қолган сибизғани қоплади. У кишиларнинг кўзларига кирар ва шамолдан ҳавода баланд пардаларда аллақандай куй садо берар эди. Бирдан шамол қандай бошланган бўлса, шундай тинди.

Аммо кўнгилхушлик ҳам тинган эди.

Одамлар лоқайд тим-қора осмон остида ҳаракатсиз қотиб қолдилар.

– Қани йигитлар, бўлинглар! – топ-тоза, қуруқ кийимда Гиббс Спендерга қарамасликка ҳаракат қилиб, ракетадан сакраб чиқди. Унинг овозини гўё ҳеч ким эшитмагандек жавобсиз қолаверди. Гўё атрофда ҳеч ким йўқдек. – Ҳаммаларинг бу ёққа келинглар!

Ҳеч ким жойидан қимир этмади.

– Ҳой Уайти, сибизғанг қани?

Уайти қандайдир куйни пуфлаб чалди. Сибизғадан сохта ва беўхшов овоз чиқди. Уайти сибизғани силтаб, сўлакни туширди-да, уни чўнтагига жойлади.

– Бу қанақаси, азага келганмисизлар? – тиниб-тинчимасди Гиббс.

Кимдир аккордеонни маҳкам қучоқлаб олган эди. У ўлаётган жониворга ўхшаб бўғиқ овоз чиқарди. Бор-йўғи шу.

– Бўпти, унда биз шиша билан иккаламиз кўнгилхушлик қиламиз. – Гиббс ракетага суяниб ўтириб олди-да, чўнтак фляжкасини оғзига олиб борди.

Спендер ундан кўзини узмасди. Узоқ қимир этмай турди. Кейин унинг бармоқлари оҳиста, секинлик билан титраётган сони бўйлаб юқорига ўрлади, тўппончани пайпаслади ва чарм ғилофни силай бошлади.

– Ким хоҳласа, мен билан шаҳарга бориши мумкин, – эълон қилди капитан. – Ракета ёнида

қўриқчи қолдирамиз-да, қурол олиб оламиз – ҳар эҳтимолга қарши.

Хохловчилар сафга тизилишди ва тартиб билан ўзларини санаб чиқишди. Сафга келиб қўшилган Гиббс билан улар ўн тўртта бўлишди, Гиббс ҳамон хохолаб кулар ва шишани силкитар эди. Олти одам қоладиган бўлди.

– Қани, кетдик! – бўкирди Гиббс.

Даста индамай сутдек ойдин водийдан одимлаб кетди. Улар бир-бирини қувиб келаётган икки ой нуридан чароғон мудроқ-ўлик шаҳар чеккасига келишди. Уларнинг оёқлари остидан чўзилган соялар қўшалоқ эди. Бир неча дақиқагача фазогирлар нафасларини ичларида ютиб турдилар. Ана-мана бу ҳаётсиз шаҳарда нимадир қимирлашини, қандайдир хира кўлка пайдо бўлишини, ҳосилсиз денгиз тубидан асл зоти номаълум бўлган отда зирҳ ва совутларга бурканган кекса чавандоз арвоҳнинг от қувиб келишини кутар эдилар.

Спендернинг тасаввури ҳувиллаган шаҳар кўчаларига жон киритмоқда эди. Ҳиёбонлардан, тўс бостан тошлардан одамларнинг арвоҳлари мовий нур таратиб юриб келар, англаб бўлмас ғудранишлар, ғалати жониворлар қуланг қизғиш қумда ўқдек учиб чопар эдилар. Ҳар бир деразада кимдир турар ва дераза раҳидан эгилганча, худди абадият сувига ғарқ бўлгандек, аста қўлини узатар, ойнинг кумуш нурларига чўмилган минора тагидаги тубсиз бўшлиқда ҳаракат қилаётган қандайдир кўланкаларга қўл силтар эдилар, унинг юраги қандайдир мусиқа товушини эшитгандек бўлди ва Спендер бундай товуш берувчи чолғу созн қанақалигини тасаввур қилишга уриниб кўрди... Шаҳар арвоҳларга лиммо-лим эди.

– Ҳой, ким бор? – қичқирди Гиббс қаддини ғоз тутиб ва кафтларини оғзига карнай қилиб. – Ҳой, бу шаҳарда жон зоти борми, овоз беринг!

– Гиббс! – деди капитан. Гиббс жим бўлди.

Улар тош тахталар ётқизилган кўчаларга қадам босишди. Энди улар шивирлаб гаплашишар эди, чунки улар гўё очиқ осмон остидаги улкан қироатхонага ёки бош узра ёрқин юлдузлар-у, шабада эсиб турган даҳмага кириб қолгандек ҳис этмоқда эдилар ўзларини. Капитан овозини кўтармай гапирарди. У шаҳар аҳолиси қаёққа кетганини, улар қанақа одамлар бўлганини, уларга қандай қуроллар ҳукмронлик қилганини, улар нимадан қирилиб кетганини билишни истарди. У паст овозда саволлар берарди: улар бундай асрий шаҳарни қандай қуришди экан? Улар Ерда бўлишганмикан? Ўн минг йиллар муқаддам ерликларга шулар насл қолдирганмикан? Улар ҳам биздек севиб, ёмон кўришганмикан? Улар ҳам аҳмоқликка йўл қўйишганда биздек ҳолга тушишганмикан?

Улар тош қотиб қолишди. Ойлар бамисоли уларни сеҳрлаб, музлатиб қўйгандек эди; енгил шамол уларни елпир эди.

– Лорд Байрон, – деди Жефф Спендер.

– Қанақа Лорд? – капитан унга бурилди.

Лорд Байрон, шоир, XIX асрда яшаган. Жуда илгари у бир шеър ёзган эди. Бу шеър мана бу шаҳарга жуда ҳам мос келади ва марсликлар ҳис қилишлари керак бўлган туйғуларни ифода этар эди. Агар уни ҳис қиладиган битта-яримта одам бу ерда қолган бўлса! Бундай шеърларни сўнгги марслик шоир ёзиши мумкин эди.

Одамлар қимир этмай туришарди. Уларнинг соялари ҳам қотиб қолган эди.

– Бу қандай шеър экан? – сўради капитан.

Спендер оғирлигини иккинчи оёғига солди, қўлини кўтарди, нималандир эслаган бўлди, бир лаҳза кўзини қисиб турди, кейин у паст овозда шошмасдан шеърни ўқишга тушди, ҳамма ундан кўз узмай тинглай бошлади:

*Тунлари кезмоқлик на ҳожат энди,*
*Қалбимиз севгига лиммо-лим – мана.*
*Борлиқни тўлдирган кумуш ой нури,*
*Севги достонидан сўйлар росмана.*

*Шаҳар кумушранг тусда, баланд, унсиз.*
*Одамларнинг нигоҳи ойга қадалди.*
*Қилич қайрар ўзин пичоққа,*
*Юрак ёрмоқ бўлар вужудни.*
*Ахир мангу олов қайда бор,*
*Қалб бахш этди ишққа бор-будни.*

*Ой интилар Ер сари тақир,*
*Аэбаройи севги зўридан.*
*Тунлари кезмоқлик на ҳожат энди,*
*Ойдининг йўқ фарқи қалбим кўридан.*

Ерликлар шаҳар марказида унсиз турар эдилар. Тун осмони очиқ ва булутсиз эди. Шамолнинг қуштагидан бошқа тиқ этган товуш йўқ эди. Уларнинг рўпарасида майдон ястаниб ётарди. Кошин узра қадимги жониворлар ва одамларнинг суратлари акс эттирилган. Улар тик турганча томоша қилар эдилар.

Гиббс бирдан ўхчиди. Кўзлари хиралашди. Қўлини оғзига босди-да, вужуди титраб ютинди, кўзларини қисди, икки букилиб қолди, оғзига қуюқ бир нарса тўлиб қайд қилиб юборди,

қайд қилган нарсаси шалоп этиб кошин устига тушди-да, суратларни қоплаб олди. Бу ҳол икки марта такрорланди. Муздек ҳавода аччиқ мусаллас ҳиди анқиди. Ҳеч ким Гиббсга ёрдам бергани жойидан қимирламади. У ҳамон қайт қиларди.

Спендер унга бир қараб қўйди-да, орқасига бурилиб, у ердан кетди. У бир ўзи ой ёритиб турган шаҳар кўчалари бўйлаб юриб борар ва дўстларига қайрилиб қарамаслик учун ҳеч жойда тўхтамаётган эди.

Улар тонгги соат тўртдагина ухлагани ётишди. Адёлга чўзилишди-да, кўзларини юмишди ва бир маромда нафас ола бошлашди. Капитан Уайлдер гулхан ёнида ўтириб, унга шох-шаббалар ташлар эди.

Икки соат ўтгач, Мак-Клюр кўзларини очди.

– Ухламаяпсизми, командир?

– Спендерни кутаяпман, – капитан заифгина жилмайди.

Мак-Клюр ўйлаб қолди.

– Биласизми, командир, назаримда у келмайдигандек. Нималигини ўзим билмайман-у, аммо кўнглим шуни сезиб турибди. У келмайди.

Мак-Клюр бошқа ёнбошига ағдарилди. Олов чирсиллаб учқун сачратди-да, ўчиб қолди.

Орадан бир ҳафта ўтди, Спендердан эса дом-дарак йўқ эди. Капитан уни қидиргани бир қанча дасталар юборди, лекин улар қайтиб келишди-да, қаёққа ғойиб бўлганига ақлимиз етмай қолди, деб айтишди. Ҳеч қиси йўқ, саёқланиб юриб-юриб ўз оёғи билан қайтиб келади. Ўзи саёқ ва бетайин бир одам эди. Кетса кетиб ўлмайдими.

Капитан индамади, бироқ ҳаммасини кема журналига ёзиб қўйди...

Бир куни эрта билан – бу душанба ҳам ёки сешанба ҳам ёки Марснинг бошқа ҳар қандай

кулак бўлиши мумкин эди.– Гиббс юзини офтобга тутганча ва оёқларини музлаб сувда ўйнатганча канал киргоғида ўтирарди.

Канал бўйидан бир одам келарди. Унинг сояси Гиббсга тушди. Гиббс кўзларини очди.

– Ў, алдазар! – деб юборди Гиббс.

– Мен сени ўлдираман.

– Қўйсанг-чи бу аҳмоқона ҳазилингни, Спендер.

– Ўрнингдан тур, эркаклардек ўл!

– Худо ҳақи, тўппончангни ол.

Спендер тўппонча тепкисини фақат бир марта босди. Бир лаҳза бурун канал қирғоғида ўтирган Гиббс аста олдинга энкайди-да, сувга қулаб тушди. Ўқ овози худди япроқ шивирлаганидек заиф гўнғиллашдек жуда паст эди. Жасад аста, танҳо, тинч оқаётган канал сувига тушди-да, босиқ «билқ» этган товуш чиқариб, кўздан ғойиб бўлди.

Спендер тўппончасини ғилофга солди-да, товушсиз одимлаб нари кетди. Марс узра қуёш чарақлаб турарди, унинг нурлари Спендернинг қўлларини куйдирар, қўрғошиндай иссиқ юзни жизиллатар эди. У чопмаётганди, гўё ўтган галдан буён ҳеч нарса ўзгармагандек, агар эрта кундуз экканини ҳисобга олмаганда, бемалол кетиб борар эди. У ракета ёнига борди, бир неча одам бостирма тагида нима ошпази пўйлаб кетган нонуштанинг чангини чиқармоқда эди.

– Ана, ёлғиз бўримиз келиб қолди, – деди кимдир.

– Кел, Спендер! Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди-я!

Столда ўтирган тўртовлон уларга индамай қараб турган кишига тикилишди.

– Сенга бу лаънати харобаларни худо бериб қолди-да, – кинойали жилмайиб деди ошпаз, то-

воҳдаги қоп-қора суюқликни аралаштирар экан.
– Қаранглар, суяклари саналиб турган оч кўппакдан фарқи қолмабди.

– Бўлса бордир. Мен бир нарсани аниқлашим керак эди. Агар шу атрофда марсликни кўриб қолдим десам, нима деган бўлар эдиларинг?

Тўрттала фазогир санчқиларини бир четга қўйишди.

– Марслик? Қаерда?

– Бу муҳим эмас. Сизларга битта савол берсам майлими? Агар мамлакатингизга бегона одамлар кириб келиб, ҳамма нарсани агдар-тўнтар қила бошласа, марсликнинг ўрнида сиз бўлганингизда ўзингизни қандай ҳис этар эдингиз?

– Қандай ҳис этишимни мен яхши биламан, – деди Чероки. – Томиримда чероклар қабиласи қони оқади. Бобом Оклахома тарихидан кўп нарсалар гапириб берган эди. Мен сизларга айтсам, агар бу ерда марсликлар қолган бўлса, мен уларни тушунаман.

– Сизлар-чи? – эҳтиёткорлик билан сўради бошқалардан.

Ҳеч ким ҳеч нарса деб жавоб бермади. Ўртага ўзгача бир сукунат чўкди. Гўё топишмоқ айтилди-ю, «топган топалоқники» қабилидаги бир ҳолат эди. Топган олиб кетаверади-ю, қолганлар қулоғини ушлаб қолаверади.

– Шунақа гаплар, – деди Спендер. – Мен марсликни учратиб қолдим.

Улар Спендерга ишонқирамай қараб туришарди.

– Ҳов анави ерда, ўлик қишлоқлардан бирида уни учратаман деб сира ўйламагандим ҳам. Ақалли қидирганим ҳам йўқ. Билмадим, у ерда у нима қилаётган экан. Шу ҳафтада мен бир ки-

чикроқ шаҳарчада яшадим, қадимги ёзувларни ўрганишга ҳаракат қилдим, уларнинг қадимги санъатларини тадқиқ қилдим. Келиб-келиб бир кун бир марсликни кўриб қолдим. У бир лаҳзагина кўриниб турди-да, ўша заҳоти ғойиб бўлди. Шундан кейин икки кунгача кўринмай кетди. Янаги келганида мен ёзувларни тадқиқ қилиб ўтирардим. Бу бир неча бор такрорланди, ҳар гал у яқинроқда пайдо бўлар эди. Мен марс тилини ўрганиб олган кунда, бу ҳаддан ташқари оддий эди, менга пиктограммалар ёрдам берар эди, марслик шундоқ қаршимда пайдо бўлди-да: «Менга бошмоқларингизни беринг», деди. Мен унга бошмоқларимни бердим, у эса бундай деди: «Энди эгнингиздаги ҳамма кийимингизни беринг». Мен ҳамма кийимимни ечиб бердим, у яна: «Тўппончангизни беринг», деди. Тўппончамни бердим. Шунда у: «Энди мен билан юринг-да, нима бўлишини томоша қилинг», деди. Шундай қилиб, марслик лагерга кетди, хуллас, у мана шу ерда.

– Мен ҳеч қанақа марсликни кўрмаяпман, – эътироз билдирди Чероки.

– Афсус.

Спендер ғилофдан тўппончани олди. Паст ғунғиллаш эшитилди. Биринчи ўқ чапдан энг чеккадаги одамга бориб тегди. Иккинчи ва учинчи ўқ эса ўнгдан четдаги ва ўртада ўтирган кишиларга бориб тегди. Ошпаз қўрқиб гулхандан ўгирилди ва тўртинчи ўқ унга бориб тегди. У юзтубан олов ичига қулаб тушди ва қимирламай ётиб қолди, кийимлари эса гуриллаб ёнди.

Қуёш нурига чўмганча ракета юз турар эди. Столда уч киши ўтирар, қўллари эса аллақачон совиб қолган нонуштали ликопчалар ёнида турарди. Омон қолган биргина Чероки гап нимадалигини англаёлмай Спендерга қаради.

– Мен билан юришинг мумкин, – деди Спендер.

Чероки ҳеч нима деб жавоб бермади.

– Қулоқ сол, мен сени ўз даврамга оламан. – Спендер кута бошлади.

Ниҳоят Чероки тилга кирди.

– Сен уларни ўлдирдинг, – деди у ва рўпарасида ўтирганларга базўр қараб қўйди.

– Улар шунга муносиб эдилар.

– Эсингни ебсан!

– Эҳтимол. Лекин сен мен билан юришинг мумкин.

– Сен билан – нимага? – қичқирди Чероки юзидан ранги қочган, кўзларидан ёш тирқираганча. – Йўқол кўзимдан!

Спендернинг юзи кўкарди.

– Ҳеч бўлмаганда сен мени тушунарсан, деб ўйлагандим.

– Йўқол! – Черокининг қўли тўппончага чўзилди.

Спендер охирги марта ўқ узди. Чероки бошқа қимир этмай қолди.

Лекин Спендер ҳаракатга келди. У терлаган юзини кафти билан силади. У ракетага қаради ва шу заҳоти бадани қалт-қалт титрай кетди. Титрагани шунчалик эдики, сал бўлмаса қулаб туша ёзди. Унинг юзи гипноздан кейинги ёки ғалати туш кўриб уйғонган одамнинг юзига ўхшаб кетар эди. Титроғини босиш учун у ўтириб олди.

– Бас қил! Ҳозироқ! – буюрди ўз вужудига.

Ҳар бир ҳужайраси қақшаб титрар эди.

– Бас қил дедим!

Энг сўнгги титроқни ҳам сиқиб чиқариб ташлаш учун у аъзои баданини ирода исканжаси билан қаттиқ қисди. Энди қўллари итоаткор тиззалари узра тинчгина ётар эди.

У ўрнидан турди ва шошмайгина ортмоқланган озиқ-овқатли халтачасини орқасига қулайроқ жойлаб олди. Бир лаҳзагина унинг қўллари яна титраб кетди, бироқ Спендер жуда қатъий равишда: «Йўқ!» деб буйруқ берди ва титроқ ўша заҳоти ўтиб кетди. Сўнг битта-битта одимлаб чўғдек қизил қоялар орасида бир ўзи кўздан ғойиб бўлди.

Олов пуркаган қуёш тобора юқорига ўрлаб борарди. Бир соатдан кейин капитан нонушта қилгани ракета ичидан чиқиб келди. У фазогирлар билан саломлашиш учун оғиз очмоқчи бўлган ҳам эдики, ҳаводa тўппонча тутунининг енгил ҳидини пайқаб, тўхтаб қолди. Қараса, ошпаз гавдаси билан гулханни қоплаб ерда ётибди. Тўрттала фазогир эса совиб қолган нонушта олдида ўтирарди.

Трапдан Паркхилл ва яна икки одам тушиб келди. Капитан уларнинг йўлини тўсиб турар экан, кўзларини столда унсиз ўтирган одамлардан, уларнинг гавдаларини ғалати тутиб туришларидан ололмаётган эди.

– Ҳамма одамларни йиғинг! – буйруқ берди капитан.

Паркхилл канал ёқалаб югуриб кетди.

Капитан қўли билан Черокини туртди. Чероки аста букилди-да, стулдан йиқилиб тушди. Қуёш нурларидан унинг қаттиқ сочлари ва юзи ёриишиб кетди.

Экипаж тўпланди.

– Ким йўқ?

– Яна ўша Спендер йўқ. Гиббсни каналдан тополмадик.

– Спендер!

Капитан учлари қуёшли осмонга қадалган тоғларга қараб қўйди. Қуёшда унинг тиржайган тишлари чарақлаб кетди.

– Жин урсин уни, – ҳорғин деди капитан. – Нега у менинг олдимга келмади, у билан ўзим гаплашиб кўярдим.

– Йўқ, у билан мен гаплашиб кўярдим! – қичқирди Паркхилл кўзлари ғазабдан чақнаб. – Бошини ёриб, миясининг қатиғини чиқарардим.

Капитан Уайлдер боши билан имлаб иккаласини чақирди.

– Белкуракларни олинглар, – деди у. Жазирамада ер кавлаш ўлимдан қийин эди. Қуриб қолган денгиздан иссиқ шамол эсар, юзга чангни келтириб урар эди, капитан бўлса Инжилни варақларди. Бироқ у китобни ёпди ва белкураклардан матога ўралган баданларга қум оқиста шувуллаб тўкила бошлади.

Улар ракета олдига қайтиб боришди, винтовкаларининг затворларини шарақлатишди, камарларига орқадан гранаталар боғлаб олишди, тўппончанинг ғилофдан осон суғуриб олинишини текшириб кўришди. Ҳар бир кишига тоғнинг маълум бир жойи ажратилган эди. Капитан ким қаёққа боришини айтиб турди, у овозини кўтармас, қўллари ҳолсиз осилиб турарди, қўлларини деярли қимирлатмас эди.

– Кетдик, – деди у.

Спендер воҳанинг турли чеккаларида чанг булутлари кўтарилишини кўриб турарди ва таъқиб барча қоидаларга биноан бошланганини тушунди. У ўқиб турган ясси кумуш китобини қўйди-да, катта тош устига жойлашиб ўтириб олди. Китоб саҳифалари папирос қоғозидек нафис, қўлда зарҳал ва қора чизиқлар билан ишланган суратли кумуш варақлардан иборат эди. Бу ўн минг йил илгариги, улар унча катта бўлмаган Марс қишлоғининг бир вилласида топган фал-

сафий рисола эди. Спендер китобдан ажралгиси келмасди.

У ҳатто аввалига: «Араирмикан? Нима бўлса бўлди, улар келиб мени ўлдирмагунларича ўтириб, Инжил ўқийвераман», деб ўйлади.

Эрталаб у олти одамни отиб ўлдиргандан кейин ўзини ёлғиз ҳис этди, сўнг кўнгли беҳузур бўлди ва ниҳоят вужудини ғалати хотиржамлик эгаллади, аммо бу туйғу ҳам тез ўтиб кетди, чунки таъқибчиларнинг йўлини билдирувчи чангни кўргач, уни яна аёвсиз туйғулар чулғади.

У сафар флягасидан муздек сув ҳўплади. Кейин ўрнидан турди, керишди, эснади ва уни қуршаб турган воҳадаги аллаловчи сукунатга қулоқ тутди. Эҳ, у ва у ёқдаги, Ердан келган яна бир неча одам бу ерга келиб ўрнашиб, бегам, беташвиш яшаганларида, қандоқ яхши бўлар эди-я...

Спендер бир қўлига китобни олди, иккинчисига эса тўппончани. Рўпарада тагида оқиш тошчалар кўриниб турган, қирғоқларини йирик-йирик харсанглар қоплаган тезоқар дарё шовуллларди. У тошлар устида ечинди-да, баданини чайгани сувга тушди. Шошмасдан сувда ювиниб-чайиниб олди-да, яна чиқиб кийимларини кийди ва тўппончани қўлига олди.

Дастлабки ўқ овозлари кундузги соат учларда янгради. Бу пайтга келиб Спендер баланд тоғларга чиқиб кетган эди. Орқадан уни таъқиб қилиб келар эдилар. Уч марс тоғ шаҳарчаси ортда қолди. Уларнинг тепасида марсликларнинг виллалари ёйилиб ётар эди. Ям-яшил ўтлоқлар ва тезоқар дарёчалардан завқланган қадимги марсликлар тоштахталардан ҳовузлар барпо этган, кутубхоналар қурган, фавворалари шалдираб турган боғлар бунёд этган эдилар. Спендер ярим

соатча ёмғир сувига тўлган ҳовузда таъқибчиларнинг яқинлашишини кутиб, чўмилиб олди.

Вилладан чиқиб кетар экан, унинг қулоғига ўқ овози чалинди. Орқа томонда уйдан беш метрлар нарида ғишт майда-майда бўлакларга бўлиниб портлади. Спендер югуриб қоя ортига беркинди, ўгирилиб, бир ўқ биланоқ таъқибчиларнинг бирини ер тишлатди.

Уни кўриб олиб, қўлга туширишларини Спендер билар эди. Чор атрофдан ўраб олишади-да, аста-секин яқинлашиб келаверадилар ва қарабсизки, тамом-да. Уларнинг ҳатто шу пайтгача граната ирғитмаганлари ғалати. Капитан Уайлдер бир оғиз айтса, бўлди эди...

«Мени толқонга айлантириш учун жуда ҳам нозиклик қиламан, – дея кўнглидан ўтказди у. – Капитанни шу нарса ушлаб турибди. У биргина тирқишча билан ишни тугатиб қўймоқчи бўлаётир. Ажабо... Менинг саришталигина ўлишимни истаяпти. Қоним тўкилмасин деяпти. Нима учун? Шунинг учунки, у мени тушунади. Унинг йигитлари жонини гаровга қўйиб, сабр қилаётгани шундан эди, ишқилиб, битта ўқ билан бошимни нишонга олиб, саранжом қилса гўрга эди. Шундай эмасми?»

Спендернинг атрофидаги тошларни ирғитиб, бирин-кетин тўққиз-ўн марта ўқ узилди. Унга қарата усталик билан ўқ узишарди, у ҳатто қўлидан қўймай ушлаб турган кумуш китобдан нигоҳини ҳам узмаётганди.

Капитан қўлида китобча билан қуёшнинг жазирама нурлари остида панадан сакраб чиқди. Спендер тўппончаси билан уни мўлжалга ола бошлади, бироқ отишга шошмаётганди. Бунинг ўрнига у бошқа нишонни танлади ва Уайлд ётган

қоянинг чўнқисини учириб юборди. Ўша ёндан аянчли қичқириқ эшитилди.

Бирдан капитан қаддини тик тутди-да, оқ рўмолча тутган қўлини осмонга кўтарди. У ўз одамларига бир нарсалар деди ва винтовкасини бир четга қўйиб, пишлабаидан юқорига ўрлаб кетди. Спендер бир оз кутиб турди, кейин тўппончасини шай тутганча у ҳам ўрнида турди.

Капитан уйнинг олдига келди-да, Спендерга қарамасликка ҳаракат қилиб, иссиқ тошга ўтирди.

Капитаннинг қўли куртекаси чўнтагига чўзилди. Спендер тўппончасини маҳкамроқ қисди.

– Сигарета чекасанми? – таклиф қилди капитан.

– Раҳмат. – Спендер битта сигарета олди.

– Гугуртинг борми?

– Бор.

Улар чуқур сукунат ичида бир-икки сигарет тутунини ичига тортишди.

– Кун иссиқ, – деди капитан.

– Жуда ҳам.

– Қалай, яхши жойлашиб олдиларингми?

– Зўр.

– Қанча турмоқчисизлар?

– Ўн-ўн бешта одамни ер тишлатишга қанча керак бўлса, ўшанча.

– Эрталаб қулай пайт эканида сизлар нега биз учаламизни ўлдирмадинглар? Бемалол шундай қилсаларинг бўлар эди-ку?

– Биламан. Кайфият йўқ эди. Миянгда бир нарса ғувиллаб турганида ўзингга-ўзинг панд бера бошлайсан. Битта сен ҳақсан, бошқалар ҳаммаси ноҳақ, деб ўйлайсан. Лекин мен мана бу одамларни ўлдира бошлаганимда бирдан уларнинг ғирт аҳмоқлигини, уларга қўл кўтариб бекор қилганимни англаб қолдим. Кеч англадим.

Шундан кейин давом этишга кўнглим бўлмади, ўзимни яна алдаш, ғазабимни қўзғатиш, керакли кайфиятни қайта тиклаш учун бу ердан кетдим.

– Қайта тикладингизми?

– Унчалик эмас. Лекин шу ҳам етарли.

Капитан сигаретасини айлантириб қарай бошлади.

– Нега шундай қилдингиз?

Спендер хотиржам тўппончани оёқлари ёнига қўйди.

– Чунки мен Марсда кўрганларимни фақат орзу қилиш мумкин, холос. Улар биз юз йил аввал тўхтатишимиз керак бўлган жойда тўхтаганлар. Мен уларнинг шаҳарларини айланиб чиқа бошладим, бу халқни билиб олдим ва уларни ўз аждодларим деб атащдан бахтли бўлар эдим.

– Ҳа, уларнинг шаҳарларига гап йўқ, – капитан шаҳарлардан бирига боши билан ишора қилди.

– Гап фақат шундагина эмас, албатта, уларнинг шаҳарлари яхши. Марсликлар ўзларининг турмушларини санъаткорона ифодалаб қўя олишган. Американикларда санъат ҳар доим алоҳида модда ҳисобланади, унинг жойи – юқорида, ҳардамхаёл ўғлининг хонасида. Бошқалар уни якшанбалик улушлари, таъбир жоиз бўлса, кимдир дин билан қоришиқда деб билади. Марсликларда эса ҳаммаси бор – санъат ҳам, дин ҳам ва бошқалар ҳам...

– Улар бир нарсанинг тагига ета олишди, деб ўйлайсизми?

– Албатта.

– Шунинг учун ҳам сиз одамларни ўлдира бошлагансиз?

– Кичкиналигимда ота-онам мени ўзлари билан Мехико-ситига олиб кетишди. Отам ўзини у

ерда бақироқ, димоғдор тутганини ҳеч эсимдан чиқаролмайман. Онамга келсак, уни у ердаги одамлар кам ювинади, бадани қора деб унчалик ёқтиришмасди. Опам эса улар билан умуман гаплашмасди. Битта менгина уларга ёқиб қолган эдим. Отам билан онамнинг Марсга келиб қолса ўзларини худди ўшандай тутишларини мен жуда яхши тасаввур қиламан. Ўртача америкалик ҳар қандай ғайриоддий нарсага бурнини жийириб қарайди. Чикаго тамғаси йўқми, демак, бу ҳеч нарсага ярамайди. Кўрдингизми қанақа! Эй худо, шунақаям бўладими! Уруш-чи! Парвозимиздан олдин Конгрессда янграган нутқлар эсингиздадир! Мабодо саёҳат муваффақиятли чиқса, Марсда уч атом лабораторияси ва атом бомба омборлари жойлаштиришлар эмиш-а! Бундан чиқди, Марс тамом; барча мўъжизалар йўқ бўлиб кетади. Хўш, ўзингиз айтинг-чи, агар марслик Оқ уй полларини хўл қилиб қўйса, сиз ўзингизни қандай ҳис қилган бўлардингиз?

Капитан чурқ этмай қулоқ солиб турарди.

Спендер гапида давом этди:

– Қолган галварслар-чи? Тоғ саноати бошлари, саёҳат бюроси... Испаниядан Кортес ўзининг ювош компанияси билан келганида Мексикага нима бўлгани эсингиздами? Бу юҳо тақводор – иблислар қандай маданиятни йўқ қилиб ташлашди! Тарих Кортесни кечирмайди.

– Бугун биз билан одобли муомала қилишди деб айтиб бўлмайди, – деди капитан.

– Менинг иложим қанча эди! Сиз билан баҳслашайми? Ахир мен бир ўзимман – у ерда, Ердаги бу аблаҳ, ебтўймас бутун бир галага қарши бир ўзим-а. Улар бу ерда дарҳол ўзларининг мараз атом бомбаларини ирғита бошлайдилар, янги

урушлар учун базаларга ер талашадилар. Бу ҳам етмагандек, бир сайёра камлик қилиб, бошқа сайёраларнинг расвосини чиқарадилар. Калласиз вайсақилар. Бу ерга келганимда мен ўзимни фақат маданият деб аталмиш бу балодан эмас, уларнинг бу ахлоқ-одоби, бу расм-русумларидан ҳам қутулгандек бўлган эдим. Бу ерда энди менга уларнинг қонун-қоидалари-ю, тузумлари дахл қилмайди деб ишонгандим. Барчаларингизни асфаласофилинга жўнатиб, ўзим хон, кўланкам майдон бўлиб яшасам бўлаверарди.

– Лекин тескари бўлиб чиқди.

– Ҳа. Ракета ёнида бешаласини ер тишлатганимда бутунлай янгилана олмаганимни, ҳақиқий марслик бўлолмаганимни англадим. Ерда сенга ёпишган балодан осонликча қутулиб бўлмас экан. Лекин мен энди иккиланмай қўйдим. Мен ҳаммангизни битта қўймай ўлдираман. Бу навбатдаги экспедицияни жўнатишни ҳам деганда беш йилга суриб юборади. Бизнинг ракетамиз ягона, бошқа бунақасидан йўқ. Ерда биздан бир йил, бўлмаса икки йил янгиликлар кутишади ва биз ҳақимизда улар ҳеч нарса билолмагач, уларга янги экспедицияни тайёрлаш жуда қимматга тушади. Ракетани икки баробар катта қилиб ишлайдилар, янги омадсизликлардан сақланиш учун юзлаб ортиқча омилкор конструкциялар қиладилар.

– Ҳисоб-китобингиз чакки эмас.

– Борди-ю, сиз яхши хабарлар билан қайтиб борсангиз, бу Марсга оммавий бостириб келишни тезлаштиради. Шунда, худо хоҳласа, олтмиш ёшгача яшайман-да, ҳар бир янги экспедицияни қарши олавераман. Ҳар гал биттадан ортиқ ракета юборишмайди – у ҳам йилда бир марта ва экипаж йигирма кишидан ортиқ бўлмайди, мен,

албатта, улар билан дўстлашиб оламан, ракетамиз тўсатдан портлаб кетди дейман, мен буни сизларни бирёқлик қилиб олгач, шу ҳафта ичидаёқ портлатаман, кейин эса уларнинг ўзларини йўқ қилиб юбораман. Шу билан ярим асрча Марсни омон сақлаб қоламан; ерликлар, эҳтимол, ортиқ уринмай қўйишади. Тинмай ёнадиган ва тушиб турадиган цеппелинлар қурилишига одамлар қандай совуққонлик билан қарагани эсингиздадир?

– Ҳаммасини миридан-сиригача ўйлабсиз, – иқрор бўлди капитан.

– Худди шундай.

– Бир нарсадан ташқари: бизлар жуда кўпмиз. Бир соатдан кейин ҳалқа ёпилади. Бир соатдан кейин сиз мурдага айланасиз.

– Мен ерости йўлларини кўрдим ва шундай мустаҳкам бомбапаналарни кўрдимки, сиз уларни икки дунёда ҳам тополмайсиз. Ўша ёққа бораман, бир неча ҳафта ўтираман. Сизнинг сабр косангиз тўлади. Шунда мен чиқаманда, сизларни яна биттама-битта нариги дунёга жўнатавераман.

Капитан бош ирғади.

– Менга ўзингизнинг бу ердаги тамаддунингиз ҳақида сўзлаб беринг, – деди у қўли билан тоғ қишлоқлари томонни кўрсатиб.

– Улар табиат билан ҳамжиҳатликда, дориломон яшашган. Одам билан инсон ўртасида чегара ўрнатиш учун жуда ҳаддиларидан ошиб кетмаганлар. Дарвин пайдо бўлганда биз шундай хатога йўл қўйганмиз. Бизда кейин нима бўлган эди: аввалига суюндик, уни ҳам, Гекслини ҳам, Фрейдни ҳам қучоғимизга маҳкам босиб олмоқчи бўлдик. Кейин тўсатдан маълум бўлдики, Дар-

вин бизнинг динимиз билан ҳеч ҳам чиқишолмас экан. Нима бўлганда ҳам бизга шунақа туюлганди. Лекин бу аҳмоқлик-ку, ахир! Дарвин, Гексли, Фрейднинг бир оз танобини тортиб қўймоқчи бўлдик. Улар осонликча бўй беришмади. Шунда биз диннинг дабдаласини чиқаришга киришдик. Бу ишни дўндирдик ҳам. Иймондан айрилдик ва ҳаёт мазмуни устида бош қотира бошладик. Агар санъат – бор-йўғи қониқмаган эҳтирослар ифодаси, агар дин – ўз-ўзини алдашгина бўлса, унда биз нега яшаймиз? Иймон ҳамма нарсага жавоб топиб берсин! Лекин Дарвин ва Фрейд келиши билан у найчага кириб кетди. Инсон зоти шу адашганича қолиб кетди.

– Марсликлар-чи, тўғри йўлни топиб олишгандир, қойнаҳой? – суриштирди капитан.

– Ҳа. Улар фан билан динни шундай уйғунлаштириб юбора олдиларки, улар бир-бирини инкор этмадилар, балки бир-бирларига ёрдам бериб, бойитдилар.

– Ҳеч ақл бовар қилмас ҳол!

– Худди шундай бўлди ҳам. Бунинг амалда қандай бўлганини сизга жуда-жуда кўрсатгим келаяпти.

– Одамларим мени кутиб туришибди.

– Ярим соатгина шошмай туринг. Уларга айтиб қўйинг, сэр.

Капитан тайсаллади, сўнг ўриндан турди-да, жойидан қимирламай туриш учун пастга ётиб олган дастасига қараб қичқирди.

Спендер уни нуқсонсиз муздек мармар билан тикланган мўъжазгина марс қишлоғига олиб борди. Улар улкан ҳайвонлар тасвири туширилган катта равоқларни кўришди. Тасвирлар ичида оқ панжали мушуклар ва қуёш рамзини билдирув-

чи сариқ доиралар бор эди, ҳўкизларни эсга солувчи ҳайвон ҳайкалчалари, эркаклар, аёллар ва тумшуғи улкан баҳайбат итларнинг сиймолари кўзга ташланарди.

– Мана сизга жавоб, капитан.

– Кўрмаяпман.

– Марсликлар ҳайвонлар ҳаётининг сирини билиб олганлар. Ҳайвон яшашнинг маъносини билолмайди. У яшайди. Яшаш учун яшайди. Унинг учун жавоб ҳаётнинг ўзидан иборат, севинчи ҳам, лаззати ҳам шунинг ичида. Мана бу ҳайкалга бир қаранг-а: ҳамма жойда рамзий ҳайвонлар тасвири.

– Мажусийликка ҳам ўхшаб кетади.

– Аксинча, бу худонинг рамзи, ҳаётнинг рамзлари. Марсда ҳам Инсонга инсондан жуда ҳам кўп нарса ва ҳайвондан жуда ҳам оз нарса юқиб қолган пайтлар ҳам бўлган. Лекин Марсдаги одамлар бир нарсани тушунганлар: тирик қолиш учун ҳаётнинг маъноси нима эканини суриштиришни бас қилиш керак. Ҳаётнинг ўзи тайёр жавоб. Ҳаётнинг мақсади ҳаётни қайта тиклаш ва уни иложи борича яхшироқ ташкил этиш. Марсликлар, нима учун яшаш керак, деган савол уларда жавоб бериш мумкин бўлмаган айни қизғин уруш ва мусибатлар пайтида туғилганини пайқаб қолганлар. Тамаддун мувозанат ва барқарорлик касб этди. Урушлар тинди дегунча бу савол яна бемаъни бўлиб қолди, бутунлай бошқача бемаъни. Ҳаёт яхши бўлганда, у ҳақда баҳс очишга на ҳожат!

– Гапингизга қараганда, марсликлар анча содда бўлишган экан-да?

– Соддалик ўзини оқлаган жойда, албатта. Улар ҳамма нарсани дабдала қилиш, ҳамма нар-

сани остин-устин қилишга интилиш касаллигидан фориғ бўлганлар. Улар дин, санъат ва фанни бир-бири билан уйғунлаштириб юборганлар: ахир фан охир-оқибатда биз тушунтириб беришдан ожиз бўлган мўъжизани тадқиқ этиши, санъат эса, мана шу мўъжизани талқин этиши керак бўлган. Улар фаннинг гўзалликни, нафосатни барбод этишига йўл қўймаганлар. Булар ҳаммаси меъёр масаласидир. Ерликлар шундай мулоҳаза қиладилар: мана бу суратда ранг яхши чиқмаган, фан эса ранг – бу бор-йўғи модда зарраларининг муайян жойлашуви, акс этаётган нурнинг алоҳида қиёфаси эканини исботлай олади. Бинобарин, ранги менинг нигоҳимга тушган предметларнинг ҳақиқий воситалари ҳисобланади. Ундан кўра ақллироқ бўлган марслик шундай деган бўлар эди: «Бу ажойиб сурат. Уни илҳомбахш инсон қўли ва мияси билан яратган. Унинг ғояси ва бўёқларига ҳаёт берган. Аъло нарса».

Улар жим қолишди. Кечки қуёш нурларига кўмилиб ўтиришар экан, капитан унсиз мармар шаҳарчани қизиқиш билан томоша қила бошлади.

– Мана бу ерда жон-жон деб яшаган бўлардим, – деди у.

– Хоҳласангиз бўлади.

– Сиз менга таклиф этяпсизми?

– Одамларингиз ичида буларнинг барчасини ким яхши тушуна олади? Улар ўзларига етгунча димоғдор, энди уларни тўғрилаб бўлмайди. Улар билан Ерга қайтишингизга на ҳожат! Жонс билан пачакилашганимми? Худди Смитдагидек вертолёт сотиб олганимми? Қалб билан эмас, ҳамён билан мусиқа эшитиш учунми? Бу ерда бир ҳовлида мен бир марс мусиқаси ёзувини топиб олдим, у кам деганда эллик минг йил олдин ёзилган

экан. У ҳали ҳам бинойидек овоз беради. Бунақа мусиқани ҳаётда бошқа ҳеч бир жойда эшитмайсиз. Қолсангиз, сиз ҳам эшитар эдингиз. Бу ерда китоблар бор. Мен уларни бемалол ўқиб оламан. Сиз ҳам ўқир эдингиз.

– Бари бир-биридан мароқли нарсалар.

– Шундай бўлса ҳам қолмайсизми?

– Йўқ. Аммо таклифингиз учун бари бир раҳмат айтаман.

– *Демак*, маълум бўлишича, сиз мени тинч қўйиш ниятида эмассиз. Мен барчангизни ўлдиришимга тўғри келади.

– Сиз телбасиз.

– Мен нима учун жанг қилиш ва нима учун яшашни билмайман, шунинг учун ўлдиришга келганда мен сиздан кўра қатъийроқман. Кўнглимда, ҳеч бир жойга бўлса, ундагина пайдо бўлди: мен яна нафас олишнинг, офтобни кўришнинг, қуёш нурларининг ўзимга сингдирилишини ҳис қилишни, куй тинглашни ва китоб ўқишни ўрганаман. Хўш, сизнинг замонангиз менга нимани таклиф қила олади?

Капитан оғирлигини бир оёғидан бошқа оёғига солди-да, бошини чайқади.

– Шундай бўлишидан жуда афсусдаман. Буларнинг барчасидан хафаман.

– Мен ҳам. Энди эса ҳужумингизни бошлашингиз учун сизни қайтариб олиб бориб қўйиш вақти келди.

– Майли.

– Капитан, мен сизни ўлдирмайман. Ҳаммаси тамом бўлганда сиз тирик қоласиз.

– Нима?

– Мен аввал бошдаёқ сизни аяшга қарор қилган эдим.

– Оббо, сиз-эй...

– Мен сизни анови бошқалардан қутқараман. Улар ўлдирилгандан кейин сиз балки бошқатдан ўйлаб кўрарсиз.

– Йўқ, – деди капитан. – Менинг томиримда кўпроқ Ер қони оқади. Мен сизни кеттани қўёлмайман.

– Бу ерда қолиш имкониятингиз бўлганида ҳамми?

– Ҳа. Шуниси қизиқки, ўшанда ҳам. Негалигини билмайман. Ҳеч ўзимга шундай савол бериб кўрмаган эканман. Мана, етиб ҳам келдик.

Улар аввалги жойларига қайтиб келишди.

– Мен билан ўзингиз хоҳлаб бораверасизми, Спендер? Охирги марта айтаяпман.

– Ташаккур. Бормайман. – Спендер бир қўлини олдинга чўзди. – Яна бир нарса, кетар жафосига. Агар сиз енгиб чиқсангиз, менга бир иш қилиб берасиз. Агар кучингиз етса, бу сайёранинг изтиробини ҳеч бўлмаганда эллик йилга суриб беришга ҳаракат қилиб кўринг, қадимшунослар аввал бир яхшилаб тер тўкишсин-да! Розимисиз?

– Розиман.

– Яна бир гап, агар бундан кимдир енгил тортса, мени ёз кунида бир ақли суюлганча қайтиб ўзига келмаган ожиз бир жинни деб ҳисоблайверинг. Балки сиз енгил тортарсиз...

– Ўйлаб кўраман. Хайр, Спендер, яхши қолинг.

– Сиз ғалати одамсиз, – деди Спендер, капитан гармселга қарши йўлакдан пастга томон одимлаб кетганда.

Ниҳоят капитан уни сабр-тоқат билан кутиб турган, чангга ботган ўз одамлари олдига қайтиб келди. У қуёшдан кўзларини чимириб олган ва оғир-оғир нафас оларди.

– Ичишга кимда сув бор? – деб сўради капитан.

У қўлига муздек флягани тутқазганларини ҳис қилди.

– Раҳмат.

У бир ҳўплам ичди. Оғзини артди.

– Хўш, – деди капитан. – Ҳушёр бўлинглар. Шошадиган жойимиз йўқ, вақтимиз бемалол. Биз томондан кўп қурбон бўлмаслиги керак. Сиз уни ўлдиришингизга тўғри келади. У мен билан боришга унамади. Уни бир ўқ билан ер тишлатишга ҳаракат қилинг. Ғалвир қилиб ташламанг. Ўлдиринг, вассалом.

– Мен унинг лаънати калласини қовоқдек ёриб ташлайман, – тўнғиллади Сэм Паркхилл.

– Йўқ, фақат юрагига, – деди капитан. У Спендернинг шафқатсиз қатъий чеҳрасини аниқ-тиниқ кўриб турарди.

– Унинг лаънати калласини, – такрорлади Паркхилл.

Капитан флягани унга узатди.

– Буйруғимни эшитдингизми? Фақат юрагига.

Паркхилл ўзича нимадир деб тўнғиллаб қўйди.

– Кетдик, – деди капитан.

Улар яна ҳар томонга сочилиб кетишди, одимлашдан югуришга ўтишди, кейин яна одимлаб кетишди, улар гоҳ жазирама ёнбағирдан юқорига ўрлар, гоҳ муздек, тўс ҳиди анқиб турган ғорларга шўнғиб кетишар, гоҳ обдан қизиган тош ҳовурига тўлиқ чароғон очиқ майдонда пайдо бўлиб қолар эдилар.

«Юрагингдан ўзингни эпчил ҳис қилиб, ундай бўлишни истамаганингдан кейин, – ўйлади капитан, – бу эпчиллик ва жонсараклик ҳам кўзингга балодек кўриниб кетар экан. Билдир-

май кириб бориш, ҳар хил найрангларни ўйлаб топиш ва ўзингнинг маккорлигинг билан фахрланиш, юрагимдан ўзимнинг ҳақ эканлигимга ишонмаганимдан кейин ундай ҳақгўйлик туйғусини бошимга урамanми! Хўш, бундай олиб қараганда, биз киммиз? Кўпчилигимиз?.. Кўпчилик ҳар доим айбсиз бўлиб келганлиги шунга жавоб эмасми? Ҳар доим кўпчилик ҳатто тариқча адашиши мумкин эмас, шундай эмасми? Ҳатто ўн миллион йилда ҳам бир марта адашмайди...»

У хаёл суришда давом этди: «Бу кўпчилик дегани ўзи нима-ю, унга кимлар киради? Улар нима ҳақда ўйлайдилар, улар нима учун айнан шундай бўлиб қолганлар, наҳотки ҳеч қачон ўзгармайдилар? Қолаверса, мен бу лаънати кўпчилик ичига қандай жин уриб кириб қолдим? Ҳеч ўзимга келолмайман. Бунга сабаб нима: клосстрофобия, оломондан қўрқишми ёки шунчаки соғлом фикрми? Бутун дунё ўзининг ҳақлигига амин бўлиб турганида битта одам ҳақ бўлиб чиқиши мумкинми? Келинг, бу ҳақда ўйламайлик. Қорнимизда ўрмалайлик, биқиниб олайлик, тепкини босайлик! Мана шундай! Шундай!»

Унинг одамлари кимўзарга чопишар, йиқилишар, яна олға қараб чопишар, сояда бир оз кўним топиб, тишларини тиржайтиришар, оғизлари билан нафас олар эдилар, чунки ҳаво оғир эди, унда чопиш бешбаттар оғир эди; оғир ҳавода, ора-чора беш дақиқа ўтириб, оғир-оғир нафас олганча тин олмаса бўлмас эди, кўзларининг олдида ўт чақнар эди, кислородни шунча ичга тортган билан ҳеч ким тўйдим демасди, охир тишни-тишга босиб, яна олға туришга ва бу оғир ҳавони ўт ва момақалдироқ билан парча-бурин қилиб ташлаш учун винтовкани кўтаришга тўғри келарди.

Спендер капитан уни ташлаб кетган ерда ётганча тадқиқотчиларга қараб аҳён-аҳёнда ўқ узиб қўяр эди.

– Унинг лаънати миясини тошларда эзғилайман! – бўкирди Паркхилл ва ёнбағирдан юқорига қараб чопиб кетди.

Капитан сэр Паркхиллни нишонга олди, кейин унга ўқрайиб қараганча тўппончасини бир четга қўйди.

– Нима қилмоқчи эдингиз? – сўради у ҳолсизланган қўли ва тўппончадан кўз узмай.

У сал бўлмаса Паркхиллнинг орқасидан отиб ташлаёзди.

– Ё алҳазар, менга нима бўлди?

У Паркхиллнинг чопиб кетаётиб қоқилганини, пана жой топиб олганини кўрди. Спендернинг атрофида сийрак одамлар қатори кета саф тортмоқда эди. У чўққида, иккита харсанг ортида, ҳаво етишмаслигидан оғзини ҳоргин қийшайтириб ётарди, қўлтиқлари тагида қоп-қора тер доғлари пайдо бўлди. Капитан бу харсангларни аниқ кўриб турар эди. Икки харсангни бир-биридан ажратиб турган ўн сантиметрларча оралиқдан Спендернинг кўкси кўриниб турарди.

– Ҳой! – деб қичқирди Паркхилл. – Миянгнинг қатиғини чиқаришга битта ўқни жамлаб қўйибман!

Капитан Уайлдер кутарди. «Ҳа, Спендер, бўш келма, – ўйларди у. – Ўзинг ўйлаганингдек, туёғингни шиқиллат! Яна бир неча дақиқадан кейин кеч бўлади. Кет, кейин яна чиқасан. Ҳўш! Кетаман деб айтувдинг-ку. Ўзинг қидирган мана бу мажароларга гумдон бўлсанг-чи, кириб ол-да, бир ой, бир йил, кўп йиллар ётавер. Ўзингнинг ғаройиб китобларингни ўқи, эҳром ҳовузларингда чўмил. Қани, ҳой одамвачча, фурсат ғаниматда қуён бўлиб қолсанг-чи».

Спендер жойидан қимир этмасди.

«Унга нима бўлган ўзи?» – сўради ўзидан капитан.

У тўппончасини олди. Одамларнинг бир панадан бошқа панага чопиб ўтишларини кузатиб турди. Мўъжазгина, шинам марс қишлоғи миноралариға кўз солди – бамисоли қуёш нуридан чарақлаган кунгирадор ўйма шахмат доналарига ўхшарди улар сўнг. Нигоҳини харсангларга ва Спендернинг кўкрагини кўрсатиб турган оралиққа олди.

Ғазабдан ўкирганча Паркхилл олдинга отилиб чиқди.

– Йўқ, Паркхилл, – деди капитан. – Сизнинг бундай қилишингизга мен йўл қўёлмайман, бошқа бировга ҳам. Ичингиздан ҳеч бирингизга. Мен ўзим.

У тўппончасини кўтариб нишонга ола бошлади.

«Бундан кейин менинг виждоним соф бўлармикан? – сўради ўзидан капитан. – Буни ўз зиммамга олиб, тўғри қилаяпманми? Ҳа, тўғри. Биламан. Нима қилаётганимни ва нима учун қилаётганимни биламан. Нима қилсам, ҳаммаси тўғри, ахир буни мен қилишим кераклигига имоним комил-ку. Бу қароримни бир умр оқлаб ўтишимга умид ҳам қиламан ва ишонаман».

У Спендерга бошини ирғаб қўйди.

– Кетдик! – қичқирди у шивирлаб; табиийки буни ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади. – Яна ўттиз сония муҳлат бераман сенга, ўттиз сония.

Билагидаги соат чиқ-чиқ қилар эди. Капитан милнинг югуришини кузатди. Унинг одамлари чопиб олдинга ҳаракат қилишди. Спендер жойидан қимир этмас эди. Соат узоқ ва жуда қаттиқ, тўғри капитаннинг қулоғига чиқиллар эди.

– Кет, Спендер, тезроқ кет!

Ўттиз сония ўтиб кетди.

Тўппонча ҳамон нишонда эди. Капитан чуқур хўрсинди.

– Спендер, – деди у уф тортиб.

У тепкини босди.

Қуёш нурида тош узра ихчамгина чанг булутчаси пайдо бўлди – бор-йўғи шу! Ўқ овози акс садо бериб янгради-ю, дарров тинди.

Капитан ўрнидан турди-да, одамларга қараб қичқирди:

– У ўлди.

Улар ишонишмади. Улар турган жойдан харсанглар ўртасидаги очиқ тирқиш кўринмасди. Улар капитаннинг ёнбағирдан юқорига қараб бир ўзи чопиб бораётганини кўриб туришарди ва у ё жуда ботир ёки ақлдан озган деган қарорга келишди.

Бир неча дақиқа ўтгандан кейингина улар капитаннинг кетидан чопишди. Улар жасад атрофига тўпланишди, шунда кимдир сўради:

– Юрагидан отибдими?

Капитан кўзини ерга олди.

– Юрагидан, – деди у. У Спендернинг жасади остидаги тош ранги ўзгараётганини пайқади. – У нега кутиб турганини билмоқчиман. У ўзи ўйлагандек нима учун кетмаганини билмоқчиман. У нега уни ўлдиришларини кутиб турганини билмоқчиман.

– Ким билади? – деди кимдир.

Спендер эса уларнинг олдида ётарди, унинг бир қўли тўппончани қисиб олган, иккинчи қўлида эса қуёшда чарақлаб турган кумуш китоб бор эди.

«Балки буларнинг барчаси мен туфайлидир? – сўради капитан. – Уларга қўшилишни рад этгани

учундир? Балки мени ўлдиришга Спендернинг қўли бормагандир? Ким билсин, мен улардан нимам биландир фарқ қиламан. Балки ҳамма гап шундадир. У, эҳтимол, менга ишонса бўлади, деб ўйлагандир. Ёки бошқа жавоб ҳам борми?»

Бошқа жавоб йўқ эди. У жасад олдида чўнқайиб ўтириб олди.

«Мен буни ўзимнинг ҳаётим билан оқлашим керак. Энди мен уни алдай олмайман. Бордию, у мен нимам биландир унга ўхшаганим учун мени ўлдирмаган бўлса, унда мен жуда кўп ишлар қилишим керак бўлади! Ҳа, ҳа, албатта, шундай бўлади. Мен – ўша Спендерман, у менинг вужудимда яшаб қолади, ўқ узишдан олдин фақат мен ўйлайман. Мен умуман ўқ узмайман, ўлдирмайман. Мен одамларни бошқараман. У мени ўзидан, фақат бошқа шароитларда кўргани учунгина мени ўлдира олмас эди».

Капитан бошининг орқасини қуёш куйдираётганини ҳис қилди. Унинг қулоғига ўзининг овози чалинди:

– Эҳ, ўқ узишдан олдин мен билан гаплашганда эди, – бирон-бир чорасини топган бўлармидик.

– Қанақа чора? – тўнғиллади Паркхилл. – Унинг билан бизнинг зуваламиз бошқа-бошқа жойдан олинган-ку.

Пасттекислик, қоялар, мовий осмон – барчасини азбаройи жазирама иссиқ қоплаб олганидан қулоқлар шанғиллаб кетар эди.

– Дарвоқе, сиз ҳақсиз, – деди капитан. – Бизларнинг ҳеч қачон мошимиз очилмасди. Спендер билан мени эса гапиришга ҳам ҳожат йўқ эди. Аммо Спендер билан сиз ва сизга ўхшаганлар – иккки дунёда ҳам муроса қилолмас эди. Айтади-

лар-ку: «экканингни ўрасан» деб, шундай бўлди. ҳам. Флягани олинг, бир қултум ютай.

Спендерни бўш гўрга дафн қилиш таклифи капитаннинг ўйидан чиқди. Гўрни қадимги марс қабристонидан топишди. Улар Спендернинг қўлларини кўкрагига чалиштириб, кумуш тобутга жойлаштиришди ва ўн минг йил аввал тайёрланган шам ва мусаллаcларни ҳам унинг ичига қўйишди. Гўрни ёпаётиб, улар кўрган охирги нарса Спендернинг жонсиз чеҳраси бўлди.

Улар қадимги хилхонада туришарди.

— Вақти-вақти билан Спендерни эслаб турсангиз ёмон бўлмасди, — деди капитан.

Улар хилхонадан чиқишди ва мармар эшикни зичлаб ёпиб қўйишди.

Эртасига Паркхилл ўлик шаҳарларнинг бирида нишонга қараб ўқ узиш ўйинини ўтказишга қарор қилди — у биллур деразаларни нишонга олар ва нафис миноралар учини чўрт учирар эди. Капитан Паркхиллни тутиб олди-да, тишини тутдай тўкди.

## АВГУСТ 2001 ЎЗГА ЮРТЛИКЛАР

Ерликлар Марсга учиб кела бошладилар.

Учиб келганларнинг боиси, улар нимадандир қўрқар эдилар ва айни замонда ҳеч нимадан қўрқмас эдилар, чунки улар бахтли ва бахтсиз эдилар, ўзларини зиёратчилар деб ҳис қилар эдилар ва зиёратчилар деб ҳис қилмас эдилар. Ҳар бирининг ўз сабаби бор эди. Улар жонларига теккан хотинларини ёки жонларига теккан ишларини ёки жонларига теккан шаҳарларини ташлаб келган эдилар; ниманидир топиш ёки нимадандир қутулиш ёки ниманидир қазиб олиш, нима-

нидир кавлаб олиш ёки нимагидир ернинг тагига яшириб қўйиш ёки нимагидир абадий унутиш учун учиб келар эдилар. Улар катта умидлар билан, кичкина умидчалар билан, бутунлай умидсиз учиб келар эдилар. Бироқ кўплаб шаҳарларда тўрт рангли шиорларда ҳукмдор бармоқ амрона кўрсатиб турар эди: сен учун осмонда иш бор – Марсга бор! Шундай қилиб, одамлар йўлга тушар эдилар; тўғри, аввалига улар оз-оз эдилар, нари борса, ўнтадан – аксариятлари ракета осмонга ўқдек отилишидан бурунроқ ўзларини ёмон ҳис қила бошлаган эдилар. Бу касалнинг номи ёлғизлик эди, чунки у ерда, ҳов пастда жонажон шаҳринг аввал муштумдек, кейин лимон донасидек, кейин тўғнағич бошчасидек, ниҳоят кичрая бориб, охири реактивнинг олов оқими остида бутунлай кўринмай кетганини тасаввур қилишинг ҳамон сенда шундай бир туйғу пайдо бўладики, гўё сен ёруғ оламда ҳеч қачон туғилмагансан, ҳеч қаерда ҳеч қанақа шаҳар бўлмаган, сен ҳам ҳеч қаерда бўлмагансан, чор атрофинг бўм-бўш коинот, биронта ҳам таниш одам йўқ, нуқул бегона одамлар. Штатингни – Иллинойс ёки Айовами, Миссури ёки Монтанами, булутлар қаърига кириб кўздан йўқолганда, бутун Қўшма Штатларни-ку қўявер, бутун Ер сайёраси зулмат қўйнида қисилиб-қисилиб, худди номаълум ёққа учиб кетаётган ифлос кулранг коптокка айланади, ана шунда ўзингни коинот кенгликларида мутлақо ёлғиз, якранг, якнасак мусофир бўласан-қоласан ва олдинда сени нелар кутаётганини тасаввурингга ҳам келтиролмайсан. Дастлабки келганлар жуда озчилик бўлганига ажабланмаса ҳам бўлади. Кўчиб келганларнинг қоли Марсга кўчиб ўтган ерликлар миқдорига мутаносиб тарзда

ўсиб борарди: бир кишига қўрқинчли, кўпчилик бўлса – унчалик эмас, аммо Ёлғизларга ўзидан бошқа ишонадиган ҳеч ким бўлмайди.

## ДЕКАБРЬ 2001 ЯШИЛ ТОНГ

Қуёш ботганда у сўқмоқ ёнида ўтирди-да, ғарибгина овқат тайёрлади; сўнг пайдар-пай оғзига луқмалардан солганча ва ўйчан кавшаганча оловнинг чарсиллашига қулоқ солди. Бошқа ўттиз кунга ўхшаган яна бир кун ўтди; эрта тонгдан кўплаб шинам қазиш, сўнг уларга уруғ қадаш, тип-тиниқ каналлардан сув ташиб келтириш керак. Ҳозир чарчоқдан ўзини кўрғошиндек оғир ҳис қилганча у осмонга қараб ётарди, осмон эса рангини ўзгартириб, кеч бўлганидан дарак бермоқда эди.

Унинг исми Бенжамин Дрискол эди, ёши ўттиз бирда. Унинг нияти битта – қандай қилиб бўлмасин, Марс ям-яшил либосга бурканса, қалин баргли баланд дарахтларга қопланса, иложи борича кўпроқ ҳаво пайдо бўлса, керак бўлса йилнинг тўрт фаслида ҳам гуркираб турса, диққинафас ёзда шаҳарларнинг ҳавосини янгиласа, қишнинг изғиринли шамолларини тўсиб турса. Дарахт нималарга қодир эмас... У табиатга ранг беради, соя ташлайди, ерни мевалари билан маъмур қилади. Ёки болалар ўйинларининг салтанатига айланади – сирпаниш, ўйинлар ўйнаш, қўлда осилиб туриш мумкин бўлган бутун бир осмоний олам десангиз-чи... У ризқ ва севинч элтувчи баҳайбат иншоот; мана дарахтнинг қудрати! Аммо энг аввало дарахт – бу ўпка учун ҳаётбахш муздек ҳаво ва ёқимли шитирлаш манбаи, у тунда сени аллалаб, сеҳрли аллалар айтади, сен эса,

қордек оппоқ тоза тўшакда ётганча мириқиб тинглайсан.

У ётар ва қуёшни, ҳали-ҳамон дарак бўлмаган ёмғирларни кутганча базўр бир жойга тўпланаётган қоп-қора тупроққа қулоқ солар эди... Қулоғини ерга қўйиб у келажак йиллар гулдуросини эшитар ва бугун қадалган уруғлар яшил куртак чиқариб, ниш урганини, осмонга ўрлаб бораётганини, қатор шохлар ёяётганини ва бутун Марс қуёшли ўрмонга, чаппор урган боққа айланаётганини яққол кўриб турарди.

Эрта тонгда мўъжазгина бўзарган қуёш қатор қирлар ортидан энди-энди сузиб чиққанда у ўрнидан туради, буғи кўтарилиб турган нонуштани тез-тез туширади, ўчоқдаги кўрларни тепиб ўчиради, юк халтасини ортмоқлайди ва яна жой танлаш, кавлаш, уруғ ёки кўчат қадаш, авайлабгина ерни босиб-босиб қўйиш, суғориш ва хуштак чалиб очиқ осмонга қараганча яна одимлаб кетиш учун йўлга тушади, осмон эса... туш пайтига келиб осмон бутунлай ёришиб, тобора ёришиб ва қизиб боради...

– Сенга ҳаво керак, – деди у гулханга. Гулхан – бармоғини ҳазиллашиб тишлаб оладиган юзи қизил жонли ўртоғинг, салқин тунларда эса, дўстона иликлик билан уйқули пушти кўзларини қисиб қараганча ёнгинангда мудроқ босиб ётади... – Ҳаммамизга ҳаво керак. Бу ерда, Марсда ҳаво тансиқ. Сал нарсага чарчайсан. Худди жанубий Америкадаги Анд тоғларидагидек. Ҳавони ютасан-у, ҳеч нима сезмайсан, сира ҳавога тўймайсан.

У кўкрак қафасини туртиб қўйди. Ўттиз кунда роса кенгайиб кетибди-ку! Ҳа, бу ерда кўпроқ ҳаво ютиш учун ўпкани чиниқтириш керак. Ёки кўпроқ дарахт экиш керак.

– Нима учун бу ердалигимни англагандирсан? – деди у. Олов тилини чўзиб қўйди. – Мактабда бизга Жонни Олма Уруғи ҳақида ҳикоя қилиб берганди. У Америка бўйлаб юриб, олма дарахти экар экан. Менинг ишим эса ундан кўра муҳимроқ. Мен дублар, қайрағочлар ва клёнлар экаман, яна терак, каштан ва кедрлар ҳам. Мен фақат ошқозон учун мева қилмайман, балки ўпка учун ҳаво ясайман. Ўзинг ўйлаб кўр-а, бу дарахтлар охири ўсиб-ўсиб, уларда қанча кислород ишлаб чиқарилмайди дейсан!

Марсга учиб келган кун эсига тушди. Минглаб бошқалар қатори у ўшанда тинч Марс тонгига маҳлиё бўлган ва: «Бу ерни қандай ўзлаштираман? Нима қиламан? Менга яраша иш топилармикан?» – деб ўйлаган эди.

Сўнг хушидан кетган эди.

Кимдир нашатир спиртли пуфакчани унинг бурни тагига тиққан, у йўталиб ўзига келганди.

– Ҳеч қиси йўқ, тузалиб кетасиз, – деди врач.

– Менга нима бўлган эди ўзи?

– Бу ернинг ҳавоси жуда ҳам ёмон. Кўплар бунга чидай олмаяпти. Сиз ҳарҳолда ерга қайтмасангиз бўлмайди.

– Йўқ! – у ўтириб олди, бироқ ўша заҳоти кўз олди қоронғилашиб кетди ва назарида Марс камида икки марта айлангандек бўлди. Бурун катаклари кенгайди, у зўрлаб ҳавони ичига ютишга ҳаракат қилди. – Жинни бўлиб қоламан. Мен шу ерда қоламан.

Уни ўз ҳолига қўйиб қўйишди; у худди қумдаги балиқдек ётар, оғзини каппа-каппа очиб нафас олар ва ўйларди: «Ҳаво, ҳаво. Улар битта ҳаво деб мени бу ердан ҳайдамоқчи бўлаяптилар». Шундай дея у Марс қирлари ва текисликларини кўриб

олиш учун бошини бурди. Қараб туриб у кўрган биринчи нарса шу бўлди: узоқда ҳам, яқинда ҳам ҳеч бўлмаса битта дарахт кўринмайди. Бу ўлка бамисоли худонинг қарғишини олгандек, чор атрофда қора чиринди ястанган, унда эса лоақал бир дона майса кўзга ташланмайди. «Ҳаво, – ўйларди у рангсиз ниманидир ичига ютиб пишиллаб нафас олганча. – Ҳаво, ҳаво, ҳаво...» Қирларнинг учларида ҳам, соядор ёнбағирликларда ҳам, ҳаттоки дарё ёқасида ҳам на бир дарахт, на бир майса кўринарди.

Бўлмасам-чи! Жавоб унинг миясида эмас, томоғида, ўпкасида туғилди ва бу соф кислород қултумидек фикр бирдан унга далда бағишлади. Дарахтлар ва майсалар. У қўлларига қаради ва кафтининг орқасини ўгирди, у майса ва дарахт экади. Мана унга иш: унинг бу ерда қолишига халақит бераётган нарсага қарши курашиш. У Марсга қарши уруш эълон қилади – алоҳида, агробиологик уруш. Қадимий Марс тупроғи... Унинг ўз кўкатлари шунча миллионлаб йиллар ўсиб, ниҳоят ёшини яшаб, тугаб-битган. Борди-ю, янги турлар экилса-чи? Қишки дарахтлар – шохдор мимозалар, мажнунтоллар, магнолиялар, улуғвор эвкалиптлар. Унда-чи? Бу ернинг тупроқларида қанақанги ўғит бойликлари яшириниб ётганини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Буларга одам қўли тегмасин, чунки қадимги папоротниклар, гуллар, бутоқлар, дарахтлар сувсизликдан қуриб битган.

– Мен туришим керак! – қичқирди у. – Мен Координаторни кўришим керак!

Ярим кун у ва Координатор яшил либосдаги қандай ўсимликлар ўсиши ҳақида гаплашишди.

Бир текисда кўчат экишни бошлаб юборишдан олдин, йиллар бўлмаса ҳам, ойлар ўтар. Ун-

гача озиқ-овқатни ердан музлатилган ҳолда учар сумалакларда етказиб туришади; фақат бир неча ҳаваскорларгина гидропон усулида боғ барпо этишган.

– Шундай қилиб, ҳозирча, – деди Координатор, – ўзингиз ҳаракат қилинг. Уруғни бир амаллаб топармиз, асбоб-ускуналарни ҳам, ҳозир ракетада жой оз. Дастлабки кўчиб келувчилар кон билан боғлиқ бўлгани учун сизнинг яшил бойлик ўтказиш лойиҳангиз муваффақият қозонолмайди, деб қўрқаман.

– Аммо сиз менга рухсат берасизми?

Унга рухсат беришди. Мотоцикл ажратишди, у юкхонани уруғ ва кўчатлар билан тўлдирди, чўл воҳага қараб йўл олди, машинани қолдирди-да, ишлаган куйи яёв олға юриб кетди.

Бу ўттиз кун олдин бошланган эди, ўша пайтдан буён бирон марта ҳам орқасига ўгирилиб қарамади. Ўгирилиб қарадими, демакки, хафсаласи пир бўлибди: ҳаво ҳаддан ташқари қуруқ эди. Лоақал битта уруғнинг униб чиқишига-да кишни кўзи етмасди. Балки жангда бой бергандирман? Тўрт ҳафталик меҳнат ҳавога учиб кетдими? У олдинга, фақат олдинга қарарди. Икки кўзи қуёшли водийда, Биринчи Шаҳардан ҳам нарида эди ва ёмғир, фақат ёмғир ёғишини кутар эди.

...У адёлни елкасига тортди; қонжираган қирлар узра булут тўдалари пайдо бўлди. Худди вақт каби Марс ҳам беқарор. Офтобда куйган қирлар тунги қировларни тутиб қолган эди, у эса бой қора тупроқ ҳақида – шундай қора ва ялтироқки, ҳовучингга олсанг, ёрдек оқади, қудратли, баҳайбат ловия поялари униб чиқадиган ва ерни титроққа солувчи ақл бовар қилмас улкан доналар пояларни ергача эгадиган тупроқ ҳақида ўйларди.

Мудроқ гулхан бирдан тўзгандек бўлди. Ҳаво титраб кетди: узоқдан арава елиб келарди. Момақалдироқ. Кутилмаган нам ҳиди. «Бугун тунда, – ўйлади у ва ёмғир ёғаётганлигини текшириб кўриш учун қўлини чўзди. – Бугун тунда».

Унинг қошига нимадир тегиб ўтди ва у уйғониб кетди. Бурнидан лабига томчи думалаб тушарди. Иккинчи томчи кўзига келиб тушди ва бир лаҳза кўзини туман қоплади. Учинчиси юзига келиб урилди.

Ёмғир.

Муздек, ёқимли, майин ёмғир баланд осмонда шивалаб ёғарди – муаттар жозибалар, юлдузлар, ҳаво билан тўлиқ сеҳрли суюқлик; у ўзи билан гармдоридек қоп-қора чангни келтирар, тилда узоқ сақланган эски шароб таъми қолдирар эди.

Ёмғир.

У ўтирди. Адёл елкасидан тушиб кетди ва мовий кўйлагида қоп-қора доғлар пайдо бўла бошлади; томчилар тобора йириклашиб бормоқда эди. Гулхан худди устидан оловни топтаб, кўринмас айвон ўйнаётганга ўхшаб кўринар эди; ниҳоят жаҳлдор тутунгина қолди. Ёмғир ёға бошлади. Улкан қора осмон гумбази тўсатдан олти мовий бўлакка бўлиниб кетди-да, пастга қулади. У ўн миллиардлаб ёмғир томчиларини кўрди, томчилар электр фотограф чирқ этиб суратга олгулик вақт давомида шу тушиб келишида қотиб турдилар. Сўнг яна зулмат ва сув, сув...

Унинг аъзои бадани жиққа ҳўл бўлди, бироқ ўтирган кўйи юзини кўтариб кулар ва томчилар қовоқларига келиб урилар эди. У чапак чалди-да, иргиб оёққа турди ва ўзининг мўъжазгина қароргоҳини бир айланиб чиқди; тунги соат бир эди.

Ёмғир тўхтовсиз икки соат қуйди, сўнг тинди. Ёмғирда ювилган юлдузлар шундай чарақлаб

нур соча бошладики, ҳали ҳеч қачон бунақаси бўлмаган эди.

Бенжамен Дрисколл пластик сумкасидан қуруқ кийимини олди-да, [illegible] алмаштирди, ўрнига чўзилиб қоронғи ерда тинч уйқуга кетди.

Қуёш қирлар ўркачидан [illegible] кўтарила бошлади. Унинг нурлари деворлар-ойна [illegible] сузиб кетди ва Дрисколлни уйғотиб юборди.

У ўрнидан туриши билан [illegible]. Бир ой узоқ давом этган [illegible] бир иш [illegible], ишлади ва [illegible]. Аммо бугун ўрнидан туриб, у биринчи бор [illegible] буриниб қаради.

Тонг [illegible] эди.

Дарахтлар [illegible] бўй чўзиб турардилар. [illegible] эмас, у қанча уруғ ва кўчатлар [illegible] бўлса, [illegible] дарахтлар [illegible] ди. Бунинг устига, [illegible] эмас, [illegible] дарахтлар [illegible] бақувват танали, баландлиги [illegible] шовуллаган дарахтлар, барглари [illegible] бар-часининг [illegible] нур-ларига кўмилиб, шамолда қаттиқ [illegible] ёнбағирларида узун-узун сафлар [illegible], булар лимон дарахтлари ва [illegible] мимозалар, дублар ва [illegible], [illegible], олчалар, [illegible], олма дарахтлари, [illegible] дарахтлари, эвкалиптлар — барча-барчаси [illegible] лаб кўйган [illegible] ва бегона [illegible] бирданига [illegible] олиб кетган эди. Унинг [illegible] гида янги шохлар тарвақайлаб ўсиб [illegible], янги куртаклар [illegible] эди.

— [illegible]! — деб юборди Бенжамен Дрисколл.

Аммо [illegible] ва тонг [illegible] эди.

Ҳаво-чи!

Ҳамма томондан худди жонли оқимдек, худди тоғ дарёсидек тоза ҳаво, кислород оқиб келмоқда ва дарахтлар яшил либосга бурканмоқда эди. Қараб туриб унинг осмонда биллур мавжлар илан қуйилиб келаётганидан дод деб юборгинг келади. Кислород – яп-янги, топ-тоза, ям-яшил, муздек кислород воҳани дарё ўзанига айлантирган эди. Яна бир лаҳзадан кейин шаҳарда эшиклар ланг очилади, одамлар мўъжизани қарши олгани ташқарига югуриб чиқадилар, уни юта бошлайдилар, кўкракларини тўлдириб ичларига тортадилар, ёноқлари қип-қизил бўлади, бурунлари музлайди, ўпкалари янгидан жонланади, юраклари гурс-гурс тепа бошлайди ва чарчоқ таналари рақсдан у ёқдан бу ёққа бориб-келиб парвоз қила бошлайди.

Бенжамен Дрисколл ҳам яшил ҳавони чуқур-чуқур ичига тортди ва ҳушидан кетди.

У ўзига келгунча қаршисида сариқ қуёш нурлари остида яна беш минг дарахт униб чиққан эди.

## ФЕВРАЛЬ 2002 НЎР-МАЛАХ

Ракеталар қуруқ ўтлоқзорни куйдирар, тошни оловга, дарахтни кўмирга, сувни буғга айлантирарди, қум ва кварцдан яшил шиша қуярди; гўё ўзида ракета ҳужумини акс эттирувчи ойна бўлакларидек, у ҳамма жойда ётар эди. Ракеталар, ракеталар, худди тунда чертилаган ноғорадек. Ракеталар чигирткадек чириллаб, нушти тутун пўртанасига келиб қўнар эдилар. Ракеталардан болға тутган одамлар тўкилиб тушар эдилар: ўзга оламни ўзлари хоҳлагандек шаклга келтириб, кўзларига ғалати кўринган ҳамма нарсани йўқо-

тардилар, пўлат тишли йиртқичдай оғизларига тишлаб олган михларни битта-битта қўлларига олиб, уйларнинг синчига қоқар, том ёпар эдилар. Нима қилиб бўлса ҳам тезроқ бегона ваҳимали юлдузлардан яширининш керак-ку; туйида бошпана бўлиш учун яшил пардаларни осар эдилар. Кейин дурадгорлар навбатдаги ишга шошилардилар ва гулли туваклар, гулдор чит кўйлакли, кастрюл кўтарган аёллар пайдо бўлар эдилар ва эшиклар ортига, парда тутилган деразалар оралиғига яширинган Марс сукунатини бузиб, аёллар ошхонани бошларига кўтарар эдилар.

Олти ой ичида яйдоқ сайёрада минглаб чирсилловчи, зинғилловчи неон найчалари ва сариқ электр лампочкалари бўлган ўнлаб шаҳарчалар қад кўтарган эди. Марсга тўқсон мингдан ортиқроқ одам келиб бўлганди. Ерда эса бошқалар ҳам жомадонларини ҳозирлай бошлаганлар эди...

## АВГУСТ 2002 ТУНГИ УЧРАШУВ

Мовий тоғларга жўнаш олдидан Томас Гомес ёлғиз бензоколонка ёнида тўхтади.

– Ёлғиз зерикмаяпсизми, дадажон? – сўради Томас.

Чол латта билан унча катта бўлмаган юк машинасининг ойнасини артди.

– Унчалик эмас.

– Хўш, Марс сизга ёқадими, бобой?

– Зўр. Ҳар доим бир янги нарса бўлиб туради. Бултур бу ерга келганимда даставвал сенга айтган эдим: олдинга қарама, ҳеч нарса талаб қилма, ҳеч нарсага ҳайрон бўлма. Ерни унутиш керак, бўлган ҳамма гапларни унутиш керак. Энди кўзга қараб юрмаса, кўникиб бормаса ва

бу ерда ҳамма нарса унақа эмаслигини, ҳамма нарса бошқача эканини тушуниб бормаса бўлмайди. Бу ерда об-ҳаво бир хил – бундан ортиқ масхаравозлик бўладими, бу Марс иқлими эмиш. Кундузи дўзахи алим, тунда жаҳаннам. Гуллари ҳам ғалати, ёмғири ундан ғалати – ҳар қадамда кўз кўриб қулоқ эшитмаган нарсалар! Мен бу ерга ором олгани келган эдим, ҳамма нарса бошқача бўлган жойда қолган умримни ўтказаман, деб ўйлагандим. Кекса одамга бу жойда ҳам муҳим – муҳитни алмаштириш. Ёшларга гапиришнинг ҳожати йўқ, бошқа чолларни эса худо уриб қўйган. Битта мен таваккал қилдим. Томоша қилиб тўймайдиган, чор атрофда ўйин-кулги авж олган кўнглимдагидек шундай бир ғалати жойни топишга жазм қилдим. Мана, мана бу бензоколонкага келиб жойлашиб олдим. Агар ғала-ғовур жонимга тегса, шартта қорамни ўчираман-да, бирорта эски, тинчроқ йўлга кўчиб оламан; кундалик ризқимга пул топсам бўлди-да, ундан кейин у ерда ҳамма нарса Марсда нега бунчалик оёғи осмондан эканини тушуниб олишимга вақтим бўлади.

– Чакки ўйламагансиз, дадажон, – деди Томас; унинг қорача қўллари дам олганча рул чамбари устида ётарди. Унинг кайфияти аъло эди. Кетма-кет ўн кун бир янги қишлоқда ишлади, энди икки кун таътил олиб, байрамга кетмоқчи бўлиб турибди.

– Энди бошқа ҳеч нарсага ҳайратланмай ҳам қўйганман, – давом этди чол, – томоша қиламан, вассалом. Таассурот тўплаяпман десам ҳам бўлади. Агар сенга мана шу Марс ёқмаётган бўлса, яхшиси, Ерга қайтиб кета қол. Бу ерда ҳаммаси оёғи осмондан: тупроқ, ҳаво, каналлар, туб одамлар (тўғри, мен ҳали улардан биттасини ҳам

кўрганим йўқ, лекин айтишларича, улар аллақаерларда кезиб юрар эмишлар), соатлар; менинг соатим ҳам фириб бера бошлаган. Бу ерда ҳатто вақт ҳам оёғи осмондан. Гоҳо туриб-туриб бу лаънати сайёрада мендан бошқа битта ҳам тирик жон йўқ, битта ўзимман, деб ўйлаб қоламан. Бўм-бўш. Гоҳида эса гўё мен саккиз яшар болакайман. Чимаширман, атрофдагилар эса барчаси отдай соғлом! Худо ҳақи, бу ер кекса одам учун боп жой экан. Бу ерда мудраш йўқ экан; қандайдир бахтли бўлиб қолдим. Биласанми, Марс нима дегани? У менга етмиш йил олдин рождествода совға қилинган нарсани бир чақава олмайди. Билмадим, бундай нарсани сен қўлингга олиб кўрганмикансан: уларнинг калейдоскоп эмиш, ичида биллур парчалари, лентачалар, мунчоқлар, ҳар турли майда-чуйда тақинчоқлар... Уларнинг орасидан қуёшга қарасанг — оғзинг ланг очилиб қолади! Бошдан-оёқ ранглар! Ана шунақа! Марс дегани шу бўлади. Агар уни ўзингдан бегона қилишни истамасанг, томоша қилиб лаззатлан-у, бирон нарса сўрама. Эй, худо, биласанми, йўқми, мана бу кўриб турганинг катта йўлни марсликлар ўн олти аср муқаддам ётқизишган, лекин ҳалигача шундай турибди! Бир доллар ва эллик центни чўзиб қўй-да, оқ йўл, марҳамат, кетавер!

Томас сўзсиз жилмайганча машинасини эски шосседан учириб кетди.

Тоғлар оралаб узоқ юришди, қоронғиликлардан ўтишди, у рулни ушлаб кетар экан, ора-сира бир қўлини саватга суқиб, у ердан дириллоқ олар эди. Тўхтовсиз бир соатдан кўпроқ елиб келишаётган бўлса-да, рўпарадан битта ҳам машина, битта ҳам чироқ учрамади, фақат тасмадек чўзилган йўл, моторнинг тариллаши-ю, гувиллаши ва атрофни

қамраб олган сокин, унсиз Марс кўзга ташланади, холос. Марс – ҳар доим тинч, бу тун эса ҳар доимгидан ҳам тинчроқ эди. Томаснинг кўз олдидан чўллар, қуриб қолган денгизлар, юлдузлар оралиғидаги чўққилар лип-лип ўтар эди.

Бугунги тунда ҳавода Вақт ҳиди анқирди. Миясига келган бу фикрдан у хаёлан жилмайиб қўйди. Ёмон фикр эмас. Аслида-чи? Вақтнинг ҳиди қанақа бўлади? Чангми, соатми, одамми? Бундоқ ўйлаб кўрганда бу вақт дегани ўзи қанақа бўлади? Эшитса бўладими? У бир қарасанг зим-зиё ғорда шилдираб тушаётган сув, бир қарасанг чорлаётган товуш, бир қарасанг бўш қути қопқоғига тўкилаётган тупроқнинг шувуллаши, бир қарасанг ёмғир. Қани, юравсрайлик-чи, вақтнинг қандай кўринишини сўраб олармиз. У қоп-қоронғи қудуққа товушсиз учиб тушаётган қорнинг ўзгинаси ёки худди пастга, ҳеч нарсанинг ичига тушаётган, янги йил шарларига ўхшаган юз миллиардлаб чеҳралар суратга олинган қадимий товушсиз фильм. Вақтнинг ҳиди ана шунақа бўлади ва унинг кўриниши ҳамда қулоққа эшитилиши ҳам худди шунақа бўлади. Бугунги тунда – Томас бир қўлини ён дарчадан чиқарди – бугунги тунда уни ҳатто қўл билан пайпаслаб кўрса ҳам бўладигандек туюлаяпти.

У машинани Вақт тоғлари ичидан ҳайдаб борарди. Нимадир бўйнига қадалди ва Томас диққат билан олдинга қараганча, гавдасини тиклади.

У бир мўъжазгина ўлик марс шаҳарчасига кириб келди, моторни ўчирди ва уни қуршаб турган сукунат қўйнига кўзларини тикди. Нафасини ичига ютганча у кабина ичидан ой нурига чўмилган, неча асрларки, ҳеч ким яшамаётган

оппоқ биноларга разм солди. Ҳашаматли, тўкис бинолар, вайрон бўлган эса-да, бари бир муҳташам эди.

Моторни ўт олдириб, Томас яна бир-икки мил юрди, сўнг яна тўхтади, машинадан чиқди, қўлида саватчаси билан чанг босган шаҳарга назар солиш мумкин бўлган тепалик устига кўтарилди. Термосни очди ва ўзига бир финжон қаҳва қуйди. Шундоқ ёнгинасидан тун қуши учиб ўтди. Унинг юраги ҳайратомуз даражада тинч, хотиржам эди.

Беш дақиқача ўтгач, Томаснинг қулоғига қандайдир товуш чалинди. Қадимги тош йўл муюлишида кўздан йўқолган хув тепаликда у аллақандай ҳаракатни пайқади, хиралашиб ёғду кўринди, сўнг заиф шарақлаган овоз эшитилди. Томас финжонни қўлида ушлаганча орқасига ўгирилди. Тоғдан ғалати бир нарса тушиб келарди. Бу сарғиш-яшил ҳашаротга, хонқизига ўхшаган машина эди, у сонсиз яшил биллурдек жимирлаганча, ёқут кўзларини чақнатиб музлик ҳавода равон юриб келар эди. Машинанинг олтита оёғи қадимги тош йўлда шивалаётган ёмғирдек майин айланарди. Машина орқасидан эса Томасга эритилган олтин тусли кўзлари билан бир марслик қараб турарди.

Томас қўлини кўтарди ва хаёлан «Салом!» деб қичқирди, бироқ лаблари қимирламади. Чунки бу марслик эди. Бироқ Томас қирғоқларида нотаниш одамлар юрган мовий дарёларда, Ерда сузар, ёт уйларда ёт одамлар билан овқатланар ва ҳар доим унинг энг яхши кўрган қуроли табассум бўлар эди. У ёнида тўппонча олиб юрмасди. Ҳозир ҳам Томас гарчанд юрагининг бир четида ваҳима яшириниб турган бўлса-да, бунга ҳожат сезмаётган эди.

Марсликнинг ҳам қўлида ҳеч нарса йўқ эди. Муздек ҳаво орасидан улар бир-бирига бир сонияча қараб туришди.

Биринчи бўлиб Томас сўз қотди.

– Салом! – деди у.

– Салом! – деди марслик ўзининг тилида. Улар бир-бирини тушунишмади.

– Сиз «Салом» дедингизми? – иккаласи бараварига сўради.

– Нима дедингиз? – давом этишди улар ҳар қайси ўзининг тилида. Иккаласи ҳам қовоғини уйиб олди.

– Сиз кимсиз? – сўради Томас инглизчалаб.

– Сиз бу ерда нима қиляпсиз? – ёт одамнинг лаблари марсликча қимирлаб деди.

– Қаёққа кетяпсиз? – сўради ҳар иккаласи жиддий тарзда.

– Менинг исмим Томас Гомес.

– Менинг исмим Мью Ка.

Улардан бирортаси ҳам нима деганини тушунгани йўқ, бироқ ҳар бири бармоғи билан ўзининг кўкрагига нуқиди ва исмларининг ҳам гапи бир-бирига тушунарли бўлди. Бирдан марслик кулиб юборди.

– Шошманг!

Томас, гарчанд унга ҳеч ким тегмаган бўлса-да, бошига нимадир тегандек бўлди.

– Мана шундақа! – деди марслик инглизчалаб. – Энди ишлар жўнашиб кетади.

– Сиз менинг тилимни шунча тез ўрганиб олдингизми?

– Сизни қарангу!

Иккаласи ҳам нима дейишини билмай, Томаснинг қўлидаги қайноқ қаҳвали финжонга қарашди.

– Бирон янги гап борми? – сўради марслик унга ва финжонга қараганча, афтидан, у уни ҳам, буни ҳам ўзича тасаввур қилиб.

– Бир финжон қаҳва ичасизми? – таклиф қилди Томас.

– Катта раҳмат.

Марслик ўз машинасидан сирғалиб чиқди.

Иккинчи финжонга тўлдириб қайноқ қаҳва қуйилди. Томас уни марсликка узатди. Уларнинг қўллари тўқнашди ва худди туман орасидан ўтгандек бирининг қўли иккинчисининг ичига кирди.

– Ё Исо Масиҳ! – деб юборди Томас ва финжон қўлидан тушиб кетди.

– Осмон кучлари! – деди марслик ўзининг тилида.

– Нималар бўлганини кўргандирсиз? – шивирлаб дейишди улар. Иккаласининг ҳам қўрқувдан баданидан муздек тер чиқиб кетди. Марслик финжонга эгилди, бироқ уни ҳеч ололмади.

– Ё тавба! – оҳ тортиб юборди Томас.

– Қани, қани! – марслик финжонни тутиш учун қайта-қайта уринди, бироқ ҳеч уддалай олмади. У қаддини ростлади, бирпас ўйлаб турди, кейин камаридан пичоқни суғуриб олди.

– Ҳой! – қичқирди Томас.

– Сиз тушунмадингиз, ушлаб олинг! – деди марслик ва пичоғини отди.

Томас бир-бирига жуфтлашган кафтларини тутиб берди. Пичоқ қўлларининг орасидан ерга тушди. Томас уни ердан олмоқчи бўлди, бироқ уни тута олмади ва титраб-қақшаганча орқага тисарилди.

У гавдасини осмонга тутиб турган марсликка қаради.

– Юлдузлар! – деди Томас.

– Юлдузлар! – такрорлади марслик Томасга қараб.

Марсликнинг гавдаси орқасидан ёрқин, оппоқ юлдузлар чарақлаб турарди, унинг вужуди бамисоли учқунлар сачраб турган қировли нафис медуза қобиғидек юлдузлар билан безатилганди. Марсликнинг кўкраги ва қорни устида сиёҳранг кўзлардек юлдузлар жимирлар, билакларида жавоҳирот ялт-ялт қиларди.

– Мен сизнинг гавдангиздан нариёқни кўриб турибман! – деди Томас.

– Мен ҳам сизнинг гавдангиздан нариёқни кўраяпман! – жавоб берди марслик бир қадам ортга чекиниб.

Томас ўзини пайпаслаб кўрди, ўз танасининг ҳақиқий иссиқлигини ҳис қилди ва кўнгли хотиржам бўлди. «Ҳаммаси жойида, – ўйлади у, – мен яшаяпман».

Марслик қўли билан ўзининг бурни, лабини туртиб кўрди.

– Мен ҳам жисмсиз эмасман, – паст овозда деди у. – Жоним бор!

Томас унга маънодор қаради.

– Аммо агар мен яшаётган бўлсам, демак, сиз – ўликсиз.

– Йўқ, сиз ўликсиз!

– Руҳ!

– Арвоҳ!

Улар бармоқлари билан бир-бирларини кўрсатишар ва юлдуз нури худди ханжар дамидек, худди муз сумалакдек, худди тиллақўнғиздек уларнинг қўллари учида чақнар ва тўкиларди. Улар яна ўз туйғуларини текшириб кўришди ва ҳар бири ўзининг тўрт мучаси соппа-соғлигига

ва ҳаяжон, жўшқинлик, эҳтирос, ҳайрат билан чулғанганига амин бўлди, ҳар бири наригисини олисдаги оламлар ёғдусини тутиб олувчи ва ўзидан таратувчи шаффоф призма, бор бўлмаган нарса деб билар эди...

«Мен мастман, – деди ўзича Томас. – Эртага мен бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмайман!»

Улар қадимги тош йўл устида туришарди ва ҳар иккаласи ҳам жойидан жилмасди.

– Қаердан келгансиз? – сўради ниҳоят марслик.

– Ердан.

– У нима дегани?

– У ёқдан. – Томас бош ирғаб осмонга ишора қилади.

– Қачондан бери?

– Биз бир йил аввал учиб келган эдик, наҳотки эсингизда бўлмаса?

– Йўқ.

– Сизлар эса бу вақтга келиб тугаб-битгандингиз. Қарийб битта қолмай. Сизлардан жуда кам қолган – наҳотки шуни ҳам билмасангиз?

– Бу тўғри эмас.

– Мен сизга айтаяпман-ку, тугаб-битгансизлар, деб. Жасадларни ўз кўзим билан кўрдим. Хоналарда, барча уйларда қорайган жасадлар ётибди ва ҳаммаси ўлик. Минглаб жасад.

– Нималар деяпсиз, бизлар тирикмиз!

– Мистер, барчангизни юқумли касаллик қириб юборган. Қизиқ, наҳотки бундан бехабарсиз? Сиз бир бало қилиб жон сақлаб қолгансиз.

– Мен жон сақлаб қолганим йўқ, қандай қилиб ҳам жон сақлаб қолар эдим? Нималар деяётганингизни биласизми ўзи? Мен Эниал тоғлари ёнидаги канал ёқалаб байрамга кетаётган эдим,

ўтган кунги тунда ўша ерда бўлган эдим. Сиз шаҳарни кўрмаяпсизми? – марслик қўлини чўзиб кўрсатди.

Томас ўша ёққа қаради ва харобаларни кўрди.

– Ахир бу шаҳар кўп минг йиллардан буён ўлик-ку!

Марслик қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Ўлик? Мен у ерда кеча тунадим-ку!

– Мен эса ўтган ҳафта ўша ердан ўтдим, ундан олдинги ҳафтада ҳам, кўрган нарсам эса харобалардан бошқа нарса эмас! Вайрон бўлган устунларни кўраяпсизми?

– Вайрон бўлган? Мен уларни ой нурида яққол кўриб турибман. Тўғри, типпа-тик устунлар.

– Кўчаларда чангдан бошқа ҳеч нарса йўқ, – деди Томас.

– Кўчалар топ-тоза!

– Каналлар аллақачон қуриб қолган, улар бўм-бўш.

– Мусалласга лиммо-лим каналлар!

– Шаҳар ўлик.

– Шаҳар тирик! – эътироз билдирди марслик яна ҳам қаттиқроқ кулиб. – Сиз қаттиқ янглишаяпсиз. У ерда қанча карнавал чироқлари борлигини кўраяпсизми? У ерда аёллардек нафис, чиройли қайиқчалар, қайиқчалардек чиройли, нафис аёллар, бадани қум рангига ўхшаган аёллар, қўлларида ял-ял гуллар тутган аёллар бор. Мен уларни ҳов анави ерда кўчалар бўйлаб, бу ердан ипдек ингичка бўлиб кўринувчи кўчалар бўйлаб чопишаётганини кўриб турибман, ҳа, кўриб турибман. Мен худди ўша ерга бораяпман, байрамга, биз тун бўйи каналда сузамиз, қўшиқ айтамиз, ичамиз, севишамиз. Наҳотки сиз ҳеч нарсани кўрмаяпсиз?

– Мистер, бу офтобда қоқланган калтакесакка ўхшаш ўлик шаҳар. Одамларимизнинг истаган биридан сўраб кўринг. Менга келсак, Грин-Ситига – Иллинойс тош йўлидаги манзилгоҳга кетаяпман, биз уни яқингинада барпо этдик. Сиз нимададир янглишаяпсиз. Биз бу ерга Оригон ўрмонларидан энг аъло сифатли тахталардан миллион квадрат фут, энг яхши пўлат михлардан бир неча ўнлаб тонна келтирдик ва шундай ажойиб манзилгоҳ барпо этдики, қараб тўймайсан, киши. Айни бугун шулардан бирини ювяпмиз. Ердан хотинларимиз ва қайлиқларимизни олиб, иккита ракета учиб келаяпти. Халқ ўйинлари ўйналади, вискилар ичилади...

Марслик хушёр тортди.

– Анови томонда деяпсизми?

– Ҳа, ракеталар турган жойда! – Томас уни тепалик чеккасига олиб келди-да, пастга ишора қилди: – Кўраяпсизми?

– Йўқ.

– Ҳов ана-ку, ҳов ана, жин урсин! Узун-узун, кумушранг нарсалар.

– Кўрмаяпман.

Энди Томас кулиб юборди.

– Кўзингиз қамашаяпти!

– Менинг кўзим зўр кўради. Сиз кўрмаяпсиз.

– Бўпти, бўпти, янги манзилгоҳни-чи, кўраяпсизми? Ёки буни ҳам кўрмаяпсизми?

– Океандан бошқа ҳеч нарсани кўрмаяпман – бунинг устига, ҳозир айни сув қайтадиган пайт.

– Ҳурматли жаноб, бу океан қирқ аср муқаддам буғланиб кетган.

– Э, жуда ошириб юбордингиз.

– Лекин бу ҳақиқат, худо ҳақи!

Марсликнинг юзи жуда ҳам жиддий тус олди.

– Шошманг. Сиз ростдан ҳам шаҳарни кўрмаяпсизми? Мен айтган шаҳарни-я? Оппоқ устунлар, силлиқ қайиқлар, байрам чироқлари – мен уларни аниқ кўриб турибман-ку! Қулоқ солинг-а! Мен ҳатто у ерда қанақа қўшиқлар айтишаётганини ҳам эшитаяпман. Ахир орадаги масофа узоқ эмас-ку!

Томас қулоқ солди-да, бошини чайқади.

– Йўқ!

– Мен эса, – давом этди марслик, – сиз тасвирлаётган нарсани кўрмаяпман. Нега бундоқ экан-а?..

Улар яна совқотгандек аста жунжикиб қўйишди, худди уларнинг баданларига муздек ниналар келиб санчилгандек бўлди.

– Балки?..

– Нима?

– Сиз «осмондан» дедингизми?

– Ердан.

– Ер – ном, қуруқ товуш... – деди марслик. – Аммо... бир соат бурун мен довондан ўтиб келаётганимда... – У энсасига қўлини текказди. – Бир нарсани сездим.

– Совуқними?

– Ҳа.

– Ҳозир ҳамми?

– Ҳа, яна совуқ. Чироққа, тоғларга, йўлга бир нарса бўлгандек эди, қандайдир ғалати нарса.

Чироқ ҳам, йўл ҳам гўё ундек эмасдек, шунда вужудимда бир лаҳза шундай туйғу пайдо бўлдики, гўё мен коинотдаги энг сўнгги тирик жонман...

– Менда ҳам шундай бўлган эди! – деди Томас ҳаяжон ичида; у гўё юрагидаги сирни ишониб, қиёматли дўсти билан суҳбатлашаётгандек эди.

Марслик кўзларини юмди ва яна очди.

– Буни фақат бир нарса билан изоҳлаш мумкин. Ҳамма гап Вақтда. Ҳа, ҳа. Сиз Ўтмишнинг хилқатисиз!

– Йўқ, сиз Ўтмишнинг хилқатисиз, – деди ерлик бир оз ўйланиб туриб.

– Жуда дангал гапирасиз-а! Ҳали ким Ўтмишдан-у, ким Келажакдан эканлигини исботлаб ҳам берарсиз? Ҳозир қайси йил?

– Икки минг иккинчи йил!

– Буни қандай тушунсам бўлади?

Томас ўйланиб турди-да, елка учириб қўйди:

– Ҳеч қандай.

– Бари бир, мен сизга айтсам, бизнинг йилномамизга кўра ҳозир 4 462 853 йил. Сўзлар чўт эмас, чўт эмасга ҳам арзимайдиган даражада! Бизларнинг юлдузлар ҳолатини аниқлайдиган соат қани?

– Харобаларнинг ўзи тайёр исбот-ку! Улар менинг Келажак эканимни айтиб турибди. Мен тирикман. Сиз эса ўликсиз!

– Менинг бутун борлиғим бундай имкониятни рад этади. Менинг юрагим уриб турибди, ошқозоним овқат бер деяпти, чанқоқдан тилим қақраб кетаяпти. Йўқ, бизлардан ҳеч биримиз на ўликмиз, на тирик. Дарвоқе, ўликдан кўра кўпроқ тирикмиз. Яна ҳам тўғрироғи, биз ўртада қолгандекмиз. Мана: тунда йўлда бир-бирига дуч келиб қолган иккита мусофир, ҳар бири ўз йўлидан кетаётган икки нотаниш одам. Сиз харобалар дедингизми?

– Ҳа. Қўрқиб кетдингизми? Майли.

– Келажакни ким кўришни истайди? Уни қачондир, кимдир кўрадими? Одам Ўтмишни кўра олиши мумкин, бироқ агар... Сиз устунлар қулаб тушди дедингизми? Денгиз қуриб қолган,

каналлар бўм-бўш, қизлар ўлган, гуллар сўлган дедингизми? – марслик жим бўлиб қолди, бироқ кейин яна шаҳар томонга қаради. – Лекин ана улар! Мен уларни кўраяпман. Менга шунинг ўзи етарли. Сиз нима десангиз денг-у, улар мени кутишаяпти.

Худди шундайин узоқда Томасни ракеталар, манзилгоҳлар, Ердан келган аёллар – барчалари кутар эдилар.

– Биз иккимизнинг ҳеч қачон мошимиз очилмайди, – деди у.

– Мошимиз очилмаслигига келишдик бўлмаса, – таклиф қилди марслик. – Ўтмиш, Келажак – бари бир эмасми, фақат биз яшаб қолсак бўлди, биздан кейин бўладиган нарсалар бари бир бўлади. Эртагами, ёки ўн минг йил кейинми. Мана бу эҳромлар – юз асрдан кейинги сизнинг тамаддунингиз қолдиқлари эмаслигини сиз қаердан билиб ўтирибсиз? Билмаймиз. Шунинг учун суриштирмай қўя қолинг. Аммо тун қисқа. Ана, осмонда байрам мушаклари порлади, қушлар парвоз қилди.

Томас қўлини чўзди. Марслик ҳам шундай қилди.

Уларнинг қўллари бир-бирига тўқнашмади – қўллар бир-бирига сингиб кетди.

– Биз ҳали учрашамиз-а?

– Ким билсин! Насиб қилса учрашиб қоламиз.

– Сиз билан байрамингизда бирга бўлгим келаяпти.

– Мен эса сизнинг манзилгоҳингизга боргим, сиз айтган кемани, одамларни кўргим, нималар бўлганини бир бошдан эшитгим келаяпти.

– Хайр, – деди Томас.

– Хайрли тун.

Марслик ўзининг [illegible] темир [illegible] тоғ томон товушсиз елиб кетди, ерлик юк машинасини бурди-да, тескари томонга [illegible]даб кетди.

– Э худо, бу қанақа тун бўлди, – деди Томас қўлини руль устига қўйганча, ракеталар, [illegible]лар, ўткир виски, Вирджиния рақслари, [illegible]ги хурсандчилик ҳақида ўйларкан.

Тун зим-зиё эди. Ойлар ботди. Фақат [illegible] тош йўл узра [illegible]. На [illegible] товуш, на бир машина, на бир [illegible] бор, ҳеч нима йўқ эди. Муздек зим-зиё [illegible].

## [illegible] 2005 [illegible]

Марс [illegible] океанлари [illegible] эди, одамлар [illegible] ҳар томонга ёйилиб кетди. Ҳар бир [illegible] одамга ўхшамас, [illegible] кучмироқ эди. Биринчи [illegible] вуқларга, ёлғизликка ўрга[illegible] қоғоза [illegible] [illegible] ва [illegible] ҳаммасини кўриниб юборган [illegible] часига ўхшар, эски [illegible] тошдек кўллар тўғри келган нарсани чангаллашга тайёр [illegible] қилмас, улар пасттекисликларда ва худди мана шу [illegible]сиз; Марс [illegible] йўқ [illegible] бой[illegible]ларда [illegible]. Улар [illegible] [illegible] эди. Улар ойнасиз [illegible] ўтин қалаб ўт ёқар эдилар.

Улар Марсдаги [illegible] эркаклар эдилар.

Биринчи аёллар қанақа бўлишини ҳамма билarди.

Иккинчи тўлқин билан бошқа мамлакатлардан, ўзларининг тили, ўзларининг ғоялари билан одамларни олиб келиш керак бўларди. Бироқ ракеталар Американики бўлиб, уларда фақат америкаликлар учиб келар эдилар. Европа ва Осиё, Жанубий Америка, Австралия ва Океаниялар осмонга отилган рим шамчалари қандай ғойиб бўлишини томоша қилар эдилар, холос. Дунё уруш ёки уруш ҳақидаги фикрлар гирдобида қолиб кетган эди.

Шундай қилиб, иккинчилари ҳам америкаликлар бўлди. Еросги йўлидаги кўп қаватли вагонлар оламини тащлаб келиб, улар жону танлари билан сукунат қадрини билувчи чўл штатлардан келган тўпори эркаклар сўкишларига тўлиб-тошган хасислар жамиятида дам олар эдилар: бу сукунат Нью-Йорк кулбаларидаги, капаларидаги, тоннелларидаги узоқ йиллар давом этган урҳо-ур, сурҳо-сурлардан кейин руҳий ҳордиқ чиқаришга ёрдам берар эди.

Иккинчилар орасида кўзларига қараб айтадиган бўлсак, бамисоли арши аълога ноил бўлган худо ярлақаган банда эканликлари шундоқ кўриниб турган одамлар бор эди...

## ФЕВРАЛЬ 2003 ИНТЕРМЕДИЯ

Улар уйлари билан Унинчи шаҳар қурилиши учун ўн беш минг футлик Орегон қарағайидан ва етмиш тўққиз минг футлик калифорния саквоясидан келтирдилар ва тош каналлар ёнидан топ-тозагина, шинамгина шаҳарча барпо этдилар. Якшанба оқшомлари черковнинг қизғиш-

яшил-кўк-хира ойналари нур бериб чарақлар ва рақамланган черков оятларини куйлаётган товушлар эшитилар эди. «Энди эса 79 ни куйлаймиз. Энди 94 ни куйлаймиз». Баъзи уйларда ёзув машинкалари тинимсиз чиқиллайди – ёзувчилар иш устида; ёки перолар қитирлайди – у ерда шоирлар шеър ижод қилмоқдалар; ёки сукунат ҳукм сурарди – у ерда собиқ дайдилар яшар эдилар. Улар барчаси ва яна кўплаб бошқалари гўё кучли зилзила пойдеворини ва провинциал америка шаҳарчаси тагхоналарини ҳар томонга қаттиқ чайқатиб юборгандек, сўнгра юз кўриб қулоқ эшитмаган довул бутун шаҳарни зумда Марсга келтириб ташлагандек, уни шу ерга, ҳатто бирон жойига шикаст етказмасдан авайлаб қўйиб кетгандек туюлар эди...

## АПРЕЛЬ 2003 МАШИНОҚЛАР

Болакайлар Марснинг қайси пучмоқларига етиб келишмаган эди, дейсиз. Улар уйдан ўзлари билан хушбўй ҳидли пакетчаларни олиб олган эдилар ва йўлда дам-бадам унга бурунларини тиқар эдилар – чўчқа гўштининг ва майонезли пишириқларнинг ёқимли ҳидидан тўйиб-тўйиб ҳидлар, илиқ шишалардаги пўртаҳол шарбатининг ёқимли қулқуллашларига қулоқ солар эдилар. Ям-яшил барра пиёзли, хушбўй ҳидли жигар солинган қизил кетчуп ва оқ нони бор сумкаларини ҳар томонга силкитганча улар бир-бирларини туртиб-суртиб, қаттиққўл оналарининг таъқибидан узоқроқ қочишга ҳаракат қилар эдилар. Улар кимўзарга чопиб боришар экан, қичқиришарди:

– Ким биринчи етиб борса, бошқаларга бир черткидан чертиб чиқади!

Улар ёзда, кузда, қишда узоқ-узоқ сайлларга чиқишарди. Кузда – ҳаммадан зўри бўларди: шундай тасаввур қиласанки, гўё Ерда тўкилган барглар устидан чопиб кетаётгандексан.

Болакайлар бир бор қуруқ қамишдек шовуллаб мармар қирғоқли канал бўйига ёпирилиб тушишди – уларнинг юзлари чўғдек қизарган, кўзлари мунчоқ доналаридек йилтиллар ва ҳансираганча бир-бирларига қичқирар эдилар, кириш тақиқланган ўлик шаҳар деворлари ёнида энди ҳеч ким: «Охиргиси қизалоқ бўлади!» ёки «Биринчиси машшоқ бўлади!» деб чуввос солмас эди. Мана у, ҳаётсиз шаҳар, аммо барча эшиклар очиқ... Гўё уйларда бамисоли кузги япроқлар каби нимадир шитирлаётгандек эди. Улар ҳаммалари бир бўлиб елкама-елка ҳув тўрга яшириниб олишади, қўлларида эса таёқ тутамлаб олишган, мияларида ота-оналарининг қаттиқ тайинлаган сўзлари айлангани-айланган; «У ёққа изингни босма! Эски шаҳарларга қадам изини қилма! Агар гапга кирмасанг, отанг шунақанги адабингни берадики, умр бўйи эсингдан чиқмайди!.. Бизлар ботинкаларингдан биламиз!» Ниҳоят улар, бир гала болакайлар, ўлик шаҳарда, йўлга олган ёзиқларининг ярмини аллақачон туширib бўлишган ва улар бир-бирларига ҳуштакли шивирлаш билан қутқу солади:

– Қани, бўл!

Тўсатдан биттаси жойидан ирғиб туради, энг яқиндаги уйга югуриб боради, ошхона орқали ётоқхонага учиб киради. Орқасига қарамай, ўйнаб сакрайди ва ҳавога юпқа, нозик, худди ярим тунги осмон жисмидек тим-қора япроқлар ҳавода чарх уриб уча бошлайди. Биринчисидан кейин яна иккитаси, учтаси, барча олтовлони

югуриб кетади. Машшоқ биринчи бўлади, фақат угина қора мато тортилган суяк ксилофонини чалади. Каттакон калла суяги юмалоқланган қордек отилади, болакайлар чуввос солиб қичқиришади! Қобирғалари ўргимчак оёғидек ингичка арфанинг тинғирловчи торлари, қора япроқлари жазаваға тушиб чарх уради, болакайлар эса янги томоша бошлайдилар, улар сакрар, бир-бирини туртар, мана шу япроқлар узра гурсиллаб йиқилар эдилар. Йиқилганда ҳозиргина ютиб олган пўртаҳол шарбати овоз бериб қулқиллар эди.

Бу ердан навбатдаги уйга ўтишади ва кейин яна ўн еттита уйга кириб чиқишади; шошмаса бўлмасди – зеро, шаҳардан-шаҳарга барча даҳшатларни куйдириб кул қилганча ўт ўчирувчилар, белкурак ва сават кўтарган дезинфекторлар келадилар, улар қўрқинчли нарсани одатдаги нарсалардан обдан ажратганча қаттиқ дарахт пўстлоқлари ва шохларини қирйиб-қиртишлаб, юлиб-юлқаб бир жойга тўплайдилар... Уйингилар, болакайлар, парво қилмангалар, ҳали замон ўт ўчирувчилар келиб қолишади!

Мана, ниҳоят реза-реза терга ботганча улар сўнгги бутербродни оғизларига соладилар. Сўнг кетар жафосига яна битта тепки, яна битта шапалоқ тортишади-да, куз япроқлари орасига шўнғишади – ана энди уйга йўл олса ҳам бўлаверади.

Оналар қора доғлар бор-йўқлигини билиш учун ботинкаларини кўздан кечирадилар. Биттаяримта доғ топилса борми, ундан кейин кўринг: отасининг камари ишга тушиб, бошидан ваннанинг қайноқ суви қуйилади.

Йилнинг охирига келиб, ўт ўчирувчилар кузги япроқларни ва оқ ксилофонларни битта қўймай териб олишади ва шу билан эрмак ҳам тугайди.

Дарё тинчгина қоқ туш офтоби остида оқиб борарди.

– Хўш, Сэм! – мийиғида кулди Квортэрмэйн бобо, – энди қора ишни ўзинг қилишингга тўғри келадиганга ўхшайди.

– Оқи ҳам ўзимдан ортмайди, – Тис бобосига қарамасдан деди. Бобоси ўгирилди-да, жим бўлди.

– Ҳой, менга қара, шошма! – Сэмюэль Тис айвондан сакраб тушди-да, олдинга интилиб фарваста ҳабаш ўтирган отнинг юганидан тутди. – Бўлди, Белтер, туш, етиб келдик!

– Етиб келдик, ҳа, сэр, – Белтер сирғалиб ерга тушди. Тис уни нигоҳи билан кузатди.

– Хўш, бу нима деб аталади?

– Биласизми, мистер Тис...

– Йўлга отландингми-а? Ҳалиги кўшиқ борку... Ҳозир эслайман... «Осмони фалак сари» – шунақароқмиди-ей?

– Ҳа, сэр.

Кейин нима бўлишини кутиб ҳабаш сукут сақлади.

– Мендан эллик доллар қарз эканлигинг эсингдан чиқмадими?

– Йўқ, сэр.

– Тўламай қуённи суриб қолмоқчимидинг? Елка-педканг қичимаяптими, мабодо?

– Сэр, бу ерда шундай тўс-тўполонки, миям ҳам ачиб кетди.

– Мияси ачиганмиш... – Тис айвондаги ўз томошабинларига ғазаб билан им қоқиб қўйди. – Жин урсин, мистер, нима қилишингни ўзинг биласанми?

– Йўқ, сэр.

– Сен шу ерда қолсан-да, менга ўша элликталик кўкни ишлаб берасан, бўлмаса Сэмюэль деган отимни бошқа қўяман.

У орқасига қайрилди-да, бостирма тагидаги эркакларга тантанавор жилмайиб қўйди.

Белтер кўчани лиммо-лим тўлдирган оқимга, дўконлар оралиғида тинимсиз оқаётган қора оқимга, араваларда, отларда, чанглн бошмоқларда кетаётган қора оқимга, уни тўсатдан суғуриб олган қора оқимга қараб турарди. У титраб кетди.

– Мени қўйиб юборинг, мистер Тис. Мен у ёқдан пулингизни юбораман, чин виждон сўзим.

– Менга қара, Белтер. – Тис ҳабашнинг шим тасмаларидан ушлаб олди, арфа торлари каби гоқ унисини, гоқ бунисини тортар экан, осмонга қаради ва ижирғаниб пишқирди-да, қоқ суяк бармоғи билан фалакдаги худога ишора қилди. – У ёқда сени нима кутаётганини биласанми, Белтер?

– Менга нималар айтишган бўлса, шуни биламан.

– Унга айтишганмиш! Иисо Масиҳ ҳаққи! Йўқ, эшитдиларингми, унга айтишганмиш! – у худди қўғирчоқ ўйнагандек Белтернинг шим тасмасидан тутганча наридан-бери чайқар ва бармоғини унинг юзига нуқир эди. – Гапларим эсингда бўлсин, Белтер. Тўртинчи июлдаги масхарабозликка ўхшаб тепага чиқдиларингми – тамом! Сизлардан бир ҳовуч кул қолади. У ҳам бутун коинотга сочилиб кетади. Бу махмадона олимлар балони ҳам билишмайди, улар ҳаммангизни асфаласофилинга жўнатади.

– Менга бари бир.

– Яна яхши! Чунки у ерда, сизнинг ўша Марсингизда, биласанми, сизларни нима кутаяпти? Қонхўр дарранда, кўзлари – мана бунақа! Ко-

сасидан чиққан! Бир гал журналларда келажак ҳақидаги бир суратни кўриб қолувдим, тамаддиконамизда донасини ўн центдан сотишарди, худди ўшанга ўхшаб, шартта сизларга ташланади-да, бор нимангизни сўриб олишади!

— Менга бари бир, бари бир, бари бир, — Велтер ўрмалаб бораётган оқимдан кўз узмаган ҳолда деди. Қоп-қора манглайида тер пайдо бўлди. У ҳозир хушидан кетадигандек кўринарди.

— У ердаги совуқни айтмайсизми? Ҳаво ҳам йўқ, гупп этиб йиқиласан-да, балиқдек типирчилайсан. Оғзингни қанча-қанча очасан-да, жон берасан! Бўғилган бўласан, бўғилмаган ҳам ўласан! Қалай, шунақанга ёқадими?

— Менга ёқадими, ёқмайдими, бари бир. Илтимос, сэр, мени қўйиб юборинг! Кечикаяпман.

— Қачон жўнасанг шунда қўйиб юбораман. То сен шу ерда экансан, ҳикояларингни ёқиб ташлашиб оламиз, буни ўзинг ҳам жуда яхши биласан. Шундай қилиб, сафарга кетаяпман, де? Хўш, гап бундай, мистер Осмони фалак сайёҳ, уйга қайтгин-да, ичингдагини, аноним эшитганинг кунни тўкишни ўйла! Сенга муддат – икки ой.

— Ахир, сэр, қаро кўрганим қилсам, ракетага кўз қолмайди-ку!

— Оббо, бечора азизим-ей! — Тис ўзини бечораҳол қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди.

— Менинг ўтимни олақолинг, сэр.

— Ўт қочувчи тўламасдан қочмасаёқ деб эътироф этилмайди. Сендан пул ундирмагунимча ҳеч қаёққа кетмайсан.

Тис хурсанд эди. Кайфияти аъло даражада эди.

Дўкон олдида бир гуруҳ қора танли одамлар тўпланишганди. Улар нимагадир қулоқ солиб турар-

дилар. Белтер бошини эгиб турар, бутун вужуди дағ-дағ титрарди. Бир вақт халойиқ ичидан бир чол чиқиб келди.

– Мистер!

Тис унга қаради.

– Хўш?

– Бу одам сиздан қанча қарздор?

– Бурнингни суқма, итвачча!

Чол Белтерга ўгирилди.

– Қанча, ўғлим?

– Эллик доллар.

Чол уни қуршаб турган одамларга қоп-қора қўлини чўзди.

– Бизлар 25 нафармиз. Ҳар биримиз икки доллардан берайлик, тезроқ бўлинглар, ҳозир пачакилашиб ўтирадиган вақт эмас.

– Бу тағин нимаси? – бақирди Тис ғазабини роз тутиб. Ҳамманинг қўлида пул пайдо бўлди. Чол пулларни шляпасига йиғди-да, уни Белтерга топширди.

– Ўғлим, – деди у, – сен ракетага кечикмайсан.

Белтер шляпага қаради-да, жилмайди.

– Кечикмайман, сэр, энди кечикмайман!

Тис ўкирди:

– Ҳозироқ пулларни эгаларига қайтар!

Белтер таъзим билан эгилди-да, унга пулни узатди, бироқ Тис пулни олмади; шунда Белтер пулларни унинг оёғи тагига – қоқ ерга қўйди.

– Мана сизнинг пулингиз, сэр, – деди у, – катта раҳмат!

Белтер жилмайганча эгарга сакраб ўтирди-да, отга қамчи босди. У чолга ташаккур билдирдию улар ёнма-ён кетиб борар эдилар ва кўп ўтмай кўздан ғойиб бўлишди.

– Итдан тарқаган! – деди кўзларини қисиб қуёшга қараганча шивирлаб Тис, – итдан тарқаган.

– Пулни ердан ол, Сэмюэль – деди кимдир айвондан.

Бутун йўл бўйлаб шу нарса содир бўлмоқда эди. Оёқяланг болакайлар югуриб келишарди-да қулоқни қоматга келтириб қичқирар эдилар:

– Бисотида борлар йўқларга ёрдам берадилар! Ҳамма озод бўлади! Бир бойвачча қарзидан қутулсин, деб бир камбағалга икки юзталик «кўк»идан берди! Яна биттаси бошқа камбағалга ўнталик, бешталик, ўн олтиталик «кўкидан берди – ҳамма жойда шундай қилишаяпти, ҳамма шундай қилаяпти!

Оқ танлилар афтларини бужмайтириб ўтиришарди. Улар кўзларини қисиб олган, худди ўтдек куйдирувчи шамол ва чанг юзларига савалаётгандек афтларини буриштириб олишганди.

Сэмюэль Тис ғазабдан бўғиларди. Айвонга югуриб чиқди-да, ўтиб кетаётган оломонга еб қўйгудек тикилди. У тўппончасини ҳавода ўйнатарди. Азбаройи нафратдан ўзини қўйгани жой тополмас эди ва ҳаммага, унга кўз ташлаган ҳар бир қора танлига юзланганча овозининг борича бўкира бошлади:

– Гум! Яна ракета учди! – оғзини тўлдириб ваҳима билан деди. – Гум! Ёпирай!

Қоп-қора бошлар олдинга қараган, ҳеч ким ўзини эшитаётгандек қилиб кўрсатмаётганди, фақат кўзларининг оқи бирров кўринарди-да, сузилганча юйиб бўларди.

– Та-та-тах! Ҳамма ракеталар тариқдай сочилиб кетди! Қичқириқлар, даҳшат, ўлим! Гумм! Эй, худованди карим! Менга нима, мен шу ерда қоламан, она Еримда! Кампиршо уялтириб қўймайди! Ҳа, ҳа!

Чангни тўзитганча туёқлар тақ-туқ қилади. Синиқ рессорли фургонлар титрайди.

– Гумм! – Тиснинг овози қўрқувни чаит ва чарақлаган осмон сари қувишга ҳаракат қилиб, иссиқ ҳавода танҳо жарангларди. – Қарс! Қораялоқларни бутун коинот бўйлаб тирқиратиб юборишди! Илоё метеоритлар балосига учраб, ракеталаринг чил-чил бўлсин! Коинотда нима кўп, метеорит кўп! Сизлар билмас эдиларингми? Шундай! Мўр-малахдай босиб ётибди коинотни, ҳатто ундан ҳам кўп! Ракеталарингиз эса юздаги холдек, сопол найчадай ҳар томонга сочилиб кетади! Қора треска тўлдирилган занг банкадан нима фарқи бор! Пақилдоқдек пақ-пақ-пақ ёрилади, тамом. Ўн мингта нобуд бўлган, яна ўнг мингта. Ер атрофида абадий айланиб учиб юраверади, муздеккина, қоқшолгина, баланд-баландларда, арши аълоларда! Эшитаяпсизми, ҳой, одамлар! Эшитаяпсизми?!

Жимлик. Дарё кенг ўзан билан тинимсиз оқади. Барча кулбаларни обдан ялаб ўтади. Уйдаги бор буд-шудни ювиб кетади, у соатларни, кир ювиш тахталарини, шойи кийимларини ва парда карнизларини олиб кетади, аллақаерлардаги узоқ қора денгизга оқизиб кетади.

Кундуз соат икки. Тошқин сал ўзига келади, оқим саёзлашади. Кейин дарё бутунлай қуриб қолади. Шаҳарда сукунат ҳукмронлик қилади. Уйларга, ўтириб олган эркакларга, баланд, иссиқдан мунғайган дарахтларга енгил гиламдек қўнади.

Жимлик.

Айвондаги эркаклар қулоқ соладилар.

Ҳечқиси йўқ. Шунда уларнинг тасаввури, уларнинг фикрлари олдинга, шаҳар четидаги ўтлоқзорга учади. Каллаи саҳардан бутун атрофни товушларнинг одатдаги уйғун садоси қоплайди. Жорий қилинган тартибга содиқлар унда-бунда кў-

шиқ хиргойи қилишади; буталар тагида ошиқ-маъшуқлар қиқирлашади; аллақаерда дарёда сувни чапиллатиб чўмилаётган ҳабаш болаларининг кулгилари қулоққа чалинади. Далаларда олқа ва кўллар кўзга ташланади; кўм-кўк майсалардан тўқилган кулбалар ичидан ҳазил-мутойибалар ва қувноқ суҳбатлар эшитилади.

Ҳозир ўлка узра гўё бўрон бўлиб ўтгандек ва ҳамма товушларни учириб кетгандек эди, ҳеч қиси йўқ. Гўристон сукунати. Чарм илмоқларда бесўнақай эшиклар осилиб қолган. Жимжит ҳавода эски покришкалардан қилинган ташландиқ аравачоқлар қотиб қолган. Кирчиларнинг яхши кўрган жойи – соҳилдаги ясси тошлар ҳувиллаб қолган. Ташландиқ полизларда яккам-дуккам тарвузлар қалин пўстлоғи тагида муздек шарбатни яширганча думалаб ётибди. Ўргимчаклар ташландиқ чайлаларда янги инларини тўқийдилар; илма-тешик томдан қуёшнинг заррин нурлари ўрнига чанг сизиб киради. Аллақаерда шошма-шошарликда эсдан чиққан гулхан ҳали ҳам ўчиб улгурмаган ва бирдан авж олган аланга похол чайланинг қуруқ синчини ямлашга тушади. Шунда очофат оловнинг мамнун гуриллаши сукунатни бузади.

Тош қотган эркаклар дўкон айвончасида ўтиришибди.

Сира ақлим етмайди, келиб-келиб улар тўсатдан нега ҳозир кетгилари келиб қолди! Бир қарашда ҳаммаси жойидагидек эди. Кунда-кунда янги имтиёзлар олишарди. Уларга тағин нима керак экан-а?! Сайлов солиғини бекор қилдик, дангасалик бўлмаслиги учун қонунлар қабул қилияпти, қаёққа қараманг – тенглик! Шуям камми уларга? Ҳар қандай оқ танлидан ёмон топишмайди – ҳе йўқ, бе йўқ коинотга жўнаб юборишди-я!

Бўм-бўш кўчанинг нариги учида бир велосипедчи кўринди.

– Ўлай агар, Тис, бу келаётган сенинг Силлийинг бўлади.

Велосипед айвон ёнига келиб тўхтади, унда қизғиш танли 17 ёшлардаги, суяги бузуққина бир ўсмир ўтирарди. Оёқ-қўллари узун-узун, боши тарвуздек юмалоқ. У Сэмюэль Тисга қараб қўйди-да, жилмайди.

– Ҳа, виждонинг йўл қўймай қайтиб келибсан-да? – деди Тис.

– Йўқ, хўжайин, велосипедни олиб келдим, холос.

– Нега? Ракетага сиғмадими?

– Йўқ, хўжайин, гап унда эмас.

– Нима гаплигини айтмасанг ҳам бўлаверади! Туш, мулкимни сенга ўғирлатиб қўймайман! – у ўсмирни туртиб юборди. Велосипед ағдарилди. – Бор, дўконга кириб идишларни юв.

– Нима дедингиз, хўжайин? – ўсмирнинг кўзлари катта-катта очилди.

– Нима эшитган бўлсанг шуни дедим! Милтиқларни идишдан олиш ва қутини очиш керак – Натчездан михлар келган...

– Мистер Тис...

– Дўконни болғаларга тайёрлаб қўйиш керак.

– Мистер Тис, хўжайин!

– Ҳали ҳам шу ердамисан?! – Тиснинг кўзлари шиддаткор чақнаб кетди.

– Мистер Тис, бугун дам олсам бўладими? – сўради ўсмир узрли оҳангда.

– Эртага ҳам, индинга ҳам, ундан кейинги кун ҳамми? – деди Тис.

– Шунақамикан деймен-да, хўжайин.

– Сендан қўрқиш керак, бу аниқ. Бери кел-чи. – У ўсмирни дўконга етаклаб кетди ва столдан қоғоз олди.

– Мана бу нарсани биласанми?

– Бу нима, хўжайин?

– Сенинг меҳнат шартномангг. Сен унга имзо чекkансан, мана сенинг юлдузчанг, кўрдингми? Жавоб бер.

– Мен имзо чекмаганман, мистер Тис, – ўсмирнинг вужуди титраб кетди. – Юлдузчани ҳар қандай одам ҳам қўяверади.

– Менга қара, Силли. Шартномангг: «Мен мистер Сэмюэль Тисга 2001 йил 15 июлдан бошлаб икки йил ишлаб бериш мажбуриятини оламан, борди-ю, ишдан бўшамоқчи бўлсам, бу ҳақда тўрт ҳафта олдин маълум қиламан ва ўрнимга одам топилмагунча ишлайвераман». Мана, – Тис кафти билан қоғозга уриб қўйди, унинг кўзлари чақнарди. – Тонадиган бўлсанг, судга берамиз.

– Иложим йўқ! – қичқирди ўсмир. Унинг юзларидан ёш доналари думалай кетди. – Агар бугун кетмасам, ҳеч қачон кетолмайман.

– Мен сени яхши тушунаман, ҳа, ҳа, сенга раҳмим келади. Лекин ҳечқиси йўқ, биз сенга яхши муомала қиламиз, йигитча, яхши овқатлантирамиз. Энди эса, бор, ишга туш, миянгдаги мана бу бўлмағур фикрларни чиқариб ташла, тушундингми? Шунақа, Силли. – Тис ғамгин жилмайди ва ўсмирнинг елкасидан қоқиб қўйди.

Ўсмир айвонда ўтирган чолларга ўгирилди. Унинг кўзларида ёш қотиб қолган эди.

– Балки... балки... мана бу жентльменлардан биронтаси...

Бостирма тагидаги иссиқдан силласи қуриган эркаклар бошларини кўтаришди, Силлига қарашди, сўнг Тисга қарашди.

– Буни қандай тушуниш керак: ўрнингга оқ танлини олиб келишсинми? – совуққина сўради Тис.

Квортэрмэйн бобо тиззаларидан қизил қўлларини кўтарди. У узоқларга ўйчан қараганча деди:

– Менга қара, Тис. Менга нима бўлади?

– Нима?

– Мен Силли билан бирга ишламоқчиман.

Бошқалар жим бўлиб қолди.

Тис оёқ учида чайқаларди.

– Бобо... – деди у огоҳлантирувчи оҳангда.

– Болакайни қўйиб юбор, нимаики керак бўлса ўзим тозалайман.

– Сиз...

– Сиз ростдан айтаяпсизми; тўғрисими? – Силли бобонинг олдига югуриб келди. У ҳам кулар, ҳам йиғлар, қулоқларига ишонмасди.

– Албатта.

– Бобо, – деди Тис. – Ўзга мушукнинг бурнингизни бу ишга суқманг.

– Болакайни ушлаб турма, Тис.

Тис Силлининг олдига келди-да, унинг қўлидан тутди.

– У меники. Мен уни тунгача орқа хонага қамаб қўяман.

– Керак эмас, мистер Тис!

Ўсмир йиғлади. Унинг йиғлаган овози бостирма остида жаранглаб эшитиларди. Силлининг қоп-қора қовоқлари шишиб кетди. Йўлда узоқдан эски, шалоғи чиққан форд кўринди, у сўнгги қора танлиларни олиб кетган эди.

– Булар меники, мистер Тис. О, илтимос, худо ҳақи, сиздан илтимос қиламан!

– Тис, – деди эркаклардан бири ўрнидан тураркан, – қўйинг, кетаверсин.

Иккинчи эркак ўрнидан турди.

– Мен ҳам шундай ўйлайман.

– Мен ҳам, – деди учинчи эркак.

– Рост-да, – энди барчалари баравар гапиришди. – Бас қил, Тис.

– Болакайни қўйиб юбор.

Тис чўнтагидаги тўппончани пайпаслади. Унинг кўзи эркакларнинг юзига тушди. У қўлини чўнтагидан олди-да, деди:

– Ҳали шунақами?

– Ҳа, шунақа, – жавоб берди кимдир.

Тис болани қўйиб юборди.

– Бўпти, бора қол, – у қўли билан дўкон томонини кўрсатди. – Сен ўзингнинг ифлос ашқол-дашқолингни қолдириб кетмассан, ҳарқолда?

– Йўқ, хўжайин!

– Тугунингдаги энг сўнгги латтани ҳам йиғиштириб ол-да, ёқиб юбор.

Силли бошини чайқади.

– Ўзим билиб оламан.

– Улар сенинг ракетага аллақандай лаш-лушларингни олаверади деб ўйлайсанми?

– Мен ўзим билан олиб оламан, – мулойим оҳангда такрорлади ўсмир.

У дўкондан уйча томонга чопиб кетди. Унинг супураётгани ва саришта қилаётгани эшитилиб турарди. Хаял ўтмай Силли яна пайдо бўлди. Пириллоқлар, зўлдирлар, эски варраклар ва бир неча йил давомида тўпланиб қолган турли ашқол-дашқолларни кўтариб олган. Шу заҳоти форд етиб келди. Силли машинага ўтириб эшикни ёпди.

Тис айвонда заҳарханда қилмайганча тик турарди.

– Хўш, у ерда нима қилмоқчисан?

– Дўконимни очмоқчиман, – жавоб берди Силли. – Шунақа дўкон қурмоқчиман.

– Оббо муттаҳам-ей, шунинг учун менга ёлланган экансан-да, ишни ўрганиб олиб, кейин бу ҳунардан фойдаланиш учун жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлган экансан-да!

– Йўқ, хўжайин, мен ҳеч ҳам ундай ўйлаганим йўқ, бундай бўлишини билганим ҳам йўқ, лекин шундай бўлиб қолди. Ҳунар ўрганиб гуноҳ иш қилибманми, мистер Тис?

– Ҳали ракеталарингга ном ҳам қўйиб оласандирсан?

Қора танлилар ўзларининг ягона соатлари – форднинг ускуналар тахтасидаги соатига қарашди.

– Ҳа, хўжайин?

– Қойнаҳой, «Иля», «Жанг аравасин», «Катта гилдирак» ёки «Кичик гилдирак», «Садоқат», «Умид», «Мурувват» бўлса керакдир?

– Биз кемаларга номлар ўйлаб топганмиз, мистер Тис.

– «Фарзанд-Худо» ва «Авлиё-арвоҳ»ми? Айт-чи, болакай, битта ракетани Баптистлар черкови шарафига номласаларинг нима қилибди?

– Энди борайлик, мистер Тис.

Тис қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Наҳотки биронтасини «Пастрок учи ёки «Шарофатли арафа» деб номламагансизлар?

Машина ўрнидан жилди.

– Хайр, миосис Тис.

– Сизларда «Сочилинглар, менинг сўякчаларим» деган ракета борми?

– Хайр, мистер!

– «Иордан орқали» деганичи? Вой! Бўпти, йигитча, жўна, ракетангда гумдон бўл, парвоз қил, портласа ҳам бир томчи кўз ёш тўкмайман!

Машина чанг булути ичида елиб кетди. Силли хиёл ўрнидан турди-да, кафтини оғзига карнай қилиб, сўнгги бор Тисга қичқирди:

– Мистер Тис, мистер Тис, энди тунлари нима иш қиласиз? Тунлари нима иш қиласиз?

Сукунат. Машина узоқларда кўздан ғойиб бўлади. Йўл ҳувиллаб қолди.

– У нима демоқчи бўлди, шайтондан тарқаган? – деди ҳайрон бўлиб Тис. – Тунлари нима қилар эканман?

У чангнинг ўтиришига қараб турди ва бирдан гап нимадалигини англаб қолди.

У тунлари уйи ёнида автомашиналар келиб тўхтаганини, уларда эса қоп-қора қиёфалар бўлишини, тиззалар осилиб туришини, уйдан юқорироқда милтиқ миллари кўриниб туришини гўё мудроқ дарахтларнинг қоп-қора шохлари остида бир машина тўла турналар тургандек бўлишини эслаб қолди. Яна дарғазаб кўзлар... Гудок, яна гудок, милтиқни қўлида сиқиб ушлаган, ўзича ҳиринглаб кулганча эшикларни қарсиллатиб ёпади, юраги боладек ўйнаб кетади. Ёз туни қўйнида йўлдаги ола-тасир пойга бошланади, машина поли устида йўғон арқон ўрами кўринади, янги патронлар қутичаларидан пальтонинг чўнтаклари қаппайиб туради. Ўтган йиллар ичида бундай кунлардан нечтаси ўтган экан – қаҳрли кўзлар устига тушиб турган соч тутамларини силаб ўйнаётган қарши шамол, яхши, бақуввват, маҳкам дарахтни кўргандаги тантанавор ҳайқириқлар ва кулба эшигини чертиш!

– Шунга шама қилган экан-да, итдан тарқаган! – Тис қоронғидан йўл устига сакраб чиқди. – Қайт, итвачча! Тунлари нима қилар эканман?! Оббо газанда-ей, пасткаш...

Силлининг саволи айни нишонга урган эди. Тис ўзини бемор, юрагини бўм-бўш ҳис этди. «Дарвоқе, тунлари биз нима қиламиз-а? – ўйлади

у. – Энди ҳамма кетиб бўлганда-чи?» Унинг юраги ғаш, мияси карахт бўлиб қолган эди.

У чўнтагидан тўппончани олди-да, патронларни қайта санаб чиқди.

– Нима қилмоқчисан, Сэм? – сўради кимдир.

– Бу падар лаънатини отаман!

– Сал ўзингни боссанг-чи, – деди бобо.

Аммо Сэмюэль Тис дўкон ортида ғойиб бўлган эди. Бир зумдан сўнг у ўзининг усти очиқ машинасида пайдо бўлди.

– Ким боради мен билан?

– Ҳа, бир айланиб кела қолай, – деди бобо ўрнидан турар экан.

– Яна ким?

Жимлик.

Бобо машинага ўтирди-да, эшикни ёпди. Чангни тўзитганча Сэмюэль Тис машинани йўлга олиб чиқди ва улар чарақлаган осмон остида шамолдек елиб кетишди. Иккаласи ҳам жим эди. Булутсиз осмон узра қуёш ўзининг оловини аямай пуркайди.

Йўл иккига айрилган жой. Улар тўхтайдилар.

– Улар қаерга кетишди, бобой?

Квортэрмэйн бобо қошини чимирди.

– Менимча, тўғрига қараб кетишган.

Улар йўлда давом этдилар. Дарахтлар остида ёлғиз мотор овози гуриллайди. Йўлда зоғ учмас эди, бироқ тўсатдан улар ғалати бир нарсани пайқаб қолишди. Ниҳоят Тис юришни тезлатди-да, сариқ кўзларини ғазаб билан чақнатганча эшикдан гавдасини чиқариб эгилди.

– Жин урсин, бобо! Бу итваччалар нимани үйлаб топишганини кўрдингизми?

– Нимани? – сўради бобо тикилиб қараганча.

Йўл ёқалаб тартиб билан терилган эски роликли конькилар, турли майда-чуйдаларга тўла ту-

гунчалар, йиртиқ бошмоқлар, арава ғилдираклари, эски шим ва пальтолар, илма-тешик шляпалар, бир вақтлар шамолда майин жиринглаган биллур идишчалар, қизил нақшли жез банкалар, мумдан ясалган мевалар, конфедерация замонидаги пуллар солинган қутичалар, тоғоралар, кир ювиш тахтачалари, кир дорлар, совун, кимнингдир уч оёқли велосипеди, кимнингдир ток қайчилари, қўғирчоқ аравачаси, хунук қўғирчоқли қутича, қора танлилар баптист черковининг ола-була ойнаси, тормоз прокладкалари тўплами, автомобиль камералари, матраслар, кушеткалар, тебранма стуллар, кремли банкачалар, кўзгулар ётар эди. Аммо улар барчаси шошма-шошарликда апил-тапил ташлаб кетилган нарсалар эмас, балки авайлаб, ҳафсала билан, дид билан, гўё бу ердан бутун шаҳар аҳли юриб ўтгандек, чангли йўл ёқаси бўйлаб териб қўйилган эди. Тўсатдан улуғвор карнай овози янгради, одамлар ўз қўр-қутларини шундоқ тупроқ устига қўйдилар-да, шартта мовий фалак сари кўтарилиб кетишди.

– Нима бўлганда ҳам «Ёқишни истамаймиз» экан-да! – алам билан қичқирди Тис. – Мен уларга ёқиб юборинглар деган эдим, ҳе йўқ, бе йўқ шунча масофадан кўтариб келишибди-да, шу ерга териб қўйишибди – қақир-құқурларга охирги марта қараб тўйиб олишибди, мана, мана улар, қараб томоша қилинг! Бу қораялоқлар, худо билсин, ўзларини ким деб билишади.

У машинани елдириб кетди. Ғарамларни эзиб янчганча, қутича ва ойналарни чил-чил қилганча, стул-пстулларни мажақлаганча, қоғозларни ҳар томонга тўзитганча километрма-километр олға кетиб борарди.

– Мана сенга! Жин урсин... Яна! Мана сенга!

Олдинги ғилдираклар аянчли вишиллади, машина қайрилди-да, йўл четидаги ариққа тушиб кетди. Тис пешонасини ойнага уриб олди.

– Оббо, итдан тарқаганлар-ей, – Сэмюэль Тис чангларини қоқа-қоқа ғазабдан йиғлаб юборгудек бўлиб, машинадан тушди. У кимсасиз ва унсиз йўлга қаради.

– Энди биз уларни ҳеч қачон қувиб етолмаймиз, ҳеч қачон!

Рўпарада йўл чеккасига териб қўйилган тугунлар ва уюмлар қаторининг охири кўринмасди, гўё ботиб бораётган қуёшнинг заррин нурлари остида, гармселда қолиб кетган қадимий қадамжолардек.

Бир соатдан сўнг ҳолдан тойган Тис ва бобо дўконга қайтишди. Эркаклар осмонга тикилган ва қулоқ солганча ҳамон ўша ерда ўтиришарди. Тис ўтириб, оғрини қисган ботинкаларини еча бошлаган эди ҳамки, кимдир:

– Қаранглар! – деб юборди.

– Падарига лаънат ўшани! – бўкирди Тис.

Аммо бошқалар ўринларидан туриб, унга ёқса қарашди. Улар тубсиз осмон сари кўтарилиб кетаётган олтин учқларини кўришди. Ортидан олов думлар қолдирганча учқлар кўздан ғойиб бўлди.

Пахтазорларда шамол оппоқ чаноқларини эриниб силайди. Боғчаларда офтобда исинганча тарғил йўлбарс боласига ўхшаган тарвузлар думалаб ётади.

Айвондаги эркаклар ўтиришди. Бир-бирига қарашди. Токчаларда тартиб билан териб қўйилган сариқ арқонларга, қутилардаги ялтироқ патрон-гилзаларига, кумушранг тўппончаларга ва шифт остида сояда жимгина осилиб турган чўзинчоқ милтиқларга қарадилар. Кимдир оғзига майса тиқди. Кимдир чангда одам суратини чизди.

Сэмюэль Тис тантанавор ботинкасини айлантириб ичига қаради-да, деди:

– Пайқадиларингми? У охирги дамгача мени «хўжайин» деди, худо ҳақи!

## 2004 – 2005 ЯНГИ НОМЛАР

Улар етиб келдилар-да, ҳайратомуз мовий ерларни эгалладилар ва уларга ўз номларини қўйдилар. Хинкстон-Крик дарёси ва Люстиг-Корнерс даласи, Блэк-Ривер дарёси ва Дрисколл-Форест ўрмони, Перегрин-Маунтин тоғи ва Уайлдертаун шаҳри пайдо бўлди – ҳаммаси одамлар шарафига ва одамлар содир этган воқеалар шарафига қўйилган номлар эди. Марсликлар дастлабки ерликларни ўлдирган жойда Реттаун шаҳри пайдо бўлди – бу ном қон билан боғлиқ. Мана бу ерда эса иккинчи экспедиция ҳалок бўлган – номи ҳам шундан келиб чиққан. Иккинчи уриниш; фазогирлар қўнаётганда оловли снарядлари билан ерни тўзитган ҳамма жойда бир ғарам шағалдек отлар, номлар қолган; ўз-ўзидан маълумки, Спендер-Хилл тоғи ва узун Натаниел-Йорк шаҳри номини ташлаб ўтишнинг иложи бўлмаган...

Қўҳна Марс номлари сув, ҳаво, тоғларнинг номлари бўлган. Жанубда эриган қорларнинг номлари қуриган денгизга бориб қуюлувчи каналларнинг тош ўзанларига қараб оққан. Хоки дақмаларда ётган кўзбойлоқчиларнинг номлари, минора ва ёдгорликларнинг номлари. Ракеталар мармарларни тариқдай тирқиратган, кўҳна шаҳарлар номлари ёзилган чинни идишларни чил-чил қилган қўйи худди болғаларга ўхшаб мана шу номлар устига ёпирилиб тушган ва синган буюмлар ғарами узра янги ном кўрсаткич

тахтачалари қад кўтарди: Айрон-Таун, Стилтаун, Алюминиум-Сити, Электр-Рик-Вилледж, Корнтаун, Грейн-Вилла, Детройт II – Ердан келган таниш механик, маъдан номлари.

Шаҳарлар қад кўтарганда эса, қабристонлар пайдо бўлди. Уларга ҳам номлар қўйилди: Яшил Бурчак, Оқ Тўслар, Тинч, Адр, Бир оз Дам Ол – дастлабки марҳумлар ўз қабрларига келиб ётдилар...

Ҳамма нарса ипга тизилгандек ораста бўлгач, ҳамма нарса рисоладагидек ўз жойига тушгач, шаҳарлар мустаҳкам ўрнашиб олди ва хилват жойни топишнинг энди иложи бўлмай қолди – шундагина Ердан тажрибали ва билағон одамлар кела бошладилар. Улар меҳмонга ва таътилга келар эдилар, совғалар сотиб олгани ва расмга тушгани келар эдилар – «Марс ҳавосидан нафас олгани» – улар тадқиқот ишлари олиб боргани ва ижтимоий қонунларни ҳаётга татбиқ этгани келар эдилар; улар ўзлари билан юлдузларини, унвонларини, қоида ва низомларини олиб келар эдилар, Ерни чиринди ахлатдек қоплаб олган тўрачилик уруғларини олиб келишни ҳам унутмаган эдилар ва уларни Марсда униши мумкин бўлган ҳар қандай жойга эка бошладилар. Улар турмуш ва ахлоқ қонунчилари бўлдилар; панд-насиҳат ва ўгитлардан қулоғи тинчишни учун Марсга кўчиб келган одамларни иймон йўлига бошқаришга, ундашга ва туртишга тиришдилар. Шуниси қизиқки, бу нарса ушбу одамлардан бирортасига заррача малол келмаётганди.

– Нафрат қилар даражада!

Мистер Бигелоу меъморий лойиҳа билан солиштириб кўрди. У навбатдаги топшириқни бирма-бир айтиб чиқди:

– Бутун ансамбль «юракни музлатувчи, лўқиллатувчи, симиллатувчи оғриқни, фикрлардаги нохуш бўшлиқни» бера оладими? Уй, ҳовуз, кўрғон?..

– Меҳнатингизга гап йўқ, мистер Бигелоу, қасам ичаманки, қойил қилгансиз.

– Миннатдорман. Мендан нима талаб этилишини мутлақо билмас эдим. Худога шукурки, сизнинг ўз ракеталарингиз бор, акс ҳолда зарур жиҳозларни бу ерга олиб келишга ҳеч қачон йўл қўймас эдилар. Эътибор қилинг-а, бу ерда ҳар доим нимқоронғилик, бу пучмоқда ҳар доим октябрь, қақроқ, қараманг дашту биёбон, ҳеч қаердан ном-нишон йўқ, ўлик. Бу биздан озмунча меҳнат талаб қилмади. ДДТ дан ўн минг тонна кетди. Биз ҳамма нарсани ўлдирдик, на бир қурт, на бир бақа, на бир Марс пашшаси қолмади! Абадий нимқоронғилик, мистер Стендаль, бу менинг ғуруримдир. Пинҳоний машиналар қуёш нурини ютади. Бу ерда ҳар доим «ғамгинлик».

Стендаль ана шундай санъат билан яратилган нохушлик, кўрғоннинг емирилиши, нафис бўғувчи буғланишлар, бутун «муҳит»дан баҳра ола бошлади. Уйнинг ўзини айтмайсизми? Шарти кетиб, парти қолган маскан, даҳшатли ҳовуз, моғор, қиёмат-қойим аломатлари! Синтетик ашёларми ёки шунга ўхшаган яна аллабалоларми-ей. Бу ёғини ўзингиз топиб олаверасиз.

У куз осмонига қараб қолди. Аллақаерда баланд-баландларда, олис-олисларда қуёш турибди. Аллақаерда сайёрада Марс апрели, олтин

«Бугунги хира, қоронғи, сас-садосиз куз кунида мен отда танҳо ўзим ваҳшати чўл жойда кетар эдим, осмонда булутлар кўрғоншидай оғир осилиб турар эди ва ниҳоят ерга оқшом қоронғилиги чўкиб кела бошлаганда Эшернинг мунгли кўрғони олдида пайдо бўлдим...»

Мистер Уильям Стендаль китоб ўқишдан тўхтади, ана унинг қаршисида, унча баланд бўлмаган қора кир устида – Кўрғон ва учли тошга 2005 йил деб ўйиб ёзилган.

Меъмор мистер Бигелоу деди:

– Уй тайёр. Калитни қабул қилинг, мистер Стендаль.

Жим-жит кузги қуёш остида ёнма-ён турганча улар сукут сақлар эдилар.

Қарға қанотидек қоп-қора майса узра уларнинг оёқлари остида чизмалар шитирлар эди.

– Эшерлар уйи, – мамнун ҳолда деди мистер Стендаль. – Лойиҳалаштирилган, қурилган, сотиб олинган, пули тўланган. Менимча, мистер По роса қувонган бўлар эди.

Мистер Бигелоу қошини чимирди.

– Ҳамма нарса кўнглингиздагидекми, сэр?

– Ҳа!

– Нақши ўзидагидекми? Кўриниши зерикарли ва даҳшатлими?

– Ҳаддан ташқари даҳшатли, ҳаддан ташқари зерикарли!

– Деворлари тундми?

– Ажойиб!

– Ҳовуз етарли даражада «Қора ва маъюс»ми?

– Ақл бовар қилмас даражада қора ва маъюс.

– Терак-чи? У ўзингиз билгандек, қуриб-қақшаган ва барглари тўкилган қилиб бўялганми?

апрель ҳукмрон, кўм-кўк осмон. Аллақаерда юксакликларда ҳаётсиз ажойиб сайёрага тамаддун келтириши керак бўлган ракеталар ўзларига йўл очадилар. Уларнинг шиддатли парвозларидан пайдо бўлган чийиллаш ва гуриллаш бу туссиз овоз ўтмас оламда, мудроқ куз оламида қулоқни тешиб юборгудек эди.

– Энди, топшириқ бажарилгач, – ийманибгина гап қотди мистер Бигелоу, – сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, буларнинг ҳаммасини сиз нима қилмоқчисиз?

– Эшер қўрғонийнимы? Билмадингизми?

– Йўқ.

– «Эшер» номидан ҳеч нарсани англамадингизми?

– Англаганим йўқ.

– Мана бу исм: Эдгар Аллан По-дан-чи?

Мистер Бигелоу йўқ дегандек бошини чайқади.

– Дарвоқе, – Стендаль хафа ва нафратини ифода қилганча босиқлик билан «ҳм» деб қўйди. – Мистер Понинг муборак хотирасини сиз қаёқдан ҳам билардингиз? У анча илгари, Линкольндан ҳам олдин ўлиб кетган. Унинг барча китоблари Буюк Гулханда ёқиб юборилган эди. Ўттиз йил муқаддам, 1975 йилда.

– Э-э, – бир нарсани тушунгандек бош ирғади. – Шулардан бири денг!

– Худди шундай, Бигелоу шулардан биттаси. Унинг ва Лау Крафтнинг, Хоторн ва Амброз Бирскнинг китобларини ёқишди, ҳаммаси даҳшат ва қўрқувлар ҳақидаги қиссалар эди. Барча фантазияларни, хуллас, келажак ҳақидаги барча қиссаларни ёқиб юборишди. Аёвсиз ёқишди, қонун чиқаришди. Ҳаммаси арзимаган нарсадан, заррадаги нарсадан, элликинчи ва олтмишинчи

йиллардан бошланди. Аввалига карикатурали китобчалар чиқаришни чеклаб қўйишди, сўнг детектив романлар, фильмларни ҳам тақиқлашди. Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга irғитишди, турли гуруҳлар, турли лақаблар, сиёсий эътиқодлар, диний хурофотлар авж олгандан-олиб кетди. Ҳар доим озчилик томон қўрқиб қолаверди ва кўпчилик томон тушуниб бўлмайдиган нарсадан, келажакдан, ўтмишдан, ҳозирдан қўрқар эди, ўзидан ва ўз соясидан қўрқар эди.

– Тушунарли.

– «Сиёсат» сўзидан (охир-оқибатда энг тескаричи доираларда «коммунизм» сўзининг синоними бўлиб қолган, ҳа, ҳа, бу сўзни тилга олишингиз биланоқ, каллангиз кетиши ҳеч гап эмас эди!) қўрқадиган, ҳар томондан туртки ейдиган – бир жойда гайкани бурасалар, яна бир жойда болтни айлантирадилар, бир ёқдан тиқадилар, иккинчи ёқдан суғуриб оладилар – санъат ва адабиёт кўп ўтмай шундай бир улкан тортмачоққа айландики, шўрликни бурадилар, чақдилар, чайнадилар, тугун қилиб тугдилар, то ўзининг қийишқоқлиги ва ҳар қандай таъмини йўқотмагунча у ёқдан бу ёққа коптокдек ирғитавердилар. Сўнг эса кинокамералар тиниб қолди, театр зулматига ғарқ бўлди ва босма нашрларнинг қудратли Ниагараси «Соф» мақоласининг заиф бир жилғачасига айланиб қолди. Ишонинг менга, «воқеликдан узоқлашиш» тушунчаси ҳам шубҳали сўзлар сирасига кириб қолди!

– Наҳотки?

– Ҳа, ҳа! Ҳар бир одам, дер эди улар, ҳаққонийликнинг юзига тик қараши шарт. Фақат ҳозирнигина кўриб туришлари керак. Бу тоифага кирмаган ҳамма нарса – бир пул. Ажойиб адабий

тўқималар, хаёлот осмонида парвоз қилишлар – гуллаб-яшнайверсин. Бир куни якшанба тонгида, ўттиз йил муқаддам, 1975 йилда уларни кутубхона деворига тикка қилишди: Санта Клаус ва Бошсиз чавандоз, Қорқиз ва уй Деви, Онағоз – барчалари ҳўнграб йиғлар эдилар – ва уларни отиб ташлашди, сўнг қоғоз қалъа ва малика қурбақаларни, кекса қироллар ва «ўша замондан буён бахтли яшаб келаётган» ҳаммани ёқиб юборишди (аслида у ўша замондан буён бахтли яшаяпти, деб ким ҳақида айтиш мумкин эди!). Бир вақтлар Ҳеч қачонга айланди-қўйди! Улар Ўз мамлакати бош суяклари билан биргаликда Сеҳрланган Рикш хокини шамолда совурдилар, Глинда меҳрибон ва Ўзмани чопиб ташладилар, Тўпгулни спектроскопда битта-битта юлиб ейишди, Жек Қовоқбошни эса Биологлар Зиёфатида дастурхонга тортиб юборишди! Нўхот қобиқчаси тўрачилик чақалоқзорида қуриб-қовжираб бўлди! Уйқудаги Гўзал илмий ходим бўсасидан уйғониб кетган ва у ўзининг тиббий игнасини суққанда жони ҳиқ этиб чиқиб кетган эди. Алисани улар шишадан шундай бир нарсани ичишга мажбур қилишдики, натижада қизгина ортиқ: «Олдинга борган сари яна ҳам қизиқроқ бўлаверади!» – деб қичқира олмайдиган даражада митти бўлиб қолди. Сеҳрли кўзгуни улар болға билан бир уриб, чил-чил қилишди ва барча Қизил Қироллар ва Устрицалар гумдон бўлди!

У муштумини қисди. Эй худо, ҳаммаси худди ҳозир содир бўлгандек яқин туюлади-я! Унинг юзи қизариб бўғилди. Азбаройи қаттиқ жунбушга келганидан мистер Бигелоу ҳанг-манг бўлиб қолди. У бир-икки киприк қоқди-да, охири уйга кириб деди:

– Кечирасиз. Нима деяётганингизни тушунолмаяпман. Бу исмлардан ҳеч нима англаёлмадим. Сиз айтган гапларга қараганда Гулхан фақат фойда берган.

– Йўқолинг кўзимдан! – қичқириб юборди Стендаль. – Ишингиз тугади, энди қорангизни ўчиринг, тўнка!

Мистер Бигелоу дурадгорларни чақирди-да, кетди.

Мистер Стендаль Уй олдида битта ўзи қолди.

– Қулоқ солинглар, ҳой! – мурожаат қилди у кўзга кўринмас ракеталарга. – Сизлардан жон сақлайман деб, Соф Жонлар Марсга бориб қолган эди, сизлар бўлсангиз худонинг берган куни бу ерда кўпайгандан-кўпайиб кетяпсиз, худди ахлатга интилган пашшалардек учиб келганингиз-учиб келган. Мен сизларга ҳозир бир нарса кўрсатаман. Ерда мистер Пога қилган қилиқларингиз учун таъзирингизни бераман. Шу ондан эҳтиёт бўлинг! Эшернинг уйи ўз ишини бошлайди.

У осмонга қараб муштумини дўлайтириб қўйди.

Ракета қўнди. Ундан девдай бир одам чиқиб келди. У уйга қаради ва унинг кулранг кўзларида норозилик ва ҳайрат ифодаси кўринди. Нариги томонда уни озғингина бир одам кутиб турган хандақдан сакраб ўтди.

– Исми шарифингиз Стендалми?

– Ҳа.

– Гаррет, Ахлоқ Иқлими бошқармаси инспектори.

– Э-ҳа, бари бир Марсгача етиб келибсиз-да, Ахлоқ Иқлимининг нозирлари? Мен бўлсам сизларни қачон келар экан, деб ўзимча тусмоллаб турган эдим...

– Биз ўтган ҳафтада келган эдик. Тезда бу ерда худди ердагидек тартиб ўрнатилади. – У асабий

равишда гувоҳномасини уй томонга силтаб қўйди.
– Қани, айтинг-чи менга, мана бу нима, Стендаль?

– Бу арвоҳли қалъа, хўп десангиз.

– Хўп демайман, Стендаль, ҳеч ҳам хўп демайман. «Арвоҳли» – ярамайди.

– Жуда жўн. Бу йил, 2005 йилда Ҳақ таоломизга мен бир механик зиёратгоҳ қурдим. Унда мис кўршапалаклар электрон нурлар бўйлаб учадилар, қуйма каламушлар пластмасса тагхоналарда изғийдилар, автомат скелетлар рақс тушадилар, бу ерда автомат қонсўрарлар, ҳазилкашлар, бўрилар ва оқ арвоҳлар истиқомат қиладилар, кимё ва кашфиётчилик барқ уради.

– Мен худди шу нарсадан қўрққан эдим, – деди Гаррет жилмайиб. – Сизнинг уйингизни суриб юборишга тўғри келмаса деб қўрқаман.

– Келишингиз биланоқ йўқлашингизни билардим.

– Мен илгарироқ учиб келган бўлардим, лекин биз аралашишимиздан олдин сизнинг ниятларингизни билиб олмоқчи эдик. Бузувчилар ва ўт очувчилар командаси оқшомга яқин етиб келишлари мумкин. Ярим тунга бориб, ҳамма нарса таг-туги билан вайрон қилинади, мистер Стендаль. Менинг ақли ноқисимча, сэр, сиз, айтишим мумкинки, айниб қолибсиз. Қаттиқ меҳнат билан ишлаб топилган пулларни шамолга совуриш, ахир сизда нақд уч миллион бўлган эди-я...

– Тўрт миллион! Аммо шуни ҳисобга олингки, мистер Гаррет, мерос олганимда мен ёшгина йигитча эдим – йигирма беш миллион. Истаганча шамолга совуришим мумкин. Умуман олганда, бу яхши иш эмас: у ёқдан қурилиш тугади-ю, бу ёқдан сиз ўз Бузувчиларингиз билан етиб келибсиз. Балки уйинчоғим билан жиндай кўнгил очи-

шимга изн берарсиз, айтайлик, лоақал йигирма тўрт соатга?!

– Сиз қонунни биласиз. Унда айтилган: ҳеч қанақанги китоблар, ҳеч қанақанги уйлар, арвоҳлар билан боғлиқ бўлган ҳеч қанақанги қонсўрарлар, фариштлалар ёки каёлотнинг бошқа кашфиётлари кетмайди.

– Сиз яқинда мистер Бэббитларни ёқа бошлайсиз!

– Сиз бизга анча-мунча ташвиш келтирдингиз, мистер Стендаль. Протоколлар сақланиб қолган. 20 йил аввалги. Ерда. Сиз ва сизнинг кутубхонангиз.

– Э-ҳа, мен ва менинг кутубхонам. Менга ўхшаган яна бир қанчалари. Албатта, По ўшанда аллақачон унутилиб кетганди. Ўз ва бошқа хилқатлар ҳам унут бўлиб кетганди, шунинг учун мен бир кичиккина яширин жой қуриб олгандим. Ўзимизнинг кутубхонамиз бўларди – менда ва яна бир қанча хусусий шахсларда, токи сиз машъал ва ахлатёқарларингизни жўнатиб юборган пайтингизда. Менинг 50 000 дона китобимни парча-бурда қилиб, ёқиб юборгандингиз. Сиз барча мўъжизакорларнинг ҳам онасини учқўрғондан кўрсатган эдингиз; сиз яна кинопродюсерларингизга, агар бирон нима қилмоқчи бўлсангиз, Эрнест Хемингуэйни қайта-қайта суратга олинг, деб буйруқ берган эдингиз. Ё парвардигор, ахир мен «Қўнғироқ кимни чақиради» фильмини неча марта кўрмадим! 30 та турли саҳна асари. Ҳаммаси бор воқелик. Оҳ, реализм! Оҳ, бу реализм! Эй, ўшани!..

– Тилингизга эрк беришдан тийилсангиз яхши бўлармиди!

– Мистер Гаррет, ахир сиз тўла ҳисобот беришга мажбур эдингиз-ку?

– Ҳа.

– Ундай ҳолда қизиқ учун ҳам бир кириб кўрсангиз, кириб у ёқ бу ёққа қарасангиз яхши бўларди. Бор-йўғи бир дақиқага.

– Яхши. Кўрсатинг. Ҳеч қандай найранг бўлмасин. Менда тўппонча бор.

Эшерлар Уйининг эшиги ғийқиллаб очилди. Рутубат ҳиди димоққа урди. Худди ташландиқ мағораларда кўзга кўринмас жониворлар нафас олаётгандек гувиллаган оҳ-воҳлар қулоққа чалинди. Тош ердан каламуш югуриб ўтди. Гаррет «ҳеҳ» деди-да, оёғи билан тепиб юборди. Каламуш умбалоқ ошиб тушди ва унинг нейлон териси ичидан сон-саноқсиз темир бургалар тўкилди.

– Қойил! – Гаррет яхшироқ кўриш учун эгилди.

Қизғиш-мовий харита узра мум қўлларини силкитганча токчада қари жодугар ўтирарди. У бошини силкитди-да, тишсиз оғзи билан Гарретга иршиллаб қўйди ва мой юқи харитага бармоқлари билан чертди.

– Ўлим! – чинқирди кампир.

– Мен худди мана шундай нарсаларни ўйлаган эдим... – деди Гаррет. – Худди ўйлаганимдек бўлиб чиқди-я!

– Мен шахсан сизнинг ёқиб юборишингизга рухсат бераман.

– Ростданми? – Гарретнинг юзи ёришди. Бироқ шу заҳоти яна лунжини осилтирди. – Сиз буни жуда осон айтдингиз-қўйдингиз.

– Мен мана шуларни юзага келтирсам бўлгани. Мақсадимга эришдим, деб айта олсам, бас. Ҳозирги шубҳалар оламида ўрта аср муҳитини қайта яратдим.

– Менинг ўзим ҳам, сэр, айтиш мумкинки, сизнинг даҳоингиздан беихтиёр ҳайратга тушдим.

– Гаррет қараб турарди – унинг ёнидан ҳавода шитирлаган ва шивирлаганча гўзал шаффоф аёл қиёфасига кирган енгил булут парчаси сузиб ўта бошлади. Рутубатли йўлакнинг нариги учида қандайдир машина гувилларди. Худди центрифугадан чиққан пахтакиндга ўхшаб у ердан жим-жит зал бўйлаб босиқли зулмат ўрмалаб ва ёйилиб келар эди. Аллақаёқдан маймун пайдо бўлиб қолди.

– Пишт! – қичқирди Гаррет.

– Қўрқманг, – Стендаль жониворнинг қорнини силаб қўйди. – Бу робот. Худди жондорлар сингари бу ҳам бошдан-оёқ мисдан ясалган. Мана!

У маймуннинг юнгини қайириб кўрсатган эди, тагидан темир ярақлаб кетди.

– Кўраяпман, – Гаррет журъатсизгина қўлини узатди, роботни силаб қўйди. – Лекин бу нимага керак, мистер Стендаль, бунда қандай маъно бор?! Сизни нима мажбур қилди?

– Тўрачилик, мистер Гаррет. Лекин менинг тушунтиришга сира вақтим йўқ. Ҳукумат одамлари эса бусиз ҳам тезда ҳамма нарсани билиб олишади. – У маймунга бош ирғаб қўйди. – Бўлди, қани.

– Маймун мистер Гарретни ўлдирди.

– Тайёрмиз, Пайкс?

Пайкс нигоҳини столдан олди.

– Ҳа, сэр.

– Аъло иш.

– Текин нонни емайсиз, мистер Стендаль, – паст овозда жавоб берди Пайкс, роботнинг [illegible] қовоғини кўтарди-да, унга шишанинг кўз олмасини солиб қўйди ва унга каучук мушакларини чаққонлик билан ёпиштирди. – Шундай.

– Қуйма, мистер Гаррет.

– Қизиқ, сиз уни нима қиласиз, сэр? – Пайкс бошини ирғаб чинакам ўлик Гаррет ётган тош плита томонни кўрсатди.

– Яхшиси куйдириш-да, Пайкс. Бизга иккита мистер Гарретнинг нима кераги бор. Пайкс Гарретни ғиштин ахлат куйдиргич олдига судраб борди.

– Яхши қолинг.

У мистер Гарретни ичкарига итариб юборди-да, эшикни ёпди. Стендаль робот Гарретга юзланди.

– Вазифангиз сизга аниқми, Гаррет?

– Ҳа, сэр. – Робот гавдасини кўтариб ўтириб қолди, – мен Ахлоқ Иқлими Бошқармасига қайтиб боришим керак. Қўшимча маърузани тақдим этишим керак. Операцияни кам деганда 48 соатга чўзишим керак. Мен янада батафсилроқ тадқиқ ўтказишим кераклигини айтишим керак.

– Тўғри, Гаррет. Муваффақият тилайман.

Робот шошилиб Гарретнинг ракетаси олдига ўтди, унга чиқди-да, парвоз қилиб кетди.

Стендаль бурилиб қаради.

– Хўш, Пайкс, энди бугунги оқшомга қолган таклифномаларни тарқатамиз. Ўйлайманки, яхши бўлади. Сиз нима дейсиз?

– Агар 20 йил кутганимизни ҳисобга олсак, ҳаттоки жуда яхши бўлади.

Улар бир-бирига кўз қисиб қўйди.

Соат роса 7. Стендаль соатига қаради. Энди кўп қолгани йўқ. У ўриндиқда ўтирганча қўлидаги хересли қадаҳни айлантирар эди. Уларнинг устида, дуб тўсинлар оралиғида кўзларини йилтиллатиб нозиккина мис суякли резина терили кўршапалаклар чийиллаарди. У кўршапалакларни олқишлаганча қадаҳни кўтарди.

– Муваффақиятимиз учун!

У ўзини орқага ташлади, кўзларини юмди ва ҳаммасини хаёлан бир бошдан текшириб чиқди. Қариганида бир кўнглини бўшатиб олади... Адабиётни қатағон қилгани учун, гулхан учун бу антисептик ҳукуматдан қасос олади. Йиллар ғазаб тўпланиб келди, нафрат тўпланиб келди... ва карахт бўлган қалби тубида зимдан, аста-секин фикр пишиб етила бошлади. У Пайксни учраттан ўша уч йил олдинги вақтгача шундай бўлган эди.

Ҳа, айнан Пайксни. Шафқатсиз юраги аччиқ ишқорга тўлдирилган жиңғир қора қудуқдек бўлиб қолган Пайксни. Пайкс ким ўзи? Уларнинг ичидан энг улуғи, тамом-вассалом! Пайкс – минглаб муртаклар, тутун, мовий туман, оқ ёмғир, кўршапалак, даррандани ўзида мужассам қилган одам, мана Пайкс ким! «Лон Чендан яхшироқ патриархми?» – ўзидан сўради Стендаль. Қадимги фильмларда кўрган Чени, қаторасига бир неча оқшом томоша қилган эди... Ҳа, Чендан яхшироқ. Бошқа кекса актёрдан кўра яхшироқ – анови Карлофф деганни бор-у, ўшандан анча-мунча яхши! Люгоси-чи? Унга қиёслаб бўлмайди! Пайкс – ягона, қиёси йўқ. Нима бўпти: уни талон-торож қилишди, тўқималар ҳуқуқини олиб қўйишди, ҳеч ёққа боролмайди, бировга дардини айтиб сололмайди. Ҳатто ўзи учун кўзгу олдида ўйнашни ҳам тақиқлаб қўйишди!

Шўрлик Пайкс – ақл бовар қилмас, қуролсизлантирилган Пайкс! Сенинг фильмларингни мусодара қилган, худди кинокамерадан тасма ҳалқасини суғургандек қорнингдан ичак-чавоқларингни суғуриб олган, ғижимлаган, печкага ташлаган, ёқиб юборган ўша оқшомда сен нималарни ҳис қилган эдинг! Эллик минг китобни бой

бериб, эвазига ҳеч нарса олмаганинг сенга оғир ботган эдими? Ҳа, ҳа. Стендаль азбаройи ғазабдан қўллари музлаб кетаётганини ҳис қилди. Бир куни – бундан ҳам табиийроқ бўлиши мумкинми – улар тўқнаш келиб қолишди ва суҳбатга берилиб кетишди. Уларнинг суҳбати худди ичган қаҳвалари каби ҳисобсиз тунларга чўзилиб кетди ва сўзларнинг оқими, аччиқ ичимлик асносида Эшер Уйи дунёга келди.

Черков қўнғироғининг бўғиқ садоси эшитилди. Меҳмонлар ташриф буюрмоқда эдилар.

Жилмайганча у меҳмонларни қарши олгани ташқарига йўналди.

Роботлар кутар эдилар – болалик хотираларисиз катта ёшдаги одамлар. Ўрмон қўллари рангидаги яшил шойи либосдаги, бақа ва папоротник тусли шойи либосдаги роботлар кутар эдилар. Қум ва қуёш рангли, сариқ сочли роботлар кутар эдилар. Устидан желатин қуйилган найчасимон бронза суякли роботлар ётар эдилар. Тирик бўлмаган ва ўлик бўлмаганлар тобутларида, тахта қутиларда туртиб юборишларини кутиб маятниклар ётар эдилар. Суртма ва қуйма маъдан ҳиди анқир эди. Гўристон жимлиги ҳукм сурарди. Ҳар икки жинсдаги, аммо жинссиз роботлар. Юзлари бор-у, аммо юзсиз, одамзотдан одамликдан бошқа ҳамма нарсани юқтириб олган роботлар устига «Франкоборот» деб ёзилган қутиларнинг қатор михлар қоқилган қопқоғига тик қараб турган роботлар, улар ўлим деб атаб бўлмандиган йўқликда турар эдилар, чунки бу йўқлик ортидан ҳаёт асари сезилмас эди... Бирдан михлар қаттиқ визиллайди. Бирин-кетин қопқоқлар кўтарилади. Қутилар узра соялар ўйнайди, қўлда сиқилган мой идиш машина мойини

тизиллатиб отади. Ишга туширилган бир мурват аста чиқиллайди. Яна бир мурват, яна бир, ниҳоят худди улкан соат дўконидагидек, чор атрофни чақ-чуқ овози босиб кетади. Тош кўзлари ёғоч қовоқларини кенг очадилар. Бурун катаклари пирпирайди. Маймун юнглари ва оқ қуён териси қопланган роботлар оёққа турадилар. Эгизаклар Твидлдам ва Твидлди, Бузоқбоши, Соня, Оппоқ чўкканлар, – тана ўрнига туз ва майин сув йўсинлари, устрица рангидаги кўзлари ириб чиққан кўкиштоб дорга осилганлар, муз ҳилқатлар ва ялтироқ пистончалар, сопол паканалар ва жигарранг элфлар, Чиқ-чиқ, Олабўжилар, сунъий бўрон булути ичидаги Санта Клаус, Кўк Соқол – жағ соқоллари худди ацителен оловидек гуриллаб турибди. Яшил тилларини ўйнатиб, кулранг пағапаға тутунлар суза бошлади. Гўё Олачипор чирмовуқдек биланглаётган аждаҳони эсга солувчи бу тутун курсоғида бозиллаган лахча чўғ билан деворга тақалиб келар эди: гув-гув, тақ-туқ, ўкирик, сукунат, сапчиш, бурилиш... Минглаб қопқоқлар яна ёпилди. Соат дўкони Эшер Уйи томон йўл олди. Афсунгарлик туни бошланди.

Қўрғонда илиқ шабада елди. Осмонни куйдирган, кузини баҳорга айлантирган кўйи меҳмонларнинг ракеталари учиб кела бошлади. Ракеталардан оқшом либосларида эркаклар чиқиб, уларнинг ортидан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турмакли аёллар эргашиб келарди.

– Бу Эшер жуда бало экан-ку!

– Эшик қани?

Шу тоб Стендаль пайдо бўлди. Аёллар кулар ва гап сотар эдилар. Мистер Стендаль жим бўлинглар дегандек қўлини кўтарди. Сўнг ўгирилди, нигоҳини қалъанинг баланд деворидаги деразага олди-да, қичқирди:

*Рапунцел, Рапунцел, кўз оч уйқудан.*
*Сочларингни паришон айлагил тубан.*

Гўзал қиз тунги шабадани қарши олиб, деразадан қаради ва олтин сочларини пастга туширди. Ундан мамнун меҳмонлар Уйга кўтарилишлари учун сочлар эшилиб, буралиб нарвонга айланди.

Энг кўзга кўринган жамиятшунослар! Энг зукко руҳшунослар! Дунёда энг тенги йўқ сиёсатдонлар, бактериологлар, психоневрологлар! Ана, уларнинг ҳаммаси кулранг девор оралиғида турибди.

– Хуш келибсизлар!

Мистер Траион, мистер Оуэн, мистер Дан, мистер Лэнг, мистер Стеффенс, мистер Флетчер ва яна йигирма-ўттизтача машҳур шахслар.

– Кираверинглар! Кираверинглар!

Мисс Гиббс, мисс Пауп, мисс Черчилл, мисс Блант, мисс Драммонд ва яна йигирматача офатижон аёл. Барчалари ҳеч бир истисносиз кўзга кўринган, энг кўзга кўринган шахслар, хаёлотлар билан Кураш Жамиятининг аъзолари, эски байрамлар – «барча муқаддас байрамлар» ва «Гай Фоксни ман қилувчилар» билан курашувчилар, кўршапалакларнинг қотиллари, китобларга қирон келтирувчилар, машъалбозлар; барчалари ҳеч бир истисносиз одамларга Марсга биринчи бўлиб оддий, дағал йўллар билан учиб келиш, марсликларни гўрга тиқиш, манзилгоҳларни ифлослардан тозалаш, шаҳарлар қуриш, йўлларни таъмирлаш ва умуман турли-туман тартибсизликларни бартараф этиш имконини тақдим этган одобли ва ахлоқли, виждони пок фуқаролар. Кейин эса, Хавфсизлик мустаҳкам қарор топгандан сўнг бу Кувонч Ғоратгарлари, бу қон

ўрнига формалинли ва йодли настойка рангли кўзи бор нусхалар ўзларининг Ахлоқ Иқлимини кўчат қилиб ўтказиш ва барчага мурувват ила саховат улашиш учун пайдо бўлдилар. Уларнинг барчаси эса – унинг дўстлари! Ҳа, ҳа, ўттан йили Ерда у эҳтиёткорлик ва ўта танозе билан уларнинг ҳар бири билан танишган, ҳар бирига ўз мавқеини кўз-кўз қилган эди.

– Бепоён Ўлим маъвосига хуш келибсизлар! – қичқирди у.

– Менга қаранг, Стендаль! Бу нима деган гап?

– Ҳали кўрасизлар, ҳаммангиз ечининглар! Анави ерда ҳужралар бор. У ерда тайёрлаб қўйилган либосларни кийинглар, эркаклар бу тарафга, аёллар у тарафга.

Меҳмонлар бир оз тараддудланганча туриб қолдилар.

– Билмадим, бу ерда қолсак қандай бўларкин, – деди мисс Паун. – Бу ер менга ёқмаяпти. Бу ерда куфрнинг ҳиди келяпти.

– Ҳеч нарса қилмайди, бор-йўғи либос байрами!

– Булар бари қонунга қарши эмасмикан деб қўрқаман. – Мистер Стеффенс эҳтиёткорлик билан бурнини тортиб қўйди.

– Бас! – кулиб юборди Стендаль. – Бир гал кувнасангиз кувнабсиз-да. Эртага ҳаммаси остин-устин бўлади. Ҳужраларга тарқалинглар!

Уйда ҳаёт қайнаб, борлиқ яшнаб кетди, бурро-бурро ҳазил сўзлари янгради, оқ сичқонлар миттигина чўплари билан миттигина ғижжакларини ишқалаётган паканаларининг навоси остида митти кадрилга рақс тушар, қурум босган тўсинлар остида байроқчалар ҳилпирар ва кўршапалак галалари муздек, серкайф, кўпикли Шароб пуркаётган жағлари кенг очиқ ўлаксахўрлар

ёнида чарх уриб учар эдилар. Либосли айёмнинг барча етти залидан ўтиб, арақча жилдирарди. Меҳмонлар ўзларини шунга ташлашди ва қарасаларки, бу Херес арақи экан! Маскарад доминосига яширинган елкаларидан йилларни итқитиб ташлаб, меҳмонлар кабиналардан отилиб чиқдилар ва улар кийиб олган ниқоблар уларнинг хаёлот ва даҳшатларини муҳокама қилиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Қип-қизил либосли аёллар чарх уриб айланар ва хандон ташлаб кулар эдилар. Эркаклар уларнинг ортидан ялтоқланиб эргашардилар. Деворларда аллакимларнинг соялари сузарди, уйда бунда ҳеч нимани акс эттирмайдиган кўзгулар осиғлиқ эди.

– Бизлар баримиз қонхўрларимиз! – кулди мистер Флетчер. – Ўликларимиз.

Ҳар бири бошқа рангдаги еттита зал: бири мовий, бири қирмизий, бири яшил, бири пушти, яна бири оқ, олтинчиси бинафшаранг, еттинчисига қора бахмал қопланган. Қора залда эбен қарсоқлари бўғиқ занг чалди. Залдан-залга, хаёлий роботлар ўртасида, Сониялар ва тентак ляпинилар, Тролллар ва Улканлар, Қора Мушуклар ва Оқ Қироличалар ўртасида шипиллашиб меҳмонлар гандираклар эдилар ва уларнинг чалкаш оёқлари остида пол ғичир ва бўғиқ ғичирлар эди, гўё улар остига яширинган юрак ўз ҳаяжонини тутиб туролмаётгандек.

– Мистер Стендал!

Шивирлаб:

– Мистер Стендал!

Уларнинг ёнгинасида Ўлим ниқобидаги даҳшатли даррандa турарди. Бу Пайкс эди.

– Биз хилватда гаплашиб олишимиз керак.

– Нима гап?

– Мана, – Пайкс унга қоқ суяк қўлини узатди. Унинг қўлида бир ҳовуч эритилган, қорайган ҳалқачалар, гайкалар, мурватлар, болтлар бор эди.

Стендаль уларга узоқ қараб қолди, сўнг Пайксни йўлакка бошлаб кетди.

– Гарретми? – сўради у шивирлаб.

Пайкс бош ирғади.

– У ўзининг ўрнига роботни юборибди. Мен уни ахлатхуйдиргични тозалаётганимда топиб олдим.

Иккаласи шубҳали мурватларга қаради.

– Бу ҳар дақиқада полиция бостириб келиши мумкин деганини билдирадими? – деди Пайкс. – Режаларимиз барбод бўлади.

– Бу маълум эмас, – Стендаль айланиб юрган сариқ кўйлак кийган одамларга қаради. Мусиқа кенг ва тўлиб-тошган залларда янграб таралярди. – Гаррет эшикдан ўзи келиб кириши мумкин деган даражада аҳмоқ бўлмаса, тузоқ сезиб қолиши шубҳасиз!

– Нима бўлди?

– Ҳеч нарса, айтарли ҳеч нарса йўқ. Гаррет бизга роботни юборибди, аммо биз уни парчалаб қайтардик-ку, агар у жуда ҳам синчковлик билан қарамайдиган бўлса, бизнинг фирибгарлигимизни пайқамаслиги ҳеч гап эмас.

– Бўлмаса-чи!

– Янаги сафар у ўзи келади. Энди у унга ҳеч нарса хавф солмаслигига ишонади. Ўз оёғингиз билан уни ҳар дақиқада кутиб туринг! Шаробдан яна олинг, Пайкс!

Катта қўнғироқ бонг урди.

– Ўлай агар, бу ўша. Боринг, мистер Гарретни ичкарига олиб киринг.

Рапунцель олтин сочларини пастга туширди.

– Мистер Стендалмисиз?

– Мистер Гаррет, ҳақиқий Гарретмисиз?

– Ўзиман, – Гаррет намиққан деворлар ва чир айланаётган одамларга синчковлик билан назар солди; ўзим кўрай деган бўлса керак. – Роботларга ишониб бўлмайди. Боз устига, бегона роботларга. Бир йўла мен эҳтиёткорлик юзасидан Бузувчиларни чақирдим. Бу мараз маскан деворларини бузиш учун улар бир соатдан кейин етиб келишади.

Стендаль таъзим қилди.

– Огоҳлантирганингиз учун раҳмат, – у қўли билан ишора қилиб қўйди. – Ҳозирча сизни кўнгил очишга таклиф қиламан. Озгина шароб кетадими?

– Йўқ, йўқ, ташаккур. Нималар бўляпти у ерда? Инсон тажавузкорлигининг чегараси қаерда?

– Ўзингиз амин бўласиз, мистер Гаррет.

– Тубанлик, – деди Гаррет.

– Энг жирканч тубанлик, – тасдиқлади Стендаль.

Қаердадир аёл чийиллади. Пилладек оппоқ мисс Пауп югуриб келарди.

– Шундай нарса юз бердики, айтишга тилим бормайди! Кўз олдимда маймун мисс Блантни бўғди ва мўрига итариб юборди.

Улар қувурга қарашди ва пастда осилиб турган узун сариқ сочларни кўришди. Гаррет қичқириб юборди.

– Даҳшат! – чўқиниб деди мисс Пауп. У бирданига тилдан қолди, кўзларини пирпиратди-да, ўгирилди: – Мисс Блант!

– Ҳа, – мисс Блант унинг ёнида турарди.

– Ахир мен сизни ҳозиргина печка қувури ичида кўрган эдим-ку!

– Йўқ, – кулди мисс Блант. – Бу робот эди, менинг нусхам. Моҳирона кўчирма!

– Лекин, лекин...

– Ёшларингизни артинг, жонгинам. Мен соппа-соғман. Ўзимга қарашимга рухсат беринг. Мана, мен қаерда эканман! Ҳа, мўрида худди сиз айтгандек. Ғаройиб-а, тўғрими?

Мисс Блант кулганча у ердан кетди.

– Ичасизми, Гаррет?

– Ичганим бўлсин. Сал асабийлашдим. Эй худо, бу қанақа жой бўлди-а. Фақат бузиб ташлашга арзийди, холос. Менга қолса бир лаҳзада... – Гаррет шаробни сипқорди.

Янги қичқириқ. Мистер Стеффенснинг елкасида зинадан пастга қараб тўртта оқ қуённи олиб келар эдилар, зина тўсатдан ғайратомуз равишда полда пайдо бўлган эди. Мистер Стеффенсни хандаққа судраб кетишди ва оёқ-қўллари боғлиқ ҳолда, унинг шилинган баданига тиғдек ўткир баҳайбат маятник чайқалганча тобора яқинлашиб ва пастга тушиб келаётганини кўриш учун қолдирдилар.

– Ўша пастдаги менми? – сўради мистер Стеффенс Гарретнинг ёнида пайдо бўлиб. У қудуқ устига энгашди, – ўзингнинг ўлимингни томоша қилиш жуда ва жуда қизиқ бўлар экан.

Маятник охирги марта чайқалди.

– Худди ўзидек-а, – деди мистер Стеффенс орқасига бурилаunion.

– Шаробдан яна қуяйми, мистер Гаррет?

– Ҳа, малол келмаса.

– Буёғи кўпи кетиб,ози қолди. Ҳадемай, Бузувчилар келишади.

– Худога шукур!

Шу пайт яна, учинчи марта қичқириқ эшитилди.

– Тағин нима гап? – асабий сўради Гаррет.

– Энди менинг навбатим, – деди мистер Драммонд. – Қаранг.

Минг қичқирмасин, иккинчи мистер Драммондни тобутга думалатиб ётқизишди ва пол остидаги нам ерга иргитишди.

– Тўхтанг, ахир бу эсимда! – оҳ тортиб деди Ахлоқ Иқлимининг инспектори. – Ахир бу кўҳна, тақиқланган китоблардан-ку... «Барвақт кўмилган одам». Қолганлари ҳам: қудуқ, маятник, маймун, мўри... «Морг кўчасидаги қотиллик». Бу китобни мен ўзим ёққан эдим, бўлмаса-чи!

– Шаробдан қуйинг, Гаррет. Бундоқ, қадаҳни маҳкамроқ ушланг.

– Худо ҳақи, тасаввурингизга гап йўқ!

Уларнинг кўз олдида яна беш одам ўлди: биттаси аждаҳонинг оғзи ичида, қолганлари қора ҳовузга ташлаб юборилди, сув тубига тушиб кетди-да, ўша ёқда чириди.

– Сизга нима тайёрлаганимизни кўрмоқчимисиз? – сўради Стендаль.

– Ўз-ўзидан маълум, – жавоб берди Гаррет. – Нима фарқи бор? Бари бир биз бу маразни портлатиб юборамиз. Сиз жирканчсиз.

– Унда кетдик. Бу ёққа.

Шундай дея у Гарретни пастга, кўплаб эшиклардан ўтиб, махфий жойга олиб кетди, ундан мурватли зинадан юриб, ер тагига, мағораларга тушишди.

– Бу ерда сиз менга нимани кўрсатмоқчисиз? – сўради Гаррет.

– Сизнинг ўлигингизни.

– Менинг нусхамними?

– Ҳа, яна бир нарсани.

– Нима экан?

– Амонтильядони, – деди Стендаль қўлида фонарни кўтариб олдинда юриб борар экан. Чор атрофда тобутлар ичидан белигача суғурилиб чиққан скелетлар ҳаракатсиз осилиб турар эди. Гаррет кафти билан бурнини беркитди, нафратдан юзи бужмайди.

– Нима, нима?

– Сиз амонтильядо ҳақида ҳеч эшитганмисиз?

– Йўқ!

– Мана буни ҳам билмайсизми? – Стендаль токчани кўрсатди.

– Қаёқдан билай?

– Буни ҳамми? – Стендаль жилмайганча чакмонининг қатидан устанинг андавасини олди.

– Бу нима?

– Кетдик, – деди Стендаль.

Улар меҳробга чиқишди. Қоронғиликда Стендаль ширакайф инспекторнинг қўлларига кишан солди.

– Ё алҳазар, бу нима қилганингиз? – қичқириб деди Гаррет занжирни шақиллатиб.

– Мен, таъбир жоиз бўлса, темирни қизиғида босаяпман. Темирни қизиғида босаётган одамнинг ишига халақит берманг, бу одобдан эмас. Мана шунақа!

– Сиз мени занжирбанд қилиб қўйдингиз!

– Мутлақо тўғри.

– Нима қилмоқчисиз ўзи?

– Сизни шу ерда қолдирмоқчиман.

– Ҳазиллашманг.

– Ғоят муваффақиятли ҳазил.

– Менинг иккинчи қиёфам қани? Наҳотки биз унинг қандай ўлдирилишини кўрмасак?

– Ҳеч қанақа иккинчи қиёфа йўқ.

– Ахир қолганлар-чи?!

– Қолганлар ўлган. Тирик одамларни қандай ўлдиришганини кўрдингиз-ку. Иккинчи қиёфа роботлар эса ёнингизда туриб томоша қилган эдилар.

Гаррет индамади.

– Энди сиз: «Бутун муқаддас нарсалар учун, Монтрезор!» – деб гапиришга мажбурсиз, – деди Стендаль. – Мен эса: «Ҳа, бутун муқаддас нарса ҳақи» деб жавоб бераман. Хўш, чоғингиз қалай? Бўлинг. Гапиринг.

– Тўнка!

– Нима, мен сизга ялинишим керакми? Гапиринг! Гапиринг: «Бутун муқаддас нарса ҳақи, Монтрезор!»

– Айтмайман, падарига лаънат. Мени бу ердан чиқариб юборинг. – У энди ҳушёр тортган эди.

– Мана. Кийиб олинг, – Стендаль қўнғироқчалари жиринглаб турган ниманидир унга тутди.

– Нима бу?

– Қўнғироқчали қалпоқ. Шуни кийиб олинг, балки мен сизни кейин қўйиб юборармаң.

– Стендаль!

– Кийиб олинг, дедим сизга!

Гаррет итоат қилди. Қўнғироқчалар жиринглаб кетди.

– Сиз булар барчаси қачонлардир бўлиб ўтгандек ҳис қиляпсизми? – гапга тутинди Стендаль беллкурак, лой, ғиштлар билан андармон бўлар экан.

– Нима қилаяпсиз?

– Сизни мўмиёлаяпман. Бир қатор тўлиб бўлди. Мана бу иккинчи қатор.

– Ақлингизни ебсиз!

– Сиз ҳақсиз.

– Бунинг учун сизни жавобгарликка тортишади! Қўйиб юборинг, қўйиб юборинг мени!

Сўнгги ғиштни қалаш қолган эди. Бақириқ-чақириқ ҳамон давом этарди.

– Гаррет? – секин чақирди Стендаль.

Гаррет жимиб қолди.

– Гаррет, – давом этди Стендаль, – биласизми, сизни нима учун бундай қилганимни? Чунки сиз ҳатто тузуки ўқимасдан ҳам мистер Поннинг китобларини ёқиб юборгансиз. Китобларни ёқиб юбориш керак деган одамларнинг гапига лаққа тушгансиз. Акс ҳолда сиз биз бу ерга келишимиз биланоқ, менинг кўнглимдагини дарров билиб олган бўлардингиз. Жаҳолат ҳам эви билан-да, мистер Гаррет.

Гаррет сукут сақларди.

– Ҳамма нарса аниқ бўлиши керак, – деди Стендаль ёруғ меҳробга ўтиб, эгилган кисёрага тушиши учун фонарни кўтариб. – Қўнғироқчаларни секин жиринглатинг-чи.

Қўнғироқчалар жиринглади.

– Энди малол келмаса «Бутун муқаддас нарса ҳақи, Монтрезор!» деб айтинг, эҳтимол мен сизни озод этарман.

Фонарь ёруғида инспекторнинг чеҳраси кўринди. Бир оз тараддудланиб турди-да, у пойинтар-сойинтар қилиб, такрорлади:

– Бутун муқаддас нарса ҳақи, Монтрезор.

Стендаль мамнун ҳолда хўрсиниб қўйди ва кўзларини юмди. Сўнгги ғиштни қалади-да, босиб, зичлаб қўйди.

– Requiscat in pace,[2] азиз дўстим!

У тезгина ғорадан чиқиб кетди.

Ярим тунда соатлар дастлаб бонг урганда, уйнинг еттита залида ҳамма нарса сукунат қўйнига ғарқ бўлганди.

---

[2] Reguiscat in pace – қабрингда тинч ёт.

Қизил Ўлим пайдо бўлди.

Стендаль бир лаҳза эшик тагида тўхтаб қолди, яна бир карра ҳамма нарсага кўз югуртириб чиқди. Уйдан югуриб чиқди-да, ҳандақ орқали вертолёт кутиб турган жойга шошилди.

– Тайёрми, Пайкс?

– Тайёр.

Улар жилмайганча улуғвор бинога қарашди. Худди зилзилада бўлганидек, уй ўртасидан эрий бошлади ва бу ажойиб манзарадан завқланган Стендаль орқа томонда турган Пайкснинг паст овозда хиргойи қилиб айтган сўзларини эшитди:

– «... кўз олдимда қудратли деворлар нураб тушди ва ағанади. Бамисоли минглаб шаршаралар қаби анчагача гувиллаган овоз чалиниб турди ва чуқур қора кўлтиқ Эшерлар Уйи харобалари узра унсиз ва тунд бир ҳолда кўздан йўқолди».

Вертолёт ғарб томонга йўл олганча биқирлаб қайнаётган кўл узра учиб борарди.

## АВГУСТ 2005 КЕКСА ОДАМЛАР

Ва ниҳоят – худди кутилганидек – Марсга кекса одамлар келиб қўна бошлади; улар ҳайқироқ кашшофлар, нозик дидли шубҳапарастлар, устаси фаранг мусофирлар, пок ризқ қидирган хаёлпараст воизлар солган издан йўлга тушган эдилар. Адойи тамом бўлган ва ожиз одамлар, қиладиган бор-йўқ ишлари ўз юракларига қулоқ солишу, ўз томирларини пайпаслаб бўлган одамлар, тишсиз оғизлари билан суюқ дорини тинимсиз ютадиган одамлар, илгари ноябрда умумий вагонда Калифорнияга, апрелда эса учинчи тоифа пароходда Италияга йўл оладиган бу жонли хилқатлар, бу муштдек-муштдек хилқатлар ҳам ниҳоят Марсда пайдо бўлди.

Осмонга тик қадалган мовий чўққилар ёмғир пардаси орасига кириб кўздан йўқолар эди, ёмғир узун каналларга келиб қуйилар эди. Қария Лафарж томоша қилгани хотини билан уйидан чиқиб келди.

– Мавсумдаги биринчи ёмғир, – деди Лафарж.

– Мўъжиза... – хўрсинди хотини.

– Раҳмат ёмғири!

Улар эшикни ёпишди, хонага қайтиб келиб, каминдаги кўмир чўғда қўлларини исита бошладилар. Улар совқотиб қалтирар эдилар. Деразадан узоқ-узоқлардаги одамларни Ердан бу ерга келтириб қўйган ракета корпусига келиб урилаётган ёмғирнинг ҳам йилтиллашини кўриб турар эдилар.

– Фақат мана шунинг ўзи... – деди Лафарж ўз қўлларига қараганча.

– Нима демоқчи эдинг? – сўради хотини.

– Агар Томни ўзимиз билан олиб келганимизда...

– Лаф, яна ўша гапми?

– Йўқ, йўқ, кечир, бошқа гапирмайман.

– Биз бу ерга Том ҳақида уйлагани эмас, тинч, ташвишларсиз қарилик гаштини сургани келганмиз. Унинг ўлганига неча йиллар бўлди. Уни ҳам, ердаги содир бўлган ҳамма нарсани ҳам унутишга ҳаракат қилишимиз керак.

– Тўғри, тўғри, – деди эри ва яна иссиққа интилди. Унинг кўзлари ҳолсиз эди. – Мен бу ҳақда бошқа сўз очмайман. Шундаги, қалинги... Биз унинг қабрига гул қўйган якшанба кунлари Грин-Лон-Паркка қилган сафарларимизни жуда-жуда қўмсаб кетяпман...

Мовий ёмғир майин сувлари билан уйни ювар эди.

Соат тўққизда улар ётишди; бир-бирининг қўлини ушлаганча улар жим ётар эдилар, эр 55 ёшда, хотин 60 ёшда, ёмғир шовқинига тўла тубсиз зулмат қўйнида.

– Энн, – аста чақирди эр.

– Ҳа? – жавоб берди хотин.

– Ҳеч нарса эшитмадингми?

Улар биргаликда шамол ва ёмғир шовқинига қулоқ тутишди.

– Ҳеч нарса, – деди хотин.

– Кимдир ҳуштак чалди, – изоҳ берди эр.

– Йўқ, мен эшитмадим.

– Бориб қарай-чи, ҳар эҳтимолга қарши.

Эр халатини кийди-да, бутун уйни юриб ўтиб, ташқари эшиккача борди. Журъатсиз қадамларини секинлатиб, аста эшикни итарди ва ёмғирнинг муздек томчилари юзига урилди. Шамол эсарди.

Эшик тагида мўъжазгина қиёфа турарди.

Осмонни поралаб чақмоқ чақди, унинг бир зумлик ёғдусида ҳалиги қиёфанинг чеҳраси намоён бўлди. У Лафаржга қараб турарди.

– Кимсиз? – қичқирди чол титраганча.

Жимлик.

– Ким бу? Нима керак сизга?

Ҳамон чурқ этган товуш йўқ.

Чол ўзини ўлгудек чарчоқ, заиф, мадорсиз ҳис қилди.

– Кимсан деяпман? – қичқирди Лафарж яна.

Хотини орқадан келди-да, эрининг қўлидан тутди.

– Нега бунақа қичқиряпсан?

– Нариёқда бир бола турибди, менга жавоб беришни истамаяпти, – деди чол қалтираганча. – У Томнинг ўзгинаси!

– Юр, ухлайлик, сенга шунақа туюлган.

– Ана у, ҳали ҳам турибди, ўзинг қарагин.

Лафарж хотиним баралла кўрсин деб эшикни кенгроқ очди. Муздек шамол, сийрак ёмғир орасидан улар томон ўйчан қараганча бир қиёфа турарди. Кекса хотин эшик кесакисига суянди.

– Кет! – деди у қўлини силкитиб. – Кет!

– Томга ўхшамайди, демоқчимисан? – сўради чол.

Қиёфа қилт этмас эди.

– Қўрқиб кетаяпман, – деди хотин. – Эшикни ёп-да, кетдик, бориб ухлайлик. Керак эмас, керак эмас!...

Шундай дея у ўзича аллақандай дуоларни ўқиганча ётоқхона томон кетди.

Чол ҳамон шамолда турарди, қўллари муздек нам ҳавода қотиб қолган эди.

– Том, – аста деди у. – Агар бу сен бўлсанг, агар мўъжиза рўй бериб, бу ерга келган бўлсанг, мен эшикни ёпмайман. Агар совқотиб исинганинг уйга кирмоқчи бўлсанг, кир ва бориб камин тагида чўзил, у ерда пўстак ёзиғлиқ.

Шундай дея у аста эшикни ёпди, аммо қулфламади.

Хотин эрнинг келиб ўринга ётганини; гужанак бўлиб қалтираётганини эшитиб ётарди.

– Даҳшатли тун. Мен ўзимни жуда қари ҳис этиб кетаяпман. – Аёл пиқ-пиқ йиғлади.

– Бўпти, бўпти, – меҳрибонлик билан уни тинчлантирди эр қучоқлаганча. – Ухла.

Охири хотин ухлаб қолди.

Шу заҳоти чолнинг зийрак қулоғига бир нарса чалинди: ташқи эшик аста-секин очилди, ичкарига ёмғир аралаш шамол урилди, кейин эшик ёпилди. Лафарж енгил одимларнинг камин олди-

га келганини ва заиф нафасини эшитди. «Том», – деб кўйди у ўзича.

Осмонда чақмоқ ялтираб, зулматни парча-бурпш қилди.

Эрталаб қуёш чарақлаб турар, борлиқни куйдирар эди.

Лафарж меҳмонхона эшигини ланг очди-да, ичкарига тезлик билан кўз югуртириб чиқди.

Гиламчада ҳеч ким йўқ эди.

Лафарж хўрсинди.

– Қарибман, – деди у.

У ювиниш учун анҳордан тиниқ сув келтиргани эшик томон йўналди.

Остонада сал бўлмаса лиммо-лим челакни кўтариб келаётган ёш Томга тўқнашиб, уни ағдариб юбораёзди.

– Салом, ота!

– Салом, Том.

Чол ўзини бир четга олди. Ўсмир оёқ яланг хонадан югуриб ўтди-да, челакни ерга қўйиб, жилмайганча унга ўгирилди.

– Бугун кун жуда зўр!

– Ҳа, яхши, – эҳтиёткорона жавоб берди чол.

Бола бугун ўзини жуда бошқача тутмоқда эди. У ўзи олиб келган сувда ювина бошлади.

Чол олдинга бир қадам ташлади.

– Том, бу ерга қандай келиб қолдинг? Сен тирикмисан?

– Нега тирик бўлмас эканман? – бола кўзларини кўтариб отасига қаради.

– Аммо, Том... Грин-Лон-Парк, ҳар якшанба... Гуллар... ва... – Лафарж ўтиришга мажбур бўлди. Ўғил унинг олдига келди, тўхтади-да, отасининг қўлидан ушлади. Чол унинг бармоқларини ҳис этди – қаттиқ, иссиқ.

– Сен ростдан ҳам шу ердамисан? Бу туш эмасми?

– Наҳотки, менинг бу ерда бўлишимни хоҳламасангиз? – бола ҳаяжонланди.

– Сени қара-ю, Том, нега хоҳламас эканман!

– Унда нега сўраяпсиз? Келдим, тамом-вассалом.

– Лекин онанг, бундай кутилмаганда...

– Ташвиш қилманг, ҳаммаси яхши бўлади. Тунда мен иккалангизга ҳам қўшиқ айтиб берган эдим, бу сизларнинг мени қабул қилишларингизга, айниқса, ойимнинг қабул қилишларига ёрдам беради. Кутилмаган ҳол қандай таъсир қилишини биламан. Шошманг, ўзи кириб келади-да, амин бўласиз.

Бола қалпоғи билан сариқ жингалак сочларини қоқиб кулиб юборди. Унинг кўзлари ниҳоятда мовий ва тиниқ эди.

– Салом Лаф ва Том! – она сочларини турмаклаганча ётоқхонадан чиқиб келди. – Ростдан ҳам бугун кун жуда ажойиб-а!

Том жилмайганча отасига бурилиб қаради:

– Мен нима деган эдим?

Учаласи биргаликда уй ортидаги соя да роҳатланиб нонушта қилишди. Миссис Лафарж ҳар эҳтимолга қарши яшириб қўйган бир шиша кунгабоқар шаробини чиқариб қўйди ва барчалари қиттак-қиттак ичишди. Лафарж ҳеч қачон хотинини бу қадар қувноқ кўрмаган эди. Мабодо Томга нисбатан онанинг кўнглида бирон-бир шубҳа бўлганда ҳам уни бировга айтиб солмас эди. Унинг учун ҳамма нарса рисоладагидек бўлар эди. Лафаржнинг ўзи ҳам тобора мана шундай туйғу асирига айланиб бормоқда эди. Она идишларни ювар экан, Лафарж ўғли томон энгашди-да, аста сўради:

– Ҳозир ёшинг нечада, ўғлим?

– Наҳотки билмасангиз, дада? Ўн тўртдаман-да, албатта.

– Хўш, ўзинг аслида кимсан? Сен Том бўлишинг мумкин эмас, аммо кимдир бўлишинг шарт! Кимсан?

– Кераги йўқ, – болакай кайфи учганча қўллари билан юзини яширди.

– Сен мендан яширма, – насиҳатомуз деди чол. – Мен буни тушунаман. Сен марсликсан, ҳойнаҳой? Мен бу ерда марсликлар ҳақида турли хил масалларни эшитганман; тўғри, гап нимада эканини ҳеч ким билмайди. Улардан жуда кам одам қолган бўлса керак, лекин улар орамизда пайдо бўлиб қолсалар, ерликлар қиёфасида пайдо бўладилар. Мана сен, агар бундоқ қараса, гўё Томсан, лекин Том эмассан ҳам...

– Бу нега керак, ахир?! Мен сизларга нима ёмонлик қилдим? – қичқирди болакай юзини кафтлари билан яширганча. – Илтимос, илтимос, мендан шубҳа қилманглар!

У сакраб ўрнидан турди-да, столдан узоқлашди.

– Том, қайт!

Бироқ бола канал ёқалаб шаҳар томон чопиб борарди.

– Қаёққа кетди у? – сўради Энн; у қолган ликопчаларни йиғиштириб олгани келган эди.

У эрининг юзига қаради.

– Бир нарса деб қўрқитиб юбординг-ми уни?

– Энн, – деди чол хотинининг қўлидан тутиб, – Энн, Грин-Лон-Парк эсингдадир, ярмаркани ва Томнинг ўпкаси шамоллаб оғриб қолганини эслarsan?

– Нега бундай деяпсан? – аёл кулди.

– Шундоқ ўзим, – секин жавоб берди чол.

Узоқда канал ёқалаб чопиб бораётган Томнинг оёқлари остидан кўтарилган чанг аста чўкмоқда эди.

Кечқурун соат бешда қуи ботишда Том қайтиб келди. У хавотир билан отасига қараб қўйди.

– Тағин мени сўроқ қила бошлайдингизми?

– Ҳеч қандай савол йўқ, – деди Лафарж.

Бола оппоқ тишларини чарақлатиб илжайди.

– Мана бу бошқа гап.

– Қаерда эдинг?

– Шаҳар ёнида. Бир қолиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Сал бўлмаса мени... – у кераксли сўзни тополмай чайналди. – Мен сал бўлмаса тузоққа тушиб қолаёздим.

– «Тузоққа» деганинг нимаси?

– Анови каналнинг ёқасида кичикkina темир уй бор, шунинг ёнидан ўтаётсам, мени сал бўлмаса тутиб қолишаёзди..., шундан кейин мен бу ерга, сизларнинг олдингизга умуман қайтолмаслигим мумкин эди. Сизларга қандай тушунтиришни ҳам билмайман, сўз тополмаяпман, қандай айтиб беришни ҳам билмаяпман, нима бўлганини ўзим тушунмайман, бу шундай қизиқки, сизларга гапириб берсам, дейман.

– Гапириб бермай қўяқол. Яхшиси, бориб ювин. Овқат маҳали бўлди.

Бола ювингани чопиб кетди.

Ўн дақиқалардан кейин каналнинг тинч сатҳида дароз ва озғин, сочлари қоп-қора одам эшаётган эшкак зарбларидан равон сузиб келаётган бир қайиқ кўринди.

– Салом, Лафарж оғайни, – деди у қайиқни тўхтата туриб.

– Салом, Саул, нима гаплар?

– Гапдан кўпи йўқ. Номлекдни биларсан – каналдаги Жез саройчада яшайди-ку, ўша.

Лафарж тош қотиб қолди.

– Биламан, нима эди?

– Унинг қанақа ярамас эканлигини ҳам биласан?

– Айтишларича, у бир одамни ўлдириб қўйиб, шундан Ерни ташлаб кетган экан.

Саул ҳўл эшикка суянганча Лафаржга диққат билан қаради.

– У ўлдирган одамнинг исм-шарифи эсингдами?

– Гиллингс эди-ёв.

– Худди шундай, Гиллингс. Гап бундай! Икки соатларча олдин мана шу Номленд деганни Гиллингсни кўрдим, деб шаҳарга қичқириб чопиб келди. Шу ерда, Марсда яшаяпман, деди. Бугун эшитдим, ҳозир эшитиб келяпман! Гиллингсдан қочиб яширингани учун у ёқда уни турмага тиқишларини илтимос қилибди. Лекин уни турмага қўйишмабди. Шунда Номленд уйига қочибди ва йигирма дақиқа олдин – одамлар менга айтишди – ўзини пешонасидан отиб ташлабди. Мен ҳозир ўша ердан келяпман.

– Ана, холос, – деди Лафарж.

– Дунёнинг ишлари шунақа қизиқ бўлар экан-да! – қувноқ деди унга Саул. – Бўпти, Лафарж, ҳозирча хайр.

– Хайр.

Қайиқ яна каналнинг тинч сатҳидан олдинга сузиб кетди.

– Овқат тайёр, – қичқирди миссис Лафарж.

Мистер Лафарж жойига келиб ўтирди ва пичоқни олиб, стол оша Томга қараб қўйди.

– Том, – деди у, – бугун кечқурун нима қилдинг?

– Ҳеч нима, – жавоб берди Том овқат тўла оғзи билан. – Нима эди?

– Ҳа, йўқ, шунчаки сўрадим-да, – чол салфетка бурчагини кўйлаги ёқаси ичига тиқди.

Кечқурун соат еттида миссис Лафарж шаҳарга отланди.

– Неча ойдан бери шаҳарда бўлганим йўқ, – деди у.

Том боришдан бош тортди.

– Мен шаҳардан қўрқаман, – деди у. – Одамлардан қўрқаман. Оёғим тортмаяпти.

– Катта йигит бўлиб қолгансан. Шу ҳам гап бўлди-ю! – ён бермай деди Энн. – Гапирма бунақа гапларни. Биз билан борасан. Буни мен айтяпман.

– Аммо, Энн, бола ўзи хоҳламаса... – орага суқилади чол.

Бироқ миссис Лафарж айтганида туриб олди. У куч билан ота-болани қайиққа судраб туширди ва барчалари биргаликда [illegible] чарақлаб турганда канал бўйлаб [illegible]ди. Том кўзларини юмиб, [illegible] ухлаяптими ёки йўқлигини [illegible]. Чол ўзича мулоҳаза қилганча [illegible] қаради. «Бу ким бўлди, – ўйлади у, – муҳаббатга биздан ҳам ташнароқ бўлган бу қандай зот? Ким у? Ва нима у? [illegible] унга ёт бўлган хилқатлар [illegible] келди, одам қиёфасига ва овозига эга бўлди, шундай одамлар бизнинг орамизда [illegible], ўз бахтини бизнинг эътирофимиз[illegible] фақат қонимиздагина яшар эдилар? У қай палладан бу ён қайси гордан чиқиб келгани, у Ердан ракеталар учиб келганда бу оламга келиб ўрнашган қайси халқнинг зурриёти бўлди? Лафарж бошини чайқади. Буни билиб бўлмайди. Бунчалик қарасанг, қайси томонга назар солмагин – у Том, вассалом.

Чол нигоҳини яқинлашиб келаётган шаҳарга қаратди ва унга нисбатан кўнглида нохуш туйғуни ҳис этди. Бироқ кейин у яна Том ва Энн ҳақида ўйлай бошлади ва ўзига-ўзи деди: «Балки, агар бари бир ғам ва қайғудан бошқа ҳеч нарса чиқмайдиган бўлса, оз муддатга бўлса-да, Томни ёнида олиб қолиш нотўғридир... Бироқ биз бу қадар орзу қилган нарсадан қандай воз кечиш мумкин? Гарчи бу бир кунликкина нарса бўлса-да, кейин у ғойиб бўлади, бўшлиқ янада даҳшатлироқ тус олади, қора тунлар – яна қорароқ; ёмғирли тунлар – янада намроқ бўлиб кетади... Бизни бундан маҳрум этиш – оғзимиздаги бир бўлак луқмани суғуриб олишга уриниш билан баробар».

У яна қайиқ тубида беғам мудраб ётган йигитчага қараб қўйди. Том уйқусида ҳиқ этиб қўйди; туш кўраётган бўлса керак.

– Одамлар, – ғудранди Том уйқусида. – Ўзгараяпман, ўзгараяпман... Қопқон...

– Бўлди, бўлди, йигитча, – Лафарж унинг юмшоқ жингалак сочидан силаб қўйди ва Том тинчланди.

Лафарж ўғли ва хотинига қайиқдан қирғоққа чиқиб олгани ёрдамлашиб юборди.

– Мана, етиб келдик! – Энн чароқлаган чироқларга қараган, таберналар садосига қулоқ солган, пианино ва патефонлар овозидан занқланган, гавжум кўчалардан бир-бирини қўлтиқлаб юрган жуфтларга ҳавас билан қараганча жилмайди:

– Мен уйда қолсам яхши бўларди, – деди Том.

– Илгари бунақа демасдинг, – эътироз билдирди она. – Шанба кунлари кечқурун шаҳарга боришга доим интиқ бўлардинг-ку.

– Менга яқинроқ туринг, – шивирлади Том. – Мени тутиб олишларини истамайман.

Энн унинг гапларини эшитиб турарди.

– Нималар деб валдираяпсан, кетдик!

Лафарж боланинг бармоқлари унинг кафтига ёпишганини сезиб, қаттиқ қисди.

– Мен сен биланман, Томми. – У ёнларидан суқулиб келаётган оломонга қаради-да, унинг ҳам кўнгли ғаш тортди. – Биз бу ерда узоқ қолмаймиз.

– Бекорларни айтибсиз, – гапга қўшилди Энн. – Биз бутун оқшомни ўтказгани келганмиз.

Кўчанинг нариги томонига ўтиб, улар уч нафар мастга йўлиқишди. Уларни туртишди, айлантиришди, бир-биридан ажратишди; атрофга аланглаб, Лафарж тош қотиб қолди.

Том йўқ эди.

– Қани у? – жаҳл билан сўради Энн. – Бу қанақа қилиқ бўлди – кўзингни шамғалат қилади-да, ота-онасини ташлаб қочади! Том!

Йўловчиларни туртиб-суртиб мистер Лафарж чор атрофга чопа бошлади. Бироқ Томдан домдарак йўқ эди.

– Қайтиб келади, мана кўрасан, уйга кетаётганимизда қайиқ олдида кутиб турган бўлади, – ишонч билан деди Энн эрини кинотеатр томон етаклаганча.

Бирдан оломон орасида ғала-ғовур бошланди ва Лафаржнинг ёнидан бир эркак ва бир аёл чопиб ўтди. У уларни таниди: Жо Сполдинг хотини билан. Лафарж оғиз очиб, уларга гапиргунича ҳам бўлмай, иккови ҳам кўздан йўқолди.

Хавотир билан атрофга аланглаганча у чипталар сотиб олди ва хотинига итоаткорона эргашганча қоп-қора кинозалнинг ичига кириб кетди.

Соат ўн бирда қайиқ ёнида Том йўқ эди.

– Ҳечқиси йўқ, онаси, – деди Лафарж, – фақат ҳаяжонланма. Мен уни топаман. Шу ерда кутиб тур.

– Тезроқ қайттин-да.

Аёлнинг овози сувнинг шалоплаши тагида қолиб кетди.

Чол қўлларини чўнтакларига тиққанча тунги кўчалардан юриб борарди. Чироқлар бирма-бир ўча бошлади. Аллақаерда деразалардан одамларнинг гавдалари кўринарди. Гарчи осмонда юлдузлар орасида ёмғирли булут парчалари ҳамон сузиб юрса-да, тун илиқ эди. Лафарж ўғлининг қандайдир тузоқ ҳақида қайта-қайта гапирганини, унинг оломон ва шаҳарлардан қўрқишини эслади. «Бу қандай нодонлик, – деб ўйлади чол. – Балки бола бутунлай кўчиб кетгандир. Балки у умуман бўлмагандир...» Лафарж уйларнинг рақамларига бир-бир кўз солганча муюлишдан бурилади.

– Сенмисан, Лафарж?

Остонада трубка чекиб, бир эркак ўтирарди.

– Салом, Майк.

– Ҳа, хотининг билан ғижиллашиб қолдингми? Асабни тинчиттани, шамоллагани чиқдингми?

– Ҳе, йўқ, шунчаки айланиб юрибман.

– Турқингдан нимадир қидираётгандайсан. Ҳа, дарвоқе, топилдиқлар ҳақида. Бугун кечқурун кимдир топилибди. Жо Сполдингни биласанми? Қизи Лавиния эсингдами?

– Эсимда, – Лафарж муздек бўлди. Бу гўё иккинчи марта кўраётган тушга ўхшарди. Бундан кейин нима дейилиши кераклигини ҳам у аниқ билиб турарди.

– Лавиния бугун кечқурун уйга қайтди, – деди Майк тутунни пуфлаб. – Унинг бир ой бурун

Ўлик денгиз тагида адашиб қолгани эсингдами? Кейин унинг жасадини топишди, ҳарҳолда уники бўлса керак, жуда дабдала қилиб ташлашган экан-да... Шундан бери Сполдинглар ўзларига келганларича йўқ. Жо қаерга борса, йўқ, қизим тирик, бу унинг жасади эмас, дейди. Мана, у ҳақ бўлиб чиқди. Бугун Лавиния пайдо бўлди.

– Қаерда? – Лафарж оғир-оғир нафас олар, юраги дук-дук қиларди.

– Катта кўчада. Сполдинглар кинога чипта олиб туришган экан. Бирдан оломон ичида Лавинияни кўриб қолишибди. Қанақа томоша бўлганини ўзинг билавер. Аввалига қиз уларни танимабди. Уч маҳаллагача орқасидан юриб боришибди, улар гапиравершибди-гапиравершибди, охири қиз эслабди.

– Қизни ўзинг кўрдингми?

– Йўқ, аммо унинг овозини эшитдим. Эсингда-ми, у «Ломонд кўлининг ажойиб соҳиллари» қўшиғини айтишни яхши кўрарди? Шундай қилиб десанг, яқинйинада мен унинг шу қўшиқни отасига айтиб турганини эшитдим, ҳов, ана уларнинг уйи. Шунақаям куйлайдики, қойил қоласан! Худо берган қиз. Унинг ўлганини эшитганимдан бери бу қандай кўргилик деб ўзимга келолмайман. Мана, қайтиб келиб, бирам енгил тортдимки. Ие, тобинг йўққа ўхшаяпти, бу ёққа кел-чи, бир қултум вискидан отиб ол!

– Раҳмат, Майк. Бошқа сафар. – Чол у ердан кетди.

Орқадан Майкнинг хайрли тун тилаб қолганини эшитса-да, жавоб бермади, балки нигоҳини баланд биллур томига Марс гулларининг чўғдек қатлами ястанган икки қаватли уйга қадаб олган эди. Боғ узра жингалак панжарали балкон оси-

либ турар, иккинчи қават деразаларида чироқ ёниб турарди. Вақт алламаҳал бўлса-да, бари бир у кўнглидан ўтказди: «Агар Томни олиб бормасам, Эннинг аҳволи нима кечади? Янги зарба – яна ўлим. Бунга бардош бера олармикан? Биринчи ўлимини эслармикан?.. Мана бу ўнгида бўлаётган тушни ҳам эслармикан? Мана бу тўсатдан содир бўлган айриликни-чи? Эй худо, Энн учун Томни топмасам бўлмайди! Шўрлик Энн, у қайиқ ёнида кутиб ўтирибди-я...»

Чол бошини кўтарди. Аллақаерда баландликда овозлар қувноқ оҳангда бир-бирига хайрли тун тилар, эшиклар ёпилар, чироқлар ўчар ва паст овозда айтилаётган қўшиқ тинимсиз қулоққа чалинар эди. Бир лаҳза ўтиб, балконга 18 ёшлардаги ёқимтойгина қизча чиқди.

Лафарж кучли шамолга бас келганча, қизни чақирди.

Қиз бурилиб пастга қаради.

– Кимсиз? – қичқирди қиз.

– Бу мен, – деди чол унга. Ғалати, ўйламай жавоб берганини англаб, у тутилиб қолди, фақат лаблари унсиз пирпирарди.

«Том, ўғлим, мен отангман», деб қичқирсамикан? Қизга нима деса экан? Тағин у бирон телба-пелба деб ўйлаб ота-онасини чақириб юрмасин.

Қиз муздек ғира-шира ёруғликда гавдасини панжара оша чиқариб эгилди.

– Мен сизни биламан, – юмшоққина жавоб берди қиз. – Илтимос, кетинг. Сиз бу ерда ҳеч нима қилолмайсиз.

– Сен қайтишинг керак! – Лафарж шунча уринса ҳам ўзини тутиб туролмай, беихтиёр қичқирди.

Ойдиндаги одам қиёфаси юқорида қоронғилик ичига чекинди-да, кўздан ғойиб бўлди, фақат товуши қулоққа чалинарди.

– Мен энди сизнинг ўғлингиз эмасман, – деди товуш. – Нима учун шаҳарга кетдик биз?

– Ойинг сени соҳилда кутиб турибди!

– Мени кечиринг, – жавоб берди оҳиста товуш. – Аммо нима ҳам қила олардим? Бу ерда мен бахтлиман, худди сизлардек мени севишади. Мен ўз ҳолимча менман, берганларини оламан. Энди кеч: улар мени асир олишди.

– Аммо Энн ҳақида ўйламадинг-ку, бу унга қандай зарба бўлишини биласанми?

– Бу уйдаги фикрлар ҳаддан ташқари кучли, мен худди қамоқда ўтгандекман. Мен ўзим ўзимча ўзгаролмайман.

– Аммо сен Томсан-ку, ҳозир қиз бола бўлсанг ҳам олдин Том эдинг-ку, тўғрими?! Ёки сен чолни масхара қилаётибсанми? Балки ҳақиқатан ҳам сен Лавиния Сполдингдирсан?

– Мен униси ҳам, буниси ҳам эмасман, мен фақат менман. Аммо қаерга бормай, мен яна қандайдир бошқача ҳамман ва ҳозир сиз майли шу бошқачани ўзгартиришга қодир эмассиз.

– Сенинг шаҳарда қолишинг хатарли. Ўзимизнинг каналда яхши, у ерда сени ҳеч ким хафа қилмайди, – ёлворарди чол.

– Тўғри... – овоз иккиланиб жавоб берди. – Аммо мен бу ердаги одамлар билан ҳисоблашишга мажбурман. Эрталаб менинг ғойиб бўлганимни кўришса, уларнинг ҳоли нима кечишини биласизми? Тағин ҳамишаликка-я. Тўғри, ойим менинг кимлигимни биладилар, – сизга ўхшаб ақллари етади. Менга улар ҳамма нарсани билиб олганга ўхшаб кўринадилар, фақат сўраш-

ни исташмаяпти. Арвоҳга савол бермайдилар. Агар бор нарсага эга бўлиш қийин экан, бунда орзунинг нима ёмон жойи бор? Мен улар йўқотган мен бўлмай кўя қолай, улар учун мен ҳатто уларнинг орзулари яратган энг гўзал орзудан ҳам яхшироқдир. Олдимда икки йўл турибди: ё уларнинг дилини оғритишим керак ёки сизнинг хотинингизнинг дилини оғритишим керак.

– Уларнинг оиласи катта, беш нафар. Улар бу йўқотишга бардош бера оладилар!

– Илтимос, – овоз титради, – мен чарчадим.

Чолнинг овози қатъийлашди.

– Сен биз билан кетишинг керак. Мен Эннига ортиқ азоб беришни истамайман. Сен бизнинг ўғлимизсан. Сен менинг ўғлимсан, сен меникисан.

– Кераги йўқ, илтимос! – балкондаги соя титрар эди.

– Сени бу уй ва унинг эгалари билан ҳеч нарса боғлаб тургани йўқ.

– Э-ҳа, сиз мени нима қилаяпсиз?

– Том, Том, ўғлим, қулоқ сол. Тезроқ уйга қайтиб кел, ҳа, мана бу чирмовуқдан осилиб туш. Кетдик, Энни кутаяпти, сенинг ўз уйинг бўлади, нима хоҳласанг ҳаммаси муҳайё бўлади.

Лафарж мўъжиза рўй беришини жон-дили билан истаганча ва интиқ бўлганча кўзларини балкондан олмасди...

Соялар чайқалар, чирмовуқлар шитирлар эди. Ниҳоят паст овоз қулоққа чалинди:

– Яхши, ота.

– Том!

Ой нурида чирмовуқлардан чаққон ўғил бола қиёфаси сирғалиб тушди. Лафарж қучоқламоқчи бўлиб қўлларини кўтарди.

Тепадаги деразаларда чарақлаб чироқ ёнди.

Нақшинкор панжара ортидан кимнингдир овози чалинди.

– Ким у?

– Бўла қол, болакай!

Яна чироқ ёнди, яна товушлар эшитилади.

– Тўхта, отамсан! Винни, сенмисан?

Шошиб кетаётган оёқ товушлари.

Чол ва бола боғ ичидан югуриб кетишади.

Ўқ овози янгради. Ўқ бола эшигининг ёнгинасидаги деворга келиб тегди.

– Том, сен бу томонга қараб чоп! Мен бу томонга қараб чопаман, уларни чалғитаман, тўғри қайиқ олдига боргин! Ун дақиқадан кейин ўша ерда учрашамиз, бўла қол.

Улар ҳар икки томонга қараб чопиб кетишди.

Ой булутлар ортига яширинди. Чол зим-зиё қоронғилик ичида чопиб борарди.

– Эни, мен шу ердаман!

Аёл титраб-қалтираётган чолнинг қайиққа тушишига ёрдамлашиб юборди.

– Қани Том?

– Ҳозир келади.

Улар тор кўчалар ва ухлаётган шаҳарга қарашди. Ҳамон кеч қолган йўловчилар: кўча тошларини, полициячи, тунги қоровул, ракета учувчиси, тунги висолдан кейин уйига қайтаётган ёлғизбош эркаклар, кулганча бардан чиқиб келган икки жуфт эркак ва аёл. Аллақаерда мусиқанинг бўғиқ овози чалинарди.

– Нега у шу пайтгача йўқ? – сўради она.

– Ҳозир, сабр қил.

Бироқ Лафарж энди ишонмаётган эди. Ким билсин, балки йигитчани қаердадир, қандай қилибдир [illegible] томонга чопиб келаётгандами,

чироқсиз уйлар оралиғидаги зим-зиё кўчалардан ўтиб кетаётгандами, тутиб олишгандир-да? Албатта, орадаги йўл анча олис эди, ҳатто чаққон бола учун ҳам олислик қилар эди. Аммо нима бўлганда ҳам Том ундан олдин етиб келиши керак эди...

Бирдан узоқдан ойдин ёритиб турган кўчадан чопиб келаётган одам қораси кўринди.

Лафарж қичқириб юборди, бироқ ўша заҳоти ўзини босди.

Ўша ёқдан, узоқдан унинг қулоғига бошқа овозлар, бошқа оёқлар дупури чалинди. Деразаларда бирин-кетин чироқлар ёнди. Ёлғиз кўланка бандаргоқ олдидаги кенг майдонга отилиб чиқди. Бу Том эмас эди, балки сонсиз фонарлар ёғдусида бир чарақлаб, бир ўчиб турган кумуш ранг юзли оддий хилқат эди. Аммо у яқинлашиб келгани сайин тобора таниш туюла бошлади ва қиёфа бандаргоҳга етиб келганда Томга айланиб бўлган эди! Энн қўллари билан сувни шалоплатди, Лафарж шошиб қайиқни қирғоқдан итарди, аммо энди кеч эди.

Чунки кўчадан кимсасиз майдонга бир эркак... яна бир эркак... бир аёл, яна икки эркак, мистер Сполдинг отилиб чиқди. Улар нима қилишларини билмай, тўхтаб қолишди. Улар чор атрофга олазарак қарашар эди, улар уйга қайтишни исташарди: ахир бу... бу бориб турган даҳшат, телбалик эди, вассалом! Шундай бўлса-да, улар таъқиб этишда давом этар, дам-бадам иккиланиб тўхтаб олар ва яна югуриб кетар эдилар.

Ҳа, энди кеч эди. Бу ғайриоддий оқшом, ғайриоддий воқеа ниҳоясига етганди. Лафарж қўлида арқонни айлантирарди.

У қаттиқ совқотган ва ўзини ёлғиз ҳис қиларди. Ойдинда одамлар кўзлари қосасидан чиқиб

чопаётганлари, шошиб кетаётганлари, оёқларини силтаб югураётганлари кўриниб турарди, мана, улар барчаси, ўн нафар одам кирғоқ бўйида турар эди. Улар қайиққа еб қўйгудек қараб туришарди. Улар қичқирар эдилар:

– Жойингдан қўзғалма, Лафарж!

Сполдинг қўлида тўппонча ушлаб турарди.

Нима бўлгани энди равшан эди... Том бир ўзи йўловчиларни ортда қолдирганча ой ёритиб турган кўчалардан юриб борар эди. Полициячи милтиллаган қиёфани сезиб қолади. Шартта орқасига бурилиб, унинг юзига қарайди, қанақадир исмни айтиб қичқиради, орқасидан қувиб, югуради. «Ҳой, тўхта!» У машҳур жиноятчини кўриб қолди. Йўлдан ким ўтган бўлса ҳамиyasини кўрди. Эркакми, аёлми, тунги қоровулми ёки ракета учувчисими – уларнинг ҳар бири учун чопиб кетаётган қиёфанинг ким эканлиги бари бир эди. Унинг тимсолида улар учун таниш бўлган ҳар қандай одам, ҳар қандай рамз, ҳар қандай исм тажассум топган эди... Сўнгги беш дақиқа ичида қанчалаб турфа исмлар тилга олинмаган эди!.. Том тимсолида қанчалаб шахслар тусмол қилинмаганди – барчаси сохта!

Бутун йўл бўйлаб таъқибланувчи ва таъқиб қилувчилар, орзу ва орзу қилувчилар, паррандалар ва кўппаклар тўлиб-тошиб кетган эди. Бутун йўл бўйлаб: кутилмаган кашфиёт, таниш кўзлар чақноғи, чала эсда қолган исмни айтиб қичқириш, қадим замонлар ҳақидаги хотиралар – унинг изидан чопиб бораётган оломон шу тариқа кўпайгандан-кўпайиб, тошгандан-тошиб борар эди. Ҳар ким ўрнидан дик этиб турар эдида, орқасидан чопиб кетар эди, бир карра лип этиб кўздан ўтган сиймолар, ўн минглаб кўзгулар

ўн минглаб кўзларда акс этади – чопиб бораётган шарпа, шахс, бири олдинда кетаётганлар учун, бошқаси орқада келаётганлар учун ва яна бири, янгиси унинг йўлида учрайдиган, ҳали уни кўрмаган одам учун.

Мана, улар барчаси шу ерда, қайиқ ёнида ҳар бири биргина орзуга етишишни истайди, худди биз бу шарпа на Лавиния, на Рожер, на бошқа бирон киши эмас, айнан Том бўлишини қанчалик хоҳлар эдик, ўйлади Лафарж. Аммо энди бу амалга ошмайди. Ғишт қолипдан кўчган эди.

– Қайиқдан чиқинглар, қани! – буйруқ берди Сполдинг.

Том бандаргоҳга кўтарилди. Сполдинг унинг қўлидан тутди.

– Сен биз билан уйимизга борасан. Мен ҳаммасини биламан.

– Тўхта, – орага суқилди полициячи, – у ҳибсга олинган! Унинг исм-шарифи Декстер, қотиллиги учун қидирилмоқда.

– Йўқ, йўқ! – пиқ-пиқ йиғлади аёл. – Бу менинг эрим! Нима, ўз эримни танимай ўлибманми?!

Бошқа овозлар ўз айтганида туриб олди. Оломон қайнар эди.

Миссис Лафарж Томни гавдаси билан тўсиб олди.

– Бу менинг ўғлим, сизлар уни ҳеч қанақанги айб билан айблашга ҳақингиз йўқ! Биз уйга боришимиз керак!

Том эса тўхтовсиз қалтирар эди. Унинг авзойидан қаттиқ касалга ўхшарди. Оломон ҳамон бостириб келар, тоқатсизлик билан қўлларини чўзар, уни тутиб олмоқчи бўлар эди.

Том қичқириб юборди.

У ҳамманинг кўз ўнгида ўзгармоқчи эди. Бу Том эди, Жеймс ҳам, Свичмен исм-шарфли одам

ҳам эди, Беттерфилд исм-шарифли бошқа одам ҳам эди, бу шаҳар мэри эди ва Юдиф исмли қиз ҳам, эри Уильям ҳам, хотини Кларисса ҳам эди. У бамисоли юмшоқ, уларнинг тасаввурича итоаттўй эди. Улар қичқирар, бостириб келар, ўзлари томон чорлар эдилар. У ҳам уларга қўлларини кенг ёйиб, [illegible] қичқирар ва ҳар бир қичқириқ унинг юзини ўзгартириб юборар эди.

– Том! – чақирди Лафарж.

– Алиса! – янгради аёлнинг қичқириғи.

– Уильям!

Улар йигитчани қўлидан ушлаб олдилар, сўнгги марта қичқириб, ерга йиқилмагунча ўзлари томон тортавердилар.

У тошлар устида ётарди – эриган шум қиёфасида эди, унинг башараси барча башаралар каби эди, бир кўзи мовий, иккинчи кўзи тиллодек, сочи қип-қизил, малла, сарғиш, қора эди. Бир қоши қалин, иккинчиси ингичка, бир қўли катта, иккинчиси кичкина эди.

Улар бармоқларини лабларига қўйганча унинг боши узра турар эдилар. Улар эгилдилар.

– У ўлди, – [illegible].

Ёмғир ёға бошлади.

Томчилар одамларга туша бошлади ва одамлар осмонга қарашди.

Улар орқага бурилишди-да, аввал секин, кейин тез-тез одимлар билан узоқлашишди, кейин эса ҳар томонга қараб чопиб кетишди. Фақат даҳшат ичида қолган мистер ва миссис Лафарж бир-бирининг қўлидан тутганча, жойларида турар ва унга қарар эдилар.

Ёмғир осмонга юзланган, ҳеч қандай таниш белгиси қолмаган башарани ювар эди.

Энн унсиз йиғлай бошлади.

– Кетдик уйга, Энн, энди қўлимиздан ҳеч нарса келмайди, – деди чол.

Улар қайиққа тушишди ва зулмат ичида каналдан сузиб кетишди. Улар ўз уйларига киришди ва каминга ўт қалашди, қўлларини ўтга тоблаб исинишди. Улар ухлагани кетишди ва ҳолдан тойган, қалтираган қўйи ёмғирнинг яна томни нишона қилиб чалаётганига қулоқ солиб бирга ётишди.

– Тишш, – тўсатдан деди Лафарж ярим тунда. – Ҳеч нарса эшитмаяпсанми?

– Йўқ, эшитмаяпман...

– Бари бир чиқиб қарай-чи.

У зим-зиё хонани пайпасланиб юриб ўтди-да, очишдан олдин катта эшик олдида узоқ турди.

Ниҳоят эшикни ланг очди-да, ташқарига кўз солди.

Ёмғир бўм-бўш ҳовлига осмондан сув қуйиб анҳорни, кўм-кўк тоғ ёнбағирларини ювар эди.

У беш дақиқача кутиб турди, сўнг ҳўл қўллари билан аста эшикни ёпди-да, лўкидонини суриб қўйди.

## НОЯБРЬ 2005 «ЙЎЛ ТОВАРЛАРИ»

Модуллаштирилган ёруғлик нури Ердан сўнгги хабарларни келтирганда, йўл моллари дўконининг соҳибига кечқурун радиодан эшитган бу янгилик жуда ҳам узоқ туюлиб кетди. Ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди.

Ерда уруш етилиб келарди.

У ташқарига чиқди ва осмонга қаради.

Ана у, Ер, кечқурунги кўк гумбазида тоғ ортига думалаб кетаётган қуёшни қувиб бормоқда. Мана шу яшил юлдуз радио гапирган нарсанинг айнан ўзи бўлади.

– Ҳеч ишонгим келмайди, – деди баққол.

Бу сизнинг у ерда эмаслигингиздан, – деди ота Перегрин, у саломлашгани унга яқинлашди.

– Буни қандай тушуниш керак, авлиё ота?

– Менинг болалигимда ҳам худди шундай бўлган эди, – деди ота Перегрин. – Биз Хитойдаги уруш ҳақида эшитар эдик. Лекин биз бунга ишонмасдик. Бу жуда қадимги гап. Жуда кўп одамлар қирилиб кетган у ерда. Буни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ҳатто ўша ёқдан олиб келинган фильмларни кўрганимизда ҳам бизлар ишонмаганмиз, ҳозир ҳам шундай бўлаяпти. Ер – ўша Хитой. Ҳаддан ташқари узоқ, шунинг учун одам ишонгиси келмайди. Уруш бу ерда эмас, бизда бўлмаяпти. Ушлаб кўриш у ёқда турсин, ҳатто кўз билан кўриб бўлмайди. Бор-йўқ кўриб турган нарсамиз яшил чироқ, холос. Мана шу яшил чироқда икки миллиард одам яшайдими? Ақл бовар қилмайди! Уруш? Лекин қулоғимизга портлашлар чалинмаяпти-ку?!

– Чалиниб қолар, – деди баққол. – Мен нуқул шу ҳафта ичи бу ерга учиб келиши керак бўлган одамлар тўғрисида ўйлайман. Улар ҳақида қандай гаплар айтилган? Яқин ойлар ичида Марсга юз мингта яқин одам келади, дейилган. Менимча, шундай. Агар уруш бошланиб қолса, уларга нима бўлади?

– Изларига қайтиб кетишса керак-да.

– Ҳа, ҳа, – деди баққол. – Бўпти, бориб жомадонларимнинг чангларини артай, ҳали-замон харидорлар бостириб келиб қолишади.

– Агар бу биз кўп йиллардан бери кутаётган ўша Катта уруш бўлса, ҳамма Ерга қайтишни хоҳлаб қолади деб ўйлайсизми?

– Айнан шундай, авлиё ота, қанчалик ғалати туюлмасин, биз ҳаммамиз шуни хоҳлаб қоламиз

деб ўйлайман. Бўлмаса-чи, биз сиёсатдан, атом бомбасидан, урушдан, амалдорлар тўдаларидан, хурофотлардан, қонунлардан безиб бу ерга учиб келганмиз. Булар барчаси менга кундай равшан. Аммо бари бир ватан у ерда-да. Мана кўрасиз, Америкага биринчи бомба тушиши билан бу ердаги одамлар уйга чўмиб қолишади. Улар бу ерда жуда оз яшашган. Нари борса икки йил. Қирқ йил бўлганда, бошқа гап эди, энди эса ахир Ерда уларнинг қариндош-уруғлари, туғилиб ўсган шаҳарлари бор. Мен-ку, сирасини айтсам, Ерга ҳатто ишонмайман ҳам, мен учун у йўқ ҳисоби. Аммо мен чолман, мендан ҳеч қандай фойда-зиён йўқ. Мен шу ерда қолсам ҳам бўлаверади. Яна ким билади.

– Бу гапингиз ҳам тўғри.

Улар юлдузларга қараганча айвонда туришарди. Сўнг ота Перегрин чўнтагидан пул олди ва уни дўкон соҳибига узатди.

– Дарвоқе, менга битта жомадон танлаб беринг. Анави эски жомадоним титиғи чиқиб кетган...

## НОЯБРЬ 2005. ЎЛИК МАВСУМ

Сэм Паркхилл мовий Марс қумини супурар экан, супургини чаққон-чаққон силтар эди.

– Мана бўлди, – деди у. – Марҳамат, сэр, томоша қилинг! – у қўли билан кўрсатди. – Ёзувга қаранг, ёзувга. «СЭМНИНГ ИССИҚ СОСИСКАЛАРИ!» Гўзал-а, тўғрими, Элма?

– Тўғри, Сэм, – тасдиқлади унинг хотини.

– Кўрдингми, мен қаёққа суриб юборганман! Энди мени ТЎРТИНЧИ ЭКСПЕДИЦИЯ йигитлари бир кўриб қўйишса ёмон бўлмасди. Худога шукур, ишим жўнашиб кетди, улар бўлса ҳалигача

аскарча норинчларини судраб юрипшибди. Бизлар эса пулини пул билан ўйнаймиз, Элма, пул билан! – хотини индамай унга қараб турарди.

– Капитан Уайлдер қаерга гумдон бўлди? – сўради хотини охири. – Ановини ўлдирган бош-лиғи бор эди-ку, анови-чи, ҳамма эрликларни битта қўймай қириб ташламоқчи бўлган – ҳа, оти қурғур нима эди-я?..

– Анови жиннини айтаяпсанми? Спендер. Учига чиққан маҳлуқ. Ҳа, капитан Уайлдерга келсак... Айтишларича, Юпитерга учиб кетган-миш. Катта одам бўлиб кетганмиш. Янглишмасам Марс ҳам унинг [illegible] чиқарди. Наq она-сини унифррмондан кўрди, худо ҳақи. Агар омади чопса, Юпитер ва Плутондан [illegible] йилдан кейин қайтиб келади. У [illegible] ҳам [illegible] нима-лигини [illegible] билади! Ай [illegible] вуҳдан [illegible] ўлади[illegible] мен [illegible] эр[illegible] нималар [illegible] Қай[illegible] доқ бўлибди-да!

Икки [illegible] тоҳ [illegible] ерда[illegible], зулмат [illegible] бўлган [illegible] эди. Наq [illegible] ўзида Сэм Пар[illegible] ган қуроқ-қуроқ алюмин[illegible]дан ясалган ишшоқ қад кўтариб турарди. У [illegible] нурга [illegible], автомат-радиола [illegible] титрарди.

У синган шишадан ясалган Йўлак[illegible]-ги шиша парчаларидан ясалган бор[illegible] тўзи-лаш учун эгилди. Шиппанг тоғлардаги қадим-ги Марс биноларидан ушатиб келганди.

– Икки сайёрадаги энг аҳвли қайноқ сосиска-лар! Марсдаги биринчи сосиска фурушлар! [illegible] қалампир, [illegible] саммаси олий сифатли! Қани энди [illegible] бир[illegible] ишонуд деб айтиб кўрсин-чи!

Ана сизга иккита шоҳ кўча, ана ўлик шаҳар, ҳов анави ерда эса конлар. 101 Сеттльмент юк машиналари суткасига 24 соат ёнимиздан ўтиб туради. Қани айт-чи, ёмон жой танлабманми?

Хотини юсқларига қарар эди.

– Ишчилари бор бу ўн минг янги ракета Марсга учиб келаяпти деб ўйлайсанми? – деди хотини ниҳоят.

– Бир ойга қолмайди, – ишонч билан жавоб берди у. – Нега лабингни бурасан?

– Мен анови Ердаги одамларга унчалик ишонмайман, – жавоб берди аёл. – Қачон ўн минг ракета ва юз минг мексикалик ва хитойликларни ўз кўзим билан кўраман, ўшанда ишонаман.

– Харидорлар, – Сэм Паркхилл бу сўзни салмоқлаб айтди. – Юз минг оч мижоз!

– Ишқилиб, атом уруши бўлмасин-да, – аста деди аёл осмонга қараб. – Бу атом бомбалар менга сира тинчлик бермаяпти. Ерда шунчалик кўп тўпланиб қолганки, ҳар нарса бўлиши ҳеч гап эмас.

Сэм ҳм деб қўйди-да, супуришда давом этди.

Кўзининг қири билан у мовий милтиллашни пайқаб қолди. Унинг орқасида ҳавода нимадир шовқинсиз парвоз қилмоқда эди. Хотинининг овози қулоғига чалинди:

– Сэм, сени ошнанг сўраб келди.

Сэм ўгирилди ва ҳавода чайқалиб турган ниқобни кўрди.

– Яна келибди! – деди Сэм супургини кўндаланг ушлаганча.

Ниқоб бош ирғади. У зангори шишадан ясалган бўлиб, ингичка бўйин устида турарди, пастда нафис сариқ шойи либос шамолда ҳилпирарди. Либос ичидан худди тўрдай шаффоф иккита ку-

муш қўл чиқиб турарди. Оғиз ўрнида ниқобда энсиз ўйиқ бўлиб, ундан мусиқа садо чиқарди, қўллар, ниқоб, либос эса гоҳ тепага, гоҳ пастга майин тушиб-чиқиб турарди.

– Мистер Парксилл, мен сиз билан гаплашгани келдим яна, – деди ниқоб остидан овоз.

– Бу ерда қорангни ҳам кўрмай деб айтган эдим-ку! – ўшқирди Сэм. – Йўқол, бўлмаса касални қўйиб юбораман!

– Касал менда аллақачон бўлган, – жавоб берди овоз. – Тирик қолганлардан биттаси менман. Мен жуда узоқ ётдим.

– Ўзингнинг тоғингга даф бўл-да, кўрсатган жойдан қимир этмай ўтир. Нега бу ерга келиб, менга ёпишиб оласан! Ҳе йўқ-бе йўқ. Тағин кунда икки марта-я.

– Биз сизга ёмонлик қилмаймиз.

– Лекин мен сизларга ёмонлик қиламан! – деди Сэм депсиниб.

– Мен хорижликларни ёмон кўраман. Марсликларни ҳам ёмон кўраман. Шу пайттача биттасини ҳам кўрганим йўқ. Кўриб ҳам нима қилардим. Шунча йил аллақаерга яшириниб ўтиришсин-да, энди бирданига мен уларга керак бўлиб қолай, вой тавба! Мени тинч қўйинг!

– Сизда муҳим ишимиз бор, – деди мовий ниқоб.

– Агар Ерни айтаётган бўлсангиз, у меники. Мен у ерда сосискахонани ўз қўлим билан қурганман.

– Ерга келганда, гапингиз бир ҳисобдан тўғри.

– Гап бундай, оғайни, қулоқ сол, – жавоб берди Сэм. – Мен ўзим Нью-Йоркданман. Бу катта шаҳар; у ерда менга ўхшаганлардан яна ўн миллионтаси бор. Сизлар марсликлар бор-йўғи

йигирма ё ўттиз нафар қолгансизлар. Сизларда шаҳарлар йўқ, тоғма-тор кезиб юрасизлар, на ҳокимият, на қонун бор. Тағин сен менга Ердан гап очганингга ўлайми? Шуни қулоғингга қуйиб ол: «Эски янгига жойини бўшатиб бериши керак, яхшиликча ўз йўлимиздан кетайлик, ёнимда тўпонча бор, мана у. Бугун эрталаб сен кетишинг билан мен уни олиб, ўқлаб қўйганман.

– Биз марсликлар – телепатлармиз, – деди совуққонлик билан мовий ниқоб. – Ўлик денгизнинг нариги томонида шаҳарларингиздан биттаси билан алоқа ўрнатганмиз. Сиз бугун радиони эшитдингизми?

– Менинг пирёмнигим занглаб қолган.

– Демак, сиз ҳамма нарсадан бехабарсиз. Жуда муҳим янгиликлар бор. Ерга даҳлдор.

Кумуш қўл бир ҳаракат қилган эди, унда бронза гўшак пайдо бўлди.

– Йўқ демасангиз, мен буни сизга кўрсатаман.

– Тўппонча! – аста қичқириб юборди Сем Паркхилл.

Ғилофдан тўппончасини олди-да, у туманли қиёфага, либосга, мовий ниқобга қараб ўт очди.

Ниқоб бир лаҳза ҳавода қотиб қолди. Сўнг шойи либос шитирлади-да, қатма-қат майин тахланиб-тахланиб, худди мўъжаз цирк чодиридай ерга қулади, кумуш қўллар тош терилаган йўлакни тирнади. Ниқоб оппоқ суяк ва мато уюми устини унсиз қоплаб олди.

Сэмнинг нафаси ичига тушиб кетди.

Хотини чайқалганча марсликнинг жасади устида турарди.

– Бу қурол эмас, – деди аёл эгилиб бронза гўшакни олар экан. – Бу хат бўлса керак. У сенга кўрсатмоқчи бўлган. Хат қандайдир илон алиф-

босида ёзилган, қара – ҳаммаси бир хил мовий илон. Мен бу белгиларни ўқий олмайман. Сен-чи?

– Йўқ.

– Бу марсча пиктограммалардан нима фойда, ташлаб юбор! – у атрофга ўғрилардек аланглаб қаради. – Тағин бошқалари ҳам бостириб келиб қолмасин! Уни тезроқ кўздан йўқотиш керак. Қани, белкуракни бер-чи!

– Нима қилмоқчисан?

– Кўмаман, бошқа нима қилардим?

– Уни ўлдирмаслик керак эди.

– Начора, хато қилдим. Бўла қол!

Аёл унга индамай белкуракни олиб келиб берди.

Соат саккизларга яқин Сэм Паркхилл қайтиб келди ва сосискахона олдидаги майдончани айбдорларча супуришга тутинди. Хотини қўлларини кўкрагига қўйиб, нур тушиб турган эшик олдида турарди.

– Чакки бўлди-да, – деди эр.

У хотинига бир қараб қўйиб, кўзини четга олди.

– Кўрдинг-ку ўзинг, тасодифан шундай бўлиб қолди, вазият шунақа бўлиб қолди.

– Ҳа, – деди хотин.

– У қуролни олганида ғазабдан ўзимни тутолмадим.

– Қанақа қурол?

– Шунчаки, менга қурол бўлиб кўринди-да! Афсус, афсус! Яна неча марталаб такрорлашим керак!

– Жим! – деди Эльма бармоғини лабига қўйиб. – Жим!

– Менга бари бир, – деди Сэм. – Мен бир ўзим эмасман. Бир нима бўлгудек бўлса, бугун «Сеттельменлик ерликлар, инкорпорейтед» мен то-

монда! – у нафрат билан пишқириб қўйди. – Марсликлар кулса ундан нари...

– Катта гапирма, – унинг сўзини бўлди Эльма.

Сэм қуриб қолган денгиз томонга қараб қўйди. У супургини қўлидан ташлаб юборди, сўнг яна олди; у анграйиб турарди. Лабларидан мошдеккина сўлак томчиси узилиб тушди-да, шамолда учиб кетди. Бирдан аъзои бадани титрай бошлади.

– Эльма! Эльма! Эльма! – деб юборди у.

– Ана келишди, – деди Эльма. Кўҳна денгиз тубидан худди мовий арвоҳлардек мовий тутунлар келарди, мовий елканлар остида ўн-ўн иккитача баланд Марс қум кемалари сирпаниб келарди.

– Қум кемалар! Аммо улар қолмаган эди-ку, Эльма! Улар йўқ бўлиб кетган эди-ку!

– Нима бўлганда ҳам бу уларнинг кемаларига ўхшаяпти, – деди аёл.

– Қанақасига? Ҳукумат уларни мусодара қилган-ку! Ҳаммасини мажақлаб ташлашган, фақат бир нечтасини кимошди савдосида сотишган! Бутун округимизда бир мен шу кемани сотиб олган эдим, уни қандай ҳайдашни биламан!

– Қолмаганмиш... – такрорлади Эльма денгиз томонга бош ирғаб.

– Бўла қол, бу ердан тезроқ жуфтакни ростламасак бўлмайди!

– Нимага? – чўзиб деди аёл, Марс кемаларига сеҳрлангандек қараб.

– Улар мени ўлдиришади! Машинага чиқ тезроқ!

Эльма жойидан қимир этмасди.

Сэм уни сосискахонага зўрлаб судраб олиб кетди. Бу ерда иккита машина турарди: биттаси яқин-яқингача мудом айланиб юрадиган юк

машинаси ва иккинчиси кимошди савдосида эрмак учун сотиб олган кўҳна Марс қумкемаси эди. Сўнгги уч ҳафтада у бу кемада денгизнинг нариги томонидан силлиқ туб бўйлаб ҳар турли юклар ташиpди. Юк машинасига қаради-ю, эсига тушди. Мотор ерда ётарди – уни таъмирлаш билан у икки кундан бери овора эди.

– Юк машинаси юришга ярамаса кераг-ов, – деди Эльма.

– Қумкема! Ўтир тезроқ!

– Мени шу кемада олиб кетмоқчимисан? Ҳе йўқ, бе йўқ.

– Ўтир! Ҳайдай оламан!

Сэм хотинини ичкарига қараб туртди, ўзи изма-из сакраб чиқди-да, оқшомги шамолга кобальт елканни рўпара қилиб, рулни қаттиқ туртди.

Чарақлаган юлдузлар остида мовий Марс кемалари шитирлаган қумлар бўйлаб ўқдек сирпаниб келарди. То лангар эсига тушиб, уни жойидан суғуриб олмагунча, Сэмнинг кемаси жойидан қимир этмай турди.

– Кетдик!

Кучли шамол қумкемани ўлик денгиз туби бўйлаб суриб кетди, пастда эса биллур қоялар қум босиб ётар, устунлар ағдарилган, мармар ва мисдан қилинган ташландиқ бандаргоҳлар кўзга ташланар, ўлик шаҳарларнинг оппоқ шахмат доналари кўринар, қирмизи тоғ ёнбағирлари ястаниб ётар эди... Сэм орқасидан етиб келмагунча Марс кемалари тобора сийраклашиб бораверди.

– Вопладим-а, бурнини ерга ишқадим-а! – қичқирди Сэм. – Энди эса «Ракета компанияси»га хабар қиламан, улар менга қўриқчи беришади. Айт, қотмаган бошимни қотирмасин!

– Агар хоҳлашганида, сени тутиб олиб кетишлари ҳам мумкин эди, – ҳорғин жавоб берди Эльма. – Фақат бу уларга унчалик керак бўлмаган.

Сэм кулиб қўйди.

– Қўявер, мени қўйиб юборишармиди? Етишолмади, вассалом!

– Етишолмади? – Эльма бошини ирғаб унинг ортига ишора қилди.

Сэм орқасига ўгирилди. Устидан совуқ сув қуйгандек бўлди. У қайрилиб қарашга ҳам қўрқди. У орқадаги ўриндиқда, изғиринли тонгдаги одам нафасидек муваққат ва ланғиллаб турган ғўлачалар узра сузиб юрган мовий дудга ўхшаш, мўрт қамишдаги қировни эслатувчи эски замон оқ кашталарига ўхшаш ва чарх урган қор зарраларига ўхшаш алланарса бордек ҳис қилди.

Юпқа шиша сингандек овоз қулоққа чалинди: қуяги. Сўнг яна жимлик. У орқасига ўгирилди. Кема тумшуғида, рул ёнида бир ёш аёл хотиржам ўтирарди. Бармоқлари сумалакдек ингичка, кўзлари ойдай ёрқин ва катта-катта, чақнок, хотиржам.

Шамол уни тебратар, у эса баминсоли сувдаги аксдек чайқаларди, шойи либосининг мовий ёмғир жилғаларидек бурмалари унинг нозик бадани атрофида лип-лип қилар эди.

– Орқага бурилинг, – деди аёл.

– Йўқ, – Сэмнинг бадани жимирлаб, худди ҳавода осиғлиқ нафис матодек титрар эди, у қўрқув ва ғазаб ўртасидаги сарҳадда иккиланиб турарди. – Йўқол менинг кемамдан!

– Бу сизнинг кемангиз эмас, – жавоб берди арвоҳ. – У бизнинг дунёмиз каби қадимий. У бундан ўн минг йил муқаддам, денгиз қуриб, бандаргоҳ ҳувиллаб қолганда ҳам қумда юрар эди, сизлар эса келгандилар, уни ўғирлаб, ўзларингизники

қилиб олдингиз. Қани, орқага буринг-да, уни чорраҳагача олиб бориб қўйинг. Биз сиз билан гаплашишимиз керак. Рост муҳим бир нарса содир бўлди.

– Йўқол кемамдан! – деди Сэм. У тўппончани чиқарганда чарм қилоф ғичирлаб кетди. У обдан нишонга олди. – Сакра, учгача санайман...

– Керак эмас! – қичқириб юборди марсиак. – Мен сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмадим-ку; бошқалар ҳам. Биз яхшилик билан келдик.

– Бир, – деди Сэм.

– Сэм, – деди Эльма.

– Гапимга қулоқ солинг, – [illegible] қиламиз.

– Икки, – шафқатсизларча деди Сэм, тепкини кўтариб.

– Сэм! – қичқирди Эльма.

– Уч, – деди Сэм.

– Биз фақат... – гап бошлади марсиак.

Тўппонча шарақ этди.

Қуёш нурларида қор [illegible] га, ҳеч нарса [illegible]. Ўчирилган [illegible] ли махлуқлар [illegible] туриб, [illegible] ва заиф нарсалар [illegible] кетади ва йўқолиб бўлади. [illegible], зарбадан [illegible] тушди, муз ҳайкалчадек эриб кетди. Ундан қолган у-бу нарсалар – муз парчалари, [illegible], – барини шамол учириб кетди. Кема тумшуғидаги ўриндиқ бўм-бўш бўлиб қолди.

Сэм хотинига қарамасликка ҳаракат қилиб, тўппончани қилофига солди. Ой нурига кўмилган қум денгизи бўйлаб кеманинг шитирлаб югуриши атиги бир дақиқагина қулоққа чалиниб турди.

– Сэм, – деди [illegible], – [illegible].

Бўздек оқариб кетган Сэм хотинига юзланди.

– Йўқ, бундай қилолмайсан. Шунча йиллардан кейин сен мени ташлаб кетолмайсан.

Аёл тўппонча дастаси устида ётган эрининг қўлига қаради.

– Нимаям дердим. Сенинг қобилиятингга ишонаман, – деди аёл.

– Сендан бу нарсани кутса бўлади.

У бармоқлари билан рулни қисиб, бошини чайқади.

– Эльма, жинни бўлма. Ҳозир шаҳарга келамиз-да, хатардан қутуламиз!

– Ҳа, ҳа, – жавоб берди хотини лоқайд ўзини орқага ташлаб.

– Эльма, гапимга қулоқ сол.

– Сенга айтадиган гапим йўқ, Сэм.

– Эльма!

Улар оқ шахмат шаҳарчаси ёнидан кетишди ва заиф ғазаб ўтида ёнган Сэм бирин-кетин биллур минораларга қараб олти марта ўқ узди. Ўқ гумбуридан шаҳар майда шиша бўлакларига бўлиниб, тутдай тўкилди-қўйди. Гўё у совундан қирқиб ясалгандай ҳар томонга сочилиб, эриб кетди. Шаҳардан ном-нишон қолмади. Сэм қаҳқаҳ уриб кулди-да, яна ўқ узди. Сўнгги минора, сўнгги шахмат донаси ёниб кетди, учқунланиб чақнади-да, мовий пайраҳаларга айланиб, юлдузлар томон учиб кетди.

– Мен уларга кўрсатаман! Мен ҳаммасига кўрсатиб қўяман!

– Бўпти, бўпти, Сэм. Кўрсатавер. – Хира соя унинг юзини тўсиб олди. – Ие, яна битта шаҳар бор экан! – Сэм яна тўппончани ўқлади. – Ҳозир уни нима қилишимни бир кўриб қўй!

Орқадан эса мовий кема-арвоҳларнинг кўланкалари шиддат билан яқинлашиб, тобора катталашиб борарди. Аввалига у ҳатто кўрмади ҳам, фақат гўё қум устида пўлат ғичирлагандек, ҳуштак ва чийилдоқ баланд оҳангни эшитди: у қум кемаларнинг ўткир тиғли бурушлари билан денгиз туби юзасини кесаётгандаги чиққан овоз эди. Қизил ва мовий шиппонлар остидаги мовий кемаларда кўк қиёфалар, ниқоб кийган одамлар, кумуш юзли одамлар, кўз ўрнида мовий юлдузи бор одамлар, ёпиштирма олтин қулоқли одамлар, темир иякли ва ёқут лабли одамлар турар эди. Улар қўлларини кўкракларига қўйганча турар эдилар. Улар марсликлар бўлиб, уни таъқиб қилмоқда эдилар.

Бир, икки, уч... Сэм санарди. Марс кемалари унга жуда яқин келди.

– Эльма, Эльма, мен ҳаммасига бас келолмайман.

Эльма жавоб бермади, ҳатто қимир ҳам этмади.

Сэм саккиз марта ўқ узди. Бир қум кема майда-майда бўлакларга бўлиниб кетди, елканлар, зумрад кема танаси, унинг бронза шохи, ойсимон оппоқ рули ва бошқа қисмлари тўкилиб тушди. Ниқобдаги одамлар битта қолмасдан кемадан йиқилиб тушишди, қумга кўмилиб кетишди ва уларнинг ҳар бири устидан олов жилваланди, аввал қизғиш тусда яллиғланди, сўнг қоп-қора қурум бўлиб, буркасаб кетди.

Бироқ бошқа кемалар ҳамон яқинлашиб келар эди.

– Улар жуда ҳам кўп экан, Эльма! – қичқирди Сэм. – Улар мени ўлдирадилар!

У лангарни иргитди. Фойдасиз. Елкан тахлам-тахлам бўлиб, ҳансираганча пастга учиб кетди.

Кема, шамол, ҳаракат – ҳамма нарса тўхтади. Марснинг улуғвор кемалари Сэмни қуршаб олиб, унинг боши узра юз турганда бутун Марс қотиб қолгандек бўлди.

– Ерлик, – аллақаёқдан баланддан келган овоз қулоққа чалинди.

Кумуш ниқоблардан бири қимирлади, ёқут лаблар сўзларга монанд тарзда ялтиллади.

– Мен ҳеч нарса қилганим йўқ! – Сэм ўзини қуршаб олган башараларга қаради. Улар юзтадан кам эмас эди.

Марсда жуда оз марслик қолган эди – нариси билан юз-юз элликта. Уларнинг барчаси шу ерда, ўлик денгиз тубида, ўзларининг қайта тирилган кемаларида, қирилиб кетган шахмат шаҳарлари ёнида эдилар, шаҳарлардан биттаси ҳозиргина тош теккан нозик гулдонга ўхшаб, майда-майда бўлиб кетди. Кумуш ниқоблар ярақлар эди.

– Булар барчаси англашилмовчилик, – деди у борт устига келиб туриб, унинг хотини ҳамон кема тубида мук тушиб, чала ўлик бўлиб ётарди, – мен Марсга хусусий ишбилармон, бизнесмен сифатида учиб келганман, бунақалари бу ерда кўп. Парчаланган ракета бўлакларидан ўзимга дўконча қуриб олдим, дўконча, ўзингиз кўрганингиздек, бинойидек, чорраҳанинг шундоқ ўзида. Бу жойни сиз биласиз. Қулинг ўргилсин қилиб ишланган-а, тўғрими? – Сэм нигоҳини битта башарадан бошқасига олганча, қиринглаб кулди. – Бу ерда бўлса, мана бу марслик пайдо бўлиб қолди, биламан – у сизнинг ошнангиз. Мен уни билмай ўлдирдим, ишонинг, бу бахтсиз ҳодиса. Менга ҳеч нарса керак эмас, мен фақат сосискахона очмоқчи эдим, бу Марсда ягона биринчи, марказий сосискахона бўларди, мен сизга айт-

сам. Тушунаяпсизми? Бутун сайёрада энг яхши қайноқ сосискаларни, падарига қусур, қалампирли ва пиёзли сосискаларни улашиш, яна пўртаҳол шарбатини манзират қилиш қандоқ зўр.

Кумуш ниқоблар ой нурида ҳаракатсиз ятирар эди. Сэмга тикилган сариқ кўзлар ҳам чақнар эди. Унинг ошқозони қорни ичида қисилиб, бир думалоқ тошга айланиб қолди. У тўппончасини қумга иргитди.

– Таслим бўлдим.

– Тўппончангизни олинг, – бир овоздан дейишди марсликлар.

– Нима?

– Тўппончангизни! – мовий кема бурни узра жимжимадор қўл учиб чиқди. – Олинг уни, йўқотинг.

Ҳамон ишонмаганча у тўппончани олди.

– Энди эса, – давом этди овоз, – кемангизни айдаринг-да, дўконингизга қараб туёғингизни шиқиллатинг.

– Ҳозироқми?

– Ҳозироқ! – деди овоз. – Биз сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмаймиз. Сизга тушунтирамиз дегунча сиз қочиб қолдингиз. Қани, орқамиздан юринг.

Улкан кемалар оппоқ момиқлардек енгил ўнгланиб олишди. Канотли елканлари аста ҳавода пирпирай бошлади, гўё биров кафти билан турткандек. Ўнгланаётган ниқоблар чарақларди, соялар муздек олов бўлиб куйдирар эди.

– Эльма! – Сэм инқиллаб-синқиллаб кемага тирмашиб чиқди. – Чиқ, Эльма. Қайтамиз. – У ногаҳоний халоскорликдан шу қадар ўзини йўқотган эдики, ҳатто унинг оғзидан чиқаётган сўзларни ҳам англаб бўлмасди. – Улар мени ҳеч

нарса қилмайдилар, мени ўлдирмайдилар, Эльма. Чиқ, мусичагинам, ўрнингдан тур.

– Нима... Нима? – Эльма саросималаниб атрофга жовдирарди ва уларнинг кемалари шамолда ўнглангунча аёл худди тушдагидек аста ўрнидан турди ва тош тўлдирилган қопдек, бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмай, ўриндиққа оғир чўкди. Кема остидаги қум орқага кўчарди. Ярим соатдан кейин улар яна чорраҳада пайдо бўлишди, кемалар лангар ташлаб, ҳамма пастга тушди.

Сэм ва Эльма рўпарасига марсликларнинг Бошлиғи келиб тўхтади.

Ниқоб жилвирланган бронзадан ясалган, кўзлари – тубсиз қоп-қоронғи жарлик, оғиз – сўзлар шамолдай учиб чиқаётган ғор.

– Дўконингизни шайланг, – деди овоз. Ҳавода олмос кўлқопли қўл йилт этди. – Ширинликлар тайёрланг, зиёфат тайёрланг, ўзга юрт шаробидан тайёрланг, зеро бугунги тун – ҳақиқатан ҳам буюк тундир!

– Бундан чиқди, – сўз қотди Сэм, – сиз бу ерда қолишимга изн бераяпсизми?

– Ҳа.

– Мендан жаҳлингиз чиқмаяптими?

Ниқоб жиддий ва қаҳрли, совуққон ва сўқир эди.

– Ўзингизнинг емакхонангизни тайёрланг, – аста деди овоз. – Энди мана буни олинг.

– Бу нима? – Сэм сиртида илонсимон иероглифлар чувалашган юпқа кумуш варақ найчага тикилиб қолди.

– Бу кумуш тоғлардан мовий тепаликларгача, ўлик денгиздан ой тоши ва зумрадлари бўлган олис водийларгача Ердан юборилган туҳфа, – деди Бошлиқ.

– Ҳаммаси меникими? – бидирлади Сэм қулоқларига ишонмай.

– Сизники.

– Юз минг квадрат миль-а?

– Сизники.

– Эшитдингми, Эльма?

Эльма ерда орқаси билан сосискахонанинг алюминий деворига суяниб ўтирарди; у кўзларини юмиб олган эди.

– Ахир нега, не сабабдан буларнинг ҳаммасини менга инъом этаяпсиз? – темир ўйиқли кўзга қарашга ҳаракат қилиб сўради Сэм.

– Бу ҳаммаси эмас. Мана.

Яна олтита найча. Бошқа ерларнинг белгилари, номлари овоз чиқариб битта-битта саналади.

– Ахир бу Марснинг тенг ярми-ку! Мен Марснинг ярмига хўжайинман! – Сэм найчаларни Эльманинг юзи олдида силкитганча девонавор қаҳ-қаҳ уриб кулар эди. – Эльма, эшитдингми?

– Эшитдим, – жавоб берди Эльма осмонга қараб.

Афтидан у нимanидир қидирарди. У аста-секин ўзига келмоқда эди.

– Раҳмат, катта раҳмат, – деди Сэм бронза ниқобга.

– Бу бугун тунда содир бўлади, – жавоб берди ниқоб. – Шай бўлиб туринг.

– Бўпти, дарвоқе, бугун нима бўлади – бирон-бир кутилмаган нарсами? Бу ерга ракеталар, эълон қилингандан олдинроқ, муддатидан бир ой аввал учиб келадими? Одамлари билан, кончилари билан, ишчилари ва уларнинг хотинлари билан барча ўн минг одам, юз минг одам учиб келади дедингизми? Жуда зўр бўлар эди-ку, тўғрими, Эльма? Кўрдингми, ахир айтган эдим-а,

бу қишлоқда мингта аҳоли билан иш битиб қўя қолмайди девдим-а. Бу ерга яна эллик минг одам учиб келади, бир ойдан кейин – юз минг одам, йил охирига бориб ҳаммаси бўлиб – Ердан беш миллион одам келади! Энг серқатнов йўл устида, конларга борадиган йўлда менинг якка-ю ягона сосискахонам, менинг сосискахонам қад кўтариб туради!

Ниқоб шамолда парвоз қиларди.

– Биз энди кетамиз. Шайланинг. Бутун мана шу ўлка сизларга қолади.

Учар ой нурида қадимги кемалар – қазилма гулларнинг маъдан япроқлари, мовий султонлар, улкан ва шовқинсиз кўм-кўк капалаклар – орқага бурилишди ва силлиқ қумдан сирпаниб кетишди, ниқоблар эса ҳамон нур таратиб ялтирар эди, бу ҳол сўнгги шуъла, сўнгги мовий-сиё тебранишлар орасида кўздан йўқолмагунча давом этиб турди.

– Эльма, улар нега бундай қилишди? Нега мени ўлдиришмади? Наҳотки улар ҳеч нарсани билишмаса? Уларга нима бўлди ўзи? Эльма? Ҳеч нарсани тушуна олдингми? – у аёлнинг елкасидан силкилади. – Марсликлар [illegible]!

Аёл осмонга қаради, у нимадир кутмоқда эди.

– Кетдик, – деди Сэм. – Ҳамма нарсани шайлаш керак. Сосискани қайнатиш, булочкаларни иситиш, қаламфир соусини қайнатиш, пиёзни тозалаб, тўғраш, зираворларни жой-жойига қўйиш, салфеткаларни халтачаларга солиб қўйиш керак, ҳаммаси ёғ-да тушса ялагудек тоза бўлиб туриши керак! Эҳ-ҳе! – у товонларини баланд иргитганча қандайдир усулсиз рақсда чаққон ҳаракатлар қилди. – Мен бахтлиман, йи-

гитча, бахтлимаň, сэр, – ўзича хиргойи қилди у. – Бугун менинг бахтли куним!

У телбалардек ишлар эди: сосискаларни қайнаётган сувга иргитар, булкаларни кўндалангига парраклар, пиёзни қиймалаarди.

– Анови марслик нима деганини эшитдингми – кутилмаган воқеа эмиш! Бу ерда фақат бир нарса бўлиши мумкин, Эльма. Мана бу юз минг одам муддатидан илгари учиб келаяпти бугун тунда, учиб келаяпти! Бу ерда қанақанги жизбиз бўлиб кетишини ўйлаяпсанми! Ярим тунгача ишлаймиз, ҳар куни, у ерда эса яна туристлар бостириб келади, Эльма. Бу пул дегани ёмғирдек ёғилади ҳали.

У ташқарига чиқди ва осмонга қаради. Осмонда ҳеч нарса кўринмас эди.

– Ҳар дақиқада, – деди у муздек ҳаводан ҳузур қилиб симирганча керишиб, кўкрагига уриб қўйди. – Оҳ-оҳ!

Эльма сукут сақларди. У қовурдоққа картошка тозалаб арчир ва бир кўзи осмонда эди.

Ярим соат ўтди.

– Сэм, – деди у. – Ана у. Қара.

Сэм қаради ва кўрди.

Ер.

Бамисоли дид билан ишлов берилган ёрқин, ям-яшил Ер тепаликлар ортидан кўтарилиб келарди.

– Момо Ер, – меҳр билан шивирлади Сэм. – Жондан азиз Момо Ер. Оч ва яланғоч одамларингни бу ёққа, менинг олдимга юбор. Э... Анови шеърда нима дер эди? Оч одамларингни олдимга юбор, Момо Ер. Сэм Паркхилл ҳозиру нозир, қайноқ сосискалар сизга мунтазир. Қайнамоқда

соус, сувга тўлар оғиз. Бўла қол, Ержон, юбор ракеталарингни!

У кашфиётидан завқлангани бир четга ўтди. Мана у, сосискахона, ўлик денгизнинг тубида арчилган тухумдек ялтиллаб турибди, юзлаб миллик бийдек чўлда нур ва иссиқликнинг ягона манбаи. Бахайбат қора баданда ёлғиз тепиб турган юракнинг ўзгинаси.

У ҳатто ҳаяжонланиб кетди ва кўзлари фахр ёшларидан намланди.

– Бунда хоҳласанг-хоҳламасанг ювош тортиб қоласан, – деди у қайнаб турган сосискалар, иссиқ булочкалар ва сариёғ исини ичига тортаркан. – Келиб қолинг, – юзланди у юлдузларга, – олиб қолинг. Қани, ким биринчи?

– Сэм, – деди Эльма, тим қора осмондаги Ер бирдан ўзгара бошлади.

У алангаланди.

Ер баркашининг бир қисми тўсатдан миллион зарраларга парчаланиб кетди – гўё улкан қуроқсурат тўкилиб тушгандек бўлди. Бир дақиқа ўтгач, Ерни уч ўлчамга катталашган даҳшатли аланга тиллари чулғаб олди, сўнг қисқара бошлади.

– Нима бўлган эди унга? – Сэм осмондаги яшил оловга қараб турарди.

– Ер, – жавоб берди Эльма қўлларини кўкрагига босиб.

– Қанақасига бу Ер бўлар экан, бу Ер бўлиши мумкин эмас! Йўқ, йўқ, Ер эмас! Бўлиши мумкин эмас.

– Бўлиши мумкин эмас, дейсанми? – деди Эльма унга қараб. – Энди бу Ер эмас, ҳа, энди бу ортиқ Ер эмас, – сен шундай демоқчимидинг?

– Ер эмас, йўқ, йўқ, бу Ер эмасди, – ўлиб деди хотини.

У қимир этмай турарди, қўллари соч ўримлаларидек осилиб турарди. Оғзи очиқ, маъносиз кўзларининг пахтаси чиққан.

– Сэм, – чақирди аёл. Неча кунлардан бери биринчи марта унинг кўзлари жонланди. – Сэм!

Сэм юқорига, осмонга қаради.

– Хўш, – деди аёл. Бир дақиқа жимликдан сўнг нигоҳини бир нарсадан бошқасига олди, сўнг ҳўл сочиқни шиддат билан билагидан ошириб ташлади. – Чироқни ёқ, кўпроқ ёқ, радиони қўй, эшикларни ланг очиб қўй! Меҳмонларнинг янги тўдасини кут – тахминан миллион йилча. Ҳа, ҳа, сэр, ҳамма нарса тайёр бўлгунча.

Сэм қимир этмасди.

– Эҳ, сосиска учун қандай бемисл жой! – аёл стакандан тиш тозалагич – хилолни олди-да, кураk тишлари орасига суқди. – Мен сенга бир сирни айтаман, Сэр, – шивирлаб деди у эри томон эгилиб, – назаримда, ўлик мавсум бошланаётганга ўхшайди...

## НОЯБРЬ 2005 КУЗАТУВЧИЛАР

Ўша куни оқшом ҳамма уйидан чиқди-да, осмонга тикилиб қолди. Овқат овқат жойида, идиш идиш жойида, кино кино жойида қолаверди, ҳамма ўзларининг эндиликда у қадар янги бўлмай қолган айвончасига чиқди-да, ям-яшил Ер сайёрасига икки кўзларини қадаб олишди. Бу мутлақо ноихтиёрий тарзда содир бўлди; улар ҳозиргина радио тарқатган янгиликнинг маъносини чақишга тиришаётгандек йўл тутдилар. Ана у – Ер, у ерда уруш пишиб келаётибди, у ерда юз минглаб оналар, бувилар, оталар, ака-укалар, амма-холалар, амаки-тоғалар, эгачи-сингиллар

бор. Улар айвонда турганча ўзларини Ернинг борлигига ишонтирмоқчи бўлар эдилар. Бу бир вақтлар Марснинг борлигига ишонишдек қийин бир нарса эди: нуқулгина телба-тескари жумбоқ. Сирасини айтганда-ку, Ер улар учун ўликдек бир нарса, улар у билан уч ёки тўрт йил аввал хайрлашишган. Масофани ўйласа, юрак увишиб кетади, етмиш миллион йил туйғуларни бўғади, хотирани тилка-пора қилади, Ерни кимсасизга айлантиради, ўтмишни сидириб ташлайди ва бу одамларга бу ерда ҳеч нарсани ўйламасдан меҳнат қилиш имконини беради. Лекин бугун оқшом ўлганлар оёққа турди, Ерда яна ҳаёт бошланди, хотира уйғонди ва улар кўплаб номларни тилга олдилар. Анави эркак нима қиляпти-ю, манави аёл нима қиляпти? Фалончи нима бўлди? Одамлар ўз айвонларида туриб, бир-бирларига қарар эдилар.

Соат тўққизда Ер гўё портлаб кетди ва гуриллаб ёна бошлади.

Айвондаги одамлар худди оловни ўчирмоқчи бўлгандек қўлларини тепага иргитдилар.

Улар кутар эдилар.

Ярим тунга келиб ёнғин сўнди. Ер ўз ўрнида қолди. Айвонлар бўйлаб енгил нафас куз шабадасидек елиб ўтди.

– Гарридан биз ҳеч нарса эшитмаганимизга анча бўлди.

– Унга нима қиларди?

– Ойимга хабар юборсакмикан?

– У соппа-соғ.

– Ишончинг комилми?

– Бўпти, фақат ўзингни бос.

– Ойимга ҳеч нарса бўлмаган деб ўйлайсанми?

– Бўлмаса-чи, кетдик, ухлаймиз.

Бироқ ҳеч ким келмади. Тунги найсазорга совуб қолган кечлик овқатни чиқаришди, дастурхон тўзашди ва одамлар тунги соат иккигача, Ердан нур радиоси хабари келмагунча овқатни санчқилари билан эринибгина ковлар эдилар. Бамисоли узоқдан учиб келаётган тиллақўнғизлардек морзе ҳарфлари ялт-юлт қилиб кўзга ташланарди ва улар ўқир эдилар;

КЎЗ КЎРИБ ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН АТОМ ОМБОРИ ПОРТЛАШИДАН АВСТРАЛИЯ ҚИТЪАСИ КУЙИБ КУЛГА АЙЛАНДИ.

ЛОС-АНЖЕЛЕС, ЛОНДОН БОМБАРДИМОН ҚИЛИНДИ.

УРУШ. УЙГА ҚАЙТИНГ, УЙГА, УЙГА.

Улар столдан оёққа қалқдилар.

УЙГА ҚАЙТИНГ, УЙГА, УЙГА, УЙГА.

– Сэм, бу йил аканг Таддан бирор нарса олдингми?

– Билмагандек гапирасан-а! Ерга хат юбориш беш танга туради. Бунга нимани ҳам еса олардинг.

УЙГА ҚАЙТИНГ.

– Мен негадир Жейндан хавотирдаман – Жейн сингилчам эсингдами?

УЙГА.

Салқин тонг отганда, соат учда «Йўл товарлари» дўконининг эгаси бошини чиқарди. Кўчадан одамларнинг бутун бир тўдаси келар эди.

– Мен эса билиб туриб ёпмаган эдим. Нима оласиз, мистер?

Тонгга яқин дўконнинг барча токчалари бўм-бўш бўлиб қолганди.

## ДЕКАБРЬ 2005 СОКИН ШАҲАРЛАР

Ўлик Марс денгизи чеккасида сокин оқ шаҳарча ястанган. У ҳувиллаб ётарди. Кўчаларда зоғ учмасди. Кундузи ва кечаси универмагларда танҳо чироқлар ёниб турарди. Дўконларнинг эшиклари ланг очиқ, гўё одамлар ёпишни унутиб, жуфтакни ростлаб қолгандек. Гўристондек жим-жит тамаддихоналарга кираверишдаги сим дорларда ўқилмаган, қуёшда сарғайган журналлар шитирлар эди, улар бир ой муқаддам кумушранг ракета ёрдамида Ердан келтирилган эди.

Шаҳарча ўлик эди. Ундаги тўшаклар ҳувиллаган ва муздек. Яккаю ягона овоз – симлардаги ва яқин-яқингача ўзлари билан ўзлари бўлиб яшаб келган динамо машиналардаги токнинг визиллашигина қулоққа чалинарди. Ҳаммомдан тошиб чиққан сув турар-жой хоналарига, айвончаларга, мўъжаз боғчаларга оқиб кириб, ташландиқ гулларни суғорар эди. Тим-қоронғи томоша залларида кўплаб ўриндиқларга пастдан ёпиштириб ташланган, ҳали тиш излари ҳам кетмаган сақичлар қотиб ётарди.

Шаҳарча ортида космодром бор эди. Сўнг ракета Ерга томон йўл олган жойда ҳалигача аччиқ тутун таратиб тарашалар бурқсирди. Агар тангани телескопга тушириб, уни Ерга қараб бурилса, у ерда қутуриб турган қатта урушни томоша қилиш мумкин бўларди. Дейлик Нью-Йоркнинг қандай портлаётганини ҳам кўрса бўларди. Янги хилдаги туман қоплаган Лондонни томоша қилса бўларди. Шундагина бу Марс шаҳарчасини нега ташлаб кетишларини тушуниш мумкин бўларди. Одамлар жуда тез кўчиб кетганмиди? Дуч келган дўконга киринг, ғазна тугмачасини

босинг. Тангалари чарақлаб ва жангирлаб қутича ирғиб чиқади. Ҳа, Ерда ишлар ёмонга ўхшайди... Шаҳарчанинг ҳувиллаган кўчалари бўйлаб оҳиста ҳуштак чалган ва бир маромда олдидаги бўш қутини тепиб қувлаганча бир баланд бўйли озғин одам борарди. Тунд, хотиржам нигоҳи унинг сўққабошлигини яққол кўрсатиб турарди. У яп-янги тангалар жангирлаб турган чўнтагига қоқ суяк қўлларини суқди. Бир тангани асфальтга тушириб юбориб, мийиғида кулиб қўйди ва ялтироқ тангаларини кўчага сепиб борганча йўлида давом этди...

Унинг исми Уолтер Гриппи эди. Кўм-кўк Марс тоғларида узоқ-узоқларда унинг олтин кони ва танҳо капаси бор эди ва у ҳар икки ҳафтада ўзига ювош, оқила аёлни хотинликка олганча қидириб шаҳарга тушар эди. Бу ҳол бир неча йилдан бери такрорланиб келар эди ва ҳар гал у ўша-ўша ҳафсаласи пир бўлган, икки қўлини бурнига тиққан ҳолда ёлғиз қайтиб келар эди. Бир ҳафта бурун шаҳарга келиб, у нимани кўрди денг!

Ўша куни у шу қадар ҳанг-манг бўлиб қолган эдики, дуч келган биринчи тамаддихонага кирди-да, бирваракай учта гўштли сэндвич буюрди.
– Ҳаммаси бўлади! – қичқирди у. У пештахтага емакларни ва сал аввал печдан олинган нонни териб қўйди-да, столдан чангларни қоқди, ўзига-ўзи ўтиришга изн бериб, бирон-бир ўткир ичимликка эҳтиёж сезмагунча овқатни паққос туширди. Дўкон соҳиби ўтакеттан зийрак одам чиқиб қолди ва кўз очиб юмгунча унга вишиллайдиган ичимлик қуйиб берди.

У жинси шими чўнтакларига қўлига илинган қоғоз пулларини тиқиб тўлдирди. Аравасига ўн долларлик қоғоз пуллардан юклади ва жазавага

тушган кўйи шаҳар бўйлаб югуриб кетди. Шаҳар чеккасидаёқ бирдан унинг миясига, менга нима бўлди ўзи, бу аҳмоқона қилиқларим билан шарманда бўлаяпман-ку, деган фикр урди. Пулларни у нима қилади? У ўн долларлик қоғоз пулларни олган жойига қайтариб олиб борди; ўзининг катмонидан бир долларлик пулни суғурди, уни сэндвич учун тамаддихона кассасига ташлади ва чойга яна чораклалик қўшиб қўйди.

Кечқурун у иссиқ турк ҳаммомида маза қилиб чўмилди, сувли гўшт ва ноёб қўзиқорин қайла тамадди қилди, чет эл оқ хэрэс ва қулупнай шаробидан нўш қилди. Янги кўк фланел костюмини ва унинг чўзинчоқ боши устида ўйнаб қоладиган куларанг байрамлик шляпасини танлади. «Бизнинг кекса шайкамиз» куйини чалаётган автомат радиолага танга суқди. Бутун шаҳар бўйича йигирмата шунақа автоматга бешталикдан суқиб чиқди. «Бизнинг кекса шайкамиз»нинг мунгли овозлари кимсасиз тун ва ҳувиллаган кўчаларни тўлдириб янгради, у эса дароз, озғин, танҳо бир аҳволда янги ботинкаларини авайлаб босган, совуққотган қўлларини чўнтаклари ичида иситган кўйи ҳамон кетиб борар эди.

Шундан буён бир ҳафта ўтди. У Марс-Авенюдаги қулинг ўргилсин уйда уйқуни урди. Эрталаб соат 9 да турди, ҳаммомда чўмилди-да, чўчқа гўшти, тухумлар билан нонушта қилгани эринганча шаҳар томон одимлаб кетди. Худонинг берилиш куни эрталаб у навбатдаги музхонага тонналаб гўшт, сабзавот, лиму креми суриилган пишириқларни тиқиб ташлар, Ердан ракеталар қайтиб келмагунча ўзига ўн йиллик озиқ-овқатни ғамлаб оларди. Ҳали ракеталар қайтиб келадими-йўқми, худо билади.

Бугун кечқурун эса у пушти, чиройли ранг-баранг пештахталардаги мум шамларни томоша қилганча олдинга-орқага тинмай эгилар эди. Биринчи марта шаҳарнинг қай даражада ўликлигини ҳис этди. Бир кружка пивони симирди-да, аста тиржайди.

– Жин урсин, – деди у. – Мен бугунлай ёлғизман.

У «Элит» кинотеатрига кирди, ёлғизлик ҳақидаги фикрлардан чалғитиш учун [illegible] ўзига [illegible] кўрсатмоқчи бўлди. Зал ичи бўм-бўш ва даҳмадаҳмадек жимжит эди, кенг экран бўйлаб кулранг ва қора шарпалар суза бошлади. [illegible] тиқраб кетди ва [illegible] бу макондан қорасини ўчиришга аҳд этди.

Уйга қайтишига [illegible] тамом [illegible] борарди, телефон [illegible], [illegible] маҳалла [illegible] кўчасидан [illegible].

У қулоқ солди.

«Қаердадир телефон жиринглаяпти».

У сайр қилишда давом этди.

«Ҳозир кимдир гўшакни олади», – эринчоқлик билан ўйлади у.

У [illegible] шошилмай [illegible].

Бирдан [illegible] ойнага [illegible].

– Кимдир! Самовий кучлар, нақадар бу мен бўлсам!

У талвасада ичида атрофга алангладди. Қайси уйда? Ҳов анавунда! Майсазор устидан учиб ўтди, зинапоялардан юқорига отилади, уйга кирди, қоп-қоронғи залда турибди.

Шиддат билан гўшакни олди.

– Алло! – қичқирди у.

– Зззззззззз.

– Алло, алло!

Қўйиб қўйишибди.

– Алло! – ўкирди у ва гўшакни силтади. – Падарингга минг лаънат! – ўзини ўзи сўкди у. – Йўлакда ўтириб сенга зарурмиди, галварс! Шайтонвачча, тўнка! – у қўллари билан телефон аппаратини қаттиқ сиқди. – Қани, яна бир қўнғироқ қил. Қани!

Шу пайтгача Марсда ундан бошқа бирон-бир одам қолиши мумкинлиги унинг миясига ҳам келмаганди. Ўтган бутун ҳафта давомида у битта ҳам одамни кўрмади. У бошқа барча шаҳарлар ҳам мана шундай кимсасиз деб хаёл қилган эди.

Энди эса ҳаяжондан титраб-қақшаганча иккі кўзини қора қутичадан ололмасди. Автомат телефон тармоғи Марснинг барча шаҳарларини бир-бири билан улаб турарди. Улар ўттизта – қайси биридан қўнғироқ қилишди экан?

У билмасди.

У кута бошлади. Ёт хонадон ошхонасига ўтди, музлаган қулупнай эриб ётарди, уни ғамгингина еди.

– Бу ерда ҳеч ким бўлмаган аслида, – ғудранди у. – Балки шамол қаердадир симёғочни ағдарганда тасодифан симлар уланиб қолгандир.

Лекин у кимдир нариги томонда гўшакни илгандаги шиқ этган овозни эшитди-ку?

Бутун тунни Уолтер Грипп залда ўтказди.

– Бу ерда телефоннинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, – ўзини ишонтириб деди у. – Шунчаки менинг бошқа қиладиган ишим йўқ.

У соатининг чиқ-чиқига қулоқ тутди.

– Хотиним энди қўнғироқ қилмайди, – деди у. – Жавоб бермаган одамга қайтадан рақамларни териш унга зарур келибдими? Эҳтимол, айни

дақиқаларда шаҳардаги бошқа уйларга қўнғироқ қилаётган бўлса керак! Мен бўлсам бу ерда ўтирибман... Шошма! – у мийиғида кулди. – Нега мен «хотиним» деяпман?

У саросима ичида кўзларини пирпиратди.

– Ахир эркак киши ҳам мана шундай дадил қўнғироқ қилиши мумкин-ку, шундай эмасми?

Юрак уриши сезилмасди. Муздек ва бўм-бўш, ғоят бўм-бўш.

У аёл киши бўлишини жуда-жуда хоҳларди.

У уйдан чиқди-да, эрта тонг ғира-ширасида аранг кўзга чалинган кўча ўртасида тўхтади.

Қулоқ солди. Тиқ этган товуш йўқ. На бир қуш, на бир машина овози эшитилади. Фақат юрак дукиллайди. Дук – жимлик – дук. Азбаройи зўриқишдан юзи буришиб кетади. Шамол эса шу қадар майин, шу қадар назокат билан эсардики, эпкинлари унинг пиджаги этакларини оҳиста сийпаб ўтади.

– Жим, – шивирлади у. – Қулоқ сол!

У нигоҳини бир жим-жит уйдан бошқасига олганча аста жойида айланди.

Аёл рақамларни кетма-кет теради, ўйлади у. Бу аёл киши бўлиши керак. Нима учун? Фақат аёл кишигина барча рақамларни қайта теради. Эркак киши ундай қилмайди. Эркак киши ўзига ишонганроқ бўлади. Ахир мен кимгадир қўнғироқ қилганманми? Йўқ! Бундай қилиш ҳатто хаёлимга ҳам келмаган! Бу аёл киши бўлиши керак. Албатта, аёл киши, худо шоҳид!

Қулоқ сол.

Узоқ-узоқларда, ҳув юлдузлар остида телефон жиринглади.

У югуриб кетди. Қулоқ солгани тўхтади. Оҳиста жиринг. Яна бир неча қадам юрди. Қаттиқ жи-

ринг эшитилди. У бурилди-да, хиёбон ёқалаб олға интилди. Жиринг кучайиб борарди! Олтита уйдан ўтди, яна олтита! Жуда ҳам қаттиқ жирингларди! Мана буми? Эшик ёпиқ эди.

Ичкарида телефон жирингларди.

– Эҳ, лаънати! – у эшик дастагини силкитди.

Телефон жон-жаҳди билан жирингларди.

У айвондаги ўриндиқни кўтарди-да, айлантириб меҳмонхона деразасига солди ва синган деразадан ичкарига сакради.

У гўшакни олишга ҳам улгурмай, телефон жимиб қолди.

У хонадан-хонага ўтар, ойналарни синдирар, пардаларни юлар, ошхона плитасини тепар эди.

Ниҳоят мажолсизланиб, у Ердан Марсдаги барча абонентлар қайд этилган телефон китобчасини олди. Эллик минг исми шариф.

Биринчи исм-шарифдан бошлади.

Амелия Амз. Нью-Чикаго. Ўлик денгизнинг нариги томонидан юз мил нарида. У шунинг рақамини терди.

Жавоб йўқ.

Иккинчи абонент Нью-Йоркда мовий тоғлар ортида беш минг мил нарида турарди.

Жавоб йўқ.

Учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи; титроқ бармоқлар гўшакни базўр ушлаб турарди.

Аёл овози жавоб берди:

– Алло?

Уолтер жавобан қичқирди:

– Алло, эй худойим, алло!

– Бу ёзув, – дона-дона қилиб деди аёл овози. – Мисс Элен Аразумян уйда йўқ. Айтинг, сизга нима керак, овозингиз симга ёзиб қолинади, бу

хоним қайтгандан кейин сизга телефон қилиши учун керак бўлади. Алло? Бу ёзув. Мисс Элен Аразумян уйда йўқ. Айтинг, сизга нима керак...

Сэм гўшакни илди.

Унинг лаблари титрарди.

Бир оз ўйлаб туриб, у қайтадан рақамларни терди.

– Мисс Элен Аразумян уйга қайтганида, – деди у, – айтинг: телефони билан кўшмозор бўлсин.

У Марснинг марказий коммутаторига, Нью-Бостон, Аркадия ва Рузвельт-Сити телефон станцияларига қўнғироқ қилди. У ерда бирон-бир жойга қўнғироқ қилишга ҳаракат қилган одамлар топилиб қолишига кўпроқ умидвор эди, сўнг ҳар бир шаҳардаги ратушалар ва бошқа давлат идораларига қўнғироқ қилиб чиқди. Энг яхши меҳмонхоналарга қўнғироқ қилди. Эгани олдида, емагани кетида қабилида яшашни қайси аёл хоҳламайди. Бирдан у қаттиқ қарсак чалди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Ҳа, бўлмаса-чи! Телефон дафтарчасини очиб кўрди-да, халқаро телефон тармоғи орқали Нью-Тексас-Ситидаги энг йирик пардозхона рақамини терди. Бахмал қопламали, ҳашамдор пардозхонадан бошқа қаердан ҳам қидирардинг аёлни, бу ерда у гоҳ у ойна, гоҳ бу ойна ўртасида югуриб юрган, юзига ҳар турли мойупаларни чаплаётган, электр қуриткич остида ўтирган бўлиши керак!

Қўнғироқ узоқ жиринглади. Симнинг нариги учида кимдир гўшакни олди.

Аёл овози янгради:

– Алло?

– Агар ёзиб олинаётган бўлса, – чертиб-чертиб деди Уолтер Грипп, – мен бораман-да, лаънати пардозхонангизнинг кулини кўкка совураман.

– Ҳеч ким ёзиб олаётгани йўқ, – жавоб берди аёл овози. – Алло, алло, наҳотки у ерда тирик одам бўлса! Қаердасиз?

Аёл шодон чийиллади.

Уолтер стулдан ағдарилиб тушаёзди.

– Алло... – у кўзлари ёнганча сакраб оёққа турди. – Э, худо, бу қандай бахт, исмингиз нима?

– Женевьева Селзор! – аёл гўшакка йиғлаб гапирди. – Оҳ, худо, ким бўлишингиздан қатъи назар, овозингизни эшитганимдан шундай хурсандманки!

– Мен Уолтер Гриппман!

– Уолтер, салом, Уолтер!

– Салом, Женевьева.

– Уолтер. Қандай ажойиб исм. Уолтер, Уолтер, Уолтер!

– Раҳмат.

– Ахир қаердасиз, Уолтер?

Қанчалик меҳрибон, қувноқ, нафис овоз... У аёл эркалаб шивирлаб гаплашиш учун гўшакни қулоғига каттиқроқ босди. Унинг оёғи чалиниб кетмоқда эди. Юзи лов-лов ёнарди.

– Мен Мерлин-Виллиждаман, – деди у. – Мен...

Зззз.

– Алло? – шошиб қолди Уолтер.

Зззз.

У дастакка уриб кўрди. Ҳеч гап йўқ.

Аллақаерда шамол симёғочни ағдарган. Женевьева Селзор ҳам қандай тез пайдо бўлган бўлса, шундай тез ғойиб бўлди.

Уолтер рақамни терди, бироқ аппарат гунг-лол эди.

– Ҳечқиси йўқ, унинг қаердалигини энди билиб олдим-ку.

Уолтер югуриб уйдан чиқди. Эрталабки қуёш нурлари остида у бегона гараж ичидан спорт машинасини орқа билан ҳайдаб чиқди, орқа ўриндиғига уйдан олган озиқ-овқат маҳсулотларини ташлаб қўйди ва соатига саксон мил тезлик билан Нью-Текса-Ситига қараб учиб кетди. Минг мил, ўйлади у. Чида, Женевьева Селзор, мен сени узоқ куттириб қўймайман!

Шаҳардан чиқар экан, у ҳар бир муюлишда чинқиратиб сигнал берарди.

Кун ботарди, аёвсиз пойгали кундан кейин у машинани йўл чеккасига буриб тўхтатди, оёғини қисган ботинкаларини ечиб ташлади, ўриндиққа чўзилди-да, ҳашамдор шляпасини ҳоргин кўзлари устига тортиб қўйди. У секин, бир текисда нафас олар эди. Оқшом қоронғилигида сарин шабада эсар, юлдузлар қувноқ жимжимил қилар эди. Чор атрофда қадимдан-қадим Марс тоғлари савлат тўкиб турарди. Юлдузларнинг нурлари шахмат доналари каби мовий ёнбағирларга туташиб кетган Марс шаҳарчаси миноралари ичида жимирлар эди.

У уйқу билан бедорлик ўртасидаги аллақаерда ивирсиганча чўзилиб ётарди. У шивирлади: Женевьева. Сўнг аста хиргойи қила бошлади. «Эҳ, Женевьева, азизим, ўтаверсин йиллар бир-бирин қувлаб. Лекин азизим Женевьева...» Унинг кўнгли хотиржам эди. Қулоқлари остида аёлнинг паст, майин, бир маромдаги овози жаранглarди: «Алло, ҳой Уолтер! Ҳеч ким ёзиб олмаяпти. Ахир қаердасан, Уолтер?»

У оҳ тортди, қўлини теккизиб олмоқчидек, ой нурига қараб узатди. Шамол унинг узун қора сочларини, ажойиб сочларини тўзғитиб юборди. Лаблари тандирдаги яллиғланган чўғдек. Ёноқлари

эса ҳозиргина узиб олинган бир жуфт атир гулдек. Бадани ҳам оппоқ тумандек ҳарир; майин, равон, нафис овози эса унга қадимги мунгли бир қўшиқни хиргойи қилаётгандек:

«Эҳ, Женевьева, азизим, ўтаверсин йиллар бир-бирин қувлаб...»

У ухлаб қолди.

У Нью-Текса-Ситига ярим тунда етиб келди. Машинани «Делюкс» пардозхонаси ёнида тўхтатди-да, ҳеҳ деб қўйди.

Мана, ҳозир аёл хандон ташлаб кулганча атирлар тумани ичидан югуриб чиқиб келади.

Аммо бундай бўлмади.

– Ухлаб қолган, – Уолтер эшик олдига келди. – Мен шу ердаман! – қичқирди у. – Алло, Женевьева!

Сокин шаҳар ҳамон баробар ёритиб турган ой нурига чулғанган, аллақаерда шамол брезент пардани шалоплатиб ўйнарди.

У ойнаванд эшикни кенг очиб, ичкарига қадам қўйди.

– Эҳ-ҳе! – йигит хижолат ичида кулиб юборди. – Яширинма! Қаердалигингни билиб турибман.

У барча хоначаларни қидириб чиқди.

Ерда мўъжазгина дастрўмолча топиб олди. Ундан шундай мўъжизавий ҳид келардики, боши айланиб, чайқалиб тушди.

– Женевьева, – овоз чиқариб деди у.

У машинасини бўм-бўш кўчадан ҳайдаб борарди, бироқ одам қораси кўринай демасди.

– Ҳазил ҳам шунақа бўладими-а...

У тезлигини оширди.

– Шошма-шошма, ахир бизни ажратиб қўйишган. Балки у мен бу ёққа кетаётганимда Мерлин-Виллижга жўнаворгандир? У қадимги денгиз

йўлидан кетиб, кундузи бир-биримизни кўрмай қолгандирмиз. Бу ерга келишимни у туш кўрибдими? Ахир мен келишимни айтмагандим-да. Телефон жимиб қолгач, у қўрқиб кетганидан мени қидириб, Мерлин-Виллижга қараб учгандир! Мен бўлсам, бу ерда юрибман, жин урсин, мен ҳам одам бўлдимми!

У клаксонни босди-да, шаҳардан ўқдек учиб чиқди.

У тун бўйи машинасини учириб юрди. Миясида фақат битта ўй: «Агар уни Мерлин-Виллижда топмасам, нима бўлади?»

Бундай хаёлни миядан чиқариб ташлаш керак. У ўша ерда бўлиши керак. У югуриб келади-да, уни қучоқлаб олади, эҳтимол, бир гал ҳатто лабидан ўпиб ҳам олар.

«Женевьева, азизим», – педални охиригача юз мил тезликда босганча хуштак чалиб қайтариб қиларди у.

Мерлин-Виллижда эрталабки сукунат ҳукмрон эди. Дўконларда қали сариқ чироқлар ёниб турарди; юз соат бетўхтов ишлаган автомат ниҳоят электр туташувдан ширқ этди-да, жимиб қолди; шу билан тўлиқ сукунат чўкди. Қуёш кўчаларни ва лоқайд муздек осмонни қизита бошлади.

Уолтер фараларини ўчирмай, клаксонни чинқиртириб босганча Мейн-стритга қараб бурди. Кўзларини дўкон лавҳаларидан узмасди. Юзи девордек оқариб кетган, ҳорғин, қўллари тердан ҳўлланган чамбар устида сирғаларди.

– Женевьева! – бўм-бўш кўчага қараб қичқирди.

Пардозхона эшиги очилди.

– Женевьева! – У машинани тўхтатди-да, кўчани чопиб кесиб ўтди.

Женевьева Селзор пардозхона эшигида турарди. Қўлларида очилган шоколад қутичаси. Дўмбоқ, оппоқ бармоқлар қутини маҳкам ушлаб турарди. Уолтер ёруғ жойга кириб келганда, кўрдики, қизнинг юзи дум-думалоқ ва дўмбоққина, кўзлари бир думалоқ хамирга суқиб қўйилган бир жуфт йирик-йирик тухумдек. Оёқлари кундадек йўғон-йўғон, юришлари ғоздек алпон-талпон. Сочлари – қуш уяси кўринишида обдан турмақланган бўлиб, ранги қандайдир қўнғир тусда. Лаб деган нарсанинг ўзи йўқ. Унинг ўрнида андоза босиб чизилган йўғон қизил йўл турарди, у қувонгандек бир очилиб, қўрққандек юмиларди. Қошларини эса бутунлай териб ташлаган, атиги иккитагина ингичка тук қолдирган, холос.

Уолтер донг қотиб қолди. Юзидаги табассумдан асар ҳам қолмади. У ҳайрон бўлганча бир жойда туриб қолди.

Қиз шоколадларни ерга тушириб юборди.

– Сиз Женевьева Селзормисиз? – ўз овози бегона овоздек туюлиб сўради Уолтер.

– Сиз Уолтер Гриффмисиз? – сўради қиз.

– Грипп.

– Грипп, – тўғрилади қиз.

– Салом, – базўр деди йигит.

– Салом, – қиз унинг қўлини сиқди.

Қизнинг бармоқлари шоколаддек ёпишқоқ бўлиб қолган эди.

– Хўш, – деди Уолтер Грипп.

– Нима, – сўради Женевьева Селзор.

– Мен фақат «Хўш» дедим, – изоҳ берди Уолтер.

– Ҳа.

Соат кечки тўққиз. Кундузи улар шаҳар ташқарисига боришди, кечликка эса, йигит филе-миньон пиширди, бироқ Женевьева уни яхши

қовуриамаган деб кўнгли тортмади, шунда Уолтер уни яхшилаб қовуришга қарор қилди ва ё кўп қовуриб юборди, ё куйдириб юборди, хуллас, шунга ўхшаш бир нарса бўлди-да. У кулди-да, деди:

– Кетдик киногa!

Қиз «майли» деди-да, шоколад юқи қўли билан унинг қўлтиғидан олди. Бироқ унинг талаби эллик йил олдинги Кларк Гейбл қатнашган фильм билан чекланиб қўя қолди.

– Роса кулгили нарса экан-ку? – қиқирлаб кулди қиз. – Ичагимни узди-я!

Фильм тугади.

– Яна бир қўйиб бер, – буюрди қиз.

– Яна? – такрор сўради йигит.

– Яна, – жавоб берди қиз.

Йигит ўгирилган эди, қиз унга яқинлашди ва қучоқлаб олди.

– Сен ҳеч ҳам мен ўйлагандек эмас экансан, лекин майли, бўлаверади, – тан олди қиз.

– Раҳмат, – деди йигит нафаси бўғилиб.

– Эҳ-ҳ Гейбл тушмагур, – қиз унинг оёғидан чимчилаб олди.

– Вой, – деди йигит аста.

Кинодан кейин улар «харид қилгани» жимжит кўчалар бўйлаб юриб кетишди. Қиз ойнаванд пештахтани уриб синдирди ва ўзи танлаб-танлаб топиб олган энг очиқ ранг кўйлакни кийиб олди. Сўнг бошига бир шиша атирни тўнкариб қўйди-да, сувда бўккан исковичга айланди-қўйди.

– Ёшинг нечада? – қизиқсинди йигит.

– Топиб ол, – қиз уни кўчадан етаклаб кетди, ундан асфальтга тинимсиз атир томчилар эди.

– Ўттизга боргандирсан? – деди йигит.

– Ана, холос, – қуруққина жавоб берди қиз. – Энди йигирма еттига кирдим мен сенга айтсам! Вой, манави ерда қандолатхона ҳам бор экан! Ўлай агар, мана шу машмашалар бошлангандан бери мен бойвуччалардек яшаяпман. Қариндош-уруғларни ҳеч қачон севган эмасман. Эсини еган ҳаммаси. Икки ой бурун Ерга учиб кетишди. Мен ҳам сўнгги ракетада учиб кетишим керак эди, бироқ қолдим. Биласанми, нега?

– Нега?

– Чунки менга таъна қилишди. Мана шу ерда қолдим. Истаганча ўзингга атир қуй, хурмачангга сиққанича пиво ич, конфет е, ҳеч ким сенга: «Калориянг кўпайиб кетади!» деб таъна қилмайди. Ўзим хон, кўланкам майдон!

– Ўзинг хон, кўланканг майдон, – Уолтер кўзларини қисди.

– Энди кеч, – деди қиз унга қараб.

– Ҳа.

– Мен чарчадим, – деди қиз.

– Қизиқ, мен сира чарчаганим йўқ.

– Ҳо, – деди қиз.

– Тун бўйи ётмаслигим мумкин, – давом этди йигит. – Биласанми, Майк барида яхши пластинка бор. Юр, мен сенга ўшани қўйиб бераман.

– Мен чарчадим, – қиз айёрона йилтиллаб турган кўзлари билан унга қаради.

– Мен эса гижинглаган тойдекман, – жавоб берди йигит. – Жуда ғалати-я.

– Юр пардозхонага, – деди қиз. – Мен сенга бир нарса кўрсатаман.

Қиз уни ойнаванд эшикдан ичкарига олиб кирди ва катта оқ қути ёнига етаклаб келди.

– Мен Тексас-Ситидан жўнаётганимда, – тушунтирди қиз, – мана шуни ўзим билан олган

эдим. – У қизил тасмани ечди. – Минг қилса ҳам мен Марсдаги ягона хоним, у эса ягона эркак бўлади деб ўйладим. Шунинг учун...

У қопқоғини кўтарди ва шилдироқ, ғижирлоқ, бурма қоғозни бир четга итқитди. Қиз қути ичидаги нарсани силаб қўйди.

– Мана.

Уолтер Гриппнинг кўзи косасидан чиқиб кетди.

– Нима бу? – сўради ўзини базўр тутиб.

– Ҳеч нарса билмагандек гапирасан-а, тентакча? Қарагин-а, ҳаммаси жингалак тўридан ипакдан, ҳаммаси шундай оппоққки, асти кўз узолмайсан, кўзинг қамашади...

– Ўлай агар бунинг нималигини билолмаяпман.

– Никоҳ кўйлаги, овсарғина!

– Никоҳ кўйлаги? – йигит хиринглаб кулди.

Уолтер кўзини юмди. Қизнинг овози худди боя телефондагидек майин, хотиржам, нафис жаранглар эди. Аммо кўзини очиб қарашибоқ йигит дудуқланиб қолди.

– Жуда чиройли, – деди у базўр.

– Ростданми?

– Женевьева, – йигит эшикка тикилди.

– Ҳа?

– Женевьева, мен сенга бир нарсани айтиб қўйишим керак.

– А?

Қиз унга яқинлашди, унинг оппоқ юзидан атир бурқсиб турар эди.

– Сенга айтмоқчиманки...

– Хўш?

– Хайр!

Қиз қичқиришга улгурмаёқ йигит пардозхонадан отилиб чиқди-да, машинасига бориб ўтирди.

Қиз ташқарига югуриб чиқди ва йигитнинг машинани буриб кетаётганига қараганча йўлак чеккасида қотиб қолди.

– Уолтер Грифф, қайт! – ҳўнграб йиғлаб деди қиз қўлини узатиб.

– Грипп, – тўғрилади йигит.

– Грифф! – қичқирди қиз.

Қизнинг қадамлари ва интрешларига ҳам қарамай, машина жим-жит кўчадан ўқдек учиб кетди. Қиз дўмбоқ қўллари билан илкимлаётган оппоқ йўлак узра машинанинг пага-пага тутунлари сузиб юрарди, осмонда эса юлдузлар чарақлар эди. Машина бўшлиқ ичига кириб, қоронғиликда кўздан йўқолди.

Йигит уч кечаю уч кундуз сурункасига машинани ҳайдаб борди. Бир гал орқасидан машина келаётгандек туюлиб, вужудини титроқ босди, қора терга тушди ва у бепоён Марс чўлини кесиб ўтувчи бошқа кўчага чиқиб олди, йўл одамсиз шаҳарлар ёнидан ўтиб борарди. У кетаверди, кетаверди – бир ҳафта юрди, яна бир кун юрди, охири Мерлин-Виллиждан ўн минг миль нарига бориб қолди. Шунда у майда дўкончалари бўлган Холтвинг-Спрингвинс деган қишлоққа кириб келди, бу ердаги дўкончаларда у кечқурунлари пештахталарда чироқ ёқа олар, ресторанларида таомлар буюриб, бемалол ўтира олар эди. Шундан буён у шундай яшаб келаяпти; унинг юз йилга етгулик озиқ-овқатлар билан тўлиб-тошган музлаткич хоначалари бор. Сигареталари захираси ўн минг кунга етади, юмшоқ тўшакли аъло сифатли каравоти ҳам бор. Йиллар ўтаверди, борди-ю, қачонлардир унга битта-яримта одам телефон қилиб қолса, у жавоб бермасди.

Шунақа бўлиб қолди. Осмонда шамол эса бошлаганда, у ва унинг унча катта бўлмаган оиласи ўзларининг тош кулбаларида ўтириб олар эдилар ва ёнаётган тарашаларда қўлларини иситардилар. Шамол каналлар юзини жимирлатирар, сал бўлмаса, осмондаги юлдузларни учириб юборарди, мистер Хетэуэй эса бу шинамликдан мазза қилиб ўтирарди ва хотинига нималарнидир гапирарди, хотини ҳам унга жавоб берар ва у иккала қизи ва ўғлига Ердаги ўтган-кетган нарсалари ҳақида ҳикоя қилар эди. Болалар эса оталарининг сўзларини ўзларича тушунар эдилар.

Катта урушдан кейин йигирма йил ўтганди. Марс улкан қабристонга ўхшарди. Ер-чи? Унга нима бўлди? Узоқ Марс тунларида Хетэуэй ва оиласи кўпинча шу ҳақда мулоҳаза юритишарди. Бу тунда қутурган Марс чанг бўрони ташландиқ шаҳар кўчаларидан увиллаганча ва қумни босиб кетаётган янги пластик деворларни ўпириб Марс қабристонларининг пастқам мозорлари устидан эсиб ўтди.

Ниҳоят, бўрон тиниб, ҳаво очилди ва Хетэуэй шамолли осмондаги яшил оловча — Ерни кўриш учун ташқарига чиқди. Гира-шира хона шифтидаги ёниб турган лампочкани ўзига яқинроқ буриб олмоқчи бўлгандек, у қўлларини юқорига кўтарди. Узоқларга ўлик денгиз тублари узра нигоҳ солди. «Бутун сайёрада зоғ учмайди, — ўйлади у. — Битта менман. Ва улар». У тош кулбаси эшиги томон бурилди.

Ҳозир Ерда нималар бўлаётганийкин-а? Ўзининг ўттиз дюймли телескопидан шунча қарамасин, шу пайтгача бирон-бир ўзгариш пайқама-

ди. «Агар ўзимни яхши сақлай олсам, – ўйлади у, – яна йигирма йил яшайман». Қарабсанки, бирontаси пайдо бўлиб қолади. Ё ўлик денгизлар ортидан, ё коинотдан қизил олов рипитасига боғланган ракетада келиб турибди-да.

– Бир айланиб келай, – қичқирди у эшикка.

– Яхши, – жавоб берди хотини.

У харобалар оралаб, шошмай пастга тушиб кетди.

«Нью-Йоркда ясалган», – ўқиди у бир парча темирда. Қадимги Марс шаҳарлари Ердан келган бундай нарсалардан ҳали кўпини кўради...

У мовий тоғлар оралиғида яқин эллик асрдан буён турган Марс қишлоғи томонга қаради.

Уолтер хилват Марс қабристонига келди: чўл шамоли эсиб турган тепаликда унча катта бўлмаган олти қиррали тошлар саф тортган эди.

Бошини эгиб, у тўртта мозорга, тўртта бесўнақай ёғоч хочга қаради, уларнинг ҳар бирида ном ёзилган эди. Унинг кўзларида ёшдан асар ҳам йўқ. Ёшлари аллақачон қуриб битганди.

– Қилмишим учун мени кечирасанми? – сўради у хочларнинг бирида. – Мен жуда, жуда ёлғиз эдим. Ўзинг тушунасан-ку, шундайми?

У тош кулбасига қайтди ва ичкарига киришдан олдин пешонасига кафтини қўйиб, яна диққат билан осмонни кўздан кечирди.

– Нуқул кутганинг-кутган, қарашдан бошқа ишинг йўқдек, – ғудранди у. – Эҳтимол, кунларнинг бирида – тунда...

Осмонда қизил олов ёнди.

Эшикдан тушаётган ёруғлик халақит бермаслиги учун у бир томонга одимлади.

– Яна бир қараганингда... – шивирлади у.

Қизил олов ўша жойда ёниб турарди.

– Кеча кечқурун у йўқ эди, – деди Хетэуэй.

У қоқилиб, йиқилиб тушди, сўнг оёққа турди-да, кулба ортига югуриб ўтди, телескопини очиб, уни осмонга тўғрилади.

Узоқ вақт осмонга кўзини қисиб қараб тургандан кейин – бир дақиқа ўттач, у уйнинг пастак эшиги тагида пайдо бўлди. Хотини, иккала қизи ва ўғли унга ўгирилишди. Унинг ҳадеганда тили калимага келавермасди.

– Хушхабар олиб келдим, – деди у. – Мен осмонга қараб турган эдим. Бу ёққа ракета учиб келаяпти, у ҳаммамизни уйга олиб кетади. Эрта тонгда шу ерда бўлади.

У қўлини столга қўйди, бошини кафтлари орасига олиб, йиғлаб юборди.

У янги Нью-Йоркдан нима қолган бўлса, ҳаммасини ёқиб юборди.

Машъълани олди-да, пластикдан ясалган шу шаҳарга қараб кетди ва аланга билан ўтган жойидаги барча деворларни туртиб-туртиб кета бошлади. Шаҳар нур ва жазираманинг қудратли қуюнидан яшнаб кетди. У бир квадрат мил кенгликдаги гулханга айланди.

– Бунақасини коинотда кўриш мумкин, холос. Бу машъал ракетани мистер Хетэуэй ва оиласи ҳузурига олиб келади.

У уйига қайтиб келди, юраги тез-тез ва оғриқли урар эди.

– Кўраяпсизми? – у баланд кўтарилган қўлида чанг босган шишани ушлаб олганди. – Мен мана бу шаробни атайлаб мана шу тун учун асраб қўйгандим. Вақт-соати билан кимдир бизни топиб олишини билар эдим! Шу қувончли он учун кўтарайлик!

У бешта қадаҳни тўлдирди.

– Ҳа, озмунча вақт ўтмади... – Ўз қадаҳига кўзларини тикиб қарағанча, яна гап қотди у. – Уруш бошланган кун эсингиздами? Йигирма йил ва етти ой муқаддам. Барча ракеталарни Марсдан уйга чақириб олинганди. Сам, мен ва болалар эса барчамиз бу вақтда тоғда эдик, қадимшуносликк билан машғул эдик, марсликларнинг қадимги жарроҳлигини ўрганаётган эдик. Биз отларни ўлгудек қилиб чоптирганимиз эсингдами? Бари бир ҳам роса бир ҳафтага кечиккан эдик. Шаҳар ҳувиллаб қолганди. Америка дабдала бўлганди, қолганларни кутиб ҳам ўтирмай, ракеталар битта қолмай кетиб қолгани эсингдами, а, эсингдами? Кейин қарасакки, қолганлар фақат биз бўлган эканмиз, эсингдами? Эй, худойим, қанча йиллар ўтибди-я! Сизларсиз мен чидай олмасдим. Сизларсиз мен ўзимни ўлдириб қўйган бўлардим. Сизлар туфайли шунча кутишга чидаб келдим. Келинг, сизлар учун ичайлик. – У қадаҳни кўтарди. – Бизнинг узоқ муддатли кутганимиз учун ичайлик.

У шаробни сипқорди, хотини, иккала қизи ва ўғли қадаҳларни лабларига олиб боришди. Шароб тўртталовининг ҳам ияклари тагидан жилдираб оқиб туша бошлади.

Тонгга яқин шаҳардан қолган ҳамма нарсани шамол катта-катта юмшоқ қора лахтакларга айлантириб, денгиз туби бўйлаб сочиб юборди. Ёнғин ўчди, бироқ мақсадга эришилган эди. Осмондаги қизил доғ каттalaша бошлади.

Тош кулба ичида қовурилган занжабил кулчасининг тотли ҳиди тарала бошлади. Хетэуэй кириб келганида хотини стол устига янги нонли қайноқ қолипни қўймоқда эди. Қизлари қаттиқ супурги билан яланғоч тош-полни ҳафсала билан супурар, ўғли эса, кумуш идишларни ювар эди.

– Биз уларга шоҳона нонушта тайёрлаймиз, – Хетэуэй шодон кулди. – Энг аъло либосларингизни кийиб олинглар!

У шошиб томорқасидан улкан темир сарой томон ўтди. Бу ерда музлаткич ва унча катта бўлмаган электростанция бўлиб, уларни шу яқин йилларда таъмирдан чиқарган ва бўш вақтларида соатларни, телефонларни, магнитофонларни моҳирона таъмирлаган ингичка, қалтироқ бармоқлари билан ҳаммасини жой-жойига қўйиб чиққан эди. Саройда у яратган талай буюмлар қалашиб ётарди, шулардан нима иш қилишини ҳатто ўзи ҳам билмайдиган, мутлақо ғалати ускуналар ҳам бор эди.

У музлаткич ичидан [illegible] ва йигирма йил аввалги кулупнай солинган, қиров босган оппоқ кутиларни олди. «Бу ёқдамисан, бадбахт», – деди-да, музлаган жўжани суғурди.

Ракета қўнганда ҳавони ҳар хил [illegible] таомлар ҳиди тутиб кетганди.

Худди ёш боладек Хетэуэй [illegible] га қараб чопди. Кўкрагида қаттиқ оғриқ сезиб, у такка тўхтади. Нариги тошга бориб ўтирди ва энди нафасини ростлашни хаёлига ҳам келтирмай, олға чопиб кетди.

У чўққа айланган ракетадан кўтарилган қайноқ ҳовур ичида тўхтади. Люк очилди. У ердан бир одам мўралади.

Хетэуэй кафтини пешонасига қўйиб, узоқ қараб турди ва охири деди:

– Капитан Уайлдер!

– Ким бу? – сўради Уайлдер. У пастга сакраб тушди ва чолга қарагани қотиб қолди. Сўнг қўлини узатди. – Ёпирай, бу Хетэуэй-ку.

– Мутлақо тўғри, бу менман.

– Хетэуэй менинг биринчи экипажимдан, Тўртинчи экспедициямдан.

Улар бир-бирларига диққат билан разм сола бошлашди.

– Кўришганимизга ҳам анча бўлди, капитан.

– Жуда кўп бўлди. Сизни кўрганимдан курсандман.

– Мен қариб қолдим, – деди Хетэуэй соддадиллларча.

– Мен ҳам энди ёш эмасман. Йигирма йил саргардон кездим: Юпитер, Сатурн, Нептун...

– Бўлмаса-чи, сизнинг Марсни мустамлака қилишингизга халақит бермаслигингиз учун унвонингизни кўтаришган деб эшитдим. – Чол атрофга алангладн. – Сиз нуқул саёҳатларда бўлиб, эҳтимол, ҳатто нималар бўлганидан ҳам бехабардирсиз...

– Айтмасангиз ҳам биламан, – жавоб берди Уайлдер. – Биз Марс атрофини икки марта айланиб ўтдик. Сиздан ташқари Уолдер Грипп деган яна бир одамни тополдик, холос, бу ердан ўн минг мил нарида. Уни ўзимиз билан олиб келмоқчи бўлган эдик, бироқ у кўнмади. Биз учиб кетганимизда, у йўл ўртасида арғимчоқда трубка чекиб ўтирарди, орқамиздан қўл силтаб қолди. Марс ўлган, бутунлай ўлган, ҳатто марсликлар ҳам қолмаган. Ер қалай?

– Сиздан ортиқ ҳеч нарса билмайман. Гоҳ-гоҳ Ер радиосини тутиб қоламан, элас-элас эшитилади. Лекин ҳар гал қандайдир бегона тилда. Мен эса чет тилларидан, афсуски, битта лотин тилини биламан. Баъзи сўзларни англаб етаман. Нима бўлганда ҳам Ернинг катта қисмида одам қири-

либ кетган, уруш эса ҳали ҳам давом этаяпти. Сиз ўша ёққа учиб кетаяпсизми, командир?

– Ҳа. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ўз кўзим билан кўриб, ишонсам дейман. Орамизда радио алоқаси йўқ-да, масофа ҳаддан ташқари катта. У ёқда нима бўлишидан қатъи назар, биз Ерга учиб кетаяпмиз.

– Мени ҳам олиб оласизларми?

Капитан бир лаҳза тараддудланди.

– Э-ҳа, бўлмаса-чи, бу ерда хотинингиз ҳам бор-а, эсимда, эсимда. Бизлар, янглишмасам, йигирма беш йил бурун кўришган эдик, тўғрими? Сизлар Биринчи Шаҳарни қурганларингизда, сиз хизматни ташлаб, уни ўзингиз билан ердан олиб олган эдингиз. Болаларингиз ҳам бор эди...

– Ўғил ва икки қиз...

– Ҳа, ҳа, эслаяпман. Улар шу ердами?

– Кулбамизда, ҳов анови тепалик устида. Биз сизларга ажойиб нонушта тайёрлаб қўйганмиз, келасизларми?

– Меҳмонни атои худо дейдилар, мистер Хетэуэй. – Капитан Уайлдер ракета томонга ўгирилди. – Кемадан тушинглар!

Улар қияликдан тепага қараб боришарди. – Хетэуэй ва капитан Уайлдер, уларнинг ортидан яна йигирмата одам, кема экипажи, эрталабки салқин ҳаводан чуқур-чуқур нафас олар эдилар. Қуёш чиқди, ҳаво очиқ эди.

– Спэндер эсингиздами, капитан?

– Уни эсдан чиқариб бўларканми?..

– Йилда бир марта унинг қабри ёнидан ўтишимга тўғри келади. Охири гўё у хоҳлагандек бўлди. У бизнинг бу ерга кўнишимизга қарши эди. Энди ҳамма бу ерни ташлаб кетганидан боши осмонга етган бўлса, ажаб эмас.

– Анови-чи... Оти нима эди? Парккилл, Сэм Парккилл, унга нима бўлади?

– Сосискахона очиб олган.

– Ановинга ўхшаб-а...

– Бир ҳафтадан кейин эса уруш бошланиб қолди ва у Ерга қайтиб кетди. – Хетэуэй бирдан юрагини чангаллаганча тошга ўтириб қолди. – Кечирасиз. Ҳаяжонланиб кетдим. Шунча йиллар ўтиб, бирдан сизни учратиб қолганим. Бир оз нафасимни ростлаб олай.

Унинг юраги қинидан чиқиб кетаётгандек ҳис қилмоқда эди ўзини. У томирини ушлаб кўрди. Расво...

– Бизда врач бор, – деди Уайлдер. – Хафа бўлманг, Хетэуэй, биламан, сиз ўзингиз врачсиз, лекин бари бир бизнинг врач билан маслаҳатлашиб кўрамиз...

Докторни чақиришди.

– Ҳозир ўтиб кетади, – ишонч билан деди Хетэуэй. – Бу бари кутишдан, ҳаяжондан.

У бўғилиб, лаблари кўкарди.

– Биласизми, – деди у врач унинг кўкрагига стетоскоп қўйганида. – Шунча йиллар мобайнида мен гўё бугунги кун учун яшагандекман. Энди эса, сиз шу ердалигингизда мени Ерга олиб кетгани келишди, гўё менга шундан бошқа нарса керак эмасдек. Энди мен ётиб, омонатни топширсам бўлаверади.

– Манг, – доктор унга сариқ ҳапдори берди. – Бу ерда сиз кўпроқ дам олсангиз яхши бўларди.

– Кераги йўқ. Яна бир оз ўтираман-да, тамом. Сизларни кўрганимдан шунчалик хурсандманки! Янги овозларни эшитгандан ўзимда йўқман.

– Дори фойда бераяптими?

– Зўр. Кетдик!

Улар тепаликка кўтарилишди.

– Алиса, қара, кимни олиб келдим! – Хетэуэй хўмрайди ва бошини эшикка суқди. – Алиса, эшитаяпсанми?

Хотини пайдо бўлди. Нима-из баланд, лунжқомат иккала қиз чиқиб келди, уларнинг ортидан янада новчароқ барваста ўғил кўринди.

– Алиса, капитан Уайлдер эсингдами?

Аёл дудмалланди, худди кўрсатма кутаётгандек Хетэуэйга қаради, сўнг жилмайди.

– Ҳа, бўлмаса-чи, капитан Уайлдер!

– Кечагидек эсимизда, миссис Хетэуэй, биз сиз билан менинг Юпитерга учиб кетишим арафасида бирга тушлик қилган эдик.

Аёл унинг қўлини қизғин қисиб қўйди.

– Қизларим Маргарет ва Сюзен. Ўғлим Жон. Болаларим, сизлар, албатта, капитанни унутмагандирсиз?

Қўл бериб кўришишлар, кулги, жонли сўзлашувлар.

Капитан Уайлдер бурнини чўзди.

– Наҳотки занжабил кулчалари пишаётган бўлса?

– Ейсизми?

Ҳамма ҳаракатга тушди. Кўз очиб-юмгунча йиғма столлар қўйилди. Печлардан қайноқ таомлар олиб чиқилди, ликопчалар, қошиқ идишчалар, кимхоб сочиқчалар пайдо бўлди. Капитан Уайлдер миссис Хетэуэйга узоқ қараб қолди, сўнг нигоҳини унинг ўғлига ва жимгина ҳаракат қилаётган бўйдор қизларига олди. Олдидан лип-лип ўтаётган кишиларнинг юзларига қараб, уларнинг силлиқ қўлларининг ҳар бир ҳаракатига разм солар, битта ҳам ажин тушмаган нафис чеҳралардаги биронта ифодани назардан қочир-

масди. У миссис Хетэуэйнинг ўғли олиб келган столга ўтирди.

– Неччига кирдингиз, Жон?

– Йигирма учга, – жавоб берди йигит.

Уайлдер саросималанганча қўлларидаги санчқи ва пичоқни айлантириб, ўйнарди. У бирдан бўздек оқариб кетди. Ёнида ўтирган фазогир унга шивирлади:

– Капитан Уайлдер, бу ерда нимадир бўлаётганга ўхшайди.

Ўғли столлар олиб келгани кетди.

– Нима демоқчисиз ўзи, Уильямсон?

– Мен 43 га кирдим, капитан. Йигирма йил аввал мен ёш Хетэуэй билан бирга ўқиган эдим. Лекин у эндигина йигирма учга кирдим деб айтаяпти, лекин бу ташдан қарагандагина шундай. Булар ҳаммаси нотўғри. У кам деганда 42 га кирган. Бунинг тагида нима гап бор, сэр?

– Билмайман.

– Рангингиз ўчинқирагандай, сэр?

– Тобим йўқ. Қизимнинг ҳам тоби йўқ.

– Мен уларни йигирма йил аввал кўрганман, улар эса ўзгармаган, битта ҳам ажин тушмаган. Сиздан бир нарсани миннат қилиб сўрасам бўладими, Уильямсон? Мен сизга бир топшириқ бермоқчиман. Қаёққа боришни ва нималарни текширишни тушунтириб бераман. Нонуштадан кейин аста жуфтакни ростлаб қоласиз. Сизга бор-йўғи ўн дақиқа керак бўлади. Бу ердан қўл узатса етади. Биз қўнаётганимизда ракетадан туриб кўрган эдик. Илтимос!

– Бундай жиддий гапираётганингизнинг маъносини билсак бўладими? – Миссис Хетэуэй шоша-пиша уларнинг косаларига шўрва қуйиб чиқ-

ди. – Бундоқ кулиб ўтирсаларинг-чи! Яна биргамиз, саёҳат тугаган, сизлар деярли уйдасизлар!

– Ҳа, ҳа, бўлмасам-чи. – Капитан Уайлдер кулди. – Сиз шундай ажойибсизки, ўн гулингиздан бир гулингиз очилмагандек, миссис Хетэуэй!

– Эҳ, бор бўлинг сиз эркаклар!

У аёлнинг товусдек юришларига қараб турди. Аёлнинг юзлари ял-ял ёнар эди, худди нақш олмадек, силлиқ ва қип-қизил. Аёл ҳазилларга қўнғироқдек кулиб жавоб қайтарди, ликопчаларга дид билан салат солиб чиқди, ҳаракатларида заррача хатолик кўзга чалинмасди. Дароз ўғли ва сарвқомат қизлари ўзларининг хилватдаги ҳаёти ҳақидаги узоқ ҳикоялари билан отасини мот қолдириб, басма-басига дов ташлашарди ва манман ота болаларининг гапини эшитиб, ночор таслим бўларди.

Уильямсон нишабликдан пастга қараб югуриб кетди.

– У қаерга кетди? – сўради Хетэуэй.

– Ракеталарни текширгани, – жавоб берди Уайлдер. – Шунақа, Хетэуэй Юпитерда ҳеч бало йўқ, инсоннинг у ерда қиладиган иши ҳам йўқ. Сатурн ва Плутон ҳам шунақа...

Уайлдер ўз овозини эшитмай, беихтиёр гапирарди; у фақат бир нарса ҳақида ўйларди: ҳозир Уильямсон пастга югуриб боради-да, кўп ўтмай қайтиб келади, тепаликка чиқиб, жавоб олиб келади...

– Раҳмат.

Маргарет Хетэуэй унга бир стакан сув қуйди. Тўсатдан ҳаракатга келиб, капитан аёлнинг елкасига қўлини қўйди. Аёл бунга ҳеч қандай муносабат билдирмади. Унинг бадани иссиқ ва нозик эди.

Капитан қаршисида ўтирган Хетэуэй ҳам-бадам жимиб қолар ва афтини аянчли буришитирганча кўкрагини чангаллар эди, сўнг яна маъюс суҳбатга қулоқ солар, ҳар дақиқада Уайлдерга ачиниб қараб қўяр, у эса бировларга билдирмасдан ҳузур қилиб, кулчасини кавшар эди.

Уильямсон қайтиб келди. Капитан унинг елкаси оша: «Хўш?» деб шивирламагунча индамай, санчқи билан таомни кавлаб ўтираверди.

– Мен бу жойни топдим, сэр.

– Хўш, хўш?

Уильямсоннинг ранги бўздек оқариб кетган эди. У нигоҳини қувноқ улфатлардан узмасди. Қизлари босиқ жилмайиб туришар, ўғли аллақандай латифани ҳикоя қиларди.

Уильямсон деди:

– Мен қабристонга ўтдим.

– Тўртта хочни кўрдингизми?

– Тўртта хочни кўрдим, сэр. Улар бус-бутун турибди. Хато қилмаслик учун мен уларни ёзиб олдим. – У оппоқ қоғоздаги номларни биттама-битта ўқий бошлади: – Алиса, Маргарет, Сьюзен ва Жон Хетэуэй. Номаълум вирусдан вафот топганлар. 2007, июль.

– Раҳмат, Уильямсон, – Уайлдер кўзларини юмди.

– Ўн тўққиз йил аввал, сэр, – Уильямсоннинг қўли титрарди.

– Ҳа.

– Ахир булар кимлар?

– Билмайман.

– Сиз ўзингизни нима қилмоқчисиз?

– Буни ҳам билмайман.

– Бошқаларга айтсак бўладими?

– Кейинроқ. Ҳеч нарса бўлмагандек овқатингизни еяверинг.

– Ортиқ бир луқма ҳам томоғимдан ўтмайди-ку, сэр.

Ракетадан келтирилган шароб билан қилинган нонушта тугади. Хетэуэй ўрнидан турди.

– Соғлигингиз учун. Дўстларим билан яна бирга бўлишдан хурсандман. Хотиним ва болаларим билан бирга бўлишдан ҳам. Уларсиз бу ерда мен танҳоликда ўлиб кетган бўлар эдим. Уларнинг астойдил қилган ғамхўрликлари туфайли мен бу ерда жон сақлаб қолдим ва сизларни кутиб олишга муяссар бўлдим.

У қадаҳни қўлида тутганча ўз оила аъзолари томонга ўгирилди. Улар хижолат ичида унга қараб турар эдилар, қадаҳ кўтарилганда эса улар бутунлай кўзларини ерга тикиб олишди.

Хетэуэй охиригача симирди. Ҳатто қичқиришга ҳам улгурмай, у юзтубан стол устига йиқилиб тушди-да, ерга ағдарилди. Бир қанча одам югуриб келди, уни тўғрилаб ётқизиб қўйишди. Врач эгилиб, юрагига қулоқ солди. Уайлдер врачнинг елкасидан туртди. У Уайлдерга қараб бошини чайқади. Уайлдер чўккалаб ўтирди-да, чолнинг қўлидан ушлади.

– Уайлдер? – Хетэуэйнинг овози базўр эшитиларди. – Мен нонуштангизни ҳаром қилдим-а?

– Қўяверинг.

– Мен учун Алиса ва болалар билан хайрлашиб қўйинг.

– Ҳозир уларни чақирай.

– Йўқ, йўқ, керак эмас! – нафаси бўғилиб шивирлади Хетэуэй. – Булар тушунмайдилар. Мен ҳам уларнинг тушунишларини истамайман! Керак эмас.

Уайлдер итоат қилди.

Хетэуэй жон берди.

Уайлдер анчагача унинг олдидан жилмади. Ниҳоят ўрнидан турди-да, Хетэуэйни қуршаб олган ҳаяжонли одамлар олдидан нари кетди. У Алисанинг олдига борди, унинг юзига қараб деди:

– Нима бўлганини биласизми?

– Эримга бир нарса бўлдими?

– У ҳозир жон берди: юрак. – Уайлдер аёлнинг юзига разм солиб тикилиб турарди.

– Жуда чакки бўлибди, – деди Алиса.

– Юрагингиз ачимаяптими? – сўради Уайлдер.

– У бизнинг қайғуга ботишимизни истамасди. У қачондир шундай бўлишини бизга олдиндан айтиб қўйганди ва йиғламасликни буюрганди. Биласизми, у ҳатто бизни йиғлашга ҳам ўргатмаганди, йиғлай олишимизни истамасди. Одам учун энг ёмон нарса ёлғизликни англаш, ғам ва кўз ёши қилишни билиш дерди. Шунинг учун биз кўз ёш тўкиш ва қайғу деган нарсаларни билмаслигимиз керак.

Уайлдер унинг юмшоқ, иссиқ қўлларига, чиройли пардозланган тирноқларига, нозик панжасига разм солди. Ингичка, оппоқ, узун бўйнига ва доно кўзларига қаради. Охири деди:

– Мистер Хетэуэй сиз ва болаларни ажойиб қилиб дунёга келтирган.

– Бу сўзларингиздан у роса суюнган бўларди. У биздан фахрланарди. Кейин эса ҳатто бизни дунёга келтирганини ҳам унутиб юборганди. Бизни севиб қолган, ҳақиқий хотини ва болалари деб биларди. Маълум маънода ўзи шундай ҳам.

– Сиз билан у ўзини енгил ҳис этарди.

– Ҳа, йилдан-йилга биз бирга ўтириб, суҳбатлашар эдик. У суҳбатлашишни яхши кўрарди. Тош кулбамизни ва каминимизни яхши кўрарди. Шаҳардаги ҳақиқий уйимизга бориб жойлашсак ҳам бўларди. Бироқ у бу ерни жонидан яхши кўрарди, бу ерда у гоҳ жўн, гоҳ замонавий тарзда ҳаёт кечиришни мумкин бўларди. У менга ўзининг лабораторияси ва у ерда қилган ҳар хил нарсалари тўғрисида сўзлаб берарди. Бу ташландиқ Америка шаҳрини у бошдан-оёқ пастдан овоз кучайтиргич билан таъминлаб чиққанди. Тугмачани босди, тамом – ҳамма жойда чироқлар ёнади ва худди унда ўн минг одам бордек шаҳар шовқинига тўлиб-тошади. Самолётлар, автомашиналарнинг гувиллашлари, одамларнинг ғовур-ғувурлари эшитилади. У бўлса ўтириб оларди-да, сигара тортарди ва биз билан гаплашаверарди, пастдан эса шаҳар шовқини эшитилиб турарди. Гоҳо телефон жиринглаб қоларди ва тасмага ёзиб олинган овоз мистер Хетэуэйдан турли илмий ва жарроҳлик масалалари бўйича маслаҳат сўрарди, у жавоб қайтарарди. Телефоң овозлари ҳам, биз ҳам, шаҳар шовқини ҳам, сигара ҳам – мистер Хетэуэй ҳам ғоятда бахтли ҳис қилардик ўзимизни. Унинг қўлидан фақат биргина нарса келмасди – бизни кексайтира ололмасди. Ўзи кун сайин қариб борарди, биз эса ўша-ўша ёш бўлиб тураверардик. Аммо менга шундай туюлардики, бу уни унчалик безовта қилмасди. Ҳаттоки ўзи шуни хоҳларди деб ўйлардим мен.

– Биз уни пастда тўртта хоч турган жойдаги қабрга дафн этамиз. Менимча, бу унинг хоҳишига жавоб беради.

Аёл аста унинг панжасига қўл теккизиб қўйди.

– Менинг бунга ишончим комил.

Капитан ишга киришиб кетди. Кичкина маросим ўтказиш учун тепалик этаги томон юриб кетди; оила унинг ортидан йўлга тушди. Икки одам Хетэуэйни усти ёпилган замбилда кўтариб кетди. Улар тош кулба ёнидан ўтишди, сўнг Хетэуэй кўп йиллар муқаддам ўз ишини бошлаган сарой ёнидан юриб ўтишди. Уайлдер шу устахона эшиги ёнида бир оз тараддудланди. Бу сайёрада хотини ва учала фарзанди билан яшаса-да, бирданига сени шамол ва жимжитлик билан танҳо қолдириб, улар ўлиб кетишса, шу ҳам иш бўлдими? – деб сўради у ўзидан, – бундай аҳволда инсон нима қилиши керак бўлади? У ўлганларни қабрга жойлаштиради, хоч қўяди, сўнг ақл ва хотира кучини, қўлининг чаққонлигини ва топқирликни ёрдамга чақириб, устахонага келади-да, кейинчалик унинг хотини, ўғли, қизлари бўлган нарсани заррама-зарра тўплай бошлайди. Тоғ тагидан барча зарур нарсаларни топиш мумкин бўлган Америка шаҳри бўлганда, ақли расо одам, ҳар қалай, ўзи хоҳлаган нарсани ярата олади-да.

Уларнинг қадам товушларини қум ютиб юбормоқда эди. Улар келганида қабристонда икки одам аллақачон қабрни кавлаб бўлаётган эди.

Улар оқшомга яқин ракета олдига қайтиб келишди.

Уильямсон бошини ирғаб тош кулбага ишора қилди.

– Уларни нима қиламиз?

– Билмадим, – деди капитан.

– Балки уларни ўчириб қўярсиз.

– Ўчириб? – капитан бир оз таажжубланди. – Бу менинг хаёлимга ҳам келмаган эди.

– Ахир сиз уларни ўзингиз билан олиб кетолмайсиз-ку?

– Йўқ, уларни бошқайта ураманми?

– Наҳотки сиз уларни шу ерда, қандай бўлса шундайлигича қолдирмоқчи бўлсангиз?

Капитан Уильямсон тўппончани узатди.

– Агар бирор нарса қўлингиздан келса, сиз мендан кучлироқсиз.

Беш дақиқадан сўнг Уильямсон бошдан-оёқ терга ботганича кулбадан қайтиб келди.

– Манг, олинг тўппончангизни. Энди мен сизни тушундим. Мен уларнинг олдига қўлимда тўппонча билан кириб бордим, қизлардан бири менга жилмайди. Кампирлари ҳам. Хотини менга чой тутди. Эй худо, бу бориб турган қотиллик бўлар эди-ку!

Уайлдер бош ирғади.

– Инсон бундай мукаммал нарсаларни бошқа ҳеч қачон ярата олмайди. Улар узоқ умр кўриш учун яратилган. – Ўн, эллик, минг йил. Ана шунақа... Уларнинг яшашга... яшашга биздан ҳақлари бирмунча кам эмас. Мендан ҳам, ҳар биримиздан ҳам. – У трубкасидан кулни қоқиб туширди. – Майли, бортга чиқинглар. Парвозни давом этамиз. Бу шаҳар бари бир ҳалок бўлган, у биз учун ярамсиз.

Қуёш ботди. Муздек шамол эсди. Бутун экипаж бортга чиқиб олган эди.

Капитан имиллаярди. Уильямсон сўради:

– Сиз тушиб кетишга... э-э, улар билан хайрлашишга шошилмаяпсизми? Капитан Уильямсонга совуқ қараб қўйди.

– Бу менинг ишим.

Уайлдер осмон шамолига юзма-юз тоғ томон одимлаб кетди. Фазогирлар уйнинг қораси кулба

девори ичида ғойиб бўлганини кўриб туришарди. Улар аёл соясини ҳам кўришди. Улар командирнинг аёл қўлини сиқиб қўйганини ҳам кўришди.

## АВГУСТ 2026 ЁҚИМЛИ ЁМҒИР ЁҒАДИ

Меҳмонхона бўлмада гўё биров эшитмай қолишидан қўрққандай гапирувчи соатлар тинмай: «чиқ-чиқ, етти бўлди, тонг отди, туринг ўрнингиздан!» деб қўшиқ айтар эди. Эрталабки сукунат чулғаган уй ҳувиллаб турарди. Соат эса ҳамон чиқиллар ва бўшлиқ томон нуқул ўзининг севган қўшиғини таратар эди: «саккиздан ўн дақиқа ўтди, нонушта қилиш вақти етди, саккиздан ўн дақиқа ўтди!»

Ошхонада печка чийиллаб уҳ тортди ва унинг лангиллаган қорни ичидан саккизта обдан қиздирилган қадах, тўртта сариғи аралаштирилмаган тухум, ўн олти бўлак чўчқа ёғи, икки чашка қаҳва ва икки стакан муздек сутни уфуриб ташлади.

– Бугун Калифорния штатининг Эллендейл шаҳрида икки минг йигирма олтинчи йил, тўртинчи август, – деди ошхона шифтидан бошқа бир овоз. – Бугун мистер Фезерстоунинг туғилган куни. Тилита тўйининг бир йиллиги. Суғурта бадалини тўлаш вақти етти. Сув, газ, чироқ пулларини ҳам тўлаб қўйиш керак.

Деворнинг аллақаеридадир бир реле шиқирлади, электр кўзлар олдида хотира тасмалари сизиб чиқа бошлади.

«Саккизу бир, чиқ-чиқ, саккизу бир, ишга бориш керак, мактабга бориш керак, бўла қолинглар, чаққон-чаққон, саккизу бир!» Бироқ эшиклар очилиб-ёпилмас, гиламларда резина

пошналарнинг юмшоқ, одимлаган товуши қулоққа чалинмайди.

Танқарида ёмғир ёғарди. Танқи эшикдаги метеоқутича оҳиста қўшиқ куйларди: «Ёмғир ёғар кун бўйи, Иссиқроқ кийининг энди!» Ёмғир томчилари ҳувиллаган уй томини ҳамон ноғора қилиб чертарди.

Ҳовлидаги гараж эшиги қаттиқ ғийқиллади, кўтарилиб очилаётган эшик ортидан чиқишга ҳозир турган автомашина кўринди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас эшик яна асл ҳолатига қайтди.

Саккизу ўттиз дақиқада тухумлар бужмайиб қолди, қадаҳлар эса тошга айланди. Алюмин белкуракча уларни чанқоқча итаргач, у ердан ғижимлаган қайноқ сув уларни меъёрда буғлаб думалатиб келди, буғ уларнинг қолдиқларини эритиб юборар ва канализация орқали узоқ денгизга элтиб ташларди. Ошпаз юқори чиқинди ювинди идишга шўнғир ва аппаратнинг ичидан сувиб, ташқарига чиқиб келарди.

«Тўққизу ўн беш, — қуйилади овози, — суғуриб ташлаш вақти етди».

Девордаги уячалардан митти робот сичқонлар тўкилди. Барча хоналарда маъдан ва резинадан ясалган жонсарак фаррошлар ғимирлар эди. Улар ўзларини оромкурсиларга шарақлаб уриб олар, туклдор ғўлачаларини айлантирар, гилам патиларини ҳурпайтирар, ичидан чангларини оҳиста сўриб олар эдилар. Сўнг бамисоли кимсасиз келгиндилар каби бир-бир ўз гўшаларига кириб, кўздан ғойиб бўлдилар. Уларнинг қизил электр кўзлари сўнди. Уй чиннидай топ-тоза бўлиб қолганди.

Соат тўққиз. Ёмғир пардасини суриб, қуёш мўралади. Харобазор ва култепалар орасида

ёлғиз уй қуққайиб турарди. Бутун шаҳарда шу уйгина омон қолганди. Ҳар куни тунда вайрон бўлган шаҳарнинг ўзидан чиқараётган радиоактив нурлари бир неча мил узоқдан ҳам кўзга ташланиб турарди.

Ўну ўн беш дақиқа. Боғдаги чанглаткичлар тилларанг фавворалар отиб, эрталабки енгил ҳавони жимжимадор сув мунчоқлари мавжларига тўлдирди. Дераза ойналаридан сув жилғалари оқиб туша бошлади, сўнг сиртидаги оқ бўёқ паққос куйиб кетган эгма ғарбий девор бўйлаб жилдирай кетди. Беш жойдаги ола-чалпоқни айтмаса, бутун ғарбий девор қоп-қора тусда эди. Ана, бўёқ майса ўргич ускунани думалатиб кетаётган эркак қиёфасига кирди. Ана, худди фотосуратдагидек, бир аёл гул узгани энгашиб турибди. Ундан нарида – биргина улкан лаҳзада ёғочда куйиб қотиб қолган яна бир қанча қиёфалар... Болакай қўлларини юқорига силтаб кўтарди, ундан юқорида иргитилган копток шакли қотиб қолди; болакайнинг рўпарасида бир қиз коптокни тутмоқчи бўлиб қўлларини баланд кўтарган, аммо копток пастга тушмай, ҳавода муаллақ қолиб кетган.

Фақат бешта бўёқ доғи бор – эркак, аёл, болалар ва копток. Қолган барчаси – ёғоч кўмирнинг юпқа қатлами, холос.

Чанглаткичдан ёғаётган сокин ёмғир боғни тўкилиб тушаётган нур учқунлари билан тўлдирди...

Шу кунгача уй ўз тинчлигини қанчалик мустаҳкам сақлаб келган-а! «Ким у? Ўзингизни танитинг!» дея у нечоғлик ҳушёрлик билан сўраб-суриштирмаган! Ёлғиз тулкилардан ва шикоятнамо миёвлаган мушуклардан тегишли жавоб

ололмагач, қарниқиз шиддати илa деразаларни қарсиллатиб ёпмаган ва пардаларни силкиб туширмаган. Жиннилик билан чегарадош бўлган муҳофазакорлик – гоҳо механизмларда ҳам параноййа дарди учраб туради-да.

Бу уй ҳар бир товушдан титраб тушар эди. Чумчуқ ногаҳон қаноти билан деразага тегиб кетдими, ўша заҳоти парда қаттиқ шатирлаб кетар ва юраги ёрилган қуш орқа-олдига қарамай қочар эди. Ҳеч ким – ҳатто чумчуқ ҳам – уйга тегишга ботинолмасди!

Уй мингла6 катта ва кичик роҳибларy югурдаклари бўлган ибодатхона эди, улар тоат-ибодат қилар, жўрликда диний қўшиқ айтар эдилар. Бироқ маъбудлар ғойиб бўлган, маросим эса мантиқсиз ва маъносиз бир ҳолда давом этарди.

Ўн икки.

Катта эшик ёнида чўчиб тушган кўппак ириллаб қўйди.

Эшик ит товушини дарҳол билди ва очилди. Бир вақтлар соғлом, тўқ яшаган, энди эса шарти кетиб, парти қолган, туллак кўппак ортидан ифлос излар қолдириб ичкарига югуриб кирди. Унинг орқасидан безовта қилишгани, уйни яна супуриб-сидиришга мажбур қилишганидан зардалари қайнаб дарғазаб сичқонлар куймалашиб қолишди!

Эшик тагидаги тирқишдан ичкарига бир кичкинагина чанг зарраси кирди демагунча девор панеллари аста кўтарилардида, кўз очиб юмгунча у ердан маъдан фаррошлар сакраб-сакраб етиб келар эдилар. Миттигина пўлат жағлар тутиб олган журъаткор қоғоз парчаси, чанг зарраси ёки бир тола тук деворларда кўздан йўқоларди. У ердан қувурлар орқали ахлат тагхонага,

ахлат куйдириш машинасининг гувиллаган қорнига бориб тушарди. Ахлат куйдириш машинаси бамисоли даҳшатли даррандадай қоронғи бурчакда чўнқайиб турарди.

Кўппак юқорига қараб чопиб борар экан, бу ерда ўлик сукунатдан бошқа ҳеч зоғ йўқлигини англамаган ҳолда – уй эса буни аллақачон англаб етганди – ҳар бир эшик рўпарасида ўчакишиб акиллярди.

У ҳидланди-да, ошхона эшигини тирнади, сўнг ҳидлашини тўхтатмай эшик ёнида ётиб олди. Эшикнинг нариги томонидаги печкада чалпак пишмоқда эди, ундан бутун уйга ёқимли, қарағай қиёмининг иштаҳани қитиқлайдиган ва тўйимли ҳиди анқимоқда эди.

Кўппакнинг оғзи кўпикка тўлди, кўзлари ўт бўлиб чақнади. У сапчиб оёққа турди, думини тишлаб гир айланди, жон талвасасида типирчилади-да, тарракдай қотди-қолди. Шу алпозда у меҳмонхона бўлмасида бир соатча ётди.

Соат икки, – куйлади овоз...

Ниҳоят куйган нарсанинг билинар-билинмас ҳидини олиб, уялардан худди электр елпиғичи учирган қовжироқ япроқлардек сичқонлар галаси енгил ва шиддат ила визиллаб отилиб чиқди.

Иккию ўн беш дақиқа.

Кўппак ғойиб бўлди.

Тагхонадаги ахлат печкаси бехос аланга ялиғидан ёришиб кетди ва мўридан юқорига қараб учқунлар шиддат билан кўтарилди.

Иккию ўттиз беш дақиқа.

Ички саҳн деворларидан қартавозлар столлари сакраб чиқди. Кўзойнаклари йилт-йилт қилиб, қарталар жой-жойига учиб кетди. Дуб пештахтада коктейллар ва тухумли сендвичлар пайдо бўлди. Мусиқа янгради.

Бироқ столлар сукут сақларди ва ҳеч ким карталарга қўл урмади.

Реппа-роса тўртда худди улкан капалаклардек столлар тахланди-да, яна деворлар ичига кириб кетди.

Соат тўрт ярим.

Болалар хонасининг деворлари ёришиб кетди.

Уларда ҳайвонлар пайдо бўлди: сариқ жирафалар, зангори арслонлар, қизил газоллар, гулобий қоплонлар – барчалари биллур тўшами узра сакрар эдилар. Деворлар шишадан бўлиб, тасаввурдаги бўёқ ва ўйинларни ўзида яхши акс эттирарди. Пинҳоний кинотасмалар тишлар бўйлаб ғалтакдан ғалтакка сузиб ўта бошлади ва деворлар жонланди. Хона поли шамолдан тўлқинланаётган экин даласи мисол чайқаларди, ундан алюмин суваракмар ва темир чирилдоқлар югура бошлади, жазирама тинч ҳавода, ҳайвон изларининг ҳиди ичида ғоятда нафис қизил матодан ясалган капалаклар учар эди! Темирчи босқонининг сим-сиёҳ қаърида ғивирлаётган асаларилар галаси овозига ўхшаш ғўнғиллаш эшитилди. Ортидан ўлжа еб тўйган арслоннинг эринчоқлик билан ириллаши келди. Окапи[3] туёқларининг товуши ва сийрак майсаларнинг нозик пояларига келиб тушаётган муздек ёмғир шатири қулоққа чалинди. Ана, деворлар эрий бошлади, қуёшнинг олов селига кўмилган ўтлоқзорлар ва тубсиз жазирама осмоннинг бепоён кенгликларига сингиб кетди. Ҳайвонлар тиконли тўқайлар ва сувлоқлар бўйлаб ёйилди.

Болалар учун эшиттириш вақти бўлди.

Соат беш. Ҳаммом шаффоф қайноқ сувга тўлди.

---

[3] Окапи – қўштуёқлилар оиласига кирувчи.

Соат олти, етти, саккиз бўлди. Тушлик солинган идишлар ғаройиб қилиқлар кўрсатди, сўнг хонада нимадир ширқ этди ва жонга ҳузур берувчи олов ёниб турган камин олдидаги темир штативда ногаҳон юмшоқ кулранг кулдан қалпоқ кийган кашанда сигара пайдо бўлди.

Соат ўн. Кўзга кўринмас симлар чойшабни иситди – бу ер тунлари совуқ бўларди.

Соат тўққиздан беш дақиқа ўтди. Хона шифтидан овоз келди:

– Миссис Макллеллан, бугун қайси шеърни эшитгингиз келяпти?

Уй сукутда.

Охири овоз деди:

– Ҳеч бир хоҳиш изҳор қилмаганингиз учун мен ўзим таваккал қиламан.

Жўрликда чалинган оҳиста мусиқа янграйди.

– Сара Тисдейл. Агар янглишмасам, сиз севган шеър.

*Ёқимли ёмғир ёғиб, анқийди тупроқ ҳиди,*
*Тонгдан тонггача чаққон читтак*
*тинмай сайрайди.*
*Анҳорларда бақалар қуриллайди ҳар кеча,*
*Саъвалар хониш қилар дам ҳам олмасдан пича.*
*Оқ кўпикли боғларда олча гуллари лов-лов,*
*Деворлардан кўчага гўё отилар олов.*
*Урушни аммо ҳеч ким, ҳеч ким эсламас бу он,*
*Ётган илонни қўзғаш келтирар фақат зиён.*
*Ер юзида одамзот насли қуруб бўлса гар*
*На қушча, на мажнунтол қатра кўз ёши тўкар.*
*Баҳор... ҳа, Баҳор фасли янги тонгни кутади,*
*Билмайдики, бизлар йўқ, умри зое ўтади.*

Каминда сўниб бораётган олов лип-лип қиларди, сигара унсиз кулга айланиб тўкилиб тушар-

ди. Гунг деворлар орасида бир-бирига қарама-қарши икки оромкурси турибди, мусиқа ҳамон янграрди.

Соат ўнда талваса бошланади.

Шамол эсди. Дарахтдан синиб тушган қуруқ буток ошхона деразасига тақалиб қолди. Доғ кетказгич эритмали шиша плитага урилиб чил-чил бўлди. Бир лаҳзада бутун ошхона олов ичида қолди!

– Ёнғин! – қичқириқ эшитилди. Чироқлар лип-лип қиларди, насослардан, таранг тортилган шифтлардан сувлар тизиллаб отилди. Бироқ суюқ ёнилғи линолиум бўйлаб ёйилиб кетди, у сингди-да, эшик тагига шўнғиди ва ортидан талай одамлар жўрликда куйлаб юборди:

– Ёнғин! Ёнғин! Ёнғин!

Уй бардош беришга уринарди. Эшиклар зич ёпилиб қолди, бироқ дераза ойналари иссиққа чидолмай отилиб кетди ва шамол оловни гуриллатиб юборди.

Олов тазйиқи остида ўн миллиардлаб дарғазаб учқун сурбетларча ёвузлик ила хонадан-хонага учиб кирар ва зинапоядан юқорига кўтарилларди, уй чекина бошлади.

Ҳамон деворлардан йўрғалаганча саросимали сув каламушлари чиқиб келмоқда эди ва яна сув олиб келгани изларига қайтар эдилар. Девор чанглатгичлар ҳам механик ёмғир сингчларини ҳавога кўтаришди. Аммо кеч эди. Аллақаерда оғир уҳ тортиб, елкаларини керган кўйи насос қотиб қолди. Олов билан олишаётган ёмғир тинди. Неча кунлардан бери ҳаммомлар ва идиш ювиш хоналарини таъминлаб келган захира қозондаги сув тугаб бўлганди.

Зиналарни бирин-кетин ямлаганча олов чарсчурс қиларди. Юқоридаги хоналарда у мечкай

Чала ёнган ва ёнаётган тўсинлар тўкилиб тушгунига қадар бир сония қолганда ошхонада печка ақл бовар қилмас тезликда нонушталар тайёрларди: ўнта тухум, олтита батон, икки юз бўлак чўчқа ёғи – шулар барини олов битта қўймай ямлар, ҳансираётган печкани яна ва яна жазавага тушиб овқат пиширишга мажбур қиларди.

Гумбур. Чордоқ ошхона ва меҳмонхона бўлмасига қулаб тушди, меҳмонхона бўлмаси биринчи қаватга, биринчи қават таглонасига ястланди-қўйди. Музлаткичлар, оромкурсилар, фильмли ўрамалар, караватлар, электр асбоблари – ҳаммаси букилиб-эгилиб пастга қулаб тушди.

Дуд ва сукунат. Тутун буруқсиб кўтариларди.

Шарқдан аста тонг отиб келарди. Харобалар орасида биттаю битта девор бутун сақланиб қолганди. Шу девор ичидан сўнгги танҳо овоз гапирар эди, қуёш тутаб ётган синиқ ва бўлакларни аллақачон эритганига қарамай у ҳамон такрорлар эди;

– Бугун 2026 йил 5 август, бугун 2026 йил 5 август, бугун...

## ОКТЯБРЬ 2026 МАРСДАГИ ТАЪТИЛ

Нимагадир бу фикрни онам айтди: «Бутун оила балиқ овига бормаймизми?» Сирасини айтганда, бу сўзлар ойимники эмасди, Тимоти буни жуда яхши биларди. Бу гаплар дадамники эди, аммо нимагадир уларни дадам эмас, унинг ўрнига ойим айтди.

Шақирлаган марс шағали устида оғирлигини у оёғидан бу оёғига солиб турган дадам рози бўлди. Ҳаммамиз қийқириб юбордик, кўз очиб-юмгунча лагер йиғиштирилди, ҳамма нарса капсула ва

контейнерларга жойланди, ойим сафар комбинезонини ва курткасини кийди, унинг бир кўзи марс осмонида эди, титроқ қўллари билан трубкани тўлдирди ва учала бола шодон қийқирганча моторли қайиқ томон отилдик – учала ўғилдан фақат Тимотигина тинмай дадам билан ойимга қарар эди.

Ойим тугмачани босди. Осмонга гувиллаган товуш ўрлади. Тумшуқ томондаги сув орқага отилди, қайиқ эса дўстона «ура» қичқириқлари остида олға интилди.

Тимоти қайиқ тумшуғида отам билан бирга ўтириб олган, ингичка бармоқлари отамнинг сертук қўли устида. Қазиб текисланган майдонча канал муюлишининг ортида кўздан йўқолди, улар Ердан учиб келган узоқ парвозлардан сўнг ўғилларининг мўъжизакона оилавий ракеталарида шу ерга келиб қўнган эдилар. Учиш арафасидаги тунни, шошилинч ва тўс-тўполонни, отаси қандайдир йўл билан топиб келган ракетани, дам олишни Марсга учишлари ҳақидаги суҳбатларини эслади у. Таътил учун жуда олислик қиларди-ю; бироқ Тимоти чурқ этмади, чунки у ерда укачалари ҳам бор эди-да. Улар Марсга омон-эсон етиб келишди ва ўша жойдан улар бугун балиқ овига йўл олишди.

Қайиқ каналда учиб борарди... Бугун дадамнинг кўзлари бежороқ эди. Нима бўлганини Тимотининг ҳеч ақли етмасди. Унинг кўзлари чарақларди ва уларда қандайдир енгиллик борга ўхшармиди-ей. Бундан эса чуқур ажинлар ҳўмрайиб ва ғамга ботиб эмас, аксинча, кулиб турар эди.

Каналда янги муюлиш – қотиб турган ракета ҳам кўздан йўқолди.

– Узоққа борамизми?

Роберт қўли билан сувни шалоплатди – гўё бинафшаранг сатҳда жажжи краб сакрагандай.

Отам хўрсинди:

– Миллион йил муқаддамга.

– Ана, холос! – ҳайрон бўлди Роберт.

– Қаранглар, болалар! – ойим узун эгилувчан қўлини кўтарди. – Ўлик шаҳар.

Улар сеҳрлангандек ўлик шаҳарга тикилишди, шаҳар эса уларнинг ўзларигина учун тегишли қирғоқда ҳаётсиз ястаниб ётар, Марс эса метеорологлар санъати билан ҳадя этилган жазирама сокин ёз қўйнида мудрар эди.

Дадамнинг юзида шаҳарнинг ўликлигидан суюнгандек хушнудлик ифодаси ўйнарди.

Шаҳар: қумлоқ тоғ ёнбағрида ухлаб ётган қизил қояларнинг бетартиб уюми, бир неча йиқилган устун, ташландиқ зиёратгоҳ, ундан нарида – яна қум, яна қум, милма-мил давом этиб кетаверади... Канал атрофида оқ чўл, унинг устида мовий чўл.

Тўсатдан қирғоқ томондан қуш учиб чиқди. Худди биров отган тошдай мовий ҳовуз устидан ошиб ўтди-да, сувга тушиб, кўздан ғойиб бўлди.

Ваҳимадан ҳатто дадамнинг юзи ўзгариб кетди.

– Менга бу ракетага ўхшаб кетди.

Тимоти Ерни, урушни, вайрон бўлган шаҳарни, бир-бирини ўлдирган одамларни (ўзи ҳисоб қилганча) кўришга ҳаракат қилиб, осмон қаърига тикилади. Аммо ҳеч нарса кўрмади. Уруш шу қадар олисда ва мавҳум эдики, гўё улкан ва хувиллаган жоме қуббаси остида ҳаёт-мамот жанги қилаётган икки пашшага ўхшарди. Бемаънилиги эса бундан-да беш баттар эди.

Уильям Томас пешонасидан терни сидирди ва қўлида ўғлининг ўргимчак панжасидек енгил

бармоғини ҳис қилиб сесканиб тушди. У ўғлига қараб жилмайди:

– Хўш, анави қандай экан, Томми?

– Зўр, дада.

Тимоти ёнида турган улкан, катта ёшдаги бу ускунада нималар содир бўлаётганини яхши тушунолмади. Офтоб урганидан пўст ташлаб юборган катта қирғий бурунли, тош зўлдирни эсга солувчи кўм-кўк кўзли (бу зўлдирларни у Ердалигида ўйнамак учун ўйнар эди), кенг брижка ичига яширинган қудратли устунсимон оёқли бу одамда нималар бўлаётганидан у бехабар.

– Нимага бунча тикилиб қараб қолдингиз, дада?

– Мен ер мантиқини, соғлом фикрни, оқилона ҳукмронликни, тинчлик ва масъулиятни қидираётган эдим.

– Хўш, топдингизми?

– Йўқ. Топмадим. Улар энди Ерда йўқ. Бундан кейин ҳам ҳеч қачон бўлмайди. Биз ўз-ўзимизни алдаб юрган эканмиз, чамамда, аслида бия ўзи йўқ нарсани қидирар эканмиз.

– Нега бундай дейсиз?

– Қара, қара, ҳов ана балиқ, – кўрсатди отам.

Учала бола қийқириб юборди ва қайиқ бир ёнга қийшайди, улар балиқни кўришга ошиқиб, ингичка бўйинларини чўзганча пастга энгашишди.

– Вой-бўй, ановини қаранглар!

Кумушранг ҳалқа балиқ ёнгиналаридан бил-танглаган ва бир лаҳза ичига егулик хўрак тушиб қолган қорачиқдек қисилган ҳолда сузиб ўтиб кетди.

– Худди урушникига ўхшаб-а, – ғудраниб деди отам. – Уруш сузаётти, хўракни кўраётти, қисмаятти. Қарабсанки, Ердан нома-нишон йўқ.

– Уильям, – деди онам.

– Кечир.

Улар жим бўлиб қолишди, қаршида эса каналнинг муздай зилол суви шиддат билан оқарди. Чор-атрофда тиқ этган товуш йўқ, фақат моторнинг гувиллаши, сувнинг шалоплаши, қуёшдан буғланган ҳаво оқимигина бор, холос.

– Қизиқ, марсликларни қачон кўрамиз? – сўради Майкл.

– Тез орада, – уни ишонтириб деди ота. – Балки кечқурун кўрармиз.

– Марсликлар битта қолмай қирилиб кетган-ку, – деди ойим.

– Йўқ, қирилиб кетишмаган, – анчадан кейин жавоб берди дадам. – Мен сизларга марсликларни кўрсатаман, бу аниқ.

Тимоти лунжини осилтирди, бироқ ҳеч нима демади. Ҳаммаси қандайдир ғалати эди. Таътил ҳам, балиқ ови ҳам, катталарнинг бир-бирига қараб олишлари ҳам.

Унинг укалари эса марсликларни томоша қилмоқчи бўлиб каналнинг икки метрли тош деворига кафтлари тагидан кўз узмай тикилиб туришарди.

– Улар қанақа ўзи? – суриштирарди Майкл.

– Кўрганингда биласан, – отаси гўё кинноя қилди ва Тимоти унинг ёноқлари учаётганини пайқади.

Онаси ғоятда нозик ва мўрт эди, заррин сочларини бошига фиръавнлар бош кийими – тиарадай ташлаб олган, кўзлари эса каналнинг соядаги чуқур муздек суви рангига ўхшаб, ёқут холчалари бўлган қарийб қирмизи тусда. Унинг кўзларида балиқдай гоҳ ёрқин, гоҳ хира, бирлари тез, яшиндай, бирлари секин, имиллаб сузаётга-

нини кўриш мумкин эди, ғоҳида эса – дейлик, аёл осмонга, Ер бўлмаган жойга қараганида, кўзларида ҳеч нима бўлмасди, фақат ранг бўларди, холос... Она қайиқ тумшуғида ўтирарди, бир қўлини бортга, иккинчисини шимининг дазмолланган жойига қўйиб олган, офтобда куйган юмшоқ бўйин чизиғи оқ гулга ўхшаган ёқа очилган жойга бориб уланар эди.

Она ҳамма вақт олдинга қарарди, ниманидир илғамоқчи бўларди, аммо илғаёлмай эри томонга ўгириларди; эрининг кўзларида у олдиндаги нарсанинг аксини кўрди, эри эса бу аксга ўзидан нимадир бир нарсани, қатъий аҳди қарорини қўшди ва унинг юзидаги кескинлик камайди, аёл яна олдинга ўгирилиб олди, бу сафар нимани излаш кераклигини билиб, хотиржам тикила бошлади.

Тимоти ҳам тикилар эди. Бироқ у кенг текис водийнинг ўртасидаги бинафшаранг каналнинг ўқдай тик чизиғини кўриб турарди, водий сув ювган пастқам тепаликлар билан қуршалган эди. Чизиқ осмон чеккасидан нарига чиқиб кетарди ва канал тобора нарига, яна ҳам нарига, худди бир силкитсанг қуруқ бош чаноғидаги кўнғизчалар каби жангирлаб тўкилиб тушгудек шаҳарлардан ҳам нарига чўзилиб кетганди. Иссиқ кун ва салқин тунларда ёз тушларини кўраётган юзта, икки юзта шаҳар...

Мана шу сайрни деб, мана шу балиқ овини деб улар миллионлаб мил узоқликдан учиб келдилар. Ракетада эса қурол бор эди. Таътилга кетдик эмиш! Мана, бу озиқ-овқатлар нечун – кам деганда роса бир йилга етади – уларни ракетанинг шундоқ ёнгинасига ғамлаб қўйишибди-ку, таътил эмиш! Аммо бу таътил ортида қувончли

табассум эмас, балки қандайдир шафқатсиз, қаттиқ, ҳатто қўрқинчли бир нарса яширинган. Тимоти ҳеч бу ёнғоқни чақолмади-чақолмади-да, укаларининг эса бу билан ишлари йўқ – ўн ёки саккиз ёшдаги болакайларнинг хаёлида нималар бўларди дейсиз?

– Э, қани марсликлар? Одамни жинини қилишади! – Роберт ияги учини кафтига қўйганча каналга тикилади.

Даданинг қўлида эскича ясалган бир атом радиоси бор эди: унинг бошини, қулоғи ёнини боссанг бўлди, радио бирор нарсани куйлаганча ёки гапиргунча айлана бошлайди. Дадам айни пайтда радиони тинглаб турарди ва унинг чеҳраси мана шу йўлдан марс шаҳарларидан бирига ўхшаб кетарди – туидамаган, ҳаётдан асар йўқ.

Сўнг у радиони онага узатди. Онанинг лаблари очилди.

– Нима ... – Тимоти савол бермоқчи бўлди-ю, гапини тугатолмади.

Чунки шу лаҳзада бирининг кетидан иккинчиси бўлиб иккита улкан портлаш уларни силкиб ташлади ва ганг-манг қилиб қўйди, кетидан яна кучсизроқ бир нечта портлаш содир бўлди.

Ота бошини орқага ташлади-да, тезликни оширди. Қайиқ сувни қаттиқ шалоплатган ва сакраган кўйи олға учиб кетди. Роберт дарҳол ўзини ўнглаб олди, Майкл эса қўрққанидан юраги ёрилгудек бўлиб чийиллади ва нақ бурни тагидан учиб ўтайтган оқимга қараганча онасининг оёқларига ёпишди.

Тезликни ошириб, ота қайиқни шиддат билан бурди ва улар эски кўшимча каналга, краблар қиди аниқиб турган эски ярим вайрона тош қирғоққа сузиб келишди. Қайиқ тумшуғини тош

қирғоққа шунақанги қаттиқ келиб урдики, ҳамма олдинга мункиб кетди, аммо ҳеч ким лат емади, ота эса уларнинг келиб тўхтаган жойини билдириб қўйиши мумкин бўлган қайиқнинг сувдаги изи қолмадимикан деб канал юзидан кўзини узмасди. Канал сатҳидан узун тўлқинчалар ёйилиб кетди, тош қирғоқдан бўса олиб, улар орқага қайтишди, қайтишда орқадан югуриб келаётганларни тутиб олишди-да, қуёшнинг жимжимадор нурлари остида бари чалкаш-чулкаш бўлиб кетди, сўнг мавжлар тиниб бўлди.

Дада қулоқ тутди. Улар барчаси қулоқ тутишди.

Отанинг нафаси бостирма тагида бўғиқ акс садо берарди, гўё муздек, намчил қирғоққа биров мушт тушираётгандек. Энди нима бўларкин дея ойи мушукдай кўзларини дадага тикканди.

Ота чуқур, енгил хўрсиниб қўйди-да, тиззасининг устидан қаҳ-қаҳ уриб қўйди.

– Ахир бу бизнинг ракетамиз-ку! Мен қандир ваҳмачи бўлиб қолибман-ку-да, бу ракетамиз.

– Бу нима эди ўзи, дадажон, – сўради Майкл, – нима эди ўзи бу?

– Ракетамизни портлатиб юборишди, бор-йўқ гап шу, – Тимоти шўхчан руҳда гапиришга уринди. – Ракеталар қандай портлашини ҳеч эшитмаганмисан? Бизникини ҳам портлатишди.

– Нега биз ракетамизни портлатамиз? – тиниб-тинчимасди Майкл. – Нимага, дадажон?

– Ўйинда шунақа бўлади, калламкаварам! – жавоб берди Тимоти.

– Ўйинда?! – Майкл билан Роберт бу сўзни жонларидан яхши кўришарди.

– У портлаши учун дадам атайлаб шундай қилганлар, қаерга келиб қўнганимизни ва қаёққа гумдон бўлганимизни ҳеч ким билмаслиги учун!

Борди-ю, биров бизни топиб олмоқчи бўлса, билдингми?

– Вой-бўй, сир-ку!

– Ўз ракетамиздан қўрқиб юрибмиз, – иқрор бўлди ота онага. – Асаблар! Бу ерда бошқа ракеталар пайдо бўлиб қолиши мумкинлигини ўйлаш ҳам кулгили. Яна битта ракета учиб келиши ҳеч гап эмас: агар Эдвардс хотини билан етиб келолса.

У яна митти приёмникни қулоғига тутди. Икки дақиқадан кейин унинг қўллари латтадай осилиб тушди.

– Бўлди, тамом, – деди онага. – Атом нуридаги станция ҳозиргина ишини тугаллади. Ернинг бошқа станциялари аллақачондан бери миқ этмайди. Сўнгги йилларда улар бор-йўғи икки-учтагина эди. Энди эфирда ўлик сукунат. Бу узоққа чўзилиши аниқ.

– Қанчага? – сўради Роберт.

– Эҳтимол... сизнинг чевараларингиз радио тинглашса керак, – жавоб берди ота. У бошини қуйи солиб ўтирар ва болалар унинг ичидан нималар ўтаётганини билиб туришарди: тақдирга тан бериш, афсус-надомат, итоаткорлик.

Сўнг у яна қайиқни катта каналга олиб чиқди ва улар йўлларида давом этишди.

Кеч кириб борарди. Қуёш уфққа бош қўя бошлаган; олдинда бирин-кетин ўлик шаҳарларястаниб ётарди.

Ота ўғиллари билан қувноқ, бир маромда гап сотар эди. Илгарилари у кўпинча қамгап, камсуқум, қўпол бўларди, энди эса – булар буни ҳис қилиб туришарди – дада сўзлар билан бамисоли уларнинг бошидан силамоқда эди.

– Майкл, шаҳар танла.

– Нима, дадажон?

– Шаҳар танла, тойчоғим. Йўлимизда дуч келган ҳар қандай шаҳарни танла.

– Бўпти, – деди Майкл. – Қандай танлайман?

– Ўзингга энг кўпроқ ёққанини. Роберт, сен ҳам, Тим, сен ҳам танла. Кўнглингизга мосини танлайверинглар.

– Мен марсликлари бўлган шаҳарни танлайман, – деди Майкл.

– Марсликлар бўлади, – жавоб берди ота. – Ваъда бераман, – унинг лаблари ўғилларига мурожаат қилса-да, кўзлари онада эди.

Йигирма дақиқа ичида улар олти шаҳарни ёқалаб ўтишди. Ота энди портлашлар ҳақида гап очмай қўйганди; энди гўё ўғилларининг кўнглини овлаш, уларнинг дилини хушлаш дунёдаги энг муҳим ишлардан бири бўлиб қолганди.

Майклга биринчи шаҳароқ ёқиб қолди, бироқ «шошган қиз эрга ёлчимас» деган мақолни эслашиб, уни бундан қайтаришди. Иккинчи шаҳар ҳеч кимнинг дидига мос келмади. Уни ерликлар қурганди, уйларнинг ёғоч деворларини қурт еб, пўк қилиб қўйганди. Учинчи шаҳар Тимотининг кўнглига хуш ёқиб қолди – катта экан! Тўртинчи ва бешинчи шаҳарлар ҳаммага кичкина бўлиб кўринди, аммо олтинчисини кўриб ҳамманинг, ҳатто оналарининг ҳам оғзи очилиб қолди, «Войбў!», «Зўр!», «Ана буни шаҳар дейди-да!» каби хитоблар янгради.

Шу ерда элликтача муҳташам бино бус-бутун сақланиб қолганди, кўчалари чангли бўлса-да, тош ётқизилган эди. Майдонлардаги икки-учта кўҳна фавворалардан ҳамон нам сизиб турар, ботаётган қуёш нурларида жимирлаб кўринган сув жилғалари бутун шаҳардаги ҳаётнинг ягона зуҳури эди.

– Шу ер, – бир овоздан деди ҳамма.

Ота қайиқни бандаргоҳга олиб келди-да, қирғоққа сакраб чиқди.

– Мана, келдик ҳам. Булар барчаси – бизники. Энди шу ерда яшаймиз!

– Яшаймиз? – Майкл шошиб деди. У шаҳарга қараганча оёққа турди, сўнг улар ракетани қолдирган томонга юзини ўгирди. – Ракета нима бўлади? Миннесота нима бўлади?

– Мана, – деди ота. У радиоприёмникни Майклнинг малларанг бошига тақади. – Тингла.

Майкл қулоқ сола бошлади.

– Ҳеч нарса йўқ, – деди у.

– Тўғри. Ҳеч нарса йўқ. Ҳеч нарса қолмаган. Ҳеч қанақа Миннеаполис, ҳеч қанақа ракета, ҳеч қанақа Ер қолмаган.

Майкл бу даҳшатли кашфиёт хусусида бир оз хаёл суриб турди-да, ғингшиб қўйди.

– Шошма, Майкл, – тараддуд билан деди ота. – Бунинг эвазига мен сенга кўпроқ нарса бераман.

– Нима? – қизиқувчанлик кўз ёшларини тўхтатиб қолди, бироқ агар отанинг бундан кейинги кашфиётлари аввалгисидай қайғули бўладиган бўлса, Майкл ҳозироқ ҳўнграб йиғлаб юборишга тайёр эди.

– Бу шаҳарни мен сенга инъом этаман, Майкл. У сеники.

– Меники?

Тимоти қайиқдан сакраб тушди.

– Қаранглар, йигитлар, баландга! Ҳа, яна ҳам баландга!

У отаси билан баравар ўйнарди, ўйнаганда ҳам қотириб ўйнарди, жонини жабборга бериб ўйнарди. Ҳамма нарса жойига тушиб, ўрнашиб олганларидан кейин у эҳтимол ўн дақиқага би-

рон хилватга боради-да, йиғлаб кўнглини бўшатиб олади. Бироқ ҳозир «оила таътилида» ўйинни кетаётир ва укалари ўйнаб олишлари керак.

Майкл ва Роберт қирғоққа сакраб чиқишди. Улар оналарининг ҳам бандаргоҳга чиқиб олишида ёрдамлашиб юборишди.

– Опачангизни эҳтиёт қилинг, – деди ота, фақат анчадан кейингина унинг нимани кўзда тутиб шундай деганини англаб етишди.

Шундай қилиб, улар шоша-пиша улкан қизил тош шаҳар томон юриб кетишди, улар шивирлаб гаплашар эдилар, ўлик шаҳарларда нимагадир шивирлаб гапиргинг, қуёш ботишини томоша қилгинг келади.

– Беш кундан кейин, – аста деди ота, – мен ракетамиз турган жойга қайтиб бораман ва ҳаробазорга беркитиб қўйган озуқаларни олиб оламан. Бир йўла хотини ва қизлари билан Берт Эдвардсни ҳам қидириб кўраман.

– Қизлари билан? – такрор сўради Тимоти. – Нечта улар?

– Тўртта.

– Бунинг охири вой бўлмаса деб қўрқаман-да, – аста бошини чайқаб деди она.

– Қизалоқлар, – Майкл марслик санамларининг тош ҳайкаллари юзини эрмак қилиб, афтини буриштирди. – Қизалоқлар.

– Улар ҳам ракетада учиб келишадими?

– Ҳа. Агар иложини топишолса. Оилавий ракеталар Ойга учишга мўлжалланган, Марсга эмас. Бизнинг бир омадимиз келди-да, бу ерга учиб келишда.

– Сиз ракетани қаердан олган эдингиз? – шивирлаб сўради Тимоти, қолган икки болакай олдинга чопиб кетишганди.

– Мен уни яшириб қўйган эдим. Йигирма йил яширдим, Тим. Яширдим-у, ҳеч қачон асқотмаса керак деб ўйладим. Уруш бошланганда давлатга топшириб юборишим керак эди, лекин мен ҳам доим Марс ҳақида ўйлардим...

– Сайр ҳақида ҳам!..

– Ҳа-да! Лекин бу гап иккаламизнинг орамизда қолсин. Ернинг умри битаётганини кўрдим-да, мен сўнгги дақиқани кута бошладим! – йўлга ҳозирлик кўра бошладим. Берт Эдвардс ҳам бир кемани яшириб қўйганди, борди-ю, кимдир бизни йўлдан уришга ҳаракат қилгудек бўлса, баравар учишни мўлжаллаб қўйгандик.

– Сиз нега уни портлатиб юбордингиз, дада?

– Ҳеч қачон қайтиб кетмаслигимиз учун, ҳеч қачон. Ёмон одамлар бир кун келиб Марсда пайдо бўлиб қолсалар, бизнинг бу ердалигимизни билмасликлари учун шундай қилдим.

– Шунинг учун ҳам сира осмондан кўз олмас экансиз-да?

– Албатта, бу аҳмоқлик. Ҳеч ким бизни таъқиб этолмайди. Ҳеч нимада учиб келиша олмайди улар. Мен ҳаддан ташқари эҳтиёткорман, ҳамма гап шунда.

Майкл югуриб қайтиб келди.

– Дадажон, ростданам бу шаҳар бизникими?

– Бутун сайёра бизга қарашли, болаларим. Бутунлай ва бутунича.

Уларнинг номлари энди қуйидагича эди – Қирлар ва дўнгликлар Қироли, Асосийлардан энг Биринчиси, Кўзга Ташланиб Турувчи Барча Кенгликлар Ҳукмдори, Бегуноҳ Монархлар ва Президентлар, бутун олам ҳукмдори деган гапнинг мағзини чақишга ҳаракат қилиш, ахир бу қанчалик кўп нарса – бутун олам-а!

Ҳавоси сийрак Марс атмосферасида тез қоронғи чўкмоқда эди. Отилиб турган фаввора ёнидаги майдонда оиласини қолдириб, ота қайиққа борди ва баҳайбат қўлларида бир қучоқ қоғозни кўтариб қайтиб келди.

Ташландиқ ҳовлида у китобларни бир жойга уйди-да, ёқиб юборди. Улар исиниганн гулхан атрофига чўнқайиб ўтирганча кулар эдилар, Тимоти эса олов ямлай бошлаганда саҳифаларнинг ҳуркқан ҳайвонлардай сакрашларини томоша қилларди. Қоғозлар қария терисидай бужмаяр, аланга ҳар томондан қуршаб келиб, сўзлар сафини тобора қисиб келар эди.

«Давлат облигациялари; 1999 йилги Тижорат статистикаси; Диний хурофотлар, эссе; Ҳарбий таъминот ҳақидаги фан; Панамерика бирлиги муаммолари, 1998 йил 3 июлдаги Биржа ахбороти; Ҳарбий тўплам...»

Ота айнан мана шу мақсадда атайлаб шу китобларни кўтариб келган эди. Мана, гулхан олдида ўтириб, у ҳузур қилиб бирин-кетин китобларни оловга ташлар ва гап нимадалигини болаларга уқтирар эди.

– Энди у-бу ҳақда ўйлайдиган вақтингиз келди. Эҳтимол, мен сизларни бундан қайтарганимда ноҳақ бўлгандирман. Билмадим, сизлар қанча нарсани тушунасизлар, аммо мен сизларга ҳамма нарсани очиқ айтишим керак, шундан юздан бирини англаб ололсангиз ҳам катта гап.

У бир варақ қоғозни оловга ташлади.

– Мен ҳаёт тарзини ёқаяпман – бу ҳозир Ер юзидан куйдириб йўқотилаётган ҳаёт тарзининг ўзидир. Сиёсатчига ўхшаб гапираётган бўлсам, мени маъзур тутасизлар, ахир мен штатнинг собиқ губернаториман-да. Мен ҳалол одам эдим ва

шунинг учун мени ёмон кўришарди. Бирон-бир жўяли иш қилиш учун Ердаги ҳаёт сира тўғри келмас эди. Фан ҳаддан ташқари тез ва ҳаддан ташқари узоқ илгарилаб кетганди ва одамлар машиналар ўрмони ичида адашиб қолган эдилар, улар худди болалардай ўйинчоқ нарсалар, бошқотирма механизмлар, вертолётлар, ракеталар билан андармон бўлиб қолгандилар. Кераки нарса билан ишлари йўқ эди, нуқул янгидан-янги машиналарни ўйлаб топар эдилар, уларни қандай бошқаришни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Урушлар тобора вайронгар бўлиб кетаверди ва охири Ернинг бошига етди. Радионинг жим бўлиб қолгани шундан. Бизнинг қочиб келганимиз шундан. Тангри ҳам омадимиз бор экан. Бошқа битта ҳам ракета қолмади. Биз асло балиқ тутгани келмаганимизни билиш вақти келди. Мен гапга солавердим, айтмасдим... Ер ҳалок бўлган. Сайёралараро алоқалар янгиланишидан олдин – агар улар янгилана олса – асрлар ўтар. Ўшандаги ҳаёт тарзи ўзининг яроқсизлигини кўрсатди ва ўзини ўзи бўғиб ўлдирди. Сизлар энди-энди яшай бошлаяпсизлар. То ўзлаштириб олмагунингизча мен булар барчасини сизларга кунда такрорлайвераман...

Гулханга яна қоғозларни ташлаш учун у гапдан тўхтади.

– Энди бизлар ёлғизмиз! Бизлар ва яна икки-уч кундан кейин учиб келадиган бир ҳовуч одамлар. Ҳаммасини бошидан бошлашга шу кифоя. Ердаги ҳамма нарса устига хоч қўйиш ва янги йўлдан бориш учун шу етарли...

Отанинг гапини тасдиқлагандек олов ёрқинроқ алангаланди. Ҳамма қоғозлар ёниб бўлганди, фақат битта қоғоз қолганди. Ернинг барча қонун

ва дилари ҳали замон шамол учириб кетадиган майда иссиқ кулга айланганди.

Тимоти дадаси гулханга ташлаган сўнгги варақка қаради. Жаҳон харитаси... У буралди, оловдан жингиртоб бўлди, кулга айланди ва тунги қора капалакдай учиб кетди. Тимоти юзини ўгирди.

– Энди мен сизларга марсликларни кўрсатаман, – деди ота. – Қани, туринглар. Сен ҳам, Алиса.

Ота унинг қўлидан тутди.

Майкл йиғлаб юборди, дадаси уни бағрига олди-да, олиб кетди. Харобазорлар ёнидан ўтиб, улар пастга, канал томонга йўл олишди.

Канал. Бу ерга эртага, ё бириси куни қайиқда уларнинг бўлажак хотинлари – дада ва ойилари билан қувноқ қизчалари келишади.

Тун бостириб келди, кўкка юлдузлар сочилди. Аммо Тимоти Ерни топа олмади. У ботиб кетганди. Буни ўйламасдан бўлармиди...

Харобазорлар орасида ҳаққуш қичқирарди. Ота яна тилга кирди:

– Онангиз билан мен устозларингиз бўлишга уриниб кўрамиз. Бу қўлимиздан келишига ишонаман... Бизлар анча нарсани кўришга ва бошдан кечиришга улгурдик. Бу саёҳатни биз анча олдин, сизлар ҳали дунёга келмаган пайтларда ўйлаб қўйгандик. Урушлар бўлмаганида ҳам биз, эҳтимол, бари бир Марсга учиб келар, шу ерда ўзимизча яшаб, ўз ҳаёт тарзимизни яраттан бўлардик. Марсни ҳам заҳарлаш учун Ер тамаддунига юз йил керак бўларди. Энди-ку, албатта...

Улар каналга етиб келишди. У узун, тўғри, совуқ бўлиб, унинг муздек ойнасида тун акс этиб турарди.

– Мен ҳар доим марсликни жуда-жуда кўришни хоҳлаб келардим, – деди Майкл. – Қани улар, дада? Сиз ваъда бергандингиз-ку.

– Ана улар, қара, – жавоб берди ота. У Майклни елкасига ўтказди-да, пастни кўрсатди.

Марсликлар! Тимотининг вужуди титраб кетди.

Марсликлар. Канал ичида. Сув юзида Тимоти, Майкл, Роберт, она ва отанинг акслари кўриниб турарди.

Шовуллаётган сув ичидан марсликлар уларга унсиз узоқ, узоқ қараб қолишди...

ТАМОМ.

## МУНДАРИЖА

Марсга ҳужум ....................................3
Январь 1999 Ракета ёзи ....................................3
Февраль 1999 Илла ....................................4
Август 1999 Ёз туни ....................................24
Август 1999 Ерликлар ....................................27
Март 2000 Солиқ тўловчи ....................................53
Апрель 2000 Учинчи экспедиция ....................................55
Июнь 2001 Ой аввалгидек кумуш
нурларини сочади ....................................83
Август 2001 Ўзга юртликлар ....................................125
Декабрь 2001 Яшил тонг ....................................127
Февраль 2002 Мўр-малах ....................................134
Август 2002 Тунги учрашув ....................................135
Октябрь 2002 Соҳил ....................................149
Февраль 2003 Интермедия ....................................150
Апрель 2003 Машшоқлар ....................................151
Июнь 2003 ... Осмони фалак сари ....................................154
2004 – 2005 Янги номлар ....................................170
Апрель 2005 Эшер II ....................................172
Август 2005 Кекса одамлар ....................................196
Сентябрь 2005 Марслик ....................................197
Ноябрь 2005 «Йўл товарлари» ....................................218
Ноябрь 2005 Ўлик мавсум ....................................220
Ноябрь 2005 Кузатувчилар ....................................239
Декабрь 2005 Сокин шаҳарлар ....................................242
Апрель 2026 Узоқ йиллар ....................................259
Август 2026 Ёқимли ёмғир ёғади ....................................276
Октябрь 2026 Марсдаги таътил ....................................286

*Адабий-бадиий нашр*

РЭЙ БРЭДБЕРИ

МАРСГА ҲУЖУМ
*Роман*

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 02.10.да берилган.
Босишга 2016 йил 06.05.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма табоғи 19,0. Шартли босма табоғи 31,92.
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 105.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**
Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87; факс – 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

15200.00
84(7Амер)
Б877



Рэймонд Дуглас
Брэдбери
(1920 — 2012)

XX асрнинг энг буюк фантаст-ёзувчиларидан бири.

1920 йили Иллинойс штатидаги Уокиган шаҳрида таваллуд топган. Бўлажак ёзувчи фақат ўрта таълим билан чекланган, олий маълумотли бўлиш ёзувчига насиб қилмаган.

Брэдбери 12 ёшида ёзувчи бўлишга қарор қилган. Ўзининг дастлабки ишларида у викториан прозаси вакили – Эдгар Аллан Понинг услубига тақлид қилган.

Брэдберининг ҳикоялари дастлаб арзон журналларда чоп этилган ва фақатгина “Марс хроникалари” ҳикоялар тўплами унга муваффақият олиб келган (1950 йил).

1953 йили Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража” роман-антиутопияси чоп этилганидан сўнг, унинг шуҳрати бутун дунёга ёйилди. Шундан кейин ёзувчининг ҳар бир янги китоби катта бир воқеликка айланди. У тўққизта роман, жумладан, “Фалокат яқинлашмоқда” (1962), “Ўлим – ёлғиз қилинадиган иш” (1985), “Ақлсизлар учун қабристон” (1990) романлари, шунингдек, кўплаб қисса (улар орасида қисман автобиографик бўлган “Момақаймоқ виноси” (1957) алоҳида ажралиб туради) ва ҳикоялар муаллифидир. Ёзувчининг ўзи 400 дан ортиқ ҳикоя ёзганини, уларнинг баъзилари нисбатан катта асарларнинг ёзилиши учун асос бўлганини қайд этган.

Рэй Брэдберининг бир қатор асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. “Марсга ҳужум”, “Фаренгейт бўйича 451 даража” кўпчилик адабиёт ихлосмандларининг эътирофига сазовор бўлган.

ISBN 978-9943-27-612-3
ЯНГИ АСР АВЛОДИ